

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ПЎЛАТОВ ДИЛШОД ҲАҶБЕРДИЕВИЧ  
НУРМУХАМЕДОВА БАРНО ИСМАИЛОВНА**

# **ҒАЗНАЧУЛЖ**

**ДАРСЛИК**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
томонидан бакалавриатнинг 5230900 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит”  
(тармоқлар бўйича) таълим йўналиши талабалари учун  
дарслик сифатида тавсия этилган

**Тошкент-2014**

## **АННОТАЦИЯ**

Ушбу дарслик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг такомиллаштирилган давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва намунавий фан дастурлари бўйича янги авлод ўқув адабиётларини яратиш вазифасини бажариш доирасида тайёрланди.

Дарслик давлат бюджети ғазна ижросини ташкил этишнинг назарий ва амалий масалаларини қамраб олган бўлиб, унда давлат бюджети ғазна ижросининг моҳияти ва аҳамияти, Ғазначиликнинг давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ғазна ижросини ташкил этиш бўйича фаолияти тегишли боб ва параграфларда ёритилган.

Дарслик бакалавриатнинг 5230900 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” (тармоқлар бўйича) таълим йўналиши ўқув режасидаги “Ғазначилик” фанининг Намунавий дастурига асосан тайёрланган ва шу фанни ўқийдиган бошқа барча таълим йўналишлари талабалари ва профессор-ўқитувчилари учун мўлжалланган.

## **АННОТАЦИЯ**

Данный учебник подготовлен в рамках выполнения задач Министерства высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан по созданию учебной литературы нового поколения в соответствии с усовершенствованными государственными образовательными стандартами, учебными планами и типовыми программами.

Учебник охватывает теоретические и практические вопросы организации казначейского исполнения государственного бюджета, в нём в соответствующих главах и параграфах освещаются сущность и значение казначейского исполнения государственного бюджета, деятельность Казначейства по организации казначейского исполнения госбюджета, государственных целевых фондов и внебюджетных средств бюджетных организаций.

Учебник подготовлен в соответствии с Типовой программой дисциплины “Казначейство”, входящей в учебный план направления бакалавриата 5230900 – “Бухгалтерский учет и аудит” (по отраслям) и предназначен для студентов других направлений, изучающих данный предмет и преподавателей.

## **КИРИШ**

Ўзбекистон Республикасида давлат молиясини бошқариш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар, қатор вазифалар билан биргаликда, давлат бюджетининг ғазна ижросига босқичма-босқич ўтишни ва унинг фаолият механизмларини такомиллаштиришни назарда тутади. Бунда замонавий ахборот технологиялари ёрдамида давлат маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни жамлаш, қайта ишлаш, узатиш усулларини ўзлаштириш асосида давлат молиясини бошқаришнинг самарали усул ва воситаларини шакллантириш ва мувофиқ ҳолда ишлашини таъминлаш зарур бўлади.

Мамлакатимизда давлат бюджетининг ғазна ижросини самарали тадбик этишга фақатгина барқарор ривожланиш кўрсаткичларига эришганимиздан кейингина муваффақ бўлинди. Ўзбекистон ҳукумати давлат молиясини бошқариш тизимида ҳам кенгқамровли ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириб келмоқда. Бу ислоҳотларнинг ижобий натижаларини давлат бюджети ғазна ижросининг муваффақиятли жорий этилишида кўришимиз мумкин.

Давлат бюджетининг ғазна ижроси давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг барча даромадларини, шунингдек, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича тушумларини ягона ғазна ҳисобрақамга жамлаш ва уларнинг барча харажатларини шу ҳисобрақамдан амалга оширишни назарда тутади. Бу эса давлат бюджети, бюджетдан ташқари фондлар, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари, давлат қарзлари ва уларга хизмат кўрсатиш жараёнларининг тезкор назоратини ва мониторингини олиб бориш, давлат маблағларининг самарали ишлатилишини таъминлаш, давлат молиявий ресурсларининг ҳаракати тўғрисида оператив тарзда маълумотларни жамлаш имконини беради.

Тараққиётимизнинг бугунги шароитида мамлакатимиз иқтисодиётида содир бўлаётган таркибий ўзгаришлар, бутун молия тизимида, унинг

марказий бўғини бўлган давлат молиясида амалга оширилаётган ислоҳотлар давлат молиясини бошқариш масалаларида муайян билим ва кўникумаларга эга бўлиш зарурлигини талаб қилмоқда. Бундай шароитда нафақат давлат молияси ҳақидаги маълум назарий билимларга эга бўлган, балки давлат бюджети ғазна ижроси жараёнларида вужудга келадиган ҳолатларни тушуна оладиган, бюджет ижроси иштирокчилари бўлган молия органлари, ғазначилик бўлинмалари, бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчилар амалий фаолиятини самарали ташкил қила оладиган, давлат маблағларини самарали бошқаришга қаратилган бошқарув қарорларини қабул қила оладиган замонавий мутахассислар тайёрлаш биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Шу сабабли давлат молияси учун ташаббускор, ижодий фикрлайдиган мутахассис кадрларни тайёрлашда бюджет-молия ва бюджетнинг ғазна ижроси назарияси ва амалиётини ўрганишга муҳим ўрин берилади.

Жамиятнинг бу талабини англаган ҳолда, шунингдек, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг таълим тизимиға янги авлод дарсликларини яратиш бўйича дастурий вазифасини бажариш мақсадида муаллифлар томонидан олий таълимнинг тегишли йўналишларидаги талabalар учун “Ғазначилик” номли дарслик яратилди. Ушбу дарсликнинг мақсади талabalарда давлат бюджети ғазна ижросини ташкил этиш ва ғазначилик фаолияти ҳақидаги яхлит билимлар тизимини шакллантириш, ғазначилик механизмларининг амал қилиш хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Ушбу дарсликда замонавий шароитда давлат бюджети ғазна ижросини ташкил этишнинг назарий асослари, ғазначилик фаолиятини тадбиқ этиш ва ривожланиш тарихи, самарали бюджет сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали бюджетнинг ғазна ижроси механизмларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш имкониятлари, давлат молиясини бошқариш ва давлат маблағларининг мақсадли ишлатилиши устидан таъсиричан назоратни ташкил қилиш масалалари кўриб чиқилган.

Дарсликда давлат бюджети ғазна ижросининг моҳияти ва аҳамияти, ғазначилик фаолиятининг ташкилий элементларини жорий этиш босқичлари, ғазна ижросини ташкил этиш хусусиятлари ва тамойиллари, ғазначилик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, унинг амал қилиш механизмлари, миллий иқтисодиётнинг ривожланишида давлат бюджети ғазна ижросининг ўрни ва аҳамияти каби масалалар ёритилган.

Ушбу дарсликни тайёрлашда муаллифлар “Ғазначилик” фани бўйича кенгқамровли ва мураккаб ўқув материалини енгил ўзлаштиришда талабаларга ёрдам бериш, мамлакатимиз ва хориждаги иқтисодчи-олимлар томонидан яратилган адабиётлар ва илмий ишларни ижодий ўрганиш асосида оддий ва тушунарли тилда бу фаннинг асосий мазмунини уларга етказиш, ғазначилик фаолиятига доир тушунчалар ва таянч ибораларнинг мазмунини тушуниб олишда ва давлат бюджети ғазна ижроси амалий фаолияти бўйича зарур билим ва кўникмаларни шакллантиришда яқиндан ёрдам беришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар.

Баён этилган ўқув материалини мукаммалроқ ўзлаштириш мақсадида дарсликнинг ҳар бир бобидан сўнг мавзуга тааллуқли саволлар, мустақил бажариш учун топшириқлар ва тестлар келтирилган бўлиб, уларнинг мунтазам бажариб борилиши ғазначилик фаолияти ҳақидаги билимларни янада мустаҳкамлашга хизмат қиласди.

Муаллифлар бакалавриатнинг 5230900 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” (тармоқлар бўйича) таълим йўналиши ўқув режасидаги “Ғазначилик” фанининг Намунавий дастурига асосан тайёрланган ушбу дарсликнинг давлат бюджети ғазна ижроси бўйича назарий билимларни эгаллашларида бошқа барча таълим йўналишлари талабаларига ҳам ишончли ёрдамчи бўлади ҳамда олий таълим тизими профессор-ўқитувчиларида маълум қизиқиш уйғотади, деб умид билдирадилар.

Дарслик Тошкент Молия институти “Ғазначилик иши” кафедраси профессор-ўқитувчилари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг етук амалиётчи-мутахассисларининг ижодий

ҳамкорлигига тайёрланди. Муаллифлар дарсликнинг яратилишига ҳисса қўшган барча фидойи инсонларга ҳамда тақризчилар – и.ф.д., проф. Н.Ҳ.Ҳайдаров, Молия вазирлиги Ғазначилиги бошлигининг 1-ўринбосари С.Ў.Умурзоқов ва Молия вазирлиги Газначилиги бошлиғи ўринбосари Ф.Нурмухамедовларга ўз миннатдорчиликларини билдирадилар, шунингдек, дарсликнинг шакли ва мазмунини яхшилашга қаратилган таклиф ва тавсияларни мамнуният билан қабул қиласидилар.

## **1-БОБ. “ҒАЗНАЧИЛИК” ФАНИНИНГ МАЗМУНИ, ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**



### **1.1. “Ғазначилик” фанининг шаклланиши ва ривожланиши**

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида давлат молияси тизимида чуқур иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу ислоҳотлар, қатор вазифалар билан биргаликда, давлат молиясини бошқариш самарадорлигини оширишни назарда тутади. Бунда давлат молиясини бошқариш шакллари ва усулларини такомиллаштириш, фан-техника тараққиёти ютуқлари, электрон ҳисоблаш машиналари ва бошқа техник воситалар ёрдамида ахборотни жамлаш, қайта ишлаш, узатиш қоидалари ва усулларини ўзлаштириш асосида ахборотлаштиришни янада ривожлантириш талаб этилади.

Давлат молиясини бошқаришдаги ислоҳотлар шароитида умумдавлат молия тизимининг бош бўғини – давлат бюджетини бошқариш, бюджет жараёнини ташкил этиш тизимидаги ислоҳотлар, хусусан бюджет ижросида кассали тизимдан жаҳон амалиётида синалган ва ўзининг ижобий натижаларини берган давлат бюджетининг ғазна ижросига ўтиш амалга оширилмоқда.

Шу нарса маълумки, Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий мамлакатлар бозор механизмларини кўр-кўрона, сунъийлик билан тадбиқ этиб бўлмайди, чунки жамият аъзолари ўртасида шундай анъанавий иерархик муносабатлар тизими шаклланганки, уларни менсимаслик, кескин қарорлар қабул қилиш чоғида уларни эътиборга олмаслик турли ноҳуш ҳолатларга олиб келиши мумкин. Шу билан бирга, иқтисодиётни бошқаришнинг жаҳон амалиётида тан олинган бир қатор механизмларини иқтисодий-ижтимоий ривожланиш шароитларимизга тегишли тарзда мослаштирган ҳолда қўллаш ва ижобий фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бюджет маблағларидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминловчи шундай механизмлардан бири – давлат бюджетининг ғазна ижросидир.

Ривожланган мамлакатлар амалиётидаги давлат бюджетининг ғазна ижроси тажрибасини Ўзбекистонда жорий этиш ва ривожлантириш, давлат молиявий ресурсларини бошқаришнинг ахборотлаштирилган тизимини жорий этиш давлат молиясининг ҳолати тўғрисида тезкор ва ишончли ахборотлар олиш имконини беради, бу эса давлат молиясини самарали бошқаришни таъминлайди. Ана шу ҳолатларнинг мавжудлиги, шунингдек, давлат молиясини бошқаришнинг моҳият жиҳатдан янги – бюджетининг ғазна ижроси механизмини жорий этиш шарт-шароитлари, имкониятлари,

афзаликларини, ғазначиликнинг ишлаш механизмларини ўрганишнинг зарурлиги мазкур фаннинг келиб чиқишига сабаб бўлди.

Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларидан бири – мамлакатда давлат бюджети ғазна ижроси механизмини жорий қилишдан иборат. “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши давлат маблағларини тақсимлаш ва улардан фойдаланишни тартибга солишда навбатдаги муҳим қадам бўлди. Газначиликни жорий этиш бюджетнинг даромадлар қисмida тушумларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тушишини ва харажатлар қисмida бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишининг назоратини кучайтириш ва пул оқимларини самарали бошқариш имконини берди.

## **1.2. “Газначилик” фанининг предмети, мақсад ва вазифалари**

“Газначилик” фанини ўқитишдан *мақсад* – талабаларга давлат бюджетининг ғазна ижроси ҳақида назарий билимлар бериш, уларда мамлакатда амалга оширилаётган институционал ислоҳотларнинг бугунги босқичида давлат молия тизимида амалга оширилаётган ўзгаришларнинг асосий йўналишлари ва газначиликнинг самарали фаолиятини таъминлаш бўйича асосий кўникмалар ҳосил қилиш, газначиликнинг ташкилий тузилмаси ва унинг ишлаш механизмларини ўрганиш, уларни назарий, амалий ва методологик жиҳатдан такомиллаштиришдан иборат.

Ушбу мақсаддан келиб чиқкан ҳолда мазкур фан ўз предметини ўрганиш учун қуйидаги *вазифаларни* қўяди:

- газначилик фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва аҳамиятини ўрганиш;
- давлат бюджети ғазна ижросининг амал қилиш асосларини ўрганиш;
- газначилик фаолиятини бошқаришнинг ташкилий асосларини ўрганиш;
- давлат бюджети даромадларини газначилик орқали шакллантириш механизмини ўрганиш;
- давлат бюджети харажатларини газначилик орқали ижро этиш ва таркибини ўрганиш;
- газначилик органлари томонидан амалга ошириладиган назорат тизими асосларини ўрганиш;
- газначилик фаолиятини самарали юритиш юзасидан хориж тажрибаларини ўрганиш;
- давлат бюджети ғазна ижросини тадбиқ этишнинг шартшароитлари, унинг афзаликлари ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;
- давлат бюджети ғазна ижросининг амал қилиш механизмларини такомиллаштириш ва ҳ.к.

### **1.3.“Ғазначилик” фанининг иқтисодий фанлар тизимида тутган ўрни ва аҳамияти**

Давлат бюджетининг ғазна ижросини жорий этиш – кенг қамровли масала бўлиб, ўзаро боғлиқ бўлган қатор масалаларни ҳал қилишни талаб этади, хусусан:

*хуқуқий жиҳатдан* – давлат бюджети ғазна ижросига ўтиш ва амал қилишининг қонуний-хуқуқий асосини яратиш ва такомиллаштириш;

*ташкилий жиҳатдан* – Молия вазирлиги таркибида маҳсус ихтисослашган ғазначилик бошқармасини, шунингдек, унинг худудий ва маҳаллий бўлинмаларини ташкил этиш;

*услубий жиҳатдан* – ғазначилик фаолиятининг услубий асосларини шакллантириш, ҳисоб ва ҳисбот тизимини қайта тузиш, Ягона ғазна ҳисобварағини очиш ва юритиш;

*техник ва технологик жиҳатдан* – давлат молияси бўйича катта ҳажмдаги ахборотни тўплаш ва қайта ишлашга имкон берадиган самарали фаолият қилувчи интеграциялашган автоматлаштирилган тизимни яратиш ва жорий қилиш;

*кадрлар таъминоти жиҳатидан* – Молия вазирлиги тизимидағи молия органларининг ҳамда бюджет ташкилотларининг ходимларини ва бухгалтерларини ғазначилик шароитида ишлаш бўйича қайта ўқитиш ва малакасини ошириш.

Назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам, методологик ҳамда ташкилий жиҳатдан давлат бюджетининг ғазна ижросини тушуниш ҳамда бевосита ижро этиш анча мураккаб жараёндир. Ана шу жиҳатлар “Ғазначилик” фанининг ҳам мураккаблигини белгилаб беради. Фан сифатида мавжуд бўлиши унинг бошқа маҳсус фанлар билан назарий жиҳатдан боғлиқликда бўлишини талаб этади. Давлат бюджетининг ғазна ижроси иштирокчилари: молия органлари, бюджет ташкилотлари, банклар, ғазначилик бўлинмалари, мол етказиб берувчилар ва бошқалар фаолиятининг хусусиятлари унинг бошқа иқтисодий фанлар: Давлат бюджети, Маҳаллий бюджетлар, Давлат мақсадли жамғармалари, Молиявий назорат, Бухгалтерия ҳисоби, Молиявий таҳлил, Аудит каби фанлар билан мантиқан узвийлиқда бўлишини ва боғлиқлигини белгилаб беради.

Шу билан бирга, “Ғазначилик” фани қатор маҳсус фанлар, жумладан, “Ғазначилик тизимида назорат”, “Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими”, “Ғазначилик фаолияти механизми” каби фанларни ўзлаштириш учун назарий-услубий асос бўлиб хизмат қиласди.

#### **Таянч сўз ва иборалар**

Давлат бюджети ижроси, кассавий ижро, давлат бюджети ғазна ижроси, ягона ғазна ҳисобрақами, ғазначилик органлари, фаннинг предмети, фаннинг мақсад ва вазифалари

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. “Ғазначилик” фанининг шаклланиш ва ривожланиш шартшароитлари ва зарурлигини қандай ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин?
2. Давлат молиясини бошқариш деганда нимани тушунасиз?
3. “Давлат молиясини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш” лойиҳасининг стратегик йўналишлари нималардан иборат?
4. “Ғазначилик” фанининг бошқа фанлар билан узвий боғлиқлиги қандай омиллар билан боғлиқ?
5. Фаннинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

### **Мустақил ўрганиш учун топшириқлар**

1. “Ғазначилик” фанининг бошқа иқтисодий фанлар билан боғлиқлигини ҳамда мақсад ва вазифаларини акс эттирувчи чизма тайёрланг ва изоҳ ёзинг.


## **2-БОБ. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ҒАЗНА ИЖРОСИННИГ МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ**



### **2.1. Давлат бюджети ижросини ташкил этиш**

Бугунги кунда бюджет жараёнини самарали ташкил қилиш ишларини ғазначилик назоратисиз таъминлаш қийин эканлигини олимлар ва иқтисодчилар, қолаверса, соҳа мутахассислари асосли равишда эътироф этмоқдалар. Чунки ғазначилик назорати бюджет даромадлари ва ҳаражатларини ягона ғазна ҳисобрақамига жамлаш, пул маблағларини тўғри режалаштириш, молиявий оқимларнинг дастлабки ва жорий назоратини амалга ошириш ҳамда давлат бюджетини юқори оперативликда ижро қилиш имконини беради.

Маълумки, глобал жаҳон иқтисодиётидаги жиддий муаммолар ҳамда уларнинг дунёдаги кўплаб мамлакатлар қаторида бизнинг мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам кўрсатаётган салбий таъсирига қарамасдан, охирги йилларда республикамизда юқори ва барқарор ўсиш суръатларини сақлаб, макроиқтисодий барқарорлик ва мутаносиблигнинг таъминлананаётганлиги ўзига хос ижобий кўрсаткич бўлмоқда (2.1-расм).




**2.1-расм. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллар давомида ўсиши динамикаси, фоизда<sup>1</sup>**

Расмдан кўринадики, агар мамлакатимизда ЯИМнинг ўсиш суръатлари 2000-2003 йилларда 3,8-4,2 фоиз, 2004-2006 йилларда 7-7,3 фоиз, 2007-2008 йилларда эса 9-9,5 фоиз даражасида кузатилган бўлса, кейинги йилларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози мазкур кўрсаткичга ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, ўсиш суръатларида бир оз

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

пасайиш рўй берди. Бироқ, мамлакатимизда чуқур ўйланган ҳолда ишлаб чиқилган ҳамда изчил равишда олиб борилаётган самарали иқтисодий сиёсат натижасида шаклланган омиллар шундай мураккаб шароитда ҳам ЯИМнинг юқори ва барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолишни таъминламоқда (2.1-расм).

Республикамизда кузатилаётан макроиктисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суръати шароитида давлат бюджетининг тақчиллик билан режалаштирилишига қарамасдан, биргина 2012 йилда ЯИМга нисбатан 0,4 фоиз профицит билан ижро этилаётгани нафақат иқтисодий соҳада, балки давлатнинг молиявий фаолияти соҳасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг натижасидир (2.2-расм).



**2.2-расм. 2000-2013 йилларда давлат бюджетининг ҳолати тўғрисида маълумот<sup>1</sup>**

Расмдан кўринадики, 2000-2004 йиллар давомида мамлакатимиз давлат бюджети тақчиллигини -1 фоиздан -0,4 фоизга пасайтириш, 2005-2008 йиллар давомида эса давлат бюджети тақчиллигига барҳам бериб, давлат бюджети профицитини 0,1 фоиздан 1,5 фоизга оширишга эришилди. Кейинги йилларда мазкур жараёнларга ҳам жаҳон молиявий-иктисодий инқизози ўзининг салбий таъсирини кўрсатишига қарамасдан, бюджет профицитини сақлаб қолишга эришилмоқда. Хусусан, мураккаб кечган 2013 йилда ҳам мақсадга мувофиқ йўналтирилган чора-тадбирлар натижасида бюджет даромадларининг харажатлардан ортиш ҳажми ЯИМнинг 0,3 фоизи даражасида бўлишига эришилди.

Хусусан, бунда иқтисодиётдаги солиқ юкини изчил камайтириб бориш сиёсати шароитида бюджет харажатларининг манзилли бўлишини ва уларнинг мақсадлилик даражасини ошириш, бюджет маблағларининг

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

жон бошига молиялаштириш тизимини тадбиқ этиш, бюджетнинг ғазна ижроси механизмларини жорий қилиш каби чора-тадбирларнинг аҳамияти каттадир.

Ушбу боб бюджет ижросини ташкил этиш масалаларига бағишланган экан, даставвал бюджет жараёнини ташкил қилишнинг назарий ва ташкилий асосларини, бюджет жараёнини самарали ташкил этишнинг зарурлиги ва вазифаларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Аввало, бюджет жараёни тушунчасининг мазмунига тўхталарадиган бўлсак, бюджет жараёни - бюджет лойиҳасини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш, унинг ижро этилишини назорат қилиш, ижроси ҳақидаги ҳисоботни тайёрлаш ва тасдиқлаш, шунингдек давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солиниши билан боғлиқ бўлган давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ҳамда бошқа бюджет жараёни иштирокчиларининг мақсадли фаолиятидир. Унинг мазмuni мамлакатнинг давлат ва бюджет қурилиши, тегишли ваколатли органлар ва юридик шахсларнинг бюджет хуқуқлари билан белгиланади.

2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексида “бюджет жараёни” атамасига қўйидагича таъриф берилган: “*бюджет жараёни* – бюджет тизими бюджетларини шакллантириш, тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ва ижро этиш, уларнинг ижроси устидан назорат қилиш, бюджет тизими бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлаш ва тасдиқлаш, шунингдек улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёни”<sup>1</sup>. Ушбу таърифдан келиб чиқсан ҳолда, айтиш мумкинки, бюджет жараёни, одатда, бюджет фаолиятининг қўйидаги тўрт босқичини ўз ичига олади (2.3-расм):



### 2.3-расм. *Бюджет жараёни босқичлари*<sup>2</sup>

Бюджет жараёни бюджетни режалаштиришдан бошланади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси, З-модда (ЎРҚ-360-сон. 26.12.2013).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг З-моддаси асосида (ЎРҚ-360-сон. 26.12.2013).

Бюджетни режалаштириш давлат молиявий сиёсати талабларига мувофиқлаштирилган молиявий режалаштиришнинг муҳим таркибий қисмини ташкил қиласди. Бундай режалаштиришнинг иқтисодий вазифаси турли даражадаги бюджетлар ва бюджетдан ташқари жамғармаларни тузиш ва ижро этиш жараённида мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг умуммиллий дастурлари асосида ялпи ички маҳсулот ва миллий даромад қийматини молия тизими бўғинлари ўртасида марказлаштирилган тарзда қайта тақсимлаш нисбатларини тўғри белгилашдан иборатдир.

Бюджетни режалаштириш турли даражадаги бюджетларни тузиш ва ижро этиш тартиби, унинг меъёрий-хуқуқий базаси ва ташкилий асоси тарзида бюджет жараёнини, шунингдек, мамлакат бюджетини тузишнинг назарияси ва методологияси масалаларини ҳам ўз ичига олади. Бюджетни режалаштириш асослари мамлакат конституцияси ва қонунлари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджети лойиҳасини бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ оловчилар тақдим этган буюртмалар ва Давлат бюджетининг тузилмасига кирувчи бюджетлар лойиҳаларига мувофиқ тайёрлайди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги келгуси молия йилига мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлайди ва уни *бюджетному* – эришилган натижалар ҳисобга олинган ҳолда мамлакатни келгуси давр учун ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини назарда тутадиган хужжат таркибида жорий йилнинг ўн бешинчи сентябрига қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади. Вазирлар Маҳкамаси томонидан бюджетнома Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига хulosса тақдим этиши учун – жорий йилнинг 20 сентябрига қадар киритилади. Ҳисоб палатаси икки ҳафталик муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳаси бўйича ўз хulosасини тақдим этади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан давлат бюджети лойиҳаси (Бюджетноманинг таркибида) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига – Ҳисоб палатасининг хulosаси билан жорий йилнинг 15 октябридан кечиктирмай киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан вакил қилинган вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, шунингдек, тегишли ташкилотлар билан биргаликда ишлаб чиқилган ва Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган “Бюджетнома” деб аталадиган хужжат қуйидагиларни ўз ичига олади:

- мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ўтган йилги асосий якунлари ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг жорий йилги якунларининг прогноз баҳосини;
  - давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳасини ишлаб чиқиша фойдаланилган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозини;
  - давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари жорий йилдаги ижросининг прогноз баҳосини;
  - солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳасини;
  - давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳасини;
  - давлат қарзининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар;
  - солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳасига доир тушунтириш хатини.
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва бошқа молия органлари давлат бюджети ва унинг тузилмасига кирувчи бюджетларнинг қонун хужжатларида белгиланган кўрсаткичлар доирасида бажарилиши учун жавобгардир. Давлат бюджети даромадлари ва харажатларини бошқариш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Давлат бюджетининг ғазна ижросини ташкил этиш, шунингдек, унинг давлат даромадлари ва харажатларини ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда амалга оширилади. Бюджет Кодексига асосан Молия вазирлигининг *бюджет соҳасидаги ваколатлари* қуидагилардан иборат:

- Давлат бюджети ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳаларини тайёрлайди;
- давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари лойиҳаларини кўриб чиқади;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бюджетнома лойиҳасини кўриб чиқиш учун тақдим этади;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари прогнозини ҳар чоракда етказади;
- бюджет маблағларини тақсимловчиларга ва давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларга улар учун назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажмларини етказади;
- бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг харажатлар сметалари ва жамланма харажатлар сметалари, штат жадвалларини, шунингдек уларга киритилган ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказади;

- Бюджет Кодексининг 145-моддасида назарда тутилган тартибда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг харажатлари ёйилмасига молия йили мобайнида ўзгартиришлар киритади;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Бюджет Кодексининг 144-, 145- ва 149-моддаларида назарда тутилган тартибда Давлат бюджети, Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари параметрларига ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар тақдим этади;
- Бюджет Кодексининг 146-моддасида назарда тутилган тартибда молия йили мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг тасдиқланган параметрларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги таклифларини кўриб чиқади;
- соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни уларнинг манбалари кесимида тўлиқ ва ўз вақтида тушиши устидан мониторингни амалга оширади;
- бюджет тизими бюджетларининг маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни амалга оширади;
- Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисботлар, шунингдек бюджет ташкилотлари ҳамда бюджетдан маблағ олувчиларнинг молиявий ҳисботлари шаклларини ва уларни тақдим этиш тартибини тасдиқлайди;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг тегишли даврдаги ижроси тўғрисида ҳисботот тақдим этади;
- бюджетдан ташқари маҳсус ҳисобварақларда захиралар ташкил этади;
- Давлат бюджетини ижро этиш жараёнида унга тушумларни кўпайтириш бўйича қўшимча захираларни аниқлайди;
- бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатларини мақбуллаштиришни амалга оширади;
- бюджет ссудаларини беради;
- давлат томонидан маблағлар жалб қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг шартномалари ва давлат кафолатларини рўйхатдан ўтказади;
- давлат қарзининг ҳисбини ва мониторингини юритади;
- бюджет тизими бюджетларининг касса ижросини юритади;
- бюджет тизими бюджетларининг Ягона ғазна ҳисобварағидаги ва бошқа банк ҳисобварақларидағи маблағларини бошқаради;

- бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчилар билан тузилган шартномаларини рўйхатдан ўтказади;
- бюджет тизими бюджетларида маблағлар назарда тутилган юридик ёки жисмоний шахслар номидан ва уларнинг топшириғига кўра тўловларни амалга оширади;
- бюджет тизими бюджетлари ижросининг бюджет ҳисобини юритади;
- давлат қарзи бўйича хизмат кўрсатади, Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолатларини бажаради;
- Ўзбекистон Республикаси га келаётган инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш маблағлари ҳисобини юритади;
- бюджет тизими бюджетлари даромадлари ва харажатларининг баланслилигига таъсир кўрсатувчи норматив-ҳукуқий ҳужжатларни молиявий ҳамда иқтисодий экспертиздан ўтказади;
- ўз ваколатига кирадиган масалаларга доир норматив-ҳукуқий ҳужжатлар қабул қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджет соҳасида бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

*Бюджет тизими бюджетларининг ижроси* бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган, бюджет тизими бюджетлари даромадларининг тушишини таъминлаш ва харажатларини амалга оширишни, шунингдек уларнинг ижроси билан боғлиқ операцияларни ҳисобга олишни назарда тутади<sup>1</sup>.

Бюджет тизими бюджетларининг ижроси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ғазна ижроси йўли билан амалга оширилади. Ғазна ижроси фаолиятни чет элда амалга ошираётган бюджет ташкилотларига ва бюджет маблағлари олувчиларга татбиқ этилмайди.

Бюджет ижросини ташкил қилишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ягона ахборот тизимида бюджет тизими бюджетлари, бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчилар учун шахсий ғазна ҳисобвараклари очилади.

Бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчилар ўз харажатлар сметаларида назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағларни молия йили тугагунига қадар сарфлайдилар.

Бюджет қонунчилигига мувофиқ, мамлакатда мудофаа қобилиятини, хавфсизликни, ички тартибни сақлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Бюджет тизими бюджетларининг ижроси молия йили мобайнида ва қўшимча вақт даврида амалга оширилади. Кейинги йилнинг январ ойи


---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси, VII бўлим, 19-бўб, 109-модда.

молия йилига қўшимча вақт даври бўлиб, бу давр мобайнида ўтган йил учун бюджет тизими бюджетларининг ижроси амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бюджет тизими бюджетларининг қўшимча вақт давридаги ижроси бўйича операцияларни ўтказиш тартибини ва энг кеч муддатларини белгилайди.

Бюджет Кодексининг 117-моддасида бюджет тизими бюджетлари даромад қисмининг ижроси нималарни ўз ичига олиши кўрсатилган бўлиб, бюджет тизими бюджетлари даромад қисмининг ижроси қўйидагиларни ўз ичига олади (2.4-расм):

- тушумларни Ягона ғазна ҳисобварағига ва бошқа банк ҳисобваракларига киритиш;
- тушумларни бюджет тизимининг бюджетлари ўртасида тақсимлаш;
- ортиқча ёки нотўғри тўланган тушум суммаларини қайтаришни ёхуд уларни қарзни тўлаш евазига ҳисобга олиш;
- ҳисоб ва ҳисбот.



#### **2.4-расм. Бюджет тизими бюджетлари даромадлари ижросини ташкил этиши<sup>1</sup>**

Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига даромадларни йиғишига ваколатли бўлган органлар ва ташкилотлар, бундан давлат солик хизмати органлари ва божхона органлари мустасно, даромадларнинг тўғри ҳисоблаб чиқилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг VII бўлим, 19-боб, 109-моддаси асосида келтирилди.

устидан назоратни амалга ошириши, шунингдек, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, давлат солиқ хизмати органига ҳисобот тақдим этиши шарт.

Бюджет Кодексининг 120-моддасига кўра, бюджет тизими бюджетлари харажатлар қисмининг ижроси қўйидагиларни назарда тутади (2.5-расм):

юридик ва молиявий мажбуриятларни қабул қилиш,  
рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш

касса харажатларини амалга оширишни, шу жумладан бюджетлараро трансферларни  
ўтказиш

ҳисоб ва ҳисобот

### **2.3-расм. Бюджет тизими бюджетлари харажатлари ижросини ташкил этиши<sup>1</sup>**

- юридик ва молиявий мажбуриятларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш;
- касса харажатларини амалга ошириш, шу жумладан бюджетлараро трансферларни ўтказиш;
- ҳисоб ва ҳисобот.

Бюджет тизими бюджетларининг харажатлари даромадлар ва харажатлар ёйилмасида назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида ҳамда бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар фаолият кўрсатишини таъминлайдиган муддатларда, даромадларнинг тушиши ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

Бюджет ижроси жараёнида бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчиларга турли даражадаги бюджетлардан бюджет маблағларини ажратишга йўл қўйилмайди.

Бюджет тизими бюджетларининг ижроси жараёнида бюджетдан ажратиладиган маблағлар қўйидаги ҳолатларда камайтирилади:

- 1) қўйидагилар муносабати билан фойдаланилмай қолган бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг:

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг VII бўлим, 19-боб, 120-моддаси асосида келтирилди.

- бюджет ташкилотларининг тармоғи, штатлари ва контингентлари бўйича режа бажарилмаганлиги;
- бюджет ташкилотларининг тасдиқланган штат жадвалида назарда тутилган штат бирликлари тўлдирилмаганлиги;
- капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун назарда тутилган маблағлар молия йили яқуни бўйича тўлиқ ўзлаштирилмаганлиги;
- бюджет ташкилоти ва бюджет маблағлари олувчилар фаолияти тўхтатиб турилганлиги, тўхтатиб турилган давр учун;

2) давлат молиявий назорати бўйича тадбирлар давомида аниқланган, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг тасдиқланган харажатлар сметаларида назарда тутилган ортиқча ва қонунга хилоф равишда бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг;

3) қонун ҳужжатлари қабул қилиниши муносабати билан бюджетдан ажратиладиган маблағлар миқдорларининг қисқартирилиши;

4) молия йили бошига товар-моддий қимматликларнинг нормативдан ортиқ захираларининг;

5) дотациялар ва субсидияларни тўлаш учун мўлжалланиб, зарурат қолмаган суммаларига камайтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси йилнинг ҳар чорагида Давлат бюджети ижросининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тақдим этадиган якунларини кўриб чиқади.

Республика бюджетидан харажатлари режалаштирилган бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчилар бюджетдан ажратиладиган маблағлардан ҳисобот даврида фойдаланганлик тўғрисидаги ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига шу вазирлик учун белгиланган муддатларда тақдим этади. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ҳамда маҳаллий бюджетлардан харажатлари режалаштирилган бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчилар бюджетдан ажратиладиган маблағлардан ҳисобот даврида фойдаланганлик тўғрисидаги ҳисоботларни тегишли молия органларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгилаган муддатларда тақдим этади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни, шунингдек, давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелигача тақдим этади.

Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни ташқи аудит ўтказиш ва баҳолаш учун Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 5 апрелигача юборади. Ҳисоб палатаси йиллик ҳисоботга доир хulosани ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 10 майидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборади.

Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг хуносаси билан бирга ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 майидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига тақдим этади.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тегишли ҳисобот даври учун тақдим этилган Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг сиёсий партиялар фракциялари, депутатлар групхлари ва қўмиталарида мухокама қилиш асосида қўриб чиқади. Кўриб чиқилган йиллик ҳисобот Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисида қўриб чиқилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қарори билан тасдиқланади, шундан кейингина давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий web-сайтига жойлаштирилади.

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари  
бюджет жараёни иштирокчилари
- давлат молиявий назорат органлари  
бюджет жараёни иштирокчилари
- бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчилар  
бюджет жараёни иштирокчилари

#### *2.4-расм. Бюджет жараёни иштирокчилари<sup>1</sup>*

Бюджет Кодексининг З-моддасида келтирилишича, “бюджет жараёни иштирокчилари – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, давлат молиявий назорат органлари, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар” бўлиб (2.4-расм), Кодексда шунингдек, марказий ва маҳаллий давлат бошқаруви ва ижроия органларининг ҳамда бюджет жараёни бошқа иштирокчиларининг ваколатлари тегишли моддаларда аниқлаштирилган.

Бюджет жараёнини ташкил қилишда қўйидаги тамоилларга риоя қилинади:

– ягоналик – ягона ҳуқуқий база, ягона бюджет таснифи, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ва ҳудудлар бюджетларини тузишда статистик ахборот тузиш учун зарур бўлган бюджет ҳужжатлари шаклининг ягоналиги;

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси (ЎРҚ-360-сон. 26.12.2013)нинг З-моддаси асосида талаба томонидан тайёрланди.

– ҳар бир қонун чиқарувчи ва ижроия хокимияти органи бюджет жараёнининг *мустақиллиги* - ўз даромад манбалари ва улардан фойдаланиш йўналишларини белгилаш хуқуқи билан таъминланади;

– *баланс усули* – барча бюджет тизими бюджетларининг даромадлари ва харажатлари ўртасида, шунингдек, моддий ва молиявий кўрсаткичлар ўртасида тўғри нисбатларни белгилашни назарда тутади.

## **2.2. Ўзбекистон Республикасида давлат бюджетининг ғазна ижросига ўтиш шарт-шароитлари ва афзалликлари**

Мамлакатимизда давлат бюджетининг ғазна ижросига ўтишгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва унинг топшириғига мувофиқ тижорат банклари *давлат бюджетининг кассавий ижросини* амалга ошириб келдилар. 2000 йил 14 декабрда қабул қилиниб, 2014 йил 1 январда Бюджет Кодекси қучга киргунга қадар бюджет амалиётининг хуқуқий асосини ташкил қилиб келган “Бюджет тизими тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 37-моддасида “Давлат бюджетининг касса ижросини ташкил этиш, шунингдек унинг давлат даромадлари ва харажатларини ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда амалга оширилади. Давлат бюджетининг касса ижроси операцияларини банклар Марказий банкнинг топшириғига биноан бажаради”, - деб белгилаб қўйилган эди. Бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлари уларнинг ҳисобваракларидағи бюджет маблағлари қолдиқлари доирасида тўлов топшириқномалари бўйича амалга ошириб келинди.

Бу амалиёт бир неча ўн йиллар мобайнида бюджет ижросида маълум даражадаги самара билан қўлланиб келинди. Лекин кейинги йилларда давлат бюджетининг кассавий ижроси давлат маблағларини бошқариш, бюджет ижросини ташкил қилиш ва назоратини олиб бориш, маблағларнинг самарали ишлатилишини таъминлаш масалаларида бир қатор *муаммоларни* келтириб чиқарди (2.5-расм):

- бюджет даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги ахборотларнинг етарли даражада оператив (тезкор) эмаслиги;
- даромадларнинг банк ҳисобрақамларига тушиши ва бюджетнинг ҳисобрақамларида акс эттирилишидаги узилишларнинг мавжудлиги боис бюджет ресурсларини бошқаришдаги тезкорликнинг сустлиги;
- солик даромадларининг бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимланиш жараёнларини самарали тартибга солиш ва даромадлар тушумини жадаллаштиришнинг зарурлиги;
- бюджет ажратмаларининг ҳажмлари билан ҳақиқатда амалга оширилган тўловлар суммалари кўрсаткичларининг тарқоқлиги тифайли

маблағларнинг тушуми ва сарфланиши устидан ягона назоратнинг мураккаблашуви;



**2.5-расм. Давлат бюджети газна ижроси жорий қилингунга қадар юзага келган муаммолар<sup>1</sup>**


<sup>1</sup> Қосимова Г. Давлат бюджети ижросининг ғазничилик тизими. Ўқув кўлланма. Т.: Иқтисод-молия, 2008. Ўқув кўлланмада келтирилган материаллар асосида.

- бюджет ташкилотларининг ҳисобрақамларида ишлатилмаётган бюджет маблағларининг туриб қолиши;
- бюджет маблағларининг ажратилиши билан уларнинг сўнгги истеъмолчиларга етиб боришигача бўлган вақтнинг узоклиги;
- давлат маблағлари ҳаракатининг мураккаблашуви ва ҳажмларининг ортиб бориши билан улардан оқилона фойдаланиш устидан дастлабки назоратнинг ва жорий мониторингнинг зарурлиги ва бошқалар.

Санаб ўтилган муаммолар кеча ёки бугун юзага чиқмади, улар йиллар давомида йиғилиб, тезкор суръатлар билан ривожланиб бораётган жамият тараққиётига ҳалақит бера бошлади. Бюджет ижроси устидан назоратнинг сустлиги, маблағларни оператив бошқариш имкониятининг камайиб бораётганлиги, бюджет ижроси тўғрисидаги тезкор ва аниқ маълумотларни олиш, жамлаш, қайта ишлаш ва тегишли бошқарув қарорларини қабул қилишдаги қийинчиликлар давлат молиясини бошқариш тизимида ислоҳотлар қилишни, бюджет маблағларини бошқаришнинг самарали усул ва воситаларини излаб топиб, тадбиқ этишни талаб этди ва давлат бюджетининг кассавий ижросидан ғазна ижросига ўтишнинг зарурлигини белгилаб берди.

Давлат бюджети ижросини ғазначилик механизмларига ўтказишнинг қуйидаги **афзалликлари** мавжуд (2.6-расмга қаранг):

- қисқа фурсатларда давлат молиявий ресурсларининг реал ҳажмини ва унинг истиқбол кўрсаткичларини аниқлаш;
- давлат молиясининг ҳолати тўғрисидаги тезкор ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;
- давлат бюджетининг ҳам даромадлари, ҳам ҳаражатлари қисми кассали ижросининг ҳар кунги деталлаштирилган мониторингини ўтказиш;
- тасдиқланган бюджет маблағлари доирасида бюджет ташкилотларининг товарлар ва хизматлар етказиб берувчилар олдида мажбуриятлар қабул қилиш босқичида (шартномалар, контрактлар тузиш) дастлабки назорат қилиш;
- молия органлари томонидан бюджет ҳаражатларини ўз вақтида ва манзилли молиялаштириш билан бюджет маблағларини бош тақсимловчилар томонидан сустеъмол қилиш ва нотўғри ишлатишнинг олдини олиш мақсадида жорий назорат қилиш;
- бюджет ташкилотлари мажбуриятларини олгандан кейин пул маблағларини ғазначилик ҳисобрақамидан тўғридан-тўғри таъминотчиларнинг ҳисобрақамига ўтказиш натижасида пул оқимлари ҳаракати бўйича жараёнларни қисқартириш;
- ғазначиликнинг бир поғонасида иккинчи поғонасига пул маблағларини ўтказишни соддалаштириш натижасида бюджет маблағларини тезкор ишлатиш.



**2.6-расм. Давлат бюджети ғазна ижросини жорий этишининг афзалликлари<sup>1</sup>**

<sup>1</sup> Қосимова Г. Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими. Ўқув кўлланма. Т.: Иқтисод-молия, 2008. Ўқув кўлланмада келтирилган материаллар асосида.

## **2.3. Давлат бюджети ғазна ижросининг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари**

Бизга маълумки, 2004 йил 26 августда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги 664-П-сон Қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонунда кўрсатилишича, “*Давлат бюджетининг ғазна ижроси давлат бюджетининг барча даромадларини ягона ғазна ҳисобрақамига киритишдан, шунингдек, давлат бюджетининг харажатларини шу ҳисобрақамдан тўлашдан иборат*”<sup>1</sup>.

Давлат бюджети ғазна ижросининг *асосий ташкиллари* - кассанинг ягоналиги ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишининг ягоналигидан иборат. Давлат бюджетининг ғазна ижроси қонун хужжатларида белгилаб қўйиладиган маҳсус ваколатли молия органи ҳамда унинг Қорағалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлардаги худудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Давлат молиясини бошқариш - давлат ўз вазифаларини самарали бажаришини таъминлаш, молиявий ресурсларни сафарбар қилишда маълум самарага эришиш, ягона тизим асосида молиявий ресурсларни тақсимлаш ва ишлатиш ва ниҳоят иқтисодий барқарорлаштириш ва жамият ривожи учун шароит яратиш борасида давлат томонидан кўриладиган тадбирлар йигиндисидир.

Давлат молиясини бошқаришнинг институционал таркибида, бошқа ваколатли органлар билан бир қаторда, Ғазначилик ҳам алоҳида муҳим ўрин эгаллайди. Ғазначилик - бюджетдан маблағ олувчиларнинг мажбуриятларини ижрога қабул қиласи ва бюджет ташкилотларига етказиб берилган товар маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун Ғазначилик уларнинг номидан ва уларнинг топшириғига биноан ваколатни ўз зиммасига олади ва бюджет маблағларининг мақсадли ишлатилишини таъминлаш ва назорат қилиш асосида тўловларни амалга оширади.

Давлат бюджети ғазна ижроси деганда давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари тўпланадиган ва ушбу маблағлар доирасида аниқ белгиланган йўналишлар бўйича харажатлар амалга ошириладиган ягона ғазна ҳисобрақами орқали давлат бюджетининг ижро этилиши ҳамда шу орқали давлат молиясини мақсадли ва самарали бошқаришни ташкил этиш тушунилади.

Давлат бюджети ғазна ижросига ўтишгача бўлган даврда бюджет ижроси жараёни қўйидаги босқичларда амалга оширилар эди:

- бюджет тушумларини тақсимлаш;

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Қонуни. 4-модда.

- тегишли бюджетларда жамланган маблағларни бюджетдан маблағ олувчиларнинг уларга хизмат кўрсатувчи банкларда очилган ҳисобракамларига ўтказиш.

Давлат бюджети ижросининг бундай тартибида бюджет маблағлари нинг кейинги тақдири бутунлай фойдаланувчиларнинг ихтиёрига боғлиқ бўлиб қолди. Давлат бюджети маблағларидан қай даражада самарали ва оқилона фойдаланилганлигини эса фақатгина бухгалтерия ҳисботлари орқали сўнгги назорат усувларидан фойдаланган ҳолда текшириш мумкин эди.

Мазкур муаммоларни эътиборга олган ҳолда, Давлат молиясини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш тадбирлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги тизимида бюджетни ғазначилик орқали ижро этиш учун масъул бўлган институционал тузилма шакллантирилди. Бу фаолият бир неча босқичларда амалга оширилди. Уларни хронологик жиҳатдан қуидагича тавсифлаш мумкин (2.1-жадвал):

*2002 йилда “Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш” лойихаси маъқулланди ҳамда уни тайёрлаш ва амалга ошириш бўйича масъулият Молия вазирлигига юклатилди. Мазкур лойиханинг мақсади “давлат молиясини бошқаришни такомиллаштириш, замонавий компьютерлар ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда бюджет маблағларининг самарали сарфланишини таъминлаш, бюджет ижросининг янги тизимини яратишдан иборат”<sup>1</sup> бўлди.*

– *2004 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Конунини қабул қилинди. Бу Конун бюджет харажатларини бошқариш ва назорат қилиш жараёнларига кескин ўзгартиришлар киритди. Ушбу Конуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг (шу жумладан давлат мақсадли жамғармаларининг) ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларининг ғазна ижроси соҳасидаги муносабатларни тартиба солишдан иборат бўлди. “Давлат бюджети ғазна ижроси тўғрисида”ги Конуннинг қабул қилиниши ўз навбатида бюджетдан маблағ олувчиларнинг товарларни етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларини рўйхатдан ўтказиш ҳамда уларнинг харажатларини тўлашга қаратилган бюджет маблағларининг ҳаракатини назорат қилиш тартибини аниқлаш ва белгилашни тақозо этади.*

– *2005 йилда Молия вазирлиги таркибида давлат бюджетининг ғазна ижросини жорий қилиш услубиёти бошқармаси ташкил этилди. Давлат бюджетининг ғазна ижросини жорий этиш – кенг қамровли масала бўлиб, ўзаро боғлиқ бўлган қатор масалаларни ҳал қилишни талаб этарди, хусусан, ғазначилик фаолиятининг услугий асосларини шакллантириш, ҳисоб ва ҳисбот тизимини қайта тузиш, ягона ғазна ҳисбварагини очиш ва шу каби масалалар Услубиёт бошқармаси фаолиятининг диққат*

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш лойихасини амалга оширишга тайёрланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 144-сон (26.04.2002) Қарори, 3-банд.

**2.1-жадвал**

**Ўзбекистон Республикасида давлат бюджети ғазна ижросини тадбиқ этиш босқичлари**

<b>Йиллар</b>	<b>Амалга оширилган тадбир</b>	<b>Асос</b>
<b>2002 йил</b>	Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш лойиҳасини амалга ошириш бошланди	ЎзР ВМнинг “Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш лойиҳасини амалга оширишга тайёрланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 144-сон Қарори (26.04.2002)
<b>2004 йил</b>	Давлат бюджети ғазна ижросининг қонуний-хуқуқий асоси яратилди	Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бюджети ғазна ижроси тўғрисида”ги 664-II сонли Қонуни (26.08.2004)
<b>2005 йил</b>	Самарқанд, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида ғазначилик тизимини жорий қилиш бўйича тажриба лойиҳаси бошланди	ЎзР ВМнинг “Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш лойиҳасини амалга оширишга тайёрланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 144-сон Қарори (26.04.2002)
<b>2006 йил</b>	Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида давлат бюджети ғазна ижроси босқичма-босқич жорий қилинди	ЎзР Президентининг “ЎзР нинг 2006 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-244-сонли қарори (27.12.2005)
<b>2007 йил</b>	Барча худудларда давлат бюджети ғазна ижроси жорий қилинди, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги ва унинг худудий бўлинмалари тузилди	ЎзР Президентининг “Давлат бюджети ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-594 сонли Қарори (28.02.2007)
<b>2009 йил</b>	Давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари фонdlарнинг ғазна ижроси жорий қилинди, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича даромад ва харажатлари ғазна ижроси йўлга қўйилди	ЎзР Президентининг “2009 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 2008 йил 29 декабр ПҚ-1024-сон қарори
<b>2010 йил</b>	Тажриба тариқасида давлат бюджетининг божхона орқали тушувчи даромадлари ижроси ғазначилик орқали амалга оширила бошлади	ЎзР Президентининг “2010 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 2009 йил 22 декабр ПҚ-1245-сон қарори
<b>2011 йил</b>	Давлат харидлари бўйича хукумат комиссиясининг ишчи органи ЎзР МВ Ғазначилиги деб белгиланди.	ЎзР Президентининг “Давлат харидлари тизимини муқобиллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб қилишни кенгайтириш тўғрисида”ги ПҚ-1475-сонли қарори (17.02.2011)
<b>2012 йил</b>	Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари Ғазначилик нинг Ягона ғазна хисобварағидан амалга оширила бошланди	Тегишли норматив-хуқуқий ҳужжатлар асосида

марказида бўлди ва бюджетнинг ғазна ижроси методологиясини яратишга қаратилди.

– 2007 йилда республиканинг барча ҳудудларида давлат бюджетининг ғазна ижроси элементлари жорий этилди, давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифига кўра барча гурухлари бўйича ижроси ғазначилик билан қамраб олинди.

– 2007 йилда Давлат бюджетининг ғазна ижросини тадбиқ этиш ҳисобига бюджет тизимини янада ислоҳ этиш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан назоратни кучайтириш, барча даражалардаги бюджет даромадлари ва харажатларини бошқариш самарадорлигини ошириш мақсадида Молия вазирлиги Давлат бюджетининг ғазна ижросини тадбиқ этиш ва услубиёти бошқармаси ҳамда маҳаллий молия органларининг ғазначилик бўлинмалари негизида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди.

– 2009 йилда давлат бюджети билан биргаликда, давлат мақсадли жамғармаларининг ҳам ижроси Ғазначиликка ўтди. Бу мақсадда давлат мақсадли жамғармалари маблағлари ҳаракатини таъминловчи тегишли банклардаги уларнинг ҳисобрақамлари ёпилиб, Ғазначиликда улар учун шахсий ҳисобрақамлар очилди ва уларнинг даромадлари тушуми ва харажатлари тўлови шу ҳисобрақамлардан амалга оширила бошланди.

– 2010 йилдан бошлаб тажриба тариқасида давлат бюджетининг божхона орқали тушувчи даромадлари ижроси ғазначилик орқали амалга оширила бошлади;

– 2011 йилдан бошлаб янги бюджет таснифига асосланган, давлат бюджети ғазна ижросини амалга оширишга хизмат қилувчи Ғазначилик дастурий мажмуи ишга туширилди.

– 2011 йилнинг 7 февралида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат харидлари тизимини муқобиллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб қилишни кенгайтириш тўғрисида”ги ПҚ-1475-сонли қарори қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида кўрсатилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш учун Вазирлар Маҳкамаси хузурида Давлат харидлари бўйича ҳукумат комиссияси ташкил қилинди ва унинг ишчи органи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги деб белгиланди. Ғазначилик ташкилий тузилмаси таркибида эса “Давлат харидларини амалга ошириш жараёни мониторинги ахборот-тахлил бўлими” таркиб топди.

– 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги қонуни талабларидан келиб чиқиб, Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари Газначиликнинг Ягона ғазна ҳисобварагидан амалга оширила бошланди. Юридик ва жисмоний шахслар томонидан давлат бюджетига ўтказиладиган солиқлар ва мажбурий тўловлар банклар томонидан қабул қилинадиган ва белгиланган тартибда 23402-, 23403-, 23407-, 23409-,

20207-, 20205- ва 23411-сонли баланс ҳисобрақамларда очилган шахсий ҳисобрақамларга (ШХР) кирим қилинадиган ва улар ҳисобидан тегишли бюджетлар ва давлат мақсадли жамғармалари ҳисобига белгиланган миқдорларда ажратмалар амалга ошириладиган тартиб жорий этилди.

Молия вазирлиги Ғазначилиги давлат молиясини самарали бошқариш учун ҳам, ундан оқилона фойдаланилиши устидан қатъий назоратни таъминлаш учун ҳам мустаҳкам замин яратди. Буни эса қўйидагича изоҳлаш мумкин:

*Биринчидан, ғазначилик давлат бюджетининг ижроси жараёнида юзага келадиган даромад ва барча харажатларни ягона ғазна ҳисобрақамидан амалга оширади. Маблағларнинг Ягона ғазна ҳисобрақамига солик ва солик бўлмаган даромадлар кўринишида келиб тушиши молиявий ресурсларни оператив бошқариш ва давлат бюджети харажатларини ўз вақтида тўлаш учун барқарор асос яратади.*

*Иккинчидан, дастлабки назоратни амалга ошириш учун шароит юзага келади, яъни мажбуриятларни қабул қилиш жараёни бошланади, бунда бюджет ташкилоти томонидан сметада кўзда тутилган маблағлар доирасида келажакда молиявий харажатларни амалга ошириш бўйича мажбуриятлар ғазначилик органларида рўйхатдан ўтказилади ва шу асосда маблағларнинг мақсадли ҳаракатини таъминлаш учун замин яратилади.*

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда давлат молияси тизимини ислоҳ қилиш жараёнида амалга оширилаётган ҳар бир ўзгаришлар натижасида пировард мақсад кўзланиб иш юритилмоқда.

#### **2.4. Ғазначилик фаолиятининг ташкилий элементлари**

Ғазначилик фаолият кўрсатиши учун унинг қўйидаги ташкилий элементлари мавжуд бўлиши ва ўзаро боғлиқликда амал қилиши зарур. Улар (2.7-расмга қаранг):

1. Ғазначиликнинг ягона ҳисобрақами;
2. Ғазначиликнинг бош китоби;
3. Ғазначилик органлари;
4. Ғазначиликнинг ахборот тизими;
5. Ғазначиликда бюджет маблағларини бошқариш.

*Ғазначиликнинг ягона ҳисобрақами.* Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ солиқли ва соликсиз давлат тушумларини тўплаш, сақлаш ва давлат харажатларини амалга ошириш учун Ғазначилик томонидан Ғазначиликнинг ягона ҳисобрақами очилади. “Ягона ғазна ҳисобрақами Ғазначилик томонидан бошқариладиган маҳсус банк ҳисобрақами бўлиб, бу ҳисобрақамда Давлат бюджети маблағлари ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари киритилади. Ягона ғазна ҳисобрақамидан давлат бюджетида маблағлари назарда тутилган юридик ва жисмоний шахсларнинг харажатлари тўланади, шунингдек,

давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари амалга оширилади”<sup>1</sup>. Ғазначилик алоҳида операцияларни, шунингдек, давлат мақсадли фондларининг маблағлари билан операцияларни амалга ошириш учун ғазначиликнинг ягона ҳисобрақами доирасида субсчётларини очиш ҳуқуқига эга. Бу субсчётлардаги қолдиқлар ғазначиликнинг ягона ҳисобрақами қолдигининг ажралмас қисми ҳисобланади.

*Ғазначиликнинг бош китоби.* Ғазначиликнинг бош китоби – бюджет ижроси ғазна усулининг асосий элементларидан биридир. Ғазначилик Бош китоби билан давлат молиявий ресурсларининг ҳисоб-китоби юритилади ва молия тизимининг ахборот тизими фаолият кўрсатади. Ғазначиликнинг Бош китоби бюджет операциялари бухгалтерия ҳисобини юритишнинг компьютерлаштирилган тизимиdir. Ғазначиликнинг Бош китобида давлат ташкилотлари ва муассасалари билан бўладиган барча молиявий операциялар ўз ифодасини топади. Ғазначиликнинг Бош китоби Ғазначиликнинг ягона ҳисобрақами ва субсчётлари билан бўладиган операциялардаги барча бухгалтерия проводкаларини акс эттиради. Ғазначиликнинг Бош китоби ҳам республика бюджетидан, ҳам маҳаллий бюджетлардан маблағ билан таъминлаш ҳисоб-китобининг ўз вақтида юритилишини таъминлайди.

*Ғазначилик органлари.* Ғазначилик Молия Вазирлиги таркибидаги давлат органи ҳисобланади. Ғазначиликнинг Қорақалпогистон Республикаси Ғазначилик Бошқармаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар Бошқармалари, шаҳар ва туманларда Ғазначилик бўлимлари каби ҳудудий органлари фаолият қиласи. Ғазначиликка Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланган Давлат Ғазначиси раҳбарлик қиласи. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг буйруғига мувофиқ Ғазначиликнинг ҳудудий органлари тузилади ва тутатилади. Ғазначилик органларининг харажатларини молиялаштириш республика бюджетидан амалга оширилади.


*Ғазначиликнинг ахборот тизими.* Ғазначиликка ягона ахборот тизими хизмат қиласи. Ҳозирги кунда Ғазначиликнинг ягона ахборот тизими яратилган бўлиб, “Давлат маблағларини бошқаришнинг ахборот тизими” (ДМБАТ) деб аталади. Бюджет операциялари бўйича кодлаштирилган ва таснифланган маълумотлар ДМБАТ га автоматик равишда юкланди, бу эса даромадларни таснифлар, ҳудудий белгилари, бюджетдан маблағ олувчи ташкилотлар бўйича аниқлаш имконини беради. Даромадлар автоматик равишда тегишли бюджетларга белгиланган нормативлар асосида ўтказилади. Даромадларнинг йиллик ва ойлик прогноз қилиш билан боғлиқ тадбирлар ўзгаришсиз қолса-да, тушумларни ўтказиш эндилиқда банклар томонидан эмас, ДМБАТ томонидан амалга оширилади.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Қонуни. 9-модда.

*Газначиликда давлат бюджети маблағларини бошқарши шундан иборатки, Газначилик ягона ғазна ҳисобрақамидан ва Газначиликнинг бошқа банк ҳисобрақамларидағи давлат бюджети маблағларини, давлат бюджетининг харажатларини белгиланган муддатларда амалга ошириш учун йўналтириш, шунингдек, давлат бюджетининг вақтинча бўш турган маблағларини банк депозитлари ва бошқа активларга вақтинча жойлаштириш ҳамда улар ҳисобидан республика бюджетига, Қорағалпоғистон Республикаси бюджетига, маҳаллий бюджетларга, шунингдек, давлат мақсадли жамғармаларига бюджет ссудалари бериш йўли билан бошқариб боради. Газначилик томонидан дотациялар ва ссудаларни ўтказиш ягона ғазна ҳисобрақамидан ёки Газначиликнинг бошқа банк ҳисобрақамларидан давлат бюджетида маблағлар ажратиш назарда тутилган юридик ва жисмоний шахсларнинг банк ҳисобрақамларига ўтказилади.*





*1.2-расм. Газначиликнинг асосий ташкилий элементлари*

## **Таянч сўз ва иборалар**

Бюджетни ижро этиш, давлат бюджети касса ижроси, давлат бюджети ғазна ижроси, бюджетнинг ғазна ижроси тамойиллари, ғазначилик ягона ҳисобрақами, ғазначилик бош китоби, ғазначилик органлари, ғазначилик ягона ахборот тизими

## **Такрорлаш учун саволлар**

1. Давлат бюджетини ижро этишнинг жаҳон тажрибаларида мавжуд қандай усуллари бор?
2. Давлат бюджетининг кассавий ижроси бюджетни ижро қилишдаги қандай муаммоларни келтириб чиқарди?
3. Давлат бюджетининг ғазна ижроси бюджетни ижро этишнинг бошқа усулларидан қандай афзалликларга эга?
4. Давлат бюджети ғазна ижросининг мазмун-моҳияти нимадан иборат?
5. Давлат бюджети ғазна ижросининг тамойилларини изоҳлаб беринг.
6. Ғазначиликнинг ташкилий элементлари нималардан иборат?
7. Ўзбекистон Республикасида давлат бюджетининг ғазна ижросига ўтиш қандай босқичларда амалга оширилмоқда?

## **Мустақил ўрганиш учун топшириқлар**

1. Махсус адабиётлар ва интернет ресурс манбаларидан фойдаланиб хорижий давлатларда фаолият қилувчи Ғазначилик тизимлари ҳақида ахборот тайёрланг.
2. Ўзбекистон Республикасида давлат бюджети ғазна ижросини тадбик этиш босқичлари ва ҳар бир босқичда амалга оширилган ишлар шархини акс эттирувчи тақдимот тайёрланг.
3. “Давлат молиясини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш лойихаси”нинг мазмунини ўрганиб чиқинг ва уни амалга ошириш борасидаги тадбирларнинг меъёрий-хукуқий асосини ташкил этувчи ҳужжатлар рўйхатини ишлаб чиқинг.

## **Тест саволлари**

**1. Жаҳон тажрибасида давлат бюджети ижросининг қандай шакллари амал қилади?**

- A. Кассали ижро, ғазна ижроси
- B. Ғазна ижроси, бюджет ижросининг аралаш тизими
- C. Кассали ижро, ғазна ижроси, бюджет ижросининг аралаш тизими
- D. бюджет ижросининг аралаш шакллари

**2. Давлат бюджетининг ғазна ижроси деб нимага айтилади?**

- A. Давлат бюджети даромадлари ва харажатларини Марказий банк томонидан ҳисобга олиш
- B. Давлат бюджети даромадлари ва харажатларини Марказий банк томонидан Молия вазирлиги билан биргаликда ҳисобга олиш
- C. Бюджетдан маблағ олувчиликнинг харажатларини уларнинг ҳисобваракларидағи бюджет маблағлари қолдиклари доирасида тўлов топшириқномалари бўйича амалга ошириш
- D. давлат бюджетининг барча даромадларини ягона ғазна ҳисобрақамига киритиш ва барча харажатларини шу ҳисобрақамдан тўлаш

**3. Давлат бюджети ғазна ижросининг асосий тамойиллари:**

- A. Ягона ғазна ҳисобрақамининг амал қилиши; ягона бюджет таснифининг мавжудлиги
- B. кассанинг ягоналиги; бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини ташкил этишнинг ягоналиги
- C. Бюджет ижросининг шаффоғлиги; қонунийлик; аниқлик
- D. Тўлиқлилик; қонунийлик; баланслилик; ошкоралик

**4. Ғазначиликнинг ташкилий элементлари?**

- A. Ғазначиликнинг қонуний-хуқуқий асоси; ягона ахборот тизими; бюджетдан маблағ олувчилар; ғазначилик органлари
- B. Юридик ва молиявий мажбуриятлар; шартномалар; бюджет ташкилотларининг харажатлар сметалари

С.Ғазначиликнинг ягона ҳисобрақами; Ғазначиликнинг бош китоби; Ғазначилик органлари; Ғазначиликнинг ахборот тизими; Ғазначиликда давлат бюджети маблағларини бошқариш.

Д.Республика ғазна ҳисобрақами, худудий ғазна ҳисобрақамлар; бюджет ташкилотларининг шахсий ҳисобрақамлари

### **5. Ғазначиликнинг Бош китоби нима?**

А.Бюджетдан маблағ олувчиларнинг шартномаларини рўйхатга олиш китоби

В.Бюджет ташкилотларининг харажатлар сметасини рўйхатга олиш китоби

С.Бюджетдан маблағ олувчиларнинг тўлов топшириқномалариниг ҳисобини юритадиган журнал

Д.Ғазначиликнинг ЯFX ва субсчётлари билан бўладиган барча операцияларнинг бухгалтерия ҳисобини юритишнинг компьютерлаштирилган тизими.

### **6. Ғазначилик тизимининг асосий элементларидан бири:**

А.Ягона Ғазна ҳисобрақами

В.Ҳисоботлар

С.Шартномалар

Д.Сметалар

**7. “Давлат молиясини ислоҳ қилиш” лойиҳасини амалга ошириш учун қачондан бошлаб Давлат бюджети ғазна ижроси методология бошқармаси фаолият бошлади?**

А.2002 йилдан

Б.2004 йилдан

С.2005 йилдан

Д.2006 йилдан

**8. Ғазначилик фаолиятини молиялаштириш қандай маблағлар ҳисобига амалга оширилади?**

А.республика бюджети маблағлари

В. тегишли маҳаллий бюджетлар маблағлари

С. маҳсус фондлар маблағлари

Д. давлат грантлари

## **З-БОБ. ҒАЗНАЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**



### **3.1. Ғазначилик фаолиятининг қонуний-хуқуқий асослари**

Иқтисодий тараққиёт тарихи шундан далолат берадики, XX асрнинг 20-30-йилларида мамлакатнинг иқтисодий қудратини ошириш мақсадида давлатнинг иқтисодиётдаги ўрни ошиб борди ва у кўпчилик иқтисодий ва ижтимоий функцияларни ўз зиммасига олди. Бу эса профессионал давлат хизматини шакллантириш ва барча давлат бошқаруви тузилмаларини мустаҳкамлашни талаб этди. XX асрнинг 70-90-йилларига тўғри келадиган навбатдаги маъмурий қайта куришлар шароитида эса давлатнинг зиммасига шунчалик кўп вазифа ва функциялар юкландики, натижада сиёсий, иқтисодий, ижтимоий муаммолар таъсирида давлат бу мажбуриятларни бажаришга, “оғир юкни тортишга” қодир бўлмай қолди. Бу ҳолатлар давлат бошқаруви тизимида маъмурий ислоҳотлар қилиш зарурлигини келтириб чиқарди.

Ўзбекистон Мустақилликка эришгандан сўнг, хўжалик юритишнинг бозор тизимига ўтилиши, иқтисодиёт бозор инфратузулмасининг шакллашиши ва ривожланиши мамлакат хўжалик жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган хуқуқий асосни яратишни талаб этди. Ундан ташқари, жаҳондаги глабаллашув жараёнларида фаол қатнашаётган Ўзбекистон учун давлат бошқарув институтларини шакллантириш ва тубдан ислоҳ қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борадаги ислоҳотлар давлат молияси, давлат бюджети ва бюджет жараёнини бошқариш ва тартибга солиш органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишни кўзда тутади. Шу сабабли улар фаолиятини амалга оширилаётган иқтисодий ва демократик ислоҳотлар талабларига мослаштириш, сўнгги ижобий натижаларни кўзла-

ган ҳолда мувофиқлаштириш, шаклан ва мазмунан янги сифат поғонасига кўтариш талаб этилмоқда<sup>1</sup>.

Бу борада дастлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш лойиҳасини амалга оширишга тайёрланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2002 йил 26 апрелда 144-сон Қарори қабул қилинди. Мазкур лойиҳани амалга оширишга Халқаро тикланиш ва таракқиёт банки томонидан 400,0 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилди. Қарорда айтилишича, “Япония хукумати томонидан Ўзбекистон Республикасида молия ахборот тизимининг функционал ва техникавий тузилмасини ишлаб чиқишига”<sup>2</sup> 500,0 минг АҚШ доллари миқдорида грант берилиши билдирилди.

Мазкур лойиҳанинг мақсади давлат молиясини бошқаришни такомиллаштириш, замонавий компьютерлар ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда бюджет маблағларининг самарали сарфланишини таъминлаш, бюджет ижросининг янги тизимини яратишдан иборатдир. Кўрсатиб ўтилган лойиҳани амалга ошириш юзасидан масъулият Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига юклатилди.

Лойиҳани тайёрлаш ва амалга ошириш мақсадида Мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилди. Бу кенгашнинг асосий вазифалари этиб қуидагилар белгиланди:

- лойиҳани тайёрлаш ва амалга ошириш бўйича мониторинг олиб бориш;
- лойиҳа доирасида жалб этиладиган ваколатли органлар, консалтинг компаниялари фаолиятини мувофиқлаштириш;
- лойиҳани тайёрлаш ва амалга ошириш учун жалб этиладиган маблағлардан самарали фойдаланиш устидан назоратни таъминлаш;

---

<sup>1</sup> Давлат молиясини ислоҳ этишнинг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (20.12.2009). Т.: ҲУМОЮН ИСТИҚЛОЛ МЎЖИЗАСИ. 2009. 87-88-бетлар

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш лойиҳасини амалга оширишга тайёрланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 144-сон (26.04.2002) Қарори, 1-банд.

– тендер савдолари ўтказиш бўйича қарорлар қабул қилиш ва уларнинг натижаларини маъқуллаш, тегишли тендер комиссиялари таркибини тасдиқлаш;

– экспертизалар ўтказиш ва жалб этилаётган консультантлар ва экспертлар ҳисботини маъқуллаш.

Ўзбекистон Республикасида давлат молиясини ислоҳ қилиш бўйича муҳим қадамлардан бири 2004 йил 26 августда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги 664-II сонли Қонунининг қабул қилиниши бўлди. Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг (шу жумладан давлат мақсадли жамғармаларининг) ва бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари маблағларининг ғазна ижроси соҳасидаги муносабатларини тартибга солишдан иборат. Мазкур қонунда давлат бюджети ғазна ижросини ташкил этиш ва ғазначилик фаолияти билан боғлик қуидаги ҳолатлар ўзининг ҳуқуқий асосига эга бўлди:

– давлат бюджети ғазна ижросининг асосий принциплари;

– давлат бюджетининг ғазна ижроси муддатлари;

– Ғазначиликнинг асосий вазифалари;

– Ғазначиликнинг бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро муносабатлари;

– Ғазначиликнинг банк ҳисобвараглари;

– давлат бюджетининг харажатларини амалга ошириш;

– давлат бюджети маблағларини бошқариш;

– давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби;

– давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисбот ва бошқалар.

“Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши ўз навбатида бюджетдан маблағ олувчилар билан уларга товар(хизмат, иш)ларни етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда уларнинг харажатларини тўлаб беришга

қаратилган бюджет маблағларининг ҳаракатини назорат қилиш тартибини аниқлаш ва белгилашни тақозо этади. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 63-сон (05.05.2005) буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 1475-рақам (21.05.2005) билан рўйхатга олинган “Молия органларида бюджетдан маблағ олувчилар билан товар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг харажатлари тўловини назорат қилиш тартиби ҳақида Вактинчалик низом” қабул қилинди. Ушбу Низом тажриба тариқасида Самарқанд вилоятида, шу жумладан республика бюджетидан молиялаштириладиган айrim бюджет ташкилотларида бюджетдан маблағ олувчилар билан мол етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни тегишли молия органларида рўйхатдан ўтказиш ва бюджет маблағларини уларнинг харажатларини тўлашга ўтказиш устидан назорат қилиш тартибини белгилаб берди.

Бу борада қабул қилинган кейинги меъёрий-хуқуқий ҳужжат - Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 1599-рақам (24.07.2006) билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги (61-сон, 12.07.2006) ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг (279-сон, 12.07.2006) қўшма Қарори билан қабул қилинган “Самарқанд вилояти маҳаллий бюджетининг ғазна ижроси ҳисоби тўғрисидаги Вактинчалик қоидалар” бўлиб, мазкур Вактинчалик қоидалар тажриба тариқасида Самарқанд вилояти маҳаллий бюджети ғазна ижроси ҳисобини амалга ошириш тартибини белгилаб берди.

Давлат бюджетининг ғазна ижросини тадбиқ этиш ҳисобига бюджет тизимини янада ислоҳ этиш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан назоратни кучайтириш, барча даражалардаги бюджетлар даромадлари ва харажатларини бошқариш самарадорлигини ошириш мақсадида 2007 йил 28 февралда “Давлат бюджети ғазна ижроси тизимини янада

ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-594 сонли Қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджетининг ғазна ижросини тадбиқ этиш ва услубиёт бошқармаси ҳамда маҳаллий молия органларининг ғазначилик бўлинмалари негизида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди. Шунингдек, мазкур Қарор билан Ғазначиликнинг асосий вазифалари белгилаб берилдики, улар “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Конунда акс этган Ғазначиликнинг вазифаларига янада аниқлик киритди.

2007 йил 20 марта Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 53-сонли Қарори билан “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги тўғрисида Низом” қабул қилинди. Мазкур Низом “Давлат бюджети ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-594 сонли (27.02.2007) қарорига мувофиқ ишлаб чиқилди ҳамда Ғазначиликнинг асосий вазифалари, функциялари, ваколатлари ва жавобгарлигини белгилаб берди.

Кейинги йилларда ҳам давлат бюджети ғазна ижросининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 69-сонли (04.08.2009) буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2007-сон (16.09.2009) билан рўйхатга олинган “Давлат бюджетининг ғазна ижроси Қоидалари”нинг қабул қилиниши муҳим қадам бўлиб хизмат қилди. Мазкур “Қоидалар” Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан республика ва ҳудудий ғазна хисобвақларини кўллаш шароитида республика бюджети, Қорақалпогистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг ғазна ижросини амалга ошириш тартибини белгилаб берди. Хусусан, ушбу “Қоидалар” муқаддам амал

қилиб келган бир қатор меъёрий хужжатларни ўзида мужассамлаштирган ҳолда, қуидагиларни белгилаб берди:

- Ғазначилик ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан республика ва ҳудудий ғазна ҳисобрақамларини қўллаш шароитида республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг ғазна ижросини амалга ошириш тартибини;
- республика ғазна ҳисобрақами ва ҳудудий ғазна ҳисобрақамларини юритиш тартибларини,
- Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатларининг ёйилмаси,
- бюджетдан маблағ олувчилярнинг харажатлар сметаларини ва уларга ўзгартиришларни ғазначилик бўлинмаларига тақдим этиш тартибларини,
- юридик мажбуриятларни рўйхатга олишнинг умумий қоидаларини,
- бюджетдан маблағ олувчилярнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига харажатларни амалга ошириш тартибларини ва бошқалар.

2007 йил 30 августда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 119-сонли буйруғи билан “Давлат бюджети ғазна ижроси бўйича функцияларини чегаралаш тўғрисида Низом” тасдиқланди. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг ғазна ижросини ташкил этиш борасида Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Марказий аппарати таркибий бўлинмалари (Ғазначиликдан ташқари) ҳамда ҳудудий молия органлари зиммаларидаги функциялар билан Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари зиммалариға қўйилган функцияларини чегаралаб берди. Бу эса бюджет сиёсатини амалга оширишга мутасадди бўлган бир

нечта давлат молиясини бошқариш органларининг фаолияти бир-бирини такрорламаслигини таъминлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, бюджет қонунчилигини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш асосида бюджет фаолиятини ривожлантириш давлат молиясини бошқариш тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Маълумки, 2000 йил 14 декабря “Бюджет тизими тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилинганидан бери ўтган давр мобайнида бюджет амалиётида бир қатор ўзгаришлар содир бўлди, улар:

- давлат бюджети ғазна ижросининг жорий этилиши;
- бир қатор давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа нобюджет фондларининг тузилиши ва амал қилиши;
- бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари қўшимча маблағларни жалб қилиш манбаларининг кенгайиши ва улар устидан назоратни яхшилаш зарурлиги;
- бюджет таснифи, бюджет ҳисоби ва ҳисботи тизимининг такомиллашуви;
- янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг қабул қилиниши ва амалга киритилиши ва бошқа ҳолатлар билан боғлик бўлиб, бюджет қонунчилигини янада такомиллаштириш зарурлигини тақозо этди.

Натижада амалдаги “Бюджет тизими тўғрисида”ги ҳамда “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларида белгиланган нормалар мукаммал тарзда қайта ишланган ҳолда Бюджет Кодексида ўз аксини топди.

Бюджет тизимидағи ислоҳотлар доирасида 2014 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида амалга киритилаётган янги Бюджет Кодекси давлат молиясини бошқаришнинг хуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш, бюджет сиёсатининг устуворликларини белгилаб олиш, бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва давлат

хизматларини тақдим этиш сифатини оширишга қаратилган. Ушбу Кодекс Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими бюджетларини шакллантириш, тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш, тасдиқлаш, ижро этиш, давлат томонидан маблағ жалб қилиш ва бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

Янги Бюджет Кодекси бюджет жараёнини халқаро амалиёт тажрибаларидан келиб чиқсан ҳолда тартибга солиш, бюджет амалиётида мавжуд бўлган зиддиятларни бартараф этиш, ескирган тартиб-қоидаларни бекор қилиш, бюджет жараёнини ташкил этишдаги меъёрлар, низомлар ва бюджет жараёни иштирокчиларининг ваколатларини тизимлаштириш мақсадида ишлаб чиқилди. Бюджет Кодексининг ғазначилик фаолияти билан боғлиқ алоҳида қисми давлат бюджети ғазна ижросини ташкил этиш, юридик ва молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш, бюджетдан маблағ олувчилар харажатлари тўловини амалга ошириш, давлат харидларини ташкил қилиш, Ғазначиликнинг ягона ҳисобрақамини юритиш каби масалаларни тартибга солишга қаратилган.

### **3.2. Давлат бюджети ғазна ижросини ташкил қилишда**

#### **Ғазначиликнинг ўрни ва аҳамияти**

Давлат молиясини бошқариш масалалари иқтисодиёт ва молия назариясида марказий ўринни эгаллади. Иқтисодиётни ва давлат молиясини бошқаришдаги муаммолар шундан иборатки, бозор хўжалиги ўз-ўзини тартибловчи ва ривожлантирувчи тизим (бозорнинг “кўринмас қўли”) бўлишига қарамасдан, ҳеч қачон давлат аралашувисиз самарали ишламаган. Тарихий тараққиётдан маълумки, умуман олганда, капиталистик бозор хўжалигининг юзага келиши фаол давлат аралашуви билан бирга содир бўлган. Масалан, 1563 йилда инглиз қироличаси Елизавета I миллий балиқчиликни қўллаб-қувватлаш ва унга бўлган талабни ошириш

мақсадида ўз хизматкорларига ҳафтасига 2 марта гүшт маҳсулотларини истеъмол қилишни таъкиқлаган. 1666 йилда эса Англияда жун маҳсулотларини сотиш билан боғлиқ қийинчиликларни тугатиш учун бир қатор тадбирлар амалга оширилган, хусусан, вафот этган фуқароларни жун матодан бўлган кийимларда дафн этиш мажбурий қилиб қўйилган, бу қонунни бузганларга 5 фунт-стерлинг миқдорида жарима белгиланган.

Аксарият ҳозирги замон иқтисодчи-олимларнинг фикрича, бозорнинг “кўринмас қўли” давлатнинг “кўринадиган қўли” билан тўлдирилиб турилиши керак. Бу борада келишмовчиликлар, қарама-қарши фикрлар юзага келишининг сабаби бу аралашувнинг қай даражада бўлиши билан боғлиқ, лекин давлатнинг тартибловчи тамойили асосан кўпчилик олимлар томонидан эътироф этилмоқда. Бундай яқдилликнинг асосий сабаби шундаки, олимларнинг фикрига кўра, бозор жамиятда мавжуд бўлган иқтисодий ва ижтимоий муаммоларнинг барчасини ўз-ўзидан ҳал қила олмайди. Мисол учун, монополия шароитида ўз-ўзини тартиблаш рақобатни ривожлантира олмайди, бу эса товарлар маълум турлари нархининг ошишига олиб келади ва натижада аҳоли даромадлари иқтисодиётнинг алоҳида бир секторида ушланиб қолади. Бундай ҳолларда бозор механизми самарасиз ишлай бошлайди ва иқтисодий танглик шароитида иқтисодиётни барқарорлаштиришда бозор механизми суст қатнашади. Шунинг учун, иқтисодиётни тартибловчи қўшимча механизmlарни ишлаб чиқиш эҳтиёжи туғилади. Ана шундай механизмлардан бири – давлатнинг иқтисодиётни тартибловчи дастак ва воситалари. Иқтисодиётни факат “кўринмас қўл”га ташлаб қўйиш ижобий натижа бермаслигини ва бу ҳақиқатнинг нақадар тўғри эканлигини бугунги кундаги реаллик, жаҳонда юз бераётган тўғонлар тасдиқлаб турибди.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодиётни давлат томонидан тартиблашнинг бош мақсади – иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш, мамлакатда мавжуд ички тузумни мустаҳкамлаш, мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий жараёнларни жаҳондаги ўзгарувчан шароитларга мослаштириш-

дан иборат. Тартиблашнинг бошқа барча мақсад ва вазифалари ана шу бош мақсадга бўйсундирилган.

Бу борада давлат молиясини бошқариш ва ташкил қилишнинг олдида қандай вазифалар турганини таъкидлаб ўтиш ўринли, улар:

- мувозанатлаштирилган бозорга кириб боришда барқарор тараққиётга эришиш мақсадида максимал даражада моддий ва молиявий резервларни қидириб топиш;
- ижтимоий-иктисодий ривожланиш истиқболлари ва мақсадли дастурларнинг самарали бажарилишини таъминловчи бюджет даромадларининг умумий ҳажмини тўғри белгилаш;
- умумдавлат аҳамиятига эга бўлган барча тадбирларни узлуксиз молиялаштириш эҳтиёжини инобатга олган ҳолда, давлат бюджети харажатлари умумий ҳажмини тўғри белгилаш ва уларни оптималлаштириш;
- иқтисодиётдаги инфляцион тенденциялар ва пул-кредит нобарқарорлигини бартараф этишга, миллий пул бирлигининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган молиявий барқарорлаштириш дастурларини давлат бюджет сиёсати чора-тадбирлари билан мувофиқлаштириш;
- иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлган ноинфляцион манбалар ҳисобидан бюджет дефицитига барҳам бериш ёки уни қисқартириш;
- иқтисодий минтақалар, хўжалик соҳалари ва бюджетлар ўртасида давлат даромадларини қайта тақсимлаш йўли билан турли даражадаги бюджетларни баланслаштириш мақсадида бюджетни оқилона тартибга солишини амалга ошириш;
- кенг кўламли ижтимоий-иктисодий дастурларнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш имконини берадиган бюджетни ўрта ва узоқ истиқболга мўлжаллаб режалаштиришнинг аҳамиятини ошириш;

- солик мажбуриятларини бажаришда алоҳида фуқаролар ва юридик шахсларнинг молиявий фаолиятлари устидан назоратни таъминлаш;
- замонавий техника ва технологиялардан кенг фойдаланиш асосида ва молиявий ҳисоб-китобларнинг автоматлаштирилган тизимини жорий қилиш орқали бюджетларни тузиш ва ижро этиш жараёнларини автоматлаштириш ва бошқалар.

Давлат молиясини бошқариш(ДМБ)ни ислоҳ этиш стратегияси Ўзбекистон Республикасида ДМБ тизимини назорат қилишни такомиллаштиришдан иборат. Ушбу стратегиядан кутилаётган оралиқ мақсад – ДМБ тизимида муҳим жараёнларни модернизациялаш бўлиб, бугунги кунда ислоҳотлар стратегиясининг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат (3.1-расм):



### *3.1-расм. Давлат молиясини бошқариши тизимини ислоҳ қилиши стратегияси йўналишлари<sup>1</sup>*

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Осиё тараққиёт банки иштирокида “Давлат молиясини бошқариши ислоҳ қилиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 1 ноябрдаги ПҚ-721-сон Карори асосида тайёрланди

Ушбу стратегик вазифаларни босқичма-босқич амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги (26.08.2004) Қонунининг қабул қилиниши бюджет ижросининг ғазначилик тизимиغا ўтилишига асос солди. 2005 йил май ойида давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизимини босқичма-босқич жорий этишни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида “Давлат бюджетининг ғазна ижросини тадбиқ этиш ва услубиёт бошқармаси”, кейинчалик (2007 йилда) унинг негизида Молия вазирлиги Газначилиги ташкил этилди.

2007 йилга келиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Осиё тараққиёт банки иштирокида “Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-721-сон Қарори (01.11.2007) қабул қилиниб, унда давлат молиясини бошқаришни ислоҳ этиш лойиҳасини янги иштирокчи – Осиё тараққиёт банки билан бирга амалга ошириш белгиланди.

Умуман олганда, давлат молиясини бошқаришдаги ислоҳотларини амалга ошириш мақсадларига ҳукуматимиз томонидан ажратилган маблағлардан ташқари, Жаҳон банки томонидан – 14,2 млн. долларлик кредит маблағлари, Япония ҳукумати томонидан – 2,8 млн. доллар, ТАСИС томонидан – 2,8 млн. доллар ва Ислом тараққиёт банки томонидан – 0,2 млн. долларлик грантлар ажратилиши кўзда тутилган.

Юқорида таъкидланганидек, давлат молиясини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш стратегиясининг асосий йўналишларидан бири – бюджет тизимининг тўлиқ шаффоғлигини таъминлаш мақсадида бюджет маблағларини уларнинг олувчиларига етказишда кечикишларга, қарздорликка йўл қўймаслик, бюджет маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатларига барҳам бериш, бюджетлараро муносабатлар самарадорлигини оширган ҳолда ҳокимиятларнинг турли даражаларидағи бюджетларнинг ҳамда бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларнинг даромад ва харажатлари ҳисобрақамларини Газначиликка ўтказишдан иборат.

Ривожланган мамлакатлар амалиётидаги давлат бюджетининг ғазна ижроси механизмларини Ўзбекистонда ҳам жорий этиш ва ривожлантириш, давлатнинг молиявий ресурсларини бошқаришнинг ахборотлаштирилган тизимини жорий этиш, давлат молиясининг ҳолати тўғрисида тезкор ва ишончли ахборотлар олиш имконини беради, бу эса давлат молиясини самарали бошқаришни таъминлайди. Ғазначилик тизими давлат бюджетини ижро этишнинг самарали ва амалий механизми ҳисобланиб, унда давлат даромадлари ва харажатлари бўйича барча операциялар Ғазначилик томонидан амалга оширилади.

Мухтарам Президентимиз бу борада шундай деган эдилар: “Давлатнинг хазинаси, унинг даромад ва буромадини, бугунги ва эртанги кунини белгилайдиган бойлик қаерда сақланади, ким уни ҳимоялайди? Албатта, Молия вазирлиги. Шу маънода, агар менга қолса, Молия вазирлигини Хазина вазирлиги деб атаган бўлардим”<sup>1</sup>.

Давлат бюджетининг ғазна ижроси деганда давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағлари тўпланадиган ва ушбу маблағлар доирасида аниқ белгиланган йўналишлар бўйича харажатлар амалга ошириладиган ягона ғазна ҳисобрақам орқали давлат бюджетини ижро этиш ҳамда давлат молиясини мақсадли ва самарали бошқаришни ташкил этиш тушунилади.

Ғазначилик бюджет ташкилотларининг ва бюджетдан маблағ олувчиликнинг мажбуриятларини рўйхатга олади, мол етказиб берувчилар томонидан уларга маҳсулотлар етказиб берилганидан ва хизматлар кўрсатилгандан сўнг, бюджет ташкилотларининг ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг номидан ва уларнинг топшириғига асосан Ғазначилик ваколатни ўз зиммасига олади ва бюджет маблағларининг мақсадли ишлатилишини таъминлаш асосида тақдим қилинган ҳужжатлар бўйича тўловни амалга оширади.

---


<sup>1</sup> И.Каримов “Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида”. Т.: Ўзбекистон. 2005 й. 285-бет

Ғазначиликнинг ривожланиши бюджет ижросида иштирок этувчи барча даражадаги молия ва солик органларининг фаолиятини умумлаштиради, янги шароитларда уларнинг бутун фаолияти давлат молиявий маблағларини ягона давлат хазинасида жамлашга қаратилади.

Ҳар қандай давлат ва жамиятнинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларини бажариш учун кучли ижтимоий ҳимоя, таълим, соғлиқни сақлаш, мудофаа ҳамда бошқарув органларини сақлаб туриш зарур бўлади. Бунинг учун ривожланган бюджет тизимини яратиш, мамлакат ҳудудидаги мавжуд даромад манбалари ва харажат йўналишлари ҳақида аниқ асосланган таҳлилий малумотларга эга бўлиш талаб этилади. Давр талабидан келиб чиқиб, давлат бюджетининг ўрта ва узоқ истиқболдаги ривожланиш йўналишларини белгилаб олиш учун ушбу малумотларни аниқ ва ўз вақтида таъминлаб берувчи механизм сифатида Ғазначилик органлари олдига давлат бюджети ғазна ижросини ташкил қилиш, давлат бюджети ижросининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш, давлат бюджети ижроси ҳақида ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг давлат ички ва ташки қарзлари га хизмат кўрсатиш, Ўзбекистон Республикаси кафолатларини бажариш каби муҳим вазифалар юклатилган.

### **3.3. Молия вазирлиги Ғазначилиги, унинг ташкилий тузилиши ва вазифалари**

Ғазначилик Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги таркибидаги давлат ижроия органи ҳисобланади. Ғазначиликнинг Қорақалпоғистон Республикаси Ғазначилик Бошқармаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар Бошқармаси, шаҳар ва туманларда Ғазначилик бўлинмалари каби ҳудудий органлари фаолият қиласиди (3.2-расм).



### **3.2-расм. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг ташкилий тузилиши<sup>1</sup>**

Ғазначилика Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринbosари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланган Давлат Ғазначиси раҳбарлик қилади. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг буйруғига мувофиқ Ғазначиликнинг худудий органлари тузилади ва тутатилади. Ғазначилик органларининг харажатларини молиялаштириш республика бюджетидан амалга оширилади.

Молия вазирлиги Ғазначилиги “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Қонунда белгиланган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан берилган ваколатлар доирасида ғазначиликнинг ягона ҳисобрақами ва унинг субсчётларини бошқаришни амалга оширади. Ғазначиликнинг ваколат берилган лавозимдаги шахсларидан бошқа ҳеч бир юридик шахс ёки жисмоний шахс ғазначиликнинг ягона

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 20 марта ги 53-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ғазначилиги тўғрисидаги Низом асосида тузилди.

хисобрақами маблағларидан пул ўтказиш учун банкка тўлов топширикномасини бериш хукуқига эга эмас<sup>1</sup>.

Ғазначиликнинг ягона ҳисобрақами Ўзбекистон Республикасининг Марказий Банкида очилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг ҳудудий бошқармаларида ғазначиликнинг ягона ҳисобрақами субсчётлари очилади. Республика минтақаларида давлат харажатларини ўз вақтида молиялаштиришни таъминлаш мақсадида Ғазначиликнинг топшириғи билан Марказий Банк томонидан бутун иш куни мобайнида субсчётларга ва субсчётлардан пул маблағларини ўтказиш ташкил этилади. Маблағ ўтказиш ва давлатнинг пул маблағларини харажат қилиш учун фақат Молия Вазирлиги рухсати билан банк счёtlарини очиш мумкин. Бу хукуқ Давлат Ғазначисига Молия Вазирлигининг буйруғи билан юклатилган.

Ўзбекистон Республикасининг Марказий Банки ва Ғазначилик ўртасидаги ўзаро муносабатларга тааллукли масалалар улар ўртасида тузилган шартнома асосида тартибга солинади. Ғазначилик йилда камида бир марта ушбу шартномаларнинг таҳлилини ўтказиши шарт, агар Ғазначилик фикри бўйича шартномаларни кўриб чиқиш талаб этилса, иккала томон талабларини қондириш мақсадида шартномаларни қайта тузиш тадбирлари кўрилади.

Давлат бюджетининг кассавий ижросини амалга ошириш жараёнида Ғазначилик тижорат банклари билан ҳам шартнома тузади. Бу банкларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тавсиясидан кейин аниқланади. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ва тижорат банклари Ғазначилик талаби билан қўйидаги маълумотларни беришга мажбур:

– бюджет ташкилотларининг банкда очилган шахсий ҳисобрақамлари, унда маблағлар айланиши ва қолдиги тўғрисида маълумот;

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида”ги Қонуни, 9-моддага кўра.

– Ғазначилик сўраган аниқ бюджет ташкилотининг ёки унинг тавсияси билан очилган банк ҳисобрақамидаги маблағлари тўғрисида маълумот.

Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисбот Ғазначилик томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади. Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби Ғазначилик томонидан, шунингдек, давлат солик ва божхона хизмати органлари, бюджет ташкилотлари ҳамда давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан давлат бюджетининг ғазна ижроси бухгалтерия ҳисобининг ягона ҳисоблар режаси ва бюджет таснифи асосида ташкил этилади ҳамда амалга оширилади. Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби ягона ҳисоблар режаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Ғазначилик юридик ва жисмоний шахсларга улар томонидан ортиқча тўланган соликлар, йифимлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммалари, қонун хужжатларида белгиланган тартибда ягона ғазна ҳисобрақамидан ёки Ғазначиликнинг бошқа банк ҳисобрақамларидан қайтарилишини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексига, шунингдек, турли даражадаги давлат бошқаруви ўртасида тушумлар тақсимотини тартиба соладиган бошқа қонунларга мувофиқ, Ғазначилик тушумларни турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимлаш учун жавобгар ҳисобланади. Ғазначилик белгиланган бюджет таснифига мувофиқ, барча давлат тушумларини уларнинг аниқ рўйхати бўйича ягона ғазна ҳисобрақамида юритилишини таъминлайди, қонун асосида ғазначиликнинг ягона ҳисобрақамидан барча тўловларни амалга оширишга Ғазначилик жавобгар ҳисобланади.

Давлат молиясини ислоҳ қилиш, давлат бюджетининг ғазна ижросини жорий этиш, бюджет маблағларини бошқариш ва уларнинг шаклланиши ва ишлатилишини назорат қилиш жараёнлари мукаммал-

лашиб, такомиллашиб бормоқда. Бу жараёнларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-594-сон (28.02.2007) Қарорининг қабул қилиниши муҳим қадам бўлиб хизмат қилди. Президент Қарорининг ижро этилиши доирасида Молия вазирлиги ҳузуридаги “Давлат бюджетининг ғазна ижросини татбиқ этиш ва услубиёти бошқармаси” ҳамда маҳаллий молия органларининг ғазначилик бўлинмалари негизида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди.

ПҚ-594-сон Қарор билан Молия вазирлиги Ғазначилиги зиммасига куйидаги асосий вазифалар юклатилди (3.3-расмга қаранг):

- давлат бюджетининг касса ижроси, жумладан, тушадиган даромадларни турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимлаш, бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар сметалари ижроси ва давлат бюджети ижроси тўғрисида ҳисбот тузиш;
- давлат бюджети маблағларини ягона ғазначилик ҳисобрақами, шунингдек тегишли бюджетлар даромадлари ва харажатлари ўртасидаги касса узилишларининг олдини олишни таъминлайдиган ҳудудий ғазначилик ҳисобрақамларини жорий этиш орқали бошқариш;
- бюджет ташкилотларини, шу жумладан, мудофаа ва хавфсизлик тузилмаларини молиялашга йўналтириладиган бюджет маблағларидан фойдаланишни мақбуллаштириш устидан мониторингни амалга ошириш, бунда улар томонидан тузилаётган шартномаларнинг сифати таъминланишини, уларнинг мақсадга мувофиқлиги ва нарх-наво ечимини назарда тутиш ҳамда воситачилик хизматларидан воз кечиш;

## Молия вазирлиги Ғазначилигининг асосий вазифалари

давлат бюджетининг касса ижроси, жумладан, даромадларни турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимлаш, бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар сметалари ижроси ва давлат бюджети ижроси тўғрисида ҳисобот тузиш

давлат бюджети маблағларини ягона ғазначилик ҳисобрақами, шунингдек тегишли бюджетлар даромадлари ва харажатлари ўртасидаги касса узилишларининг олдини олишни таъминлайдиган ҳудудий ғазначилик ҳисобрақамларини жорий этиш орқали бошқариш

бюджет ташкилотларининг товар(иш, хизмат)лар етказиб берувчилар билан шартномаларини, шунингдек давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қурилиш бўйича буюртмачиларнинг шартномалари харажатлар сметасида кўрсатилган суммалар ва мақсадларга қатъий мувофиқ равиша тузилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатиш асосида шартномаларни мажбурий рўйхатдан ўtkазиш тартибини жорий этиш орқали бюджет ташкилотларининг асоссиз харажатларининг олдини олиш

бюджет ташкилотларини, шу жумладан, мудофаа ва хавфсизлик тузилмаларини молиялашга йўналтириладиган бюджет маблағларидан фойдаланишини мақбуллаштириш устидан мониторингни амалга ошириш, бунда улар томонидан тузилаётган шартномаларнинг сифати таъминланишини, уларнинг мақсадга мувофиқлиги ва нарх-наво ечимини назарда тувиш ҳамда воситачилик хизматларидан воз кечиш

харажатлар сметаси ва рўйхатга олинган шартномаларда назарда тутилган қатъий суммалар доирасида товар(иш, хизмат)лар етказиб берувчиларнинг бевосита ҳисобрақамларига бюджет маблағлари олувчилар номидан ва уларнинг топшириги бўйича тўловларни амалга ошириш орқали тўлов интизомига сўзсиз риоя этилиши устидан таъсирчан назоратни таъминлаш

давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини юритиш, давлат бюджети ижроси ҳақида ахборот йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат ички ва ташқи қарзларига хизмат кўрсатиш, Ўзбекистон Республикаси кафолатларини ижро этиш

### **3.3-расм. Молия вазирлиги Ғазначилигининг асосий вазифалари<sup>1</sup>**


<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-594-сон (28.02.2007) Карори асосида

– харажатлар сметаси ва рўйхатга олинган шартномаларда назарда тутилган қатъий суммалар доирасида товар(иш, хизмат)лар етказиб берувчиларнинг бевосита ҳисобрақамларига бюджет маблағлари оловчилар номидан ва уларнинг топшириғи бўйича тўловларни амалга ошириш орқали тўлов интизомига сўзсиз риоя этилиши устидан таъсирчан назоратни таъминлаш;

– давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини юритиш, давлат бюджети ижроси ҳақида ахборот йифиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат ички ва ташқи қарзларига хизмат кўрсатиш, Ўзбекистон Республикаси кафолатларини ижро этиш.

Молия вазирлиги Ғазначилиги марказий аппаратининг ташкилий тузилиши 3.4-расмда кўрсатилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси молия вазирига зарур ҳолларда Ғазначиликнинг марказий аппарати ва унинг бўлинмалари тузилмасига молия органлари бошқарув ходимларининг белгиланган сони доирасида ўзгартишлар киритиш ҳукуқи берилган.

Бугунги қунга келиб Ғазначилик ва унинг ҳудудий бўлинмалари штатлари шакллантирилган бўлиб, марказий Ғазначиликка 92 та, Ғазначилик ҳудудий бўлинмаларига 2261 та, жами Ғазначилик тизимига 2353 та штат бирлиги ажратилган. Лекин давлат бюджети ғазна ижроси билан қамраб олинаётган жараёнларни ҳисобга оладиган бўлсак, ғазначилик орқали бюджет даромадлари ва харажатлари ижроси, бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларнинг даромад ва харажатлари ижроси, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари тушуми ва сарфи ижроси амалга оширилаётганлигини, бу билан боғлиқ бўлган иш ҳажмининг ортиб бораётганлигини ҳисобга олиб, Ғазначилик амалиёт бошқармалари бўлинмалари штатлари сонини қайта кўриб чиқиш зарурлигини эътироф этиш лозим.



### **3.4-расм. Ғазначилик марказий аппаратининг ташкилий тузилиши<sup>1</sup>**

Ғазначиликнинг ташкилий тузилмаси Ўзбекистон Республикаси

Молия вазирлиги Ғазначилигининг Давлат бюджетининг ғазна ижроси бўйича амалга ошириладиган фаолиятига тўғридан-тўғри боғлиқ. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги Марказий аппарати тузилмасига шундай йирик бошқармалардан бири “Амалиёт бошқармаси”, “Методология, молиявий ресурслар ва ҳисобларни

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бюджетининг ғазна тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-594-сон (28.02.2007) Карори иловасидан келтирилди

бошқариш бошқармаси” ва “Давлат бюджетининг ғазна ижроси таҳлили ва назорати бошқармаси” сингари бошқармалар киради. Ўз навбатида ушбу бошқармалар таркибига бир қанча бўлимлар киради.

1) *Амалиёт бошқармаси* таркибига қўйидагилар киради:

- Юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш ва нархларни мониторинг олиб бориш бўлими;
- Молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва тўловларни амалга ошириш бўлими;
- Мудофаа идоралари ташкилотларининг юридик ва молиявий мажбуриятларини рўйхатга олиш ва тўловларини амалга ошириш бўлими;
- Ҳукуқ-тартибот ташкилотларининг юридик ва молиявий мажбуриятларини рўйхатга олиш ва тўловларини амалга ошириш бўлими;
- Давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг юридик ва молиявий мажбуриятларини рўйхатга олиш бўлими;
- Ҳисоб - касса амалиёти бўлими;
- Ўзбекистон Республикасига кириб келадиган барча турдаги гуманитар ёрдам ва техник кўмак воситаларнинг ҳисоби бўлими.


2) *Методология, молиявий ресурслар ва ҳисобларни бошқарииш бошқармаси* таркибида қўйидагилар мавжуд:

- Бюджетнинг ғазна ижроси методологияси бўлими;
- Молиявий ресурсларни бошқариш бўлими;
- Ички ва ташқи қарзлар бўйича ҳисоб-китоблар бўлими;
- Давлат харидларини амалга ошириш жараёни мониторинги ахборот-таҳлил бўлими.

3) *Давлат бюджетининг ғазна ижросини жамланма таҳлил қилиши ва назорат қилиши бошқармаси* қўйидагиларни ўз ичига олади:

- Давлат бюджетининг ғазна ижросини жамланма таҳлил қилиш бўлими;
- Ғазначилик операцияларини назорат қилиш бўлими;
- Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи бўлими.





**3.5-расм. Қорақалпогистон Республикаси ва вилоятлар Газначилик бошқармаларининг ташкилий тузилиши<sup>1</sup>**

<sup>1</sup> “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Қарори. ПҚ-594-сон, 28.02.2007.

ПК-594-сон Қарор билан шунингдек, Ғазначилик ҳудудий бўлинмаларининг ташкилий тузилиши ҳам тасдиқланган (3.5-расмга қаранг).

Молия вазирлиги Ғазначилиги тўғрисидаги Низомга мувофиқ, Ғазначиликнинг ҳудудий бўлинмалари қўйидаги ишларни бажаради:

- бюджет ташкилотлари ходимларига иш ҳаки ва унга тенглаштирилган бошқа тўловлар, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджет ташкилотлари томонидан накд пул маблағлари билан тўланадиган бошқа тўловларни тўлаш учун ғазначиликнинг банк ҳисоб рақамларига маблағлар ўтказади;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг банк ҳисобрақамларига суднинг қарори бўйича ягона ғазначилик ҳисобрақамидан ёки ғазначиликнинг бошқа ҳисобрақамларидан маблағлар ўтказади, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда давлат органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги натижасида фуқароларга ёки юридик шахсларга етказилган зарарни қоплаш учун маблағлар ўтказади;
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ҳар кунлик асосида ғазначилик ҳисобрақамларида маблағларнинг ҳаракати тўғрисидаги ахборотни электрон шаклда тақдим этади;
- бюджетдан маблағ олувчиларга улар учун ғазначиликда ёки унинг ҳудудий бўлинмаларида очилган шахсий ҳисобрақамларидан кўчирмалар, уларнинг харажатларини қоплашга бюджет маблағлари ўтказилганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларни тақдим этади;
- манбалар бўйича тегишли бюджетлар даромадлари тушуми ҳисобини юритади;
- молия органларининг топширифи бўйича юқори бюджетларда назарда тутилган режали дотациялар, субвенциялар, бюджет ссудалари

суммасини ва бошқа тўловларни қуий бюджетларнинг шахсий ғазначилик хисобрақамларига ўтказади;

– бюджет ташкилотлари ва буюртмачиларнинг шартномалари харажатлар сметасида кўрсатилган суммалар доирасида ва мақсадларга мувофиқ тузилиши устидан қаттиқ назорат қилиш асосида шартномаларни рўйхатдан ўтказади;

– бюджетдан маблағ олувчилар номидан рўйхатга олинган шартномаларда ёки бошқа ҳужжатларда назарда тутилган суммалар доирасида товарларни етказиб берувчилар (ишларни бажарувчилар, хизматлар кўрсатувчилар)нинг бевосита банк хисобрақамларига тўловларни амалга оширади;

– бюджет ташкилотларини, жумладан, мудофаа ва хавфсизлик тузилмаларини молиялаштиришга йўналтириладиган бюджет маблағларидан фойдаланишни мақбуллаштириш юзасидан мониторинг олиб боради, бунда улар томонидан тузилаётган шартномаларнинг сифати таъминлашишини, уларнинг мақсадга мувофиқлиги ва нарх-наво ечимини ҳамда қоидага кўра, воситачилик хизматларидан воз кечишни назарда тутади;

– счёт-фактуралар ва товарлар етказиб берилиши (ишлар бажарилиши, хизматлар кўрсатилиши) ҳолатини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатлар асосида бюджет маблағи олувчиларнинг молиявий мажбуриятлари ҳисобини юритади ва бошқа ишларни амалга оширади.

Бугунги кунда давлат бюджети ғазна ижросини ташкил этиш борасидаги Президент қарорларининг ижроси доирасида Осиё тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия ташкилотларининг қарз маблағларини жалб этган ҳолда давлат бюджетининг барча даромадларини ягона ғазна хисобрақамига жамлаш ва ундан харажатлар тўловини амалга ошириш имконини берувчи давлат бюджети ғазна ижросининг ягона интеграция-лашган ахборот тизими니 ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда белгиланган тартибда республиканинг барча шаҳар ва туманларини қамраб олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тизимининг маълумотлар тармоғини ташкил этиш учун ер усти рақамли алоқа каналларини бериш чоралари кўрилмоқда.

### **Таянч сўз ва иборалар**

Ғазначилик, ғазначилик худудий бўлинмалари, давлат бюджети ғазна ижроси, ягона ғазна ҳисобрақами, ғазначилик ваколатлари, ғазна қонунчилиги, ғазна ижросини тадбиқ этиш босқичлари, ягона интеграциялашган ахборот тизими

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Ғазначилик фаолиятининг қонуний-хуқуқий асосларини нималар ташкил қиласди?
2. Ғазначилик махсус ваколатли молия органи сифатида қачон, қайси меъёрий-хуқуқий ҳужжат билан ташкил қилинди?
3. Ғазначиликнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
4. Ғазначилик марказий аппарати ва унинг худудий бўлинмалари ташкилий тузилиши, уларнинг функционал вазифаларидаги фарқларни айтиб беринг.
5. Ғазначиликнинг асосий функциялари нималардан иборат?

### **Мустақил ўрганиш учун топшириқлар**

1. Ғазначиликнинг қонуний-хуқуқий ва меъёрий асосларини акс эттирувчи чизма тайёрланг ва изоҳ ёзинг.
2. Ғазначилик марказий аппарати ва унинг худудий бўлинмалари ташкилий тузилиши чизмасини мустақил дафтарингизга акс эттиринг, таркибий бўлинмаларининг бажарадиган вазифалари шарҳини келтиринг.

## **Тест саволлари**

**1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилик бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда ким томонидан лавозимга тайинланади ва озод этилади?**

- A. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазири томонидан
- B. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан
- C. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан
- D. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан

**2. Ғазначилик ходимларига қандай меҳнат ҳақи шартлари татбиқ этилади?**

- A. Молия органлари ходимлари учун белгиланган меҳнат ҳақи шартлари
- B. Олий таълим муассасалари ходимлари учун белгиланган меҳнат ҳақи шартлари
- C. Банк хизматчилари учун белгиланган меҳнат ҳақи шартлари
- D. Илмий-тадқиқот ташкилотлари ходимлари учун белгиланган меҳнат ҳақи шартлари

**3. Давлат бюджетининг ғазна ижроси соҳасидаги низолар қандай тартибда ҳал қилинади?**

- A. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда
- B. Халқаро шартномаларда белгиланган тартибда
- C. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексида белгиланган тартибда
- D. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган тартибда

**4. Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот Ғазначилик томонидан кимга тақдим этилади?**

- A. Ҳисоб Палатасига
- B. Вазирлар Маҳкамасига
- C. Молия вазирлигига
- D. Президентга

**5. Ғазначиликнинг асосий вазифаларидан бири:**

- A. Бюджет ташкилотларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш;

- Б. Давлат бюджетининг касса ижроси;
- С. Бюджет ташкилотларининг харажатлар сметасини тасдиқлаш
- Д. Бюджет ташкилотларининг харажатлар сметасини тузиш

**6. “Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш лойиҳаси”нинг мақсади:**

- А. давлат молиясини бошқаришни такомиллаштириш;
- Б. замонавий компьютерлар ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда бюджет маблағларининг самарали сарфланишини таъминлаш;
- С. бюджет ижросининг янги тизимини тратиш;
- Д. ҳамма жавоблар тўғри.

**7. “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги 664-II сонли Конунийнинг мақсади:**

- А. давлат бюджети ғазна ижросининг асосий принципларини белгилаб бериш;
- Б. давлат бюджетининг ва бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари маблағларининг ғазна ижроси соҳасидаги муносабатларини тартибга солиш;
- С. Ғазначиликнинг бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро муносабатларини белгилаб бериш;
- Д. давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби тартибларини ўрнатиш.

**8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг асосий вазифалари белгилаб берилган ҳужжатлар:**

- А. “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Конун;
- В. “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги тўғрисида Низом”;
- С. “Давлат бюджети ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-594 сонли (27.02.2007) қарори;
- Д. Барча жавоблар тўғри.

**9. Ғазначиликка ким раҳбарлик қилади?**

- A. Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланган Давлат Газначиси;
- B. Ўзбекистон Республикаси Молия вазири;
- C. Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланган Давлат Ғазначиси;
- D. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланган хазина вазири;

**10. Давлат бюджетининг кассавий ижросини амалга ошириш жараёнида Ғазначилик тижорат банклари билан ҳам шартнома тузади. Бу банкларнинг рўйхати қандай аниқланади?**

- A. Марказий Банки тавсияси билан аниқланади;
- B. Молия вазирлиги буйруғи билан аниқланади;
- C. Вазирлар Маҳкамаси тавсиясидан кейин аниқланади;
- D. Тендер ўтказиш йўли билан аниқланади.

## **4-БОБ. ҒАЗНАЧИЛИК ЯГОНА ҒАЗНА ҲИСОБРАҚАМИНИ ЮРИТИШ**



### **4.1. Ғазначиликнинг ягона ҳисобрақами тўғрисида тушунча**

Юқоридаги бобда давлат бюджети ғазна ижросининг ҳуқуқий асосини ташкил қилувчи “Давлат бюджети ғазна ижроси тўғрисида”ги Қонуннинг шарҳини келтирган эдик. Ушбу Қонуннинг тегишли моддасида “Ягона ғазна ҳисобварағи Ғазначилик томонидан бошқариладиган маҳсус банк ҳисобварағи бўлиб, бу ҳисобвараққа Давлат бюджети маблағлари ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари киритилади. Ягона ғазна ҳисобварағидан Давлат бюджетида маблағлар назарда тутилган юридик ва жисмоний шахсларнинг харажатлари тўланади, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари амалга оширилади”<sup>1</sup>, - деб белгилаб қўйилган.

2009 йилга келиб давлат бюджети ғазна ижросининг ташкилий-ҳуқуқий ҳамда меъёрий асослари анча такомиллаштирилди. Бу даврга келиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2009 йил 4 августдаги 69-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2009 йил 16 сентябрда 2007-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Давлат бюджетининг ғазна ижроси Қоидалари” қабул қилинди. Ушбу “Қоидалар “Бюджет тизими тўғрисида”ги ва “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сон “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан республика ва ҳудудий ғазна ҳисобваракларини кўллаш шароитида республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг ғазна ижросини амалга ошириш тартибини белгилаб берди. Мазкур қоидалар республика ғазна ҳисобварағи ва ҳудудий ғазна ҳисобваракларини юритиш тартибларини, Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатларининг ёйилмаси, бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар сметаларини ва уларга ўзгартиришларни

---

<sup>1</sup> “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 9-модда. № 664-II-сон. 26.08.2004 й.

ғазначилик бўлинмаларига тақдим этиш тартибларини, юридик мажбуриятларни рўйхатга олишнинг умумий қоидаларини, бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига харажатларни амалга ошириш тартибларини белгилаб берди ва муқаддам амал қилиб келган бир қатор меъёрий хужжатларни ўзида мужассамлаштириди.

## **4.2. Республика ва ҳудудий ғазначилик ҳисобрақамларининг юритилиши**

Юқорида номи келтирилган 2007-сон “Давлат бюджетининг ғазна ижроси Қоидалари”да республика ва ҳудудий ғазна ҳисобварақларини кўллаш шароитида республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг ғазна ижросини амалга ошириш тартиблари белгилаб берилди. Унга кўра, давлат бюджетига юридик ва жисмоний шахслар томонидан тўланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар банклар томонидан ўрнатилган тартибда қабул қилинади ва 23402 (005) “Республика бюджетининг маблағлари” ҳисобварағига кирим қилинади ҳамда белгиланган меъёрларга мувофиқ, банкларда очилган тегишли бюджетларнинг ғазна ҳисобварақларига ажратилади.

Бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлари тўлови молия йили учун ажратилган бюджет маблағлари доирасида тасдиқланган (аниқланган) харажатлар сметалари, шунингдек 2007-сон Қоидаларга мувофиқ рўйхатга олинган, бюджетдан маблағ олувчиларнинг маҳсулот етказиб берувчилар билан тузган шартномалари асосида:

— республика бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ёки унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан Қоидаларда белгиланган тартибда;

— Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ёки маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган ташкилотлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг ҳудудий ғазначилик бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

*Республика ғазна ҳисобварағи.* Республика бюджетидан молиялаштириладиган барча бюджетдан маблағ олувчилар ғазна ижроси билан тўлиқ қамраб олингунга қадар, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигига Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб касса марказида (ҲККМ) 23402 (006) баланс рақами билан Республика ғазна ҳисобварағи (РФХ) очилади.

РФХ га республика бюджетининг ғазна ижроси билан қамраб олинган бюджетдан маблағ олувчиларнинг касса харажатларини амалга ошириш учун маблағлар ҲККМ да 23402 (005) ҳисобварағи билан очилган республика бюджетининг асосий ҳисобварағидан тушади.

РФХ даги маблағлар тақсимловчиси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ҳисобланади.

Республика бюджетидан молиялаштиришни амалга ошириш учун ажратилган бюджет маблағларининг бош тақсимловчиси ҳисобланган бюджетдан маблағ олувчилар, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тармоқ бошқармаларига бюджетнинг ғазна ижроси билан қамраб олинган ҳар бир бюджетдан маблағ олувчи бўйича сертификат суммасининг ёйилмасини илова қилган ҳолда, шунингдек бюджетнинг ғазна ижроси билан қамраб олинмаган, қуий турувчи бюджетдан маблағ олувчиларга маблағларни ўтказиш учун бюджет маблағлари бош тақсимловчиларининг бюджет депозит ҳисобварагларига ўтказилиши лозим бўлган қисми бўйича маблағларни РFX га ўтказиш учун расмийлаштирилган тайинлаш сертификатларини тақдим этадилар.

Тармоқ бошқармалари бюджетдан маблағ олувчилар томонидан тақдим қилинган тайинлаш сертификатларини ўрнатилган тартибда текширганларидан сўнг, уларни ижро учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат бюджети Бош бошқармасига (ДББ) тақдим этади.

ДББ бюджетдан маблағ олувчиларнинг тайинлаш сертификатлари асосида республика бюджетининг асосий ҳисобварагидан РFXга маблағ ўтказиш учун тўлов топшириқномаларини ўрнатилган тартибда расмийлаштиради ва уларни ҲҚҚМга ижро учун тақдим қиласди.

23402 (005) ҳисобварагидан республика ғазна ҳисобварагига маблағлар ўтганлигини тасдиқловчи ҲҚҚМдан шахсий ҳисобварагдан кўчирмалар олинганидан сўнг, ДББ ижро этилган тайинлаш сертификатларининг биринчи нусхаларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигига тақдим этади.

Бюджетдан маблағ олувчилар (молиялаштириш сақланган шароитда - РFXда молиялаштирилган маблағлар мавжуд бўлганда) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигига РFXдан маблағларни маҳсулот етказиб берувчиларнинг бевосита банк ҳисобварагларига ёки қонунчиликда назарда тутилган мақсадларга ўтказиш учун тўлов топшириқномаларни қоидага кўра, маблағларни ўтказиш санасидан бир кун олдин тақдим этади.

Республика бюджети қарамофида бўлган бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари (ота-оналарнинг мактабгача таълим муассасаларида болаларни сақлаш учун тўловлари, ота-оналарнинг мусика ва санъат мактабларида болаларни ўқитиш учун тўловлари, мактабгача таълим муассасалари ишчиларидан овқатланиш учун тушган тушумлар, шунингдек ижтимоий таъминот органларидан бюджет ташкилоти ходимларига пенсия ва ижтимоий нафақа тўлаш учун тушган маблағлар) ўрнатилган тартибда РFXга кирим қилинади.

Жорий йилда бюджетдан маблағ олувчиларнинг жорий молия йили учун келиб тушган дебиторлик қарзлари суммаси касса харажатларини тиклаш орқали РFXга кирим қилинади (бюджетдан маблағ олувчиларнинг

шартномалар тузмасдан амалга ошириладиган тўловлари бўйича юридик ва молиявий мажбуриятлар).

Бюджетдан маблағ олувчиларнинг ўтган йилги дебиторлик қарзларининг жорий молия йилида қайтарилиган суммалари, шунингдек товар-моддий бойликларни, асосий воситаларни сотишдан ва инвентаризация (текшириш) натижалари бўйича келиб тушган суммалар РРХга кирим қилинади ва кейинчалик ушбу суммалар бюджетдан маблағ олувчилар жойлашган ҳудуднинг шартли ҳисобварақ рақами (ШҲР) билан очилган, 23402 (005) “Республика бюджети маблағлари” даромадлар транзит ҳисобварақлари орқали республика бюджетининг даромадларига ўtkазилиши билан алоҳида шахсий ҳисобварақларда ҳисобга олинади.

РРХ шахсий ҳисобварақларидан кўчирмалар РРХда операциялар амалга оширилганлигини тасдиқловчи, бирламчи тўлов ҳужжатларининг асл ва кўчирма нусхалари иловалари билан, шунингдек нақд пул маблағларини бериш учун 23212 “Молия вазирлиги Ғазначилиги маблағлари” ва 23214 “Ғазначиликнинг ҳудудий бўлинмалари маблағлари” ҳисобварақларидан кўчирмалар уларга иловалар билан, тегишли равишда, ҲҚМ ва тегишли хизмат кўрсатувчи банклар томонидан РРХда ва 23212 “Молия вазирлиги Ғазначилиги маблағлари” ва 23214 “Ғазначиликнинг ҳудудий бўлинмалари маблағлари” ҳисобварақларидан маблағлар ҳаракатининг кейинги иш кунида доимий равища ғазначилик бўлинмаларига тақдим этилади.

Республика бюджети қарамоғида бўлган бюджетдан маблағ олувчиларни ғазна ижроси билан тўлиқ қамраб олингандан сўнг, уларнинг харажатларини республика бюджетининг асосий ҳисобварағидан РРХга молиялаштириш тўхтатилади ва асосий республика бюджети ҳисобварағи РРХ билан бирлаштирилади.

Республика бюджетининг асосий ҳисобварағи РРХ билан бирлаштирилгандан сўнг, республика бюджети даромадлари 23402 (005) “Республика бюджетининг маблағлари” ҳудудий даромад транзит ҳисобварақларидан маблағлар тўғридан-тўғри РРХга кирим қилинади.

*Ҳудудий ғазна ҳисобварақлари.* Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар қарамоғида бўлган бюджетдан маблағ олувчиларнинг пул маблағларини кирим қилиш ва ўтказиш бўйича операциялар ҳудудий ғазна ҳисобварақлари (ҲҲ) орқали амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар қарамоғида бўлган бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари (ота-оналарнинг мактабгача таълим муассасаларида болаларни сақлаш учун тўловлари, ота-оналарнинг мусиқа ва санъат мактабларида болаларни ўқитиш учун тўловлари, мактабгача таълим муассасалари ишчиларидан овқатланиш учун тушган тушумлар, шунингдек ижтимоий таъминот органларидан бюджет ташкилоти ходимларига пенсия ва

ижтимоий нафақа тўлаш учун тушган маблағлар) ўрнатилган тартибда ХФХга кирим қилинади.

Жорий йилда бюджетдан маблағ олувчиларниң жорий молия йили учун келиб тушган дебиторлик қарзлари суммаси касса харажатларини тиклаш орқали ХФХга кирим қилинади (бюджетдан маблағ олувчиларниң шартномалар тузмасдан амалга ошириладиган тўловлари бўйича юридик ва молиявий мажбуриятлар).

Бюджетдан маблағ олувчиларниң ўтган йилги дебиторлик қарзларининг жорий молия йилида қайтарилган суммалари, шунингдек товар-моддий бойликларни, асосий воситаларни сотишдан ва инвентаризация (текшириш) натижалари бўйича келиб тушган суммалар ХФХга кирим қилинади ва кейинчалик ушбу суммалар бюджетдан маблағ олувчилар жойлашган ҳудуднинг шартли ҳисобварақ рақами (ШҲР) билан очилган 23402 (005) “Республика бюджети маблағлари” даромадлар транзит ҳисобварақлари орқали тегишли бюджетларнинг даромадларига ўtkазилиши билан алоҳида шахсий ҳисобварақларда ҳисобга олинади.



#### **4.1-расм. Республика газна ҳисобрақами ва худудий газна ҳисобрақамларининг алоҳида ишиш шароитида давлат бюджети даромадларининг тегишили бюджетларга тушиши тартиби чизмаси<sup>1</sup>**

ҲFX шахсий ҳисобваракларидан кўчирмалар ҲFXда операциялар амалга оширилганлигини тасдиқловчи, бирламчи тўлов ҳужжатларининг асл ва кўчирма нусхалари иловалари билан, шунингдек нақд пул маблағларини бериш учун 23212 “Молия вазирлиги Ғазначилиги маблағлари” ва 23214 “Ғазначиликнинг худудий бўлинмалари маблағлари” ҳисобваракларидан кўчирмалар уларга иловалар билан, тегишли банклар томонидан ҲFXда ва 23212 “Молия вазирлиги Ғазначилиги маблағлари” ва 23214 “Ғазначиликнинг худудий бўлинмалари маблағлари” ҳисобваракларида маблағлар ҳаракатининг кейинги иш кунида доимий равишда ғазначилик бўлинмаларига тақдим этилади.

#### **4.3. Ягона газна ҳисобрақамида бюджет даромадлари ижросини ҳисобга олиш**

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадлари қисми асосини мамлакатимизда 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 50-51-52-моддалари билан белгилаб қўйилган даромадлар ташкил қиласди.

Давлат бюджетига мажбурий тўловларнинг келиб тушиши солиқ ва божхона тизимларига кирувчи маҳсус ваколатли органлар ҳамда мазкур вазифа зиммасига юқлатилган бошқа давлат органлари томонидан таъминланади.

Давлат бюджетига ўтказиладиган солиқлар ва мажбурий тўловларнинг ҳисобга олиниши ёки бюджет ҳисобига керагидан ортиқ микдорда ўтказиб юборилган суммаларнинг қайтариб берилиши республикамизда амалда бўлган Солиқ Кодекси, Божхона Кодекси, шунингдек, 2001 йил 19 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса операцияларини амалга ошириш орқали ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 1009-сонли рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган йўриқномалар асосида бажарилади.

Давлат бюджетининг марказий бўғини бўлган республика бюджетига Солиқ Кодексининг 23-моддасида белгилаб берилган умумдавлат даромадлари ва мажбурий тўловлари туширилади. Маълумки, умумдавлат аҳамиятига эга бўлган тартибга солувчи солиқлар бўйича тўловлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бюджет параметрлари тўғрисидаги маҳсус қарори билан ҳар молия йили учун тасдиқланадиган нормативлар бўйича республика бюджетига ўтказилади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўқув маркази ўқув материаллари асосида тайёрланди.

Умумдавлат солиқларининг айримлари бўйича тўловлар тўлиғича республика бюджетига ёки Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг бюджетларига ўтказилиши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий ҳокимият органлари бюджетларига тартибга солувчи умумдавлат солиқ тўловларининг нормативларга асосан тақсимланадиган маълум қисми, маҳаллий бюджетларга ўтказилиши белгилаб қўйилган умумдавлат солиқларининг бир қисми ҳамда маҳаллий солиқлар ва бошқа хил йифимлар бўйича тўловлар ўтказилади.

Тартибга солувчи умумдавлат солиқлардан тўловларини бажариш юзасидан зиммасидаги мажбуриятларни бажарувчи солиқ тўловчилар томонидан тўланган солиқлар ва бошқа тўловлар суммалари тегишли банклар томонидан республика бюджетига ўтказилади ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланадиган тартиб-қоидаларга мувофиқ республика бюджетининг асосий ҳисоб-китоб рақамига жамланади, шунингдек, амалдаги қонунчилик нормаларига асосан Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий ҳокимият органларининг бюджетларига ўтказиб берилади.

Маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қолдириладиган умумдавлат солиқларининг қандай қисми Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетига ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетининг шаҳар бюджетига ўтказилиши, қандай қисмини улар тасарруфидаги туман/шаҳар бюджетларига ўтказиб бериш кераклигини белгиловчи нормативлар Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан тасдиқланадиган махсус қарорлар билан белгиланади.

Алоҳида шаҳар ҳудудига кирувчи туманларнинг маҳаллий бюджетига умумдавлат солиқларининг қандай қисмини ажратиб бериш лозимлигини белгиловчи нормативлар, ўз навбатида вилоят миқёсидаги шаҳар ҳокимлари қарорлари билан тасдиқланади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 1 ноябрдаги ПҚ-721-сонли Қарорига мувофиқ равишда мамлакатимиз ҳудудларида “Давлат молиясини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш” лойиҳаси муваффақиятли амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳа доирасида амалдаги давлат молияси тизимининг фаолиятини ёритувчи ахборот тизимини такомиллаштириш кўзда тутилган.



**4.2-расм. Даромадларнинг давлат бюджетига тушишининг амалдаги тартиби чизмаси<sup>1</sup>**

2009-2011 йиллар мобайнида юқорида номи келтирилген ПҚ-721-сонли қарорига мувофиқ, республикада “Давлат молия тизимини бошқаришнинг информацион тизими” деб номланган замонавийлаштирилған амалий дастур билан таъминлаш режалаштирилған. Мазкур дастур ёрдамида бутун республика ҳудудида давлат бюджети ғазна ижросини, шу жумладан, давлат бюджетининг даромад қисмининг ғазна ижросини таъминлаш билан боғлиқ барча жараёнларни қамраб олишга имконият яратылади.


Юқорида келтирилған чизмада давлат бюджетининг даромадлар қисмини ташкил қылувчи молиявий ресурсларнинг “Газначилик” дастурий мажмуаси ишга тушгунга қадар амал қилиб келган ҳаракати күрсатылған (4.2-расм).

Расмда күрсатылған тартиб бүйича 2012 йилгача бўлган даврда бюджет тизими бюджетларининг барчаси учун бирдек очик бўлган транзит тарзда ҳаракатланиши мумкин бўлган даромад ва тушумлар сақланадиган махсус ҳисоб-китоб рақамлари орқали даромад ва тушумлар кирим қилиниб келинди. 2011 йилнинг охирига келиб давлат бюджети маблағларини ягона ғазна ҳисобварағига ўтказиш чора-тадбирлари амалга оширила бошланди. Бу даврда Ўзбекистон Республикаси “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги қонуни талабларидан келиб чиқиб, 2012 молия йилининг 1 январидан бошлаб давлат бюджетининг даромадлари ва

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўқув маркази ўқув материаллари асосида.

харжатлари Ғазначиликнинг Ягона ғазна ҳисобварағидан амалга оширилишига асосланган тартиблар йўлга қўйилди.

Ушбу тартибга кўра, юридик ва жисмоний шахслар томонидан давлат бюджетига ўтказиладиган солиқлар ва мажбурий тўловлар банклар томонидан қабул қилинади ва белгиланган тартибда 23402, 23403, 23407, 23409, 20207, 20205 ва 23411-сонли баланс ҳисобваракларда очилган шахсий ҳисобрақамларга (ШҲР) кирим қилинади ва улар ҳисобидан тегишли бюджетлар ва Давлат мақсадли жамғармалари ҳисобига белгиланган микдорларда ажратмаларни амалга ошириш тартиби 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб жорий этилди. Бунинг натижасида тегишли бюджетлар даромадлари, шу жумладан, давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалари даромадлари ҳисоби “Ғазначилик” дастурий мажмуида улар учун очиладиган тегишли шахсий ғазна ҳисобваракларида юритиладиган бўлди (4.3-расмга қаралсин).



**4.3-расм. Давлат бюджети даромадларининг ягона ғазна ҳисобрақамида юритилиши тартиби<sup>1</sup>**

Жорий қилинган тартибга кўра, солик тўловчи Давлат солик қўмитасининг туман бўлимларига солик ва бошқа йигимлар тўловини амалга оширади (расмда бу тўловлар харакати 1 рақами билан кўрсатилган). Шунингдек, солик тўловчи субъект ДСҚнинг туман бўлимларга давлат мақсадли жамғармалари (ДМЖ) га тўловларни (расмда

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўқув маркази ўқув материаллари асосида тайёрланди.

- 2 рақам билан белгиланган) амалга оширади. Бундан ташқари, тўловчи тўғридан тўғри ягона ғазна ҳисобрақамига (ЯФХ) бюджетдан ташқари маблағлар (ота-оналар бадали тўловлари ва бошқалар) тўловини амалга оширади (3); Тўловчи тўғридан тўғри ЯФХга ДМЖ га йигимлар тўловини амалга оширади (4); Туман ДСИлари бюджети даромадларини тўлов топшириқномаларида тегишли бюджет шахсий ҳисобрақамини кўрсатган ҳолда ЯФХга ўтказиб беради (5); Туман ДСИлари ДМЖ даромадларини ДМЖнинг транзит ҳисобрақамларга ўтказиб беради (6); ДМЖ даромадлари эса ДМЖнинг транзит ҳисобрақамларидан ЯФХга ўтказилади (7); Махсус “Ғазначилик” дастурий мажмуи ЯФХга тушган барча даромадларни тегишли бюджет, ДМЖ маблағларига ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағларига улар учун очилган шахсий ҳисобрақамлари орқали ажратади (4.4-расм).



**4.4-расм. Ягона ғазна ҳисобрақамида бюджет даромадлари ижросини амалга ошириш тартиби<sup>1</sup>**

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўқув маркази ўқув материаллари асосида тайёрланди.

Давлат бюджети даромадларининг ғазна ижросини амалга ошириш борасида жойлардаги ғазначилик бўлинмалари томонидан қуидаги устувор вазифалар бажарилиши лозим:

- давлат бюджетига келиб тушган маблағларни ажратиб берилиши лозим бўлган турли даражадаги бюджетларнинг ғазначиликдаги шахсий ҳисобрақамларига ўтказиб бериш билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш;
- давлат бюджетининг даромад қисми бўйича ғазначилик функцияларининг бажарилиши юзасидан тегишли ҳисботларни тайёрлаш ва бухгалтерлик ҳисботларини олиб бориш, бажарилган барча функционал жараёнларга таалкуқли маълумотларни Ғазначилик тизимининг Бош китобида акс эттириб бориш;
- давлат бюджетининг даромадлари, давлат мақсадли ва бюджетдан ташқари жамғармалар бўйича зарур маълумотларни йиғиш, ўрганиб чиқиши, таҳлил қилиш ва олинган натижаларни мутасадди давлат ташкилотлари (давлат солиқ ва божхона органлари)га тақдим этиш;
- давлат бюджети даромадлари қисмига солиқ ва бошқа хил мажбурий тўловларнинг туширилиши, меъеридан ортиқча ушланиб қолинган солиқ ва бошқа хил мажбурий тўловлар суммасининг қайтариб берилиши билан боғлиқ маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва тегишли маълумотларни тайёрлаш;
- “Банк - Ғазначилик” тизими орқали Ягона ғазначилик тизимида давлат бюджетининг даромадлар қисмига тушириладиган тушумларни қабул қилиб олиш операцияларини бажариш;
- молия масалалари билан шуғулланувчи мутасадди давлат органларига турли даражадаги бюджетларнинг кирим қисмига тушаётган маблағлар ҳақида маълумотлар бериб бориш;
- жорий қонунчилик нормаларига мувофиқ давлат бюджетининг даромадлари қисмига тушириладиган маблағлар билан ишлашга доир бошқа хил операцияларни амалга ошириш.

Хулоса қилиб айтганда, дастлаб давлат бюджети ғазна ижроси элементлари жорий қилинаётгандан назарда тутилган давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари тушумини ягона ғазна ҳисобрақамида юритилиши маблағларни оқилона бошқариш имконини беради, қисқа вақт оралиғида бюджетга ва бошқа мақсадли жамғармаларга тушган маблағларнинг марказлаштирилган тартибда ҳисобини юритиш учун шароит яратади. Даромадлар ижросининг ягона ахборот тизимини жорий қилиш орқали бюджет даромадлари тўғрисида тезкор оралиқ ва якуний маълумотларни олиш, қайта ишлаш ва ҳисботларни шакллантиришнинг янги уйғунлашган технологиялари амалда қўлланилади. Давлат бюджети харажатларининг бюджет даромадлари билан мувофиқлаштириш учун ягона ахборот макони яратилади. Ушбу ҳолатларнинг натижаси ўлароқ, ягона ғазна ҳисобрақамининг жорий этилиши натижасида давлат бюджети даромадларининг

газна ижросини амалга ошириш жараёни соддалашади, оқилона шаклга келади ва даромадлар ижросининг оперативлиги ва шаффофлиги таъминланади. Бюджет қўрсаткичларига тўғри баҳо бериш, мамлакат миқёсида, шунингдек, худудлар даражасида бюджет масалаларида тегишли тезкор бошқарув қарорларини қабул қилиш учун замин яратилади.

#### **4.4. Ғазначилик ҳисобрақамларидан бюджет харажатларини тўлаш**

Бюджетдан маблағ оловчилар томонидан пул маблағлари ўтказилиши қуйидаги талабларга асосланган тўлов топшириқномалари билан Ғазначилик органлари томонидан амалга оширилади:

- молия органларида рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметалари асосида ва бюджет маблағлари бўйича бюджетдан маблағ оловчиларнинг банк ҳисобрақамларидан мавжуд бўлган, харажатларнинг тегишли гурӯхлари бўйича бюджет маблағлари қолдиқларининг суммалари доирасида;
- агар тўлов топшириқномасида кўрсатилган сумма молия органида рўйхатдан ўтказилган шартномага кўра тўланадиган пул маблағлари суммасидан ошмаса;
- товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берилишини ва бюджетдан маблағ оловчининг етказиб берувчидан қарзи мавжудлигини тасдиқлайдиган ҳисобварак-фактуралар ёки бошқа ҳужжатлар, шунингдек бюджетдан маблағ оловчи зиммасига етказиб берувчига бўнак тўловини ўтказиш мажбуриятини юклайдиган ҳужжатлар бўлганида;
- етказиб берувчининг тўлов топшириқномасида кўрсатилган номи ва реквизитлари етказиб берувчининг шартномада кўрсатилган номи ва реквизитларига мувофиқ бўлса;
- тўлов топшириқномасида бюджет таснифининг тегишли кодлари тўғри кўрсатилган бўлса.

Етказиб бериладиган товарлар (ишлар, хизматлар) учун харажатларни тўлаш бўйича тўловларни, шу жумладан бўнак тўловларини амалга ошириш учун бюджетдан маблағ оловчилар молия органига белгиланган тартибда расмийлаштирилган тўлов топшириқномаларини қуйидаги тарзда тақдим этадилар:

а) *беш нусхада*, агар Ғазначилик бўлинмаси ва маҳсулот етказиб берувчига битта банк филиалида хизмат кўрсатилса:

- *биринчи нусхаси* - бюджетдан маблағ оловчининг тегишли мансабдор шахслари томонидан имзоланган ва муҳр изи билан тасдиқланган тўлов топшириқномасининг нусхаси - бюджетдан маблағ оловчининг ғазначилик бўлинмасига бюджетдан маблағ оловчининг шахсий ҳисобварагидан касса харажатларини амалга ошириш учун сўровномаси бўлиб хизмат қиласи;

- *иккинчи нусхаси* - Ғазначилик бўлинмасининг раҳбари ва масъул шахси томонидан имзоланади, ғазначилик бўлинмасининг муҳр изи билан

тасдиқланади ва банк учун ғазна ҳисобварагидан харажатлар тўловини амалга ошириш учун асос бўлади;

- *учинчи нусхаси* - банк филиалининг тўланганлик тўғрисидаги белгиси билан маҳсулот етказиб берувчига берилади;

- *тўртингчи нусхаси* - банк филиалининг тўланганлик тўғрисидаги белгиси билан ғазна ҳисобварагидан кўчирмага илова қилинади ва ғазначилик бўлинмасига бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисобварагида касса харажатларини акс эттириш учун асос бўлади;

- *бешинчи нусхаси* - Ғазначилик бўлинмасининг “ТЎЛАНГАН” белгиси билан ва тўланган сана қўйилган ҳолда бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисобварагидан кўчирма билан биргалиқда бюджетдан маблағ олувчининг ваколатли ходимига берилади.

б) *тўрт нусхада*, агар Ғазначилик бўлинмаси ва маҳсулот етказиб берувчига ҳар хил банк филиалларида хизмат кўрсатилса:

- *биринчи нусхаси* - бюджетдан маблағ олувчининг тегишли мансабдор шахслари томонидан имзоланган ва муҳр изи билан тасдиқланган тўлов топшириқномасининг нусхаси - бюджетдан маблағ олувчининг ғазначилик бўлинмасига бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисобварагидан касса харажатларини амалга ошириш учун сўровномаси бўлиб хизмат қиласи;

- *иккинчи нусхаси* - Ғазначилик бўлинмасининг раҳбари ва масъул шахси томонидан имзоланади, ғазначилик бўлинмасининг муҳр изи билан тасдиқланади ва банк учун ғазна ҳисобварагидан харажатлар тўловини амалга ошириш учун асос бўлади;

- *учинчи нусхаси* - банк филиалининг тўланганлик тўғрисидаги белгиси билан ғазна ҳисобварагидан кўчирмага илова қилинади ва ғазначилик бўлинмасига бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисобварагида касса харажатларини акс эттириш учун асос бўлади;

- *тўртингчи нусхаси* - Ғазначилик бўлинмасининг “ТЎЛАНГАН” белгиси билан ва тўланган сана қўйилган ҳолда бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисобварагидан кўчирма билан биргалиқда бюджетдан маблағ олувчининг ваколатли ходимига берилади.

в) *уч нусхада*, агар Ғазначилик бўлинмаси ҳамда унга хизмат кўрсатувчи банк орасида “Банк-мижоз” дастурий мажмуи йўлга қўйилган бўлса:

- *биринчи нусхаси* - бюджетдан маблағ олувчининг тегишли мансабдор шахслари томонидан имзоланган ва муҳр изи билан тасдиқланган тўлов топшириқномасининг нусхаси - бюджетдан маблағ олувчининг ғазначилик бўлинмасига бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисобварагидан касса харажатларини амалга ошириш учун сўровномаси бўлиб хизмат қиласи;

- *иккинчи нусхаси* - Ғазначилик бўлинмасининг раҳбари ва масъул шахси томонидан имзоланади, ғазначилик бўлинмасининг муҳр изи билан тасдиқланади ва ғазна ҳисобварагидан харажатлар тўловини амалга ошириш учун асос бўлади.

- учинчи нусхаси - Ғазначилик бўлинмасининг “Тўланган” белгиси билан ва тўланган сана қўйилган ҳолда бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирма билан биргаликда бюджетдан маблағ олувчининг ваколатли ходимига берилади.

Бюджетдан маблағ олувчилик тўлаш учун молия органига маблағларни ўз банк ҳисобрақамларидан ўтказиш учун тўлов топшириқномалари, ҳисобварақ-фактуралар ёки товар (ишлар, хизматлар) етказиб берилганлигини ва бюджетдан маблағ олувчининг етказиб берувчиidan қарзи мавжудлигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатлар, шунингдек бюджетдан маблағ олувчи зиммасига етказиб берувчига бўнак тўловини ўтказиш мажбуриятини юклайдиган ҳужжатларни тақдим этадилар. Бўнак тўлови ҳисобига маблағларни тўлаш учун бюджетдан маблағ олувчи бюджетдан маблағ олувчи зиммасига етказиб берувчига бўнак тўловини ўтказиш мажбуриятини юклайдиган ҳужжатларга биноан тўлов топшириқномасини тақдим этади.

Бюджетдан маблағ олувчилик томонидан тақдим этилган тўлов ҳужжатлари ва уларга илова қилинган ҳужжатларни текшириш, шунингдек тўлов топшириқномаларини ижро учун хизмат кўрсатувчи банкка топширишни молия органлари, қоидага кўра улар тақдим этилган кунда амалга оширадилар.

Молия органлари бюджетдан маблағ олувчи тақдим этган ҳужжатларни уларнинг талабларга мувофиқлиги масаласида текширадилар. Бюджетдан маблағ олувчилик тақдим этган тўлов ва бошқа ҳужжатлар Низом талабларига мувофиқ келмаса, молия органи уларни бюджетдан маблағ олувчига қайтариб, тўлов топшириқномаларининг орқа томонига уларга белги қўймасдан, мувофиқ эмаслик сабабларини кўрсатади.

## **Таянч сўз ва иборалар**

Ягонағазна ҳисобрақами, республика ғазна ҳисобрақами, ҳудудий ғазна ҳисобрақамлар, даромадлар ғазна ижроси, ҳаражатлар тўлови, тўлов ҳужжатлари, счёт-фактура, иш ҳақи қайдномалари, тўлов топшириқномаси.

## **Такрорлаш учун саволлар**

1. Республика ва ҳудудий ғазна ҳисобрақамларининг мазмунин нима, тайинланиши ва юритилиш тартиби қандай?
2. Ягона ғазна ҳисобрақамига ўтишнинг афзалликлари нимада?

3. Бюджет даромадларини ягона ғазна ҳисобрақамида юритиш тартиби қанақа?

4. Бюджет харажатларини ягона ғазна ҳисобрақамидан тўлаб бериш қандай тартибда амалга оширилади?

### **Мустақил ўрганиш учун топшириқлар**

1. Ягона ғазна ҳисобрақамида даромадларни кирим қилиш ва харажатларни тўлаш тартибини акс эттирувчи чизма тайёрланг ва уларни изоҳловчи хулоса ёзинг.

2. Республика ва худудий ғазна ҳисобрақамларидан ягона ғазна ҳисобрақамига ўтиш даврида амалга оширилган тадбирлар ва қабул қилинган меъёрий хужжатлар шарҳини келтиринг.

3. Давлат бюджети ягона ғазна ҳисобрақамини юритишнинг жаҳон тажрибаларини ўрганинг ва хуласаларингизни мустақил таълим дафтарингизда акс эттиринг.

### **Тест саволлари**

**1. Ягона ғазна ҳисобварағига киритилган бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари қаерда акс эттирилади?**

- A. Бюджет ташкилотларининг даромадларида
- B. Давлат бюджетининг ғазна ижроси бўйича ҳисботларида
- C. Бюджет ташкилотлари харажатлар сметаларида
- D. Бюджет ташкилотларининг ҳисобварақларида

**2. Ягона ғазна ҳисобварағига киритилган давлат бюджетига тўланадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар қаерда акс эттирилади?**

- A. Республика бюджети, Қорақалпогистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджетлар, давлат мақсадли жамғармалари даромадларида
- B. Бюджет ташкилотлари харажатлар сметаларида
- C. Давлат бюджетининг ғазна ижроси бўйича ҳисботларида

D. Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджетлар, давлат мақсадли жамғармалари харажатларида

**3. Ғазначилик қаерда ягона ғазна ҳисобварагдан ташқари бошқа банк ҳисобвараклари очиш ҳуқуқига эга?**

A. Бошқа банкларда

B. Ҳеч қаерда

C. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида

D. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ва тижорат банкларида

**4. Ягона ғазна ҳисобвараги белгиланган тартибда Ғазначилик томонидан қаерда очилади?**

A. Тижорат банкларида

B. Федерал резерв тизимида

C. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида

D. Молия вазирлиги Ғазначилигига

**5. Ягона ғазна ҳисобварагидан кимларнинг харажатлари тўланади?**

A. Давлат бюджетида маблағлар назарда тутилган юридик ва жисмоний шахсларнинг харажатлари, давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари

B. Давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари

C. Давлат бюджетида маблағлар назарда тутилган жисмоний шахсларнинг харажатлари

D. Давлат бюджетида маблағлар назарда тутилган юридик шахсларнинг харажатлари

**6. Ягона ғазна ҳисобварагига қайси маблағлар киритилади?**

A. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари

B. Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари маблағлари

C. Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари

D. Ташкилотларнинг ўз маблағлари

**7. Ягона ғазна ҳисобвараги қандай ҳисобварак ҳисобланади?**

- A. Шахсий ҳисобварақ
- B. Газначилик томонидан бошқариладиган махсус банк ҳисобварағи
- C. Ҳудудий молия бўлинмалари томонидан бошқариладиган ҳисобварақ
- D. Ташкилотларнинг шахсий ҳисобварағи

**8. Ортиқча тўланган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммалари Газначилик томонидан қайси ҳисобдан қайтарилади?**

- A. Шахсий ҳисобварақдан
- B. Ягона ғазна ҳисобварағидан ёки Газначиликнинг бошқа банк ҳисобварақларидан
- C. Ташкилотларнинг шахсий ҳисобварағидан
- D. Бюджет ташкилотларининг ҳисобварағидан


## 5-БОБ. ҒАЗНАЧИЛИКДА БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ ХАРАЖАТ СМЕТАЛАРИНИ ВА УЛАРГА КИРИТИЛАДИГАН ЎЗГАРИШЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ



### **5.1. Бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаси тўғрисида умумий тушунча**

“Иқтисодиёт назарияси” ва “Молия” фанларидан бизга маълумки, иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаёт соҳалари икки йирик соҳадан иборат (5.1-расм):

1. Моддий ишлаб чиқариш соҳаси.
2. Номоддий ишлаб чиқариш (ёки ноишлаб чиқариш) соҳаси.



**5.1-расм. Иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаёт соҳалари<sup>1</sup>**

<sup>1</sup> Нурмухамедова Б., Кабирова Н. Молия. Ўқув қўлланма. - Т.: VNESHINVESTPROM. 2013. 180-бет.

*Моддий ишлаб чиқарии соҳасида* моддий қийматликлар яратилади, товарлар ишлаб чиқарилади, хизматлар кўрсатилади, ишлар бажарилади.

*Ноишлаб чиқарии соҳасида* турли хизматлар (маиший, коммунал, ижтимоий, давлат бошқаруви, мамлакат мудофааси, миллий хавфсизлик, ички ишлар хизматлари) кўрсатилади.

Ноишлаб чиқариш муассаса ва ташкилотларининг бир қисми тижорат ҳисоби асосида иш юритсалар, бир қисми нотижорат фаолиятини олиб борадилар. Бу фаолиятнинг пировард мақсади тижорат фойдасига эга бўлиш бўлмайди, лекин уларнинг қўшимча даромадларни жалб қилишга бўлган интилишларини ҳам инкор этмайди. Бундай муассасаларнинг аксарияти “бюджет ташкилоти” мақомида фаолият қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 4-моддасида бюджет ташкилотларига қуидагича таъриф берилган: “*Бюджет ташкилоти* – давлат функцияларини амалга ошириш учун белгиланган тартибда давлат ҳокимияти органларининг қарорига кўра ташкил этилган, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан сақлаб туриладиган нотижорат ташкилот”<sup>1</sup>. Бу ташкилотлар асосан юридик шахс мақомига эга бўлиб, уларнинг фаолияти бу мақомнинг барча талабларига (моддий-техника базаси ва фаолият соҳаси бўйича хўжалик фаолияти билан шуғулланиш учун етарли шароитнинг мавжудлиги, бухгалтер кадрларнинг мавжуд бўлиши, шахсий ҳисобрақамигининг мавжуд бўлиши ва ш.к.) жавоб бериши керак. Лекин бугунги кунда юридик шахс мақомига эга бўлмаган бюджет ташкилотлари ҳам фаолият юритиб келмоқда. Уларга тегишли давлат бошқарув органлари (бош бўлинма сифатидаги бюджет ташкилоти) хузуридаги марказлаштирилган бухгалтериялар ва тегишли ҳокимиятларнинг бухгалтериялари томонидан хизмат кўрсатилади (масалан, туман маданият бўлимига қарашли марказий кутубхоналар тизими, тегишли ҳокимиятлар бўлинмаларига қарашли ветеринария участкалари ва пунктлари ва ш.к.).

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси. 4-модда.

Давлат бюджети ҳисобига маблағ билан таъминланадиган тармоқларда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш, бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш, бюджет маблағларидан самарали ва аниқ фойдаланиш мақсадида 1999 йил 3 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 414-сон Қарори қабул қилинди. Мазкур Қарор 2000 йил 1 январдан бошлаб бюджет ташкилотлари харажатларини маблағ билан таъминлашнинг янги тартибини белгилаб берди. У куйидагиларни назарда тутади:

- бюджет маблағларидан тежаб, самарали ва аниқ фойдаланиш ҳамда бюджет интизомини мустаҳкамлаш учун бюджет ташкилотлари раҳбарларининг мустақиллигини кенгайтириш ва масъулиятини ошириш;
- бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш механизмини соддалаштириш ва бюджет маблағларидан фойдаланишда юқори натижаларга эришиш мақсадида мавжуд маблағларни оқилона тақсимлаш учун имкониятлар яратиш;
- иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни, иш ҳақига қўшимчалар, капитал қўйилмалар ва бошқа харажатларни гуруҳлаган ҳолда бир сатрда маблағ билан таъминлаш усулида бюджет ташкилотларини нормативлар бўйича (фаолият турига кўра) маблағ билан таъминлашнинг янги тартибини жорий этиш;
- бюджетдан маблағ билан таъминлашни бюджет ташкилотларининг фаолият тури бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиши фаолиятини кенгайтириш билан бирга қўшиб олиб бориш;
- бюджет ташкилотлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, улар фаолияти самарадорлигини ошириш ва кадрларнинг ўрнашиб қолиши учун шарт-шароитлар яратиш.

Мазкур Қарорнинг тўлиқ ижросини таъминлаш мақсадида юридик шахс мақомига эга бўлган фаолиятдаги ташкилотларга қўшимча равища 2000 йилдан бошлаб бир қатор бюджет ташкилотлари ва муассасаларига *юридик шахс мақоми* берилган. Булар:

*Маориф соҳасида:*

- касб-хунар коллажлари, академик лицейлар, болалар уйлари;
- умумтаълим мактаблари, гимназиялар, лицейлар, мактаблараро ўкув-ишлаб чиқариш комбинатлари – ўқувчилар контингенти 400 кишидан кам бўлмаса;
- интернатлар – ўқувчилар контингенти 200 кишидан кам бўлмаса;
- мактабгача тарбия болалар муассасалари – болалар контингенти 350 кишидан кам бўлмаса;
- вилоят ва туман (шахар) аҳамиятига молик мактабдан ташқари муассасалар;

*Соғлиқни сақлаши соҳасида:*

- касалхоналар (ихтисослаштирилган марказлар билан), туғруқхоналар, тиббий-санитария қисмлари, диспансерлар, шифохоналар;
- болалар уйлари, болалар санаторийлари, катталар учун сил касалликлари санаторийлари;
- тажриба тариқасида очилган қишлоқ врачлик пунктлари.

*Изоҳ:* Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 26 февраль “Халқ таълими муассасаларини молиялаштириши механизмини такомиллаштириши тўгрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш доирасида барча турдаги таълим муассасаларига уларнинг контингентидан (ўқувчилар, болалар, тарбияланувчилар сонидан) қатъи назар юридик шахс мақоми берилди.

Бюджет ташкилотлари бўйсунувига кўра республика бюджети ва маҳаллий (вилоят, туман, шахар) бюджетлардан маблағ билан таъминланадилар, уларнинг жорий фаолияти бюджет ташкилотларини

маблағ билан таъминлашнинг ўрнатилган тартибига асосан молиялаштирилади, бунда юридик шахс мақомига эга бўлган ташкилотлар мустақил равишда ўз молиявий режаларини *харажатлар сметаси* шаклида қонунчилик билан белгиланган тартибда ишлаб чиқадилар.

*Харажатлар сметаси* – бюджет ташкилотининг унга ажратилган бюджет маблағларининг ҳажми, мақсадли йўналиши ва йил чораклари (хар бир чоракнинг ойлари) бўйича тақсимланишини белгилаб берувчи асосий молиявий хужжати.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2010 йил 29 октябрдаги 92-сон буйруғи билан тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 19 ноябрда 2157-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўtkазиш тартиби тўғрисида Низом”<sup>1</sup>га мувофик, бюджет ташкилотларида сметаларнинг қуидаги *турлари* амалда қўлланилади (5.2-расм):


- якка (индивидуал) сметалар;
- жамланма сметалар;
- бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметалар;
- марказлашган тадбирлар учун сметалар.

*Якка сметалар* юридик шахс мақомига эга бўлган алоҳида олинган муассаса бўйича тузилади. Масалан, муайян ҳудудда (туман ёки шаҳарда) жойлашган юридик шахс мақомида фаолият қилувчи давлат соғлиқни сақлаш муассасаси (касалхона, қишлоқ врачлик пункти, ихтисослашган диспансер ва ш.к.) мустақил равишда бюджетдан тўланиши қўзда тутилган ўз харажатларини якка смета асосида режалаштиради.

---

<sup>1</sup> “Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами”, 2010 йил, 47-сон, 440-модда.





*5.2-расм. Бюджет ташкилотлари харажатлар сметаларининг гурухланиши<sup>1</sup>*

<sup>1</sup> “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом” асосида

*Жамланма сметалар* юридик шахс мақомига эга бўлмаган ва тегишли давлат бошқарув органлари хузуридаги марказлаштирилган бухгалтериялар ва тегишли ҳокимиятларнинг бухгалтериялари томонидан хизмат қўрсатилаётган ташкилотлар бўйича тузилади (масалан, туман маданият бўлимига қарашли марказий кутубхоналар тизими бўйича).

Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексида келтирилишича, “жамланма харажатлар сметаси – бюджет маблағларини тақсимловчи томонидан унинг тасарруфидаги бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметалари асосида тузиладиган харажатлар сметаси” ҳисобланади.

“Юридик шахс мақомига эга бўлмаган ва тегишли давлат бошқарув органлари (бош бўлинма сифатидаги бюджет ташкилоти) хузуридаги марказлаштирилган бухгалтериялар ва тегишли ҳокимиятларнинг бухгалтериялари томонидан хизмат қўрсатилаётган ташкилотлар бўйича қўйидаги алоҳида ҳолларда жамланма харажатлар сметаси тузилиши мумкин:

- бир турдаги кичик ташкилотлар бўйича - ветеринар участкалар ва пунктлар ҳамда бошқа ташкилотлар бўйича;
- бир турдаги йирик ташкилотлар бўйича, қачонки уларга хўжалик хизматларини кўрсатиш хўжалик хизматларни кўрсатувчи маҳсус гурухлар орқали марказлаштирилган ҳолда амалга оширилса;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бўйича;
- озодликдан маҳрум этилган жойлардан қайтган шахсларга ижтимоий мослашув марказлари ҳамда вояга етмаганларга ижтимоий-хуқукий ёрдам кўрсатиш марказлари бўйича.”\*

\**Изоҳ: 2157-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузии, кўриб чиқиши, тасдиқлаши ва рўйхатдан ўтказиши тартиби тўгрисида Низом”дан (П-боб, 1-§, 16-пункт).*

*Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича смета* – ташкилотлар томонидан жорий молия йили учун тузиладиган ва тасдиқланадиган ҳужжат бўлиб, унда ташкил бўлиш манбалари ва ушбу маблағларнинг қонунчиликка мувофиқ фойдаланиш йўналишлари кўрсатилган ҳолда бюджетдан ташқари даромадлар тушумларининг прогноз ҳажмлари акс эттирилади. Масалан, олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида талабаларни ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ва уларни ишлатиш йўналишлари бюджет қонунчилиги

(хусусан, 2157-сонли Низом) билан белгиланган тартибда бюджетдан ташқари маблағлар бўйича смета асосида режалаштирилади.

“Ташкилотлар қўйидаги бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметаларни тузадилар:

- Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси;
- Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси;
- таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушумлар;
- қонунчиликда белгиланган бошқа барча бюджетдан ташқари маблағлар, жумладан, вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига йўналтирилаётган давлат божлари, йифимлар ва солик бўлмаган тўловлардан, маъмурий ва молиявий жазолардан ажратмалар.

Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича (Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси ва Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси бундан мустасно) сметалар тегишли молия органларида харажатлар сметаси учун белгиланган муддатларда ва тартибда рўйхатдан ўtkазилади.”\*

\*Изоҳ: 2157-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиши, кўриб чиқши, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиши тартиби тўғрисида Низом”дан (IV-боб, 47-пункт).

*Марказлашган тадбирлар учун сметалар* – вазирликлар, идоралар ва ҳокимиятлар бошқармалари ва бўлимлари томонидан марказлаштирилган ҳолда амалга ошириладиган харажатлар бўйича тузилади ва ҳар бир марказлашган тадбир учун алоҳида ишлаб чиқилади. Масалан, бошланғич синф ўқувчиларини қишки кийим-бош билан таъминлаш, биринчи синф ўқувчиларига ўқув қуроллари ва анжомлари комплекти тақдим қилиш билан боғлиқ тадбирлар учун тегишли вазирлик даражасида марказлашган тадбирлар учун сметалар ишлаб чиқилади.

“Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, идоралари ва ҳокимиятлар бошқармалари ва бўлимлари марказлаштирилган ҳолда амалга ошириладиган харажатлар бўйича уларнинг ўзини саклаш учун харажатлар сметасидан ташқари ташкилотнинг марказлаштирилган тадбирлари учун харажатлар сметасини тузадилар. Бунда, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, идоралари ва ҳокимиятлар бошқармалари ва бўлимлари томонидан марказлаштирилган ҳолда бир неча тадбирлар (тизимдаги барча ташкилотлар бўйича қўриқлаш хизматини тўлаш, хизмат кийимини сотиб олиш, ягона ахборот-компьютер тизимига хизмат кўрсатиш, семинарлар ўтказиш ва бошқалар) бўйича харажатлар амалга оширилаётганда, харажатлар сметасига ҳар бир тўланадиган

марказлаштирилган тадбирлар бўйича ҳисоб-китоблар илова қилинади.”

\*Изоҳ: 2157-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиши, тасдиқлаши ва рўйхатдан ўtkазиши тартиби тўғрисида Низом”дан (IV-боб, 1-§, 22-пункт).

Харажатлар сметаси ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича смета бир йиллик муддатга - 1 январдан 31 декабргача бўлган даврга тузилади (мавсумий тадбирлар учун ёки жорий молия йилида ишга тушириладиган ташкилотлар бўйича эса уларнинг мазкур йилдаги фаолият кўрсатиш ойларига тузилади ва амал қиласи).

Бюджет қонунчилигига келгуси молия йили учун давлат бюджети йил бошлангунга қадар қабул қилинмаган ҳолатдаги хатти-ҳаракатлар белгилаб берилиган. Хусусан, агар молия йили бошлангунга қадар шу йилга мўлжалланган давлат бюджети мамлакат қонун чиқарувчи органи томонидан қабул қилинмаса, бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш улар томонидан тузилган *вақтинчалик харажатлар сметаси* асосида амалга оширилади.

*Вақтинчалик харажатлар сметаси* – бюджет ташкилотининг (ёки бюджет маблағлари олувчининг) харажатлар сметаси тасдиқлангунига ва рўйхатдан ўтказилгунига қадар амал қиласидан хужжат бўлиб, унда қонун хужжатларидағи ўзгартиришлар ҳисобга олинган ҳолда унинг учун назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳар ой учун акс эттирилади. Вақтинчалик харажатлар сметаси ойлар кесимида биринчи чорақдан ошмаган давр учун тузилади, кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Бунда ҳар ойлик харажатлар ўтган молия йилининг охирги чорагида бюджет ташкилоти томонидан сарфланган бюджет маблағларининг учдан бир қисмидан ошиб кетмаслиги шарт.

“Келгуси молия йилининг биринчи чораги учун бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағлари олувчиларнинг вақтинчалик харажатлар

сметалари жорий молия йилининг 25 декабригача тузилади, тасдиқланади ва рўйхатдан ўтказилади”<sup>1</sup>.

Вақтингчалик харажатлар сметаси асосий смета тасдиқлангунга қадар амалда бўлади, бунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметасидаги биринчи чорак учун кўзда тутилган харажатлар суммаси ташкилотларнинг вақтингчалик харажатлар сметасида режалаштирилган харажатлар суммасидан кам бўлиши мумкин эмас.

Бюджет ташкилотлари ўзларининг харажатларини ҳисоблаб чиқиша ва сметаларни режалаштиришда қуидагиларга амал қиласилар:

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Президент фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг норматив хужжатларига;
- бюджет ташкилотлари харажатларини режалаштиришнинг норматив услугига;
- товар ва хизматларнинг давлат томонидан тартибга солинадиган баҳолари ва тарифларига, шунингдек, нодавлат корхоналар ва ташкилотларнинг айрим товарлари ва хизматлари баҳоларига;
- юқори турувчи ташкилотлар раҳбарларининг ўзлари тасарруфидаги муассасаларнинг келгуси йил учун харажатлар сметаларини тузиш масалалари бўйича кўрсатмалари ва таклифларига, агарда улар қонун ҳужжатларига зид бўлмаса,
- болалар ва бошқа ижтимоий-маданий ташкилотларда овқатланишга кетадиган харажатлар суммаси ташкилотларнинг айрим турлари учун қонун ҳужжатлари билан тасдиқданган овқатланиш меъёрлари ва овқатланиш кунлари сонидан келиб чиқиб ҳисобланади;

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси. 104-модда.

- дори-дармонларга кетадиган харажатлар суммаси қонун ҳужжатлари билан белгиланган пул харажатлари меъёрига қараб ҳисоблаб чиқилади;
- ижтимоий-маданий ташкилотларнинг айрим гурӯҳи учун кийим-кечак, пояфзал, чойшаб, ётоқ анжомлари ва бошқа юмшоқ жиҳозлар сотиб олишга кетадиган харажатлар моддий таъминотнинг амалдаги меъёрлари асосида, лекин ажратилган маблаглар доирасида ҳисобланади.

## **5.2. Харажатлар сметаларини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўtkазиш тартиби**

Юқоридаги параграфда Ўзбекистон Республикасида бюджетдан молиялаштириш ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг аксарият қисмини ташкил қилувчи бюджет ташкилотларида молиявий режалаштиришнинг меъёрий-хуқуқий асосларини ташкил қилувчи ҳужжатлар шарҳини келтирган эдик. Ушбу ҳужжатлар қаторида номи келтирилган “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўtkазиш тартиби тўғрисида Низом”<sup>1</sup> бугунги кунда бюджет ташкилотлари харажатларини смета асосида режалаштириш ва молиялаштириш тартибини белгилаб беради.

Бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаси Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифига мувофиқ харажатлар гурӯҳлари бўйича, 4 гурӯҳ харажатларининг тўлиқ ёйилмасини ва ҳисоб-китобларни ўз ичига олган ҳолдаги илова билан биргаликда тузилади.

Илова харажатлар сметасининг ажралмас қисми бўлиб, сметанинг прогноз ҳисоб-китобларини асослайди ва ҳисбот тузиш мақсадида фойдаланилади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2010 йил 19 ноябрда 2157-сон билан рўйхатга олинган.

Харажатлар сметасини тузиш бўйича ишларни ташкил этиш давомида Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, идоралари, тегишли ҳокимиятларнинг бошқарма ва бўлимлари ўзларига бўйсунувчи ташкилотларга тегишли халқ депутатлари Кенгashi сессиясининг бюджетни тузиш тартиби ва муддати тўғрисидаги қароридан ва молия органининг ушбу масала бўйича кўрсатмаларидан келиб чиқиб, келгуси йил учун сметаларни тузиш тартиби ва муддатлари тўғрисида кўрсатмалар берадилар.

Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари ва идоралари, тегишли ҳокимиятларнинг бошқарма ва бўлимлари ўзларига қарашли ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда тегишли ходимлари кенгашини чақирадилар ва харажатлар сметасини тузиш тартиби ва муддатлари тўғрисида йўл-йўриқлар кўрсатадилар, уларга ташкилотларнинг молиявий-хўжалик фаолиятига ва уларга харажатлар сметасини тузиш масалалари бўйича қонунчилик талабларини тушунтирадилар, бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметаси ҳисоб-китобларини албатта қонунчиликка мувофиқ келиши, харажат қилишда молия интизомига, иқтисод қилиш тартибига риоя қилиш ҳақида кўрсатмалар берадилар, шунингдек харажатлар сметасини тузиш ҳамда бланкаларни тўлдириш техникиси масалалари бўйича йўл-йўриқлар кўрсатадилар.

Бир вақтнинг ўзида ўзларига қарашли ташкилотларга ижтимоий ривожланишнинг иқтисодий кўрсаткичлари асосида (синфлар, ўқувчилар, болалар, шифохоналарда жой-кунлар, бола-кунлар сони ва бошқалар) келгуси йил учун ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ёзма равишда хабар қиласидилар.

Харажатлар сметаси бўйича харажатларни ҳисоблаб чиқиш маблағларга бўлган эҳтиёжга мувофиқ иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш кўрсаткичларини ва иқтисод қилишнинг қатъий тартибини амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши шарт.

Харажатларни ҳисоблаб чиқишда қуидагиларга амал қилиш керак:

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари ва фармойишлари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли ҳокимиятларнинг уларга берилган хуқуқ ва ваколатлар доирасида қабул қилинган қарор ва фармойишларига;
- бюджет ташкилотларининг белгиланган тартибда тасдиқланган харажатлар меъёрларига;
- товар ва хизматларни давлат томонидан тартибга солинадиган баҳолари ва тарифларига.

Жумладан:

- харажатлар сметасига иш ҳақи учун маблағлар қонунчилик билан белгиланган маошлари ва иш ҳақи ставкалари ва уларга қўшимча тўловлардан, амалдаги намунавий штатлар ва меъёрларга риоя қилишдан келиб чиқиб киритилади. Ишбай усул билан бажариладиган ишлар учун иш ҳақи харажатлар сметасига бюджет йилига харажатлар сметасида кўзда тутилган иш ҳажмларидан келиб чиқиб киритилади;
- педагог ходимлар иш ҳақи учун маблағларни ажратишда, қонунчиликда белгиланган иш ҳақи ставкаларидан ва ўкув режасига мувофиқ дафтар текшириш, синф раҳбарлиги ва бошқалар учун қўшимча ҳақ тўлашни ҳисобга олган ҳолда тузилган тарификациялардан келиб чиқилиши лозим;
- тиббиёт ходимлари иш ҳақи учун маблағларни ажратишда, иш ҳақи ставкалари ва қонунчиликка мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлаш шартларини ҳисобга олган ҳолда тузилган тиббиёт ходимлари тарификацияларидан келиб чиқилиши лозим;
- олий ўкув юртидан кейинги таълимда таълим олувчиларни

стипендия харажатлари белгиланган стипендиялар миқдори ва стипендия таъминоти тартибидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади;

– меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасидан ягона ижтимоий тўловни тўлаш харажатлари харажатлар сметасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига мувофиқ белгиланган ставкаларда, қонунчиликка мувофиқ ягона ижтимоий тўлов тўланадиган барча тўлов суммаларидан келиб чиққан ҳолда киритилади;

– иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта мукофотини тўлаш харажатлари харажатлар сметасига қонунчиликда белгиланган тартибда иш берувчининг барча ходимларининг ўтган йилги иш ҳақининг ҳақиқий харажатларидан келиб чиққан ҳолда киритилади;

– хўжалик харажатлари, жумладан, коммунал хизматлар учун харажатлар лимитлар доирасида коммунал хизматлар учун баҳо ва тарифларни ҳисобга олган ҳолда ҳисобланади;

– телефон ва бошқа телекоммуникация хизматлари харажатлари абонент рақамлари сони ва хизматлар учун тасдиқланган тарифларидан келиб чиқиб ҳисобланади. Бунда, лимитдан ошиқ фойдаланилган шаҳарлараро (давлатлараро) сўзлашувлар учун алоқа хизматлари, интернет бўйича хизматлар ва бошқа алоқа хизматлари харажатлари бюджет ташкилотларининг харажатлар сметасида тегишли молия органлари билан келишилган ҳолда ўзларининг фаолият хусусиятларидан ва ушбу хизматларга бўлган талабдан келиб чиқиб кўзда тутилади;

– даволаш, болалар ва бошқа ижтимоий соҳа муассасаларида овқатланишга кетадиган харажатлар ташкилотларнинг ҳар бир тури учун тасдиқланган овқатланиш кунининг ўртacha йиллик сонидан ва натурал меъёрларидан келиб чиқиб ҳисобланади;

– дори-дармонларга кетадиган харажатлар қонунчиликда белгиланган пул харажатлари меъёрига қараб:

– стационарларда - ҳар бир жой-кунга, шифохоналарда – ҳар бир врач қабулига белгиланади;

– ижтимоий-маданий ташкилотларнинг айрим гурӯҳи учун кийим-кечак, поябзal, чойшаб, ётоқ анжомлари ва бошқа юмшоқ буюмлар сотиб олишга кетадиган харажатлар моддий таъминотнинг меъёрлари асосида, лекин ажратилган маблағлар доирасида ҳисобланади;

– сув, ўрмон хўжалиги ва бошқа ташкилотларни сақлаш харажатлари уларнинг бажараётган иш меъёри ва ҳажмидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади;

– инспекция ва қўриқлаш фаолияти билан боғлиқ хизматлар тўлови харажатлари ташкилотлар ва ушбу хизматларни етказиб берувчилар ўртасидаги шартномага мувофиқ аниқланади;

– ташкилотларнинг бинолар, иншоотлар ва транспорт воситаларидан фойдаланиш, бинолар ва транспорт воситалари, шунингдек бошқа давлат мулклари ижараси билан боғлиқ харажатлари белгиланган лимитлар ва натурал қўрсаткичлардан келиб чиқиб аниқланади;

– хизмат сафарлари билан боғлиқ харажатлар ташкилотларнинг олдига қўйилган вазифаларидан, шунингдек қонунчиликда белгиланган меъёрлардан келиб чиқсан ҳолда аниқланади;

– эпизоотик касалликларга қарши тадбирлар ва қишлоқ хўжалиги зааркунданаларига (чиғирткалар, тут парвонаси ва бошқалар) қарши курашиш билан боғлиқ харажатлар прогноз иш ҳажмлари ва кимёвий препаратларга бўлган эҳтиёжлар, шунингдек бажариладиган иш турларидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

Юқорида кўрсатилган харажатлар, шунингдек Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифи бўйича бошқа харажатларни аниқлашда бошқа кўрсаткичлар ва услублар қўлланиши мумкин, уларнинг асосланганлиги харажатлар сметасини рўйхатдан ўтказувчи тегишли молия органлари томонидан текширилади.

Юридик шахс мақомига эга бўлмаган ва тегишли давлат бошқарув органлари (бош бўлинма сифатидаги бюджет ташкилоти) хузуридаги марказлаштирилган бухгалтериялар ва тегишли ҳокимиятларнинг бухгалтериялари томонидан хизмат қўрсатилаётган ташкилотлар бўйича жамланма харажатлар сметаси тузилади.

Марказлаштирилган бухгалтериялар ташкил этилган тегишли давлат бошқарув органлари (бош ташкилотлар) раҳбарлари ва тегишли ҳудуд ҳокимлари (улар ваколат берган мансабдор шахслар) жамланма харажатлар сметаси бўйича бюджетдан ажратилган маблағларни тақсим қилувчилар бўлиб ҳисобланадилар.

Жамланма харажатлар сметаси, хизмат қўрсатиладиган ташкилотларнинг раҳбарларидан олинган буюртмалар асосида ҳамда марказлаштирилган бухгалтерияда мавжуд бўлган ҳисоб ва ҳисбот, шунингдек иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш қўрсаткичларига мувофиқ марказлаштирилган бухгалтерия томонидан тузилади.

Жамланма харажатлар сметасини тузиш учун буюртмалар ҳокимиятларнинг тегишли бошқарма ва бўлимлари томонидан белгиланган шакллар ёки қўрсаткичлар рўйхати бўйича харажатларнинг гуруҳлари бўйича ва иловаларни ҳамда сметаларга қилинган ҳисобкитобларни илова қилган ҳолда ташкилотлар томонидан тақдим қилинади.

Буюртмаларда қуйидаги маълумотлар қўрсатилади:

- иситиш, ёритиш, сув таъминоти харажатларини ҳисоблаш учун зарур натурал қўрсаткичлар;
- сотиб олиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар ва жиҳозлар рўйхати;
- капитал ва жорий таъмирлаш бўйича асосий ишлар рўйхати;
- ўрмон хўжалиги ташкилотларининг бажарадиган ишлари ҳажми;
- қонунчиликка мувофиқ белгиланган кадастстр юритиш бўйича ишлар ҳажми ва бошқа қўрсаткичлар ҳисоби;

– бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш бўйича манзилли рўйхатга киритиш учун ҳисоб-китобларнинг асосланганлиги;

– бюджетдан маблағлар ажратишни асослаш учун бошқа керакли ҳисоб-китоблар.

Ташкилотлар томонидан берилган буюртмалар марказлаштирилган бухгалтериялар томонидан тегишли ташкилотларнинг вакиллари иштирокида олдиндан кўриб чиқилади ҳамда жамланма харажатлар сметасини тузишда ҳисобга олинади.

Марказлаштирилган бухгалтерия томонидан тузилган жамланма харажатлар сметасининг лойиҳалари тегишли ташкилотлар раҳбарлари иштирокида кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Марказлаштирилган бухгалтериялар томонидан хизмат кўрсатиладиган ташкилотларнинг харажатлар сметаси ташкилотлар билан марказлаштирилган бухгалтериялар бош (катта) ҳисобчилари ёки иқтисодчилари иштирокида тузилади.

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, идоралари ва ҳокимиятлар бошқармалари ва бўлимлари марказлаштирилган ҳолда амалга ошириладиган харажатлар бўйича уларнинг ўзини сақлаш учун харажатлар сметасидан ташқари, ташкилотнинг марказлаштирилган тадбирлари учун харажатлар сметасини тузадилар. Бунда, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, идоралари ва ҳокимиятлар бошқармалари ва бўлимлари томонидан марказлаштирилган ҳолда бир неча тадбирлар (тизимдаги барча ташкилотлар бўйича қўриқлаш хизматини тўлаш, хизмат кийимини сотиб олиш, ягона ахборот-компьютер тизимига хизмат кўрсатиш, семинарлар ўtkазиш ва бошқалар) бўйича харажатлар амалга оширилаётганда, харажатлар сметасига ҳар бир тўланадиган марказлаштирилган тадбирлар бўйича ҳисоб-китоблар илова қилинади.

Келгуси йилга очилиши керак бўлган ташкилотларни ташкил этиш, сақлаш бўйича харажатлар сметаси тегишли вазирликлар, идоралар ҳамда

тегишли ҳокимиятларнинг бошқармалари, бўлимлари томонидан ҳар бир ташкилотга алоҳида, меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари ва фаолият кўрсатаётган шунга ўхшаш ташкилотларда мавжуд бўлган харажатларининг ўртacha меъёrlаридан келиб чиқсан ҳолда тузилади.

Бунда, янги ташкилотларни сақлаш харажатлари ушбу ташкилотлар фаолиятининг бошланиши мўлжалланаётган муддатлардан келиб чиқсан ҳолда ҳисобланади.

Юқорида таъкидланганидек, смета харажатлари қуидаги харажат гуруҳлари бўйича режалаштирилади:

*I гурӯҳ* – Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар (стипендиялар ва бошқалар);

*II гурӯҳ* – Иш берувчиларнинг ажратмалари (Иш ҳақига устамалар);

*III гурӯҳ* – Капитал қўйилмалар;

*IV гурӯҳ* – Бошқа харажатлар.

Харажатларни молиялаштириш (тўлаш) бюджет ижроси жараёнида харажатлар рўйхати ва сметасига киритиладиган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда тегишли йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига ҳамда бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларига мувофиқ тузилган бюджет харажатларининг чораклар бўйича тақсимланган йиллик рўйхатига биноан амалга оширилади.

*I гурӯҳ* – Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга қуидаги харажат турлари киради:

- “Иш ҳақи”;
- “Таълим муассасаларининг ўrnak кўrsatgan ходимларини рағбатлантириш Директор фонди маблағлари” (умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллажлари ва академик лицейларда);
- Стипендиялар.

Умуман олганда, бюджет ташкилотлари ходимлари иш ҳақини ҳисоблашда улар меҳнатига ҳақ тўлашнинг Ягона Тариф Сеткаси (ЯТС) кўлланилади. ЯТС Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

томонидан ўрнатилади. У 22 та разраддан ва ҳар бир разрад учун ўрнатилган тегишли тариф коэффициентларидан иборат. Ягона Тариф Сеткаси қонунан ўрнатилган энг кам иш ҳаки миқдорига асосланади ва бюджет ташкилотлари ходимлари лавозим окладларини аниқлаш учун қўлланилади. Айрим тармоқлар учун эса меҳнатга ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткаси қўлланилади. Масалан, олий таълим муассасалари, халқ таълими муассасалари, соғлиқни саклаш давлат ташкилотлари учун улар ходимлари меҳнатининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткалари ишлаб чиқилган.

*II гурӯҳ – “Иш ҳақига устамалар”* (Иш берувчиларнинг ажратмалари):

Бу гурухда меҳнат ҳақи фондига нисбатан фоизларда ҳисобланадиган ягона ижтимоий тўлов суммаси акс эттирилади. Харажатлар ҳисоблаб чиқилган меҳнат ҳақи фонди суммасига нисбатан ўрнатилган фоизларда ҳисобланади. 2014 йил учун ягона ижтимоий тўлов миқдори меҳнат ҳақи фондига нисбатан 25 фоиз қилиб белгиланган<sup>1</sup>.

*III гурӯҳ – “Капитал қўйилмалар”* гурухи бўйича харажатлар Давлат инвестиция дастурида назарда тутилган аниқ рўйхатларга мувофиқ алоҳида тарзда режалаштирилади. Бу харажатлар алоҳида бюджет ташкилотининг сметасида режалаштирилмайди.

*IV гурӯҳ – “Бошқа харажатлар”* таркибиغا қуйидаги харажат турлари ва уларга мос харажат кодлари киради:

- “Хизмат сафар харажатлари”;
- “Коммунал хизматларни тўлаш харажатлари”;
- “Телефон, телекоммуникацион ва ахборот хизматлари харажатлари”;
- “Жорий таъмирлаш харажатлари”;

---

<sup>1</sup> “Ўзбекистон Республикасининг 2014-йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметлари тўғрисида”ги Президент Қарори. ПҚ-2099-сон. 25.12.2013. З-банд.

– “Сақлаш, эксплуатацион харажатлар ва бошқа хизматларни түлаш харажатлари”;

– “Техника, усқуналар, жорий мақсадлардаги бошқа буюмларни ва озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш харажатлари”;

– “Бошқа жорий харажатлар”.

IV гурух моддалари бўйича харажатларни режалаштириш ва ҳисобкитоб қилишнинг энг умумий бўлган ўзига хос хусусиятлари куйидагилардан иборат:

- амалдаги нархлар ва тарифлар асосида ҳисоблаб чиқарилади;
- натурал шаклда ажратилган лимитлар асосида аниқланади;
- ҳисоблагичларнинг кўрсаткичлари бўйича ўтган йилдаги ҳақиқий харажатлар инобатга олинади;
- бир бирлик учун ўрнатилган харажат меъёрларига риоя этилади;
- энерго-ёқилғи ва бошқа ресурсларни иқтисод қилиш режимига риоя этилади.

Хуроса қилиб айтганда, кейинги йилларда бюджет амалиётидаги ўзгаришлар, “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши ва бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш механизмининг ўзгариши муносабати билан амалдаги 414-сон Қарорга 2007 йил 19 июл 148-сон Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан қатор ўзгартиришлар киритилиши, 2007-сон “Давлат бюджетининг ғазна ижроси Қоидалари”нинг қабул қилиниши, 2157-сон “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом”нинг кучга кириши, 2013 йилда Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг қабул қилиниши билан бюджет ташкилотлари харажатларини режалаштириш ва тўловларини амалга ошириш тартиблари тубдан ўзгарди. Ушбу хужжатларга мувофик, ғазна ижросига ўтган бюджет ташкилотларининг харажатлари Молия вазирлигининг Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ягона

ғазна ҳисоб рақамидан, шунингдек сметада кўрсатилган харажатлар гурухларининг ҳар бир моддаси бўйича ғазначилик ҳисоб рақамидан амалга оширилади. Бу тадбирлар бюджет ташкилотлари харажатларини тўғри ва оқилона режалаштириш, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, маблағларни иқтисод қилиш, бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилишга янгича талабларни қўймоқдаки, ушбу талаблар бюджетдан молиялаштириш, бюджет ташкилотларида молиявий режалаштириш ва харажатлар сметасини тузиш ва ижро этиш жараёнларини чуқуроқ ўрганишни талаб этади.

### **5.3. Ғазначиликда харажатлар сметаларини ва уларга киритиладиган ўзгаришларни рўйхатга олиш**

Бюджетдан маблағ олувчилар бюджет харажатларини амалга ошириш учун ғазначилик бўлинмаларига қуидагиларни:

а) бюджет маблағлари бўйича:

доимий харажатлар сметалари молия органларида рўйхатга олингунига қадар — биринчи чорак учун ойлар кесимида молия бўлимларида рўйхатга олинган вақтинчалик харажатлар сметалари нусхаларини;

доимий харажатлар сметалари молия органларида рўйхатга олингандан сўнг — молия органларида рўйхатга олинган, ойлар кесимида доимий харажатлар сметаларини;

б) бюджетдан ташқари маблағлар бўйича — молия органларида рўйхатга олинган, бюджетдан ташқари маблағларнинг келиб тушиши ва ишлатилишининг чекланиши ойлар кесимида қўрсатилган вақтинчалик ва аниқланган харажатлар сметалари нусхаларини тақдим этадилар (келиб тушиши ва сарфланиш йўналиши чекланмаган бюджетдан ташқари маблағлар турлари бундан мустасно).

Бюджетдан маблағ олувчилар бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметалари нусхаларини ва уларга иловаларни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Захира жамғармаси, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши захира жамғармаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги захира жамғармалари маблағлари ҳисобига ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметаларни, улар молия органларида ўрнатилган тартибда рўйхатга олинганидан сўнг, ғазначилик бўлинмаларига тақдим қиласидилар.

Капитал қурилиш обьектлари бўйича капитал қурилиш буюртмачилари ғазначилик бўлинмаларига “Давлат бюджети ғазна ижроси қоидалари”да келтирилган шаклга мувофиқ, тегишли молия органлари билан келишилган, тасдиқланган қурилишларнинг манзилли рўйхати (лойиҳатадқиқот ишларининг манзилли рўйхати) ва қурилишларнинг титул рўйхати асосида тузилган харажатларнинг ойлар кесимидағи ёйилмасини (Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қурилиш обьектлари бўйича харажатлар сметаси) тақдим этадилар.

Капитал қурилиш обьектлари бўйича харажатларнинг ойлар кесимидағи ёйилмасига аниқликлар қурилишларнинг манзилли ва титул рўйхатларининг аниқланиши асосида киритилади.

Ғазначилик бўлинмалари бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет таснифининг тегишли бўлим, боб ва параграфлари бўйича харажатларини қуийдаги ҳолларда тўхтатиш ҳуқуқига эга:

- бюджетдан маблағ олувчиларнинг тегишли молия органлариға Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган ҳисоботларни тақдим етмаган ҳолларда (молия органлари томонидан ғазначилик бўлинмаларини бюджетдан маблағ олувчиларнинг ҳисобот топширмаганлиги тўғрисидаги ёзма билдиришномаси бўйича), тегишли бюджетдан маблағ олувчиларнинг раҳбарларини хабардор қилган ҳолда;

- тегишли молия органлари томонидан тегишли бюджетларнинг вақтинчалик ва доимий даромадлар ва харажатлар ёйилмалари

белгиланган муддатларда тақдим этилмаганда — улар тақдим этилгунга қадар муддатга;

– тегишли бюджетдан маблағ олувчилар томонидан харажатлар сметалари белгиланган муддатларда тақдим этилмаганда — улар тақдим этилгунга қадар муддатга;

– ёйилмада кўрсатилган бюджетлар харажатлари суммаси ва сметаларда кўрсатилган харажатлар суммасининг йигиндиси ўртасида фарқлар аниқланганда — фарқларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф етгунгача муддатга;

– бюджетдан маблағ олувчилар томонидан ажратилган бюджет маблағларини ўзгартиришга сўровнома келишиш учун тақдим қилинганда — улар томонидан сўровнома асосида тайёрланган сметага тегишли барча ўзгартиришларни ва уларнинг ўзаро муваффақиятли солиштиришларни ёки тегишли молия органининг киритилаётган ўзгартиришни рад этганлиги тўғрисидаги ёзма хабарномаси тақдим этилгунга қадар муддатга;

– молия органлари томонидан ажратилган бюджет маблағларини ўзгартиришга тақдимнома келишиш учун тақдим қилинганда — улар томонидан тақдимномалар асосида тайёрланган сметаларга тегишли барча ўзгартиришларни ва уларнинг ўзаро муваффақиятли солиштиришлари ёки тегишли молия органининг киритилаётган ўзгартиришларни рад этганлиги тўғрисидаги ёзма хабарномаси тақдим этилгунга қадар муддатга;

– қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Бунда, харажатларнинг тўхтатилиши ажратилган бюджет маблағларининг камайтирилиши назарда тутилаётган бўлим, боб ва параграфлар ва харажатлар моддалари бўйича амалга оширилади.

Тегишли бюджетлар даромадлари ва харажатларининг ёйилмасига, бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар сметаларига, қурилишларнинг манзилли ва титул рўйхатлари (лойиҳа-тадқиқот ишларининг манзилли рўйхати)га ўзгартиришларнинг киритилиши молия

органлари томонидан бюджетдан маблағ оловчилар ва буюртмачилар билан биргаликда, ушбу ўзгартиришлар учун сўровномалар ва тақдимномалар тегишли ғазначилик бўлинмалари билан келишилгандан сўнг амалга оширилади.

Ажратилган бюджет маблағлари қолдиқлари суммаларининг қабул қилинган юридик ва молиявий мажбуриятлар, шунингдек амалга оширилган касса харажатларининг ажратилган бюджет маблағлари қолдиқлари суммаларидан ошишига олиб келадиган миқдорларда бюджет маблағларининг камайтирилишига йўл қўйилмайди.

Ажратилган бюджет маблағларининг камайтирилиши бюджетдан маблағ оловчилар ва уларнинг маҳсулот етказиб берувчилари билан ўзаро юридик мажбуриятларни бир хилга камайтириш ҳолларида амалга оширилиши мумкин.

Ажратилган бюджет маблағлари кўпайтирилгандан сўнг, бюджетдан маблағ оловчилар ва уларнинг маҳсулот етказиб берувчилар билан шартномаларига томонлар юридик мажбуриятларининг бир хилда кўпайишини назарда тутадиган ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Тегишли бюджет маблағларининг тақсимловчилари (оловчилари) ташаббуси билан бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметаларига ўзгартириш киритилган ҳолларда, улар томонидан ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган сўровномалар имзолаш учун ғазначилик бўлинмаларига тақдим этилади.

Ғазначилик бўлинмалари таклиф қилинаётган ўзгартиришларни амалга ошириш имконини текширишни таклиф қилинаётган ўзгартиришлар суммасини, тегишли бюджет маблағларининг тақсимловчилари (оловчилари) бўйича уларнинг юридик ва молиявий мажбуриятлари, шунингдек касса харажатлари билан банд қилинмаган, ажратилган бюджет маблағлари қолдиқлари билан солиштириш орқали амалга оширади.

Сўровномада кўрсатилган харажатлар турлари бўйича ажратилган бюджет маблағларига таклиф қилинаётган ўзгартиришлар киритишнинг имкони мавжуд бўлганда, ғазначилик бўлинмалари Ғазначилик дастурий мажмуида ушбу бюджет маблағларини тақсимловчилар (олувчилар)нинг шахсий ғазна ҳисобваракларидаги тегишли харажатлар моддалари бўйича кейинги юридик ва молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва касса харажатларини амалга оширишни тўхтатиб қўяди.

Ғазначилик дастурий мажмуида кейинги юридик ва молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва касса харажатларини амалга ошириш тўхтатиб қўйилгандан сўнг, бюджетдан маблағ олевчилар (тақсимловчилар)нинг сўровномаси тегишли ғазначилик бўлинмаларининг ваколатли ходимлари томонидан имзоланади ва муҳри билан тасдиқланади.

Имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган харажатлар сметасига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги сўровнома, уни ғазначилик бўлинмасига тақдим қилинган куннинг кейинги иш кунидан кечикмаган муддатда, бюджет маблағининг тақсимловчи (олувчи)га кейинчалик уни тегишли молия органларига тақдим этиш учун қайтарилади.

Юридик ва молиявий мажбуриятлар билан банд бўлмаган бюджет маблағлари мавжуд бўлмагандан ва бюджет маблағларига сўровномада кўрсатилган харажат турлари бўйича таклиф қилинаётган ўзгартиришлар киритишнинг имкони мавжуд бўлмаган ҳолларда, ғазначилик бўлинмалари сўровномани қайтариш сабабларини кўрсатган ҳолда бюджетдан маблағ олевчилар (тақсимловчилар)га қайтарадилар.

Бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметаларига тегишли молия органлари ташаббуси билан ўзгартиришлар киритилган ҳолларда, улар томонидан ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган тақдимнома ёки маълумотнома-билдиришнома лойиҳалари ғазначилик бўлинмаларига имзолаш учун тақдим этилади.

Ғазначилик бўлинмалари тақдимномада таклиф қилинаётган ўзгартиришларни амалга ошириш имконини, таклиф қилинаётган

ўзгартиришлар суммасини тегишли бюджет маблағларининг тақсимловчилари (олувчилиари) бўйича юридик ва молиявий мажбуриятлар, шунингдек касса харажатлари билан банд қилинмаган ажратилган бюджет маблағлари қолдиқлари билан солиштириш орқали амалга оширади.

Тақдимномада кўрсатилган харажат турлари бўйича ажратилган бюджет маблағларига ўзгартиришлар киритишнинг имкони мавжуд бўлгандা, ғазначилик бўлинмалари Ғазначилик дастурий мажмуида ушбу шахсий ғазна ҳисобварагларидаги тегишли бўлим, боб, параграф ва харажатлар моддалари бўйича кейинги юридик ва молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва касса харажатларини амалга оширишни тўхтатиб қўяди.

Ғазначилик дастурий мажмуида кейинги юридик ва молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва касса харажатларини амалга ошириш тўхтатиб қўйилгандан сўнг, молия органининг тақдимномаси тегишли ғазначилик бўлинмасининг ваколатли ходимлари томонидан имзоланади ва унинг муҳри билан тасдиқланади.

Имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган харажатлар сметасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги тақдимнома, у ғазначилик бўлинмасига тақдим қилинган қуннинг кейинги иш кунидан кечикмаган муддатда, тегишли молия органига қайтарилади.

Юридик ва молиявий мажбуриятлар билан банд бўлмаган ажратилган бюджет маблағлари мавжуд бўлмаганда ва ажратилган бюджет маблағларига тақдимномада кўрсатилган харажат турлари бўйича таклиф қилинаётган ўзгартиришлар киритишнинг имкони мавжуд бўлмаган ҳолларда, ғазначилик бўлинмалари тақдимномани тегишли молия органига қайтариш сабабларини кўрсатган ҳолда ёзма равища қайтарадилар.

Молия органлари томонидан қонун ҳужжатлари асосида бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметаларига ўзгартиришлар (камайтиришлар) киритилган ҳолларда, ғазначилик бўлинмаларига маълумотнома-билдиришнома лойиҳалари тақдим қилинади (республика

бюджети бўйича — Молия вазирлигининг тармоқ бошқармалари Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги Ғазначилигига маълумотнома- билдиришнома лойиҳасини тақдим этади).

Ғазначилик бўлинмалари таклиф қилинаётган ўзгартиришларни амалга ошириш имконини текширишни, таклиф қилинаётган ўзгартиришлар суммасини юридик ва молиявий мажбуриятлар, шунингдек тегишли бюджетда турувчи, барча бюджет маблағларини тақсимловчилар (олувчилар)нинг тегишли бўлим, боб, параграф ва харажатлар моддалари бўйича касса харажатлари билан банд қилинмаган ажратилган бюджет маблағлари қолдиқлари билан солиштириш орқали амалга оширадилар.

Маълумотнома-билдиришномада кўрсатилган ажратилган бюджет маблағлари лимитларига таклиф қилинаётган ўзгартиришларни киритиш имкони мавжуд бўлганда, ғазначилик бўлинмалари:

- Ғазначилик дастурий мажмуида тегишли бюджет маблағларини тақсимловчилар (олувчилар)нинг тегишли бўлим, боб, параграф ва харажатлар моддалари бўйича кейинги юридик ва молиявий мажбуриятлар олишни ва касса харажатларини амалга оширишни тўхтатиб қўяди;
- маълумотнома-билдиришнома лойиҳаси тақдим қилинган куннинг кейинги иш кунидан кечикмаган муддатда ижобий хулоса тузади ва уни тегишли молия органларига тақдим этади.

Юридик ва молиявий мажбуриятлар билан банд бўлмаган ажратилган бюджет маблағлари мавжуд бўлмаган ҳолларда ва сўровномада кўрсатилган харажат турлари бўйича ажратилган бюджет маблағлари лимитларига таклиф қилинаётган ўзгартиришлар киритишнинг имкони мавжуд бўлмаганда, ғазначилик бўлинмалари, маълумотнома- билдиришнома лойиҳаси тақдим қилинган куннинг кейинги иш кунидан кечикмаган муддатда, унга ўзгартиришлар киритиш имкони йўқлиги сабаблари кўрсатилган ҳолда хулоса тузади.

Маълумотнома-бидиришномага салбий хулоса олингандан сўнг, тегишли молия органлари уларни ўзгартириш ёки бекор қилиш бўйича чораларни кўрадилар.

Юридик ва молиявий мажбуриятларни қабул қилиш ва касса харажатларини амалга оширишни тўхтатиб қўйишни ечиш, ғазначилик бўлинмалари томонидан молия органлари тегишли маълумотнома-бидиришномалар ва уларни ўзаро солиштириш асосида тайёргланган бюджет маблағлари тақсимловчилар (олувчилар)нинг харажатлар сметаларига ўзгартиришлар рўйхатининг барча нусхаларини тақдим қилганидан кейин амалга оширилади.

### **Таянч сўз ва иборалар**

Бюджет ташкилоти, нотижорат ташкилот, харажатлар сметаси, якка (индивидуал) смета, жамланма смета, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича смета, марказлашган тадбирлар учун смета, вақтинчалик харажатлар сметаси, доимий смета, штатлар жадвали, харажат меъёрлари, нормативлар, лимитлар, марказлаштирилган бухгалтерия, смета тузиш учун буюртмалар, харажатларнинг ўртача меъёрлари, харажат гуруҳлари, харажат моддалари, маълумотнома-бидиришнома.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Бюджет ташкилотларини харажатлар сметаси асосида молиялаштиришнинг мазмуни ва хусусиятларини тушунтириб беринг.
2. Харажатлар сметасининг мазмуни ва аҳамияти нимада?
3. Бюджет ташкилотлари харажатларини режалаштиришда сметаларнинг қайси турлари қўлланилади ва уларга хос хусусиятлар нималардан иборат?
4. Қайси холатларда вақтинчалик харажатлар сметасидан фойдаланилади?
5. Бюджет ташкилотларида харажатларни режалаштиришни

тартибга солувчи асосий мөъёрий ҳужжатларни санаб ўтинг.

6. Амалиёт таҳлили асосида бюджет соҳасида смета асосида режалаштириш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш йўлларини айтинг.

7. Бюджет ташкилотлари харажатлар сметаси ва штат жадвалини тасдиқлаш ва рўйхатдан ўtkазиш тартиби тўғрисида гапириб беринг.

8. Бюджет ташкилотлари харажатлар сметасига ўзгаришилар ва тузатишилар киритиш тартиби қандай?

9. Бюджет ташкилотлари сметаларига киритилган ўзгаришилар Фазначиликда қандай тартибда рўйхатга олинади?

10. Маълумотнома-билдиришнома нима, у қандай тузилади ва ишлатилади?

### **Мустақил ўрганиш учун топшириқлар**

1. Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағларини олувчи бошқа муассасалар харажатларини амалга ошириш тартибини белгилаб берувчи мөъёрий-хуқуқий ҳужжатлар рўйхатини тузиб чиқинг ва уларнинг қисқача шарҳини келтиринг.

2. Бюджет ташкилотлари харажатларини режалаштириш, Фазначиликда улар харажатлари тўловини амалга ошириш, сметаларга киритилган ўзгаришиларни Фазначиликда рўйхатга олиш тартибини акс эттирувчи слайдлар яратинг ва уларни умумлаштириб тақдимот тайёрланг.

### **Тест саволлари**

**1. Бюджет ташкилотларининг тасдиқланган харажатлар сметасини рўйхатдан ўtkазиш муддати:**

А. Тегишли бюджет параметрлари тасдиқланган пайтдан бошлаб 30 кун муддатдан кечиктирмай

В. Тегишли бюджет параметрлари тасдиқланган пайтдан бошлаб 40 кун муддатдан кечиктирмай

С. Тегишли бюджет параметрлари тасдиқланган пайтдан бошлаб 20 кун муддатдан кечиктиримай

Д. Тегишли бюджет параметрлари тасдиқланган пайтдан бошлаб 10 кун муддатдан кечиктиримай

**2. Бюджет ташкилотларига ўтган йилдаги дебиторлик қарзларининг қайтарилиганинг суммаси ...**

А. бюджет ташкилотларининг Ривожлантириш жамғармасига ўтказилади

В. тегишли бюджетлар даромадига ўтказилади

С. бюджет ташкилотларининг “Бошқа харажатлар” гурӯҳидаги харажатларга йўналтирилади

Д. бюджет ташкилотларининг I ва II гурӯҳ харажатларини қоплаш учун йўналтирилади.

**3. Бюджет ташкилотларининг IV-гурӯҳ “Бошқа харажатлар” ҳисобига уяли телефонлар, импорт офис мебелларини сотиб олиш қайси орган билан келишилган ҳолда амалга оширилади?**

А. Тегишли вилоят Молия бошқармаси, туман (шаҳар) молия бўлимлари

В. Молия вазирлиги Фазначилиги

С. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

Д. Бошқа органлар билан келишилмайди.

**4. Харажатлар сметаларининг турлари қайси жавобда тўғри кўрсатилиган?**

А. Якка, жамланма, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича

В. Содда, мураккаб

С. Якка, бирлашган

Д. Якка, умумлашган, йифма.

**5. Бюджет ташкилотларининг ишлаб чиқилган ва рўйхатдан ўтказиш учун киритиладиган сметалари ва штатлар жадвалининг тўғрилиги ва асосланганлиги учун ким жавобгар?**

А. Бюджет ташкилотининг раҳбари, бюджет ташкилотининг бош ҳисобчиси

**В. Ҳокимликлар**

С. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тизимидағи ваколатли ходимлар

Д. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилиги тизимидағи ваколатли ходимлар

**6. Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларнинг тасдиқланган харажатлар сметалари ва штат жадваллари қайси орган томонидан рўйхатдан ўтказилади?**

А. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

Б. Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги

С. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Д. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**7. Рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметаси мавжуд бўлмаган тақдирда ...**

А. бюджет ташкилоти харажатлар сметаси рўйхатдан ўтказилгунига қадар тўхтатиб турилади

Б. жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб бюджет ташкилоти харажатларини тўлаб бериш тўхтатилади

С. ўтган йилда тасдиқланган сметага кўра харажатлар тўлаб борилади

Д. жорий молия йилининг 1 апрелидан эътиборан бюджет ташкилоти харажатлар сметаси рўйхатдан ўтказилгунига қадар тўхтатиб турилади

**8. Келгуси молия йилининг биринчи чораги учун бюджет ташкилотларининг вақтинчалик харажатлар сметалари қайси муддатларда тузилади?**

А. жорий молия йилининг 30 декабригача тузилади, тасдиқланади ва рўйхатдан ўтказилади

Б. жорий молия йилининг 25 декабригача тузилади, тасдиқланади ва рўйхатдан ўтказилади

С. келгуси йилнинг 10 январигача тузилади

D. келгуси йилнинг 1 апрелигача тузилади, тасдиқланади ва рўйхатдан ўтказилади

**9. Бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаси ким томонидан имзоланади ва тасдиқланади?**

A. Ташкилот бош бухгалтери (унинг ўринбосари) ва молия-иктисод бўлинмаси бошлиғи (штат жадвалига мувофиқ молиявий-иктисодий масалалар бўйича мутахассис) томонидан имзоланади ҳамда ташкилот раҳбари ёки у ваколат берган шахс томонидан тасдиқланади

B. Юқори турувчи ташкилот бош бухгалтери (унинг ўринбосари) ва молия-иктисод бўлинмаси бошлиғи томонидан имзоланади ҳамда юқори турувчи ташкилот (масалан, вазирлик) раҳбари томонидан тасдиқланади

C. Тегиши молия бўлими раҳбари томонидан имзоланади ва тасдиқланади

D. Тегиши Газначилик бўлинмаси раҳбари томонидан имзоланади ва тасдиқланади

**10. Харажатлар сметасига қандай хужжатлар илова қилинади?**

A. харажатларнинг моддалари бўйича тўртинчи гурух харажатлари ёйилмаси

B. давлат эҳтиёжлари учун устувор равишда кичик тадбиркорлик субъектларидан харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) гуруҳларининг рўйхати бўйича харажатлар ёйилмаси

C. харажатларнинг моддалари бўйича биринчи гурух харажатлари ёйилмаси

D. тўртинчи гурух харажатлари ёйилмаси ҳамда давлат эҳтиёжлари учун устувор равишда кичик тадбиркорлик субъектларидан харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) гуруҳларининг рўйхати бўйича харажатлар ёйилмаси

## **6-БОБ. ФАЗНАЧИЛИКДА ЮРИДИК МАЖБУРИЯТЛАР ВА НАРХЛАР МОНиторинги**



### **6.1. Хўжалик шартномалари ва уларнинг хусусиятлари**

Иқтисодиёт тармоқлари корхоналари ҳамда ижтимоий соҳа муассаса ва ташкилотлари ўртасидаги, уларнинг узлуксиз фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган товарлар, ишлар ва хизматларни етказиб бериш билан боғлиқ муносабатлар муайян шартномавий-хуқуқий муносабатлар асосида ташкил этилади. Бундай муносабатларга киришган тарафлар ўртасида товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш *хўжалик шартномаси* асосида амалга оширилади.


*Хўжалик шартномаси* деб тарафлардан бири шартлашилган муддатда тадбиркорлик фаолияти соҳасида товарлар етказиб бериш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўrsatiш мажбуриятини оладиган, иккинчи тараф эса товарларни, ишларни, хизматларни қабул қилиб олиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини оладиган келишувга айтилади.

Хўжалик шартномаларини тузиш ва бажариш жараёни бир қатор қонун хужжатлари билан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (670-сон, 29.08.1998.) шулар жумласидандир.

Фуқаролик Кодексининг 353-моддасига мувофиқ, “Икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик хуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви шартнома дейилади”. Шунингдек, Фуқаролик Кодекси билан фуқаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда эркин эканликлари, шартнома бўйича тараф ўз

бурчларини бажарганлиги учун ҳақ олиши ёки унга бошқа муқобил тўлов тўланиши лозим бўлса, бундай шартнома ҳақ евазига тузилган шартнома эканлиги, шартнома бўйича бир тараф иккинчи тарафга ундан ҳақ ёки бошқа муқобил тўлов олмасдан бирон нарсани бериш мажбуриятини олса, бундай шартнома текинга тузилган шартнома ҳисобланиши, агар қонун хужжатларидан, шартноманинг мазмуни ёки моҳиятидан бошқача ҳол англашилмаса, шартнома ҳақ евазига тузилган шартнома ҳисобланиши кабилар белгилаб қўйилган.

“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кўра, тадбикорлик фаолияти соҳасидаги шартномавий муносабатларнинг асосий принциплари қуидагилардан иборат (6.1-расм):



**6.1-расм. Шартномавий муносабатларнинг асосий принциплари**

Демак, шартномавий муносабатларга киришаётган тарафлар ҳеч кимниң тазиёқсиз, мустақил ва эркин равишда, ўзаро манфаатдорлик асосида шартнома тузишлари, шартнома шартларида белгиланган талабларни сўзсиз бажаришлари, шартнома шартлари бузилган ҳолларда эса тарафлар контрагент олдидаги ўз мажбуриятларини бажаришда мулкий жавобгар эканликлари қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган.

Хўжалик шартномаси, қоида тариқасида тарафлардан бирининг оферта (шартнома тузиш ҳақида таклиф) йўллаши ва иккинчи тараф уни акцептлаши (таклифни қабул қилиши) йўли билан тузилади. Агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари бўйича келишувга эришилган бўлса, хўжалик шартномаси тузилган деб хисобланади.

Хўжалик шартномалари уларни имзолашга тайёрлаш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати ёки жалб этилган адвокатлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан текшириб кўрилиши керак. Шартномаларни уларнинг имзоларисиз тузишга йўл қўйилмайди.

Қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг икки юз бараваридан ортиқ суммадаги хўжалик шартномалари хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматининг ёки жалб этилган адвокатларнинг ёзма хulosасидан кейингина тузилади.

Хulosада, қоида тариқасида қуидагилар кўрсатилади:

- хўжалик шартномасида кўрсатилган муносабатлар қайси қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши;
- хўжалик шартномаси шартларининг қонун ҳужжатлари талабларига мос келиш-келмаслиги;
- тарафларнинг жавобгарлиги меъёри ва низоларни ҳал этиш тартиби қонун ҳужжатлари талабларига мос келиш-келмаслиги.

Хўжалик шартномаси шартнома шартларига ҳамда қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ равишда, бундай шартлар ва талаблар бўлмаган ҳолларда эса иш муомаласи одатларига мувофиқ бажарилиши лозим.

Товарларни етказиб бериш муддатлари кечикириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буортмачига) кечикирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг

умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод етмайди.

Ташкилот томонидан тузилган ҳамда унинг бундай ташкилот ўз фаолияти хусусиятига қўра ўзига мурожаат қиласидиган ҳар бир шахсга нисбатан амалга ошириши шарт бўлган товарлар сотиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш соҳасидаги вазифаларини (чакана савдо, умумий фойдаланишдаги транспортда йўловчи ташиш, алоқа хизмати, энергия билан таъминлаш, тиббий хизмат, меҳмонхона хизмати ва ш.к.) белгилаб қўядиган шартнома оммавий шартнома дейилади. Бундай ташкилот оммавий шартнома тузишда бир шахсни бошқа шахсга нисбатан афзал кўришга ҳақли эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Товарлар, ишлар ва хизматларнинг баҳоси, шунингдек оммавий шартноманинг бошқа шартлари ҳамма истеъмолчилар учун бир хил қилиб белгиланади, қонун ҳужжатларида истеъмолчиларнинг айрим тоифалари учун имтиёзлар берилишига йўл қўйиладиган ҳоллар бундан мустасно.

Ташкилотнинг истеъмолчига тегишли товарларни бериш, хизматлар кўрсатиш, унинг учун тегишли ишларни бажариш имконияти бўла туриб оммавий шартнома тузишдан бош тортишига йўл қўйилмайди.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати оммавий шартномаларни тузиш ва бажаришда тарафлар учун мажбурий бўлган қоидалар (намунавий шартномалар, қоидалар ва х.к.) чиқариши мумкин.

## **6.2. Ғазначиликда юридик мажбурият тушунчаси, унинг юзага келиши**

Маълумки, давлат молиявий назоратининг дастлабки, жорий ва сўнгги назорат шакллари мавжуд. Агар бюджет амалиёти нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, дастлабки бюджет назорати турли даражадаги бюджетлар, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари лойиҳаларини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш, бюджет ташкилотларининг бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметасини ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметасини тузиш, тасдиқлаш ва тегишли молия органларида белгиланган тартибда рўйхатга олиш жараёнида амалга ошириладиган назорат шакли ҳисобланади.

Жорий назорат шакли молиялаштирувчи органлар томонидан маблағларнинг ажратилишида, бевосита тўловларнинг амалга оширилишида олиб борилади.

Давлат бюджети ғазна ижросининг жорий этилиши билан дастлабки ва жорий молиявий назоратни амалга ошириш Молия вазирлиги тизимидағи ҳудудий ва маҳаллий молия органлари билан бир қаторда, ғазначилик органларига ҳам юклатилади. (Якуний назорат Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари ҳамда бошқа ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.)

Дастлабки ва жорий молиявий назоратни амалга ошириш бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчилар мажбуриятларини ҳисобга олишни тақозо этади.

*Мажбурият* - бу одатда ёзма равишда расмийлаштирилган, сўзсиз бажарилиши талаб қилинувчи ваъда демакдир. Иқтисодий мазмунига кўра мажбурият фуқаролик ҳуқуқий муносабати бўлиб, маълум бир шахс (қарздор) бошқа бир шахс (кредитор) манфаати ҳисобига маълум бир ҳаракатларни амалга ошириши, яъни мол-мулкни бериш, иш бажариш,

хизмат кўрсатиш, пул тўлаш ёки маълум ҳаракатлардан воз кечиши ва бошқа шу кабиларни амалга оширилишини англатади.

Мажбуриятларни ҳисобга олиш тизимида қуидаги омиллар асосий ўрин эгаллади (6.2-расм):

мажбуриятларни қабул қилиш асослари

мажбурият қабул қилиш ҳуқуқига эга  
масъул шахслар

мажбуриятларнинг турлари  
(юридик ва молиявий)

## *6.2-расм. Мажбуриятларни ҳисобга олиш тизимидаги омиллар<sup>1</sup>*

*Мажбуриятларни қабул қилишида қуидагилар асос бўлиб хизмат қиласди:*

- имзоланган ва тегишли тарзда расмийлаштирилган контракт ва шартномалар, тендер савдолари асосидаги товар ва хизматлар харидлари бўйича хужжатлар, ишлаб чиқарувчиларнинг товар ва хизматлари сифати ва бошқа хусусиятларини тасдиқловчи патентлар, лицензиялар ва бошқалар;
- иш ҳақи, стипендиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни амалга ошириш учун қонуний асос бўлиб хизмат қилувчи хужжатлар;
- жарималар ва суд қарорларига асосан пенялар тўловини амалга ошириш учун асос бўлувчи тегишли давлат ваколатли органлари қарорлари;
- бюджет дотацияларини ажратиш, давлат грантлари, мукофотлар бўйича тўловларни амалга оширишга асос бўлувчи хужжатлар.

<sup>1</sup> У.Бурхонов. Давлат хариди. Т.: infoCOM.UZ. 2010. 99-бет.

*Мажбурият қабул қилиши ҳуқуқига эга масъул шахслар* – бу бюджетдан маблағ олувчилар ва бюджет ташкилотлари раҳбарлари ёки улар томонидан ваколат берилган бошқа масъул шахслар ҳисобланади. Газначиликда ўрнатилган тартиб-қоидаларга мувофиқ, юридик шахс мақомига эга бўлган бюджетдан маблағ олувчи ташкилот раҳбарининг буйруғи асосида Газначилик бўлинмалари билан ишлаш учун аниқ ходимлар белгиланади. Газначилик органларида бюджет ташкилоти раҳбари ва у томонидан масъул этиб тайинланган шахсларнинг имзо намуналари ва ташкилотнинг муҳр изи намуналари Газначиликнинг маҳсус карточкаларида сақланади. Имзо намуналари ва муҳр изи карточкалари ўрнатилган тартибда тасдиқланади. Карточкаларнинг бир нусхаси юридик ва молиявий мажбуриятларни рўйхатга олувчи мутахассисда, иккинчи нусхаси харажатлар тўловини назорат қилувчи мутахассисда сақланади.

Газначиликда икки турдаги мажбурият амал қиласи: *юридик мажбурият ва молиявий мажбурият*.

*Юридик мажбурият* бюджетдан маблағ олувчилар ва уларга мол (товарлар, ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасидаги шартнома тегишли тартибда мажбурий равишда Газначиликда рўйхатдан ўтказилганидан кейин вужудга келади. Юридик мажбуриятларни тегишли Газначилик органларида мажбурий равишда рўйхатга олишдан кўзланган асосий мақсад - бюджет назоратининг самарадорлигини янада ошириш, шартномаларда назарда тутилган харажатларнинг тасдиқланган режадан (харажатлар сметаси кўрсаткичларидан) ортиб кетишига йўл қўймаслиқ.

*Молиявий мажбуриятлар* – бюджет ташкилотларида ва бюджетдан маблағ олувчиларда уларга пул маблағларини ўтказиб бериш мажбуриятини юкловчи ҳужжатлар, шу жумладан ижро ҳужжатлари асосида юзага келадиган мажбуриятлар бўлиб, улар қабул қилинган юридик мажбуриятлар ва харажатларни тўлаш учун берилган рухсатномалар доирасида ҳисобварақ-фактуралари ҳамда молиявий мажбуриятлар мавжудлигини

тасдиқловчи бошқа хужжатлар асосида ғазначилик бўлинмалари томонидан қабул қилинади ҳамда рўйхатдан ўтказилади<sup>1</sup>.

### **6.3. Ғазначилиқда юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш тартиби**

Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар томонидан юридик мажбуриятларни қабул қилиш, уларни Ғазначилиқда рўйхатдан ўтказиш ҳамда ҳисобга олиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси билан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига **2007-рақам билан** рўйхатдан ўтказилган “Давлат бюджети ғазна ижроси қоидалари”<sup>2</sup> (16.09.2009.) билан тартибга солинади ва амалга оширилади.

Бюджет Кодексида: “юридик мажбуриятлар” – бюджет ташкилотларида ва бюджет маблағлари олувчиларда тузилган шартномалар, шунингдек тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қарорлари асосида юзага келадиган мажбуриятлар”<sup>3</sup> деб белгилаб қўйилган.

Юридик мажбуриятлар бюджет таснифининг тури бўлган иқтисодий тасниф кодлари бўйича бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар томонидан қабул қилинади ҳамда Ғазначилик бўлинмалари томонидан рўйхатдан ўтказилади.

Бюджет ташкилоти контрагентдан товарлар сотиб олиш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) тўғрисида офертани (таклифни) қабул қилганидан сўнг, шартномани акцептлайди (имзолайди) ва Ғазначилиқка рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этади. Юридик мажбурият вужудга келиши учун бу шартноманинг рўйхатдан ўтказилиши талаб қилинади (6.3-расм).

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси, 123-модда

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2009 й., 38-сон, 422-модда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси, 3-модда

Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотиб олиш учун бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш устидан назоратни кучайтиришнинг

## УЧ БОСҚИЧЛИ ТИЗИМИ



офертани (таклифни) қабул қилиб олиш



шартномани акцептлаш (имзолаш)



шартномани Газначилиқда рўйхатдан ўтказиш

### *6.3-расм. Бюджетдан маблағ оловчилар шартномаларини рўйхатдан ўтказиши тартиби<sup>1</sup>*

Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари оловчиларнинг бюджетдан ажратиладиган маблағлар бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчилар билан тузган шартномалари, шунингдек уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, улар Газначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилганидан кейин кучга киради.

Юридик мажбуриятни Газначилик ва унинг худудий бўлинмаларида мажбурий тарзда рўйхатга олинишидан мақсад - шартномаларнинг тўғри тузилганлиги, уларнинг тасдиқланган сметалар доирасида тузилганлиги, нархлар тўғри белгиланганигини назорат қилишдан иборат. Бу фаолиятнинг тўғри амалга оширилиши Газначилик фаолиятининг самарадорлигини кўрсатади, бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишини таъминлайди, бюджетдан маблағ оловчилар ва уларга мол етказиб

<sup>1</sup> У.Бурхонов. Давлат хариди. Т.: infoCOM.UZ. 2010. 102-бет.

берувчиларнинг шартномавий-хуқуқий муносабатларининг тўғри йўлга қўйилишини талаб этади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари ўзлари учун белгиланган бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ҳисобидан ҳам товар (иш, хизмат) етказиб берувчилар билан шартномалар тузадилар. Бюджет Кодексида белгиланишича, бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан ижро этилиши лозим бўлган юридик мажбуриятлар ғазначилик бўлинмалари томонидан вазирлик ва идораларнинг даромадлар ва харажатлар сметаларида назарда тутилган маблағлар доирасида ҳисобга олиш учун қабул қилинади.

“Давлат бюджети ғазна ижроси қоидалари”<sup>1</sup>га мувофиқ, бюджет тизимининг тегишли бўгинидан (республика бюджети, вилоят, туман ва шаҳар бюджетларидан) маблағ оловчиларнинг бюджет ҳисобидан маҳсулот етказиб берувчилар билан тузган шартномалари, шунингдек капитал қурилиш буюртмачиларининг шартномалари Ғазначилик бўлинмаларида мажбурий тартибда рўйхатга олинади.

Бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ оловчилар томонидан қабул қилинадиган юридик мажбуриятлар ҳажми улар харажатлар сметаларида назарда тутилган, ажратилган бюджет маблағлари билан, капитал қўйилмалар харажатлари бўйича эса – ҳар бир объект бўйича ўрнатилган тартибда тасдиқланган капитал қўйилмалар билан чегараланади.

Бюджетдан маблағ оловчилар маҳсулот етказиб берувчилар билан вақтинчалик сметада назарда тутилган суммалардан ошмаган суммаларга шартномалар тузадилар. Бюджетдан маблағ оловчиларнинг асосий сметаси рўйхатга олингандан сўнг, олдинги қабул қилинган юридик мажбуриятлар суммасини ҳисобга олган ҳолда, олдинги шартномаларга қўшимча келишувлар тузилиши мумкин.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2007-ракам билан 16.09.2009 й.да рўйхатдан ўтказилган.

Сметанинг I ва II гурух харажатлари бўйича юридик мажбуриятлар иш ҳақи ва унга тенглаштирилган харажатларни тўлаш учун нақд пул олишга сўровномалар асосида рўйхатга олинади.

Бюджетдан маблағ олувчилярнинг бюджет маблағлари ҳисобидан шартномалари фақат харажатларни қоплашга манбанинг мавжудлиги тўғрисидаги тасдиқнома ва ушбу мақсадларга ажратилган бюджет маблағлари (лимитлари) мавжуд бўлган харид ҳажмигагина тузилиши мумкин.

Бюджетдан маблағ олувчилар билан маҳсулот етказиб берувчилар (пудратчилар) ўртасидаги шартномаларнинг амал қилиш муддати тегишли молия йилининг 31 декабридан кечикмаган муддатга тузилиши лозим, бажариш муддати бир неча йилни ташкил қилиши мумкин бўлган (капитал қўйилмаларнинг бир неча йилга мўлжалланганлигини тасдиқловчи манзилли рўйхатлар асосида) капитал қўйилмалар (капитал қурилиш, реконструкция) бўйича шартномалар бундан мустасно.

Манзилли рўйхатлар асосида бир неча йил давом этадиган капитал қўйилмалар бўйича юридик мажбуриятлар ғазначилик бўлинмалари томонидан қурилиш пудратчи ташкилотига тўлаб берилиши назарда тутилган маблағларнинг жорий молия йили учун тўғри келадиган қисми доирасида, тасдиқланган манзилли рўйхат асосида “Ғазначилик” дастурий мажмуида ҳисобга олинади. Шартноманинг қолган суммаси, уларни тегишли обьектлар ва йиллар бўйича манзилли ва титул рўйхатларда акс эттирилиши шарти билан кейинги йилларнинг юридик мажбуриятларида ҳисобга олинади.

Товар(иш, хизмат)лар учун тўловлар маблағларнинг бир нечта манбай ҳисобидан амалга оширилиши назарда тутилган ҳолларда, шартномаларда ушбу манбалар бўйича реквизитлар ва ҳар бир манба ҳисобидан тўланиши лозим бўлган суммалар мажбурий тартибда алоҳида кўрсатилади.

Бюджетдан маблағ олувчилар товар-моддий бойликларни сотиб олишда маҳсулот етказиб берувчилардан тегишли фаолият тури учун

лицензия(рухсатнома)сининг нотариал тасдиқланган нусхасини ва тегишли органларда давлат рўйхатига олинганилиги тўғрисидаги хужжатларни сўраб оладилар. Ушбу хужжатлар Газначилик бўлинмаларига рўйхатга олиш учун тақдим этиладиган шартномалар билан бирга тақдим қилинади.

Тақдим этилган шартномаларда ёки уларга иловаларда товар(иш, хизмат)лар миқдори, нархи ва умумий суммаси кўрсатилган тафсилотли рўйхати акс эттирилиши лозим.

*Бюджетдан маблағ олувчилик маҳсулот етказиб берувчилар ўртасида тузилган шартномалар газначилик бўлинмаларига қуидаги талабларга риоя қилинган ҳолда тақдим қилинади:*

– бюджетдан маблағ олувчилик маҳсулот етказиб берувчилар билан тузган шартномалари мажбурий тартибда уларнинг юридик хизматлари (шартнома асосида жалб қилинган адвокатлар) томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқлигига текширилган бўлиши зарур. Агар тақдим этилаётган шартноманинг суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баравари миқдоридан ошмаса, шартномаларга томонларнинг юридик хизмати ёки жалб этилган адвокатлар имзоси кўйилади. Агар шартнома суммаси, қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 бараваридан ортиқ бўлса, томонлар юридик хизмати ёки жалб этилган адвокатларнинг хulosаси илова қилиниши лозим;

– умумий суммаси 100 минг АҚШ долларига teng миқдордан кам бўлган шартномаларни маҳсулот етказиб берувчини танлаш бўйича ўтказилган энг яхши конкурс таклифларини танлаб олиш ҳужжатлари илова қилинган ҳолда тақдим қилинади. Бунда, конкурс таклифлари танловини ўтказиш, маҳсулот етказиб берувчини танлаш бўйича камида иккита конкурс таклифи бўлганда, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, конкурс таклифларини кўриб чиқиш асосида конкурс

таклифлари танлови баённомасини расмийлаштириш асосида амалга оширилади;

– шартнома суммаси 100 минг АҚШ доллариға тенг бўлган миқдоридан ортиқ бўлганда, қонунчиликка мувофиқ ўтказилган тендер савдолари бўйича ҳужжатларни шартномага илова қилган ҳолда тақдим қилинади;

– шартномалар маҳсулот етказиб берувчи ва буюртмачи (бюджетдан маблағ олувчилар) томонидан имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар томонидан имзоланган бўлиши ва икки томоннинг муҳрлари билан тасдиқланган бўлиши шарт;

– буюртмачи (бюджетдан маблағ олувчилар)нинг реквизитларида, шунингдек буюртмачи (бюджетдан маблағ олувчи)нинг харажатлари тўлови амалга ошириладиган тегишли ғазна ҳисобварағи ҳам кўрсатилади;

– шартномани рўйхатга олиш учун бюджетдан маблағ олувчи ғазначилик бўлинмасига шартноманинг икки асл нусхасини ва битта кўчирма нусхасини тақдим қиласи. Шартномаларга 1-иловадаги шаклга мувофиқ тўловлар жадвали илова қилиниши ҳамда барча ўрнатилган талабларга риоя қилиш шарт;

– бюджетдан маблағ олувчилар шартномаларни ғазначилик бўлинмаларига рўйхатга олиш учун улар тузилгандан сўнг 20 иш куни мобайнида, бироқ жорий молия йилининг 25 декабридан кечикмасдан тақдим этишлари лозим, бюджетдан маблағ олувчи томонидан шартномалар тузилиб, 20 иш куни ўтгандан сўнг тақдим қилинган ҳолларда, шартнома бюджетдан маблағ олувчига Ғазначилик бўлинмасида рўйхатга олинмасдан қайтарилади.

Ғазначиликнинг тегишли бўлимлари мутахассислари мунтазам равища жуда катта ҳажмдаги ҳужжатларни қабул қилиб олиб, назоратдан ўтказадилар. Бу Ғазначилик ҳодимларидан юқори даражадаги оперативликни, билим, уқув ва кўникмани талаб этади. Ғазначилик

бўлинмаси бюджетдан маблағ олувчи томонидан шартнома тақдим этилган кундан бошлаб уч иш куни давомида қўйидагиларни текширади:

- шартномада кўрсатилган суммани тўлаш учун бюджетдан маблағ олувчининг харажатлар сметасида назарда тутилган бюджет маблағларининг мавжудлиги;
- қонунчиликка мувофиқ юридик хизмат ёки жалб қилинган адвокатларнинг имзолари, юридик хulosаларининг мавжудлиги ва ҳаққонийлиги;
- томонларнинг зарур банк реквизитлари, муҳри ва имзоларининг мавжудлиги;
- товар (иш, хизмат)ларнинг етказиб бериш жадвали, қурилиш пудрат шартномалари бўйича қурилиш объекти жадвалининг мавжудлиги ва б.

Ғазначилик бўлинмалари шартномаларни масъул ходим томонидан шартноманинг биринчи ва иккинчи асл нусхалари ва кўчирма нусхасининг барча варакларига “Рўйхатга олинган” штампини қўйиш ва рўйхатга олинган рақами ва санаси кўрсатилиб, уларни Ғазначилик бўлинмасининг ваколатли шахси имзоси ва Ғазначилик бўлинмасининг муҳри билан тасдиқлаш орқали рўйхатга олади.

Рўйхатга олингандан сўнг, шартноманинг икки асл нусхаси бюджетдан маблағ олувчига қайтарилади, рўйхатга олинган шартноманинг кўчирма нусхаси Ғазначилик бўлинмасида ҳисобга олиш ва сақлаш учун қолдирилади.

Шартномалар ҳисоби “Ғазначилик” дастурий мажмуида электрон тарзда бюджетдан маблағ олувчининг номи ва реквизитлари, шунингдек шартнома суммаси, унинг рақами ва тузилган санаси, ғазначилик бўлинмаси томонидан рўйхатга олинган рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда “Бюджетдан маблағ олувчиларнинг маҳсулот етказиб берувчилар билан тузган шартномаларини рўйхатга олиш китоби”да мазкур дарсликнинг 2-иловасида келтирилган шакл бўйича амалга оширилади.

Шуни таъкидлаш керакки, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб бериш тўғрисида тузиладиган шартномаларида 15 фоиз миқдорида олдиндан тўловни амалга ошириш назарда тутилади, бундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган ҳоллар мустасно. Айрим ҳолларда Вазирлар Маҳкамаси томонидан бюджетдан маблағ олувчиларнинг харид қилишда 15 фоиздан ортиқ миқдорда аванс тўлаши лозим бўлган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг турлари рўйхати тасдиқланади. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 августдаги 241-сон қарорига мувофиқ, электр энергияси, мазут, кўмир, бензин, дизель ёқилғиси, минерал ўғитлар, шунингдек, авиа ва темир йўл чипталари, санаторийлар, дам олиш зоналари ва болалар соғломлаштириш оромгоҳларига йўлланмалар, барча турдаги шаҳар йўловчи транспорти йўл карточкалари кабиларни харид қилишда 15 фоиздан ортиқ миқдорда (30 фоиздан 100 фоизгача) олдиндан тўлов жорий этилган.

Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг товарларни (ишларни, хизматларни) импорт қилиш бўйича шартномалари, уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ушбу шартномалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ваколатли органларда тегишли экспертизадан ўтганидан ва ҳисобга қўйилганидан сўнг Ғазначилик бўлинмалари томонидан рўйхатдан ўtkaziladi. Бунда шартномаларда кўrsatилган суммалар Ғазначилик бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ҳисобга олинади.

Шу билан бирга, қуйидаги ҳолатларда бюджет маблағларини шартнома тузмасдан туриб тўлашига ўтказиши амалга оширилиши мумкин:

- бюджет ташкилотининг бюджетдан ажратилган маблағлар ҳисобидан иқтисод қилинган маблағларини ўз бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармасига, шунингдек тиббиёт муассасаси томонидан
- харажатлар сметасида назарда тутилган мақсадли бюджетдан

ажратиладиган маблағлари ҳисобидан ўзининг тиббиёт ташкилотларини моддий рафбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасига;

– капитал қўйилмалар бўйича буюртмачи хизматини сақлаб туришга, ҳар бир обьект бўйича келишилган манзилли ва титул рўйхатларда ҳамда шахсий ғазна ҳисобварақларида ушбу мақсадлар учун назарда тутилган суммалар доирасида;

– соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг хизматлари учун ҳақ тўлашга;

– юридик мажбуриятлар мавжудлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар асосида амалга ошириладиган харажатларни тўлашга.

Хулоса қилиб айтганда, бюджетдан маблағ оловчилар ва маҳсулот етказиб берувчилар билан бюджет маблағлари ҳисобига тузилган шартномалар фақат уларнинг Газначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинганидан сўнг кучга киради. Бюджетдан маблағ оловчилар етказиб берувчилар билан шартномалар тузадилар, шунингдек шартномаларга бюджетдан маблағ оловчиларнинг харажатлар сметаларида назарда тутилган тегишли режали бюджет маблағлари доирасидагина қўшимча ва ўзгартиришлар киритадилар. Бюджетдан маблағ оловчилар билан етказиб берувчилар ўртасида тузиладиган шартномалар тегишли Газначилик органларида мажбурий рўйхатдан ўтказилиб, уларга тегишли рақамлар берилиши ва рўйхатдан ўтказиш санаси қўрсатилиши керак. Бу чора-тадбирлар бюджетдан ажратилаётган маблағларнинг мақсадли ишлатилишини таъминлаш, шартномаларда кўзда тутилган суммаларнинг режаларда қўрсатилган маблағларга мослигини назорат қилиш, тўлов интизоми бузилишларининг олдини олиш, нархларнинг тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида, пировардида, газначилик фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида амалга оширилади.

## **6.4. Газначиликда нархлар мониторингини ташкил қилиш.**

### **Тендерларнинг аҳамияти, уларни ташкил этиш ва ўтказиш**

Газначиликда юридик мажбурият вужудга келишидан аввал дастлабки назоратни амалга ошириш имконияти мавжуд бўлиб, бу *нархлар мониторинги* орқали таъминланади.

Бунда бюджет ташкилоти сотиб олмоқчи бўлган товарлар (ишлар, хизматлар) нархи муқобил етказиб берувчилар нархлари билан таққосланади. Муқобил етказиб берувчилар тўғрисида маълумот тўплашнинг турли усуллари мавжуд. Масалан:

- товар хом-ашё биржалари маълумотларидан фойдаланиш;
- бозорлардан маълумотномалар олиш;
- рақобатчи ташкилотлардан тижорат таклифлари олиш;
- оммавий ахборот воситалари ва ихтисослаштирилган реклама нашрларидағи маълумотларни умумлаштириш.

Хўжалик шартномасини рўйхатдан ўтказиш чоғида ҳар бир шартномага бир нечта (камида 2 та) етказиб берувчининг тижорат таклифи илова қилиниши, бунда ҳар бир етказиб берувчининг реквизитлари (номи, манзили, телефон рақамлари, раҳбари тўғрисидаги маълумотлари) аниқ кўрсатилиши, етказиб берувчилар шу соҳада узоқ йиллик иш тажрибасига эга бўлган, юқори мавқели корхоналар бўлиши тавсия этилади.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилувчи товарлар воситачиларсиз, айнан ишлаб чиқарувчининг ўзидан сотиб олиниши, четдан келтирилувчи товарлар эса бевосита импортёрдан сотиб олиниши нархларнинг асосиз ўсишининг олдини олади.

Молия органларида нархлар мониторингини ташкил этишнинг хуқуқий асоси бўлиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли Қарори билан тасдиқланган “Хом ашё,

материаллар, бутловчи қисмлар ва жиҳозларни сотиб олиш юзасидан тендер савдоларини ўтказиш тўғрисидаги Низом”<sup>1</sup> бўлиб ҳисобланади.

Мазкур Низом давлат бюджети, давлат бюджетида жамланувчи давлат мақсадли жамғармалари маблағлари, Ҳукумат кафолати бўйича олинган хорижий кредитлар, Жаҳон банки гурӯҳи, ЕТТБ, ОТБ, Халқаро ҳамкорлик Япон банки, “KfW” банки каби халқаро ва хорижий молия институтлари томонидан тақдим этилган хорижий грантлар маблағлари евазига импорт қилинган ёки Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган хом ашёлар, материаллар, бутловчи қисмлар ва жиҳозларни сотиб олиш бўйича тендер савдоларини ташкил қилиш механизмини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорларида бошқача тартиб белгиланган бўлса ёки хорижий грантлар ва кредитлар тақдим этилишида бошқача шартлар белгиланган бўлса, бундай ҳолларда мазкур Низом тартиби қўлланилмайди.

Тендерлар ўтказишдан асосий мақсад - хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар харид қилишга йўналтириладиган давлат бюджети, давлат бюджетида жамланадиган бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар маблағларидан, ҳукумат кафолати остида бериладиган хорижий кредитлар ва хорижий грантлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, харид қилинадиган хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар сифатини ошириш ҳисобланади.

Битта контракт бўйича 100 минг АҚШ доллари еквивалентидан кўпроқ суммага товар етказиб берилиши (ишлар бажарилиши, хизматлар кўрсатилиши) режалаштирилганда тендер савдолари ўтказилади. Бундан кам суммадаги контрактлар энг яхши таклифларни конкурс асосида танлаб олиш йўли билан тузилади.

---

<sup>1</sup> “Давлат бюджетининг ғазна ижроси” Норматив-хуқуқий хужжатлар тўплами, Т.: Ўзбекистон. 2007.

Ўтказиш усулларига кўра тендерлар очиқ ёки ёпиқ бўлиши мумкин. Тендер тури ҳарид қилувчи ташкилот, яъни буюртмачи томонидан белгиланади.

*Очиқ тендерларда* мулкчилик шаклларидан қатъи назар, барча юридик шахслар қатнашиши мумкин.

*Ёпиқ тендерлар* истисно ҳолларда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли иқтисодиёт комплекслари билан келишган ҳолда, буюртмачи олдиндан белгилаб қўйган ташкилотлар иштирокида ўтказилади, бу ташкилотларга таклифномалар жўнатилади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари бюджет маблағлари олувчилари томонидан сотиб олинганда, Молия вазирлигининг 2007 йил 9 апрелдаги 798-сонли хати асосида нархлар мониторинги амалга оширилади.

Бунда Ғазначилик худудий бўлинмалари томонидан бюджетдан маблағ олувчилар ҳарид қиласиган озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича нархлар мониторинги Молия вазирлиги томонидан тақдим қилинадиган асосий истеъмол маҳсулотларининг ойлик ўртача нархлари тўғрисидаги маълумот асосида олиб борилади.

Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан озиқ-овқат маҳсулотларини ҳарид қилиш бўйича тузилган шартномаларни рўйхатдан ўтказиш жараёнида Молия Вазирлиги томонидан тақдим қилинган маълумотда кўрсатилган нархлардан ортиқ бўлган нархларда тузилган шартномалар Ғазначилик худудий бўлинмалари томонидан рўйхатга олинмайди.

Келгусида Ғазначиликда бюджет ташкилотлари томонидан сотиб олинувчи товарлар нархлари тўғрисида электрон маълумотлар базасини шакллантириш, уни тузиш ва янгилаб боришда Республика товар хом ашё биржасидаги нархлар котировкасини, Давлат Божхона Кўмитаси маълумотлар базасини, республикадаги юқори мавқега эга бўлган ишлаб чиқарувчилар ва ихтисослаштирилган реклама нашрлари маълумотларини ҳисобга олиш тавсия этилади.

## **6.5. Электрон аукцион савдоларни ташкил этиш ва ўтказиш**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида” 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сон қарорига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси 2012 йил 6 сентябрда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасида бошланғич нархини пасайтириш юзасидан электрон аукцион савдоларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида қабул қилинган 260-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ва Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси томонидан 2012 йил 7 сентябрда ушбу қарор ижросини таъминлаш юзасидан “Чора-тадбирлар режаси” тасдиқланди.

Хукумат комиссияси томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича битта контракт бўйича 300 АҚШ долларидан 100 минг АҚШ долларигача тенг бўлган суммада товарлар(ишлар, хизматлар)нинг давлат харидлари факат юқорида номи келтирилган Низомга мувофиқ ташкил этиладиган ва ўтказиладиган савдолар орқали амалга оширилади.

Битта контракт бўйича 300 АҚШ долларигача бўлган суммадаги давлат харидлари ҳам буюртмачининг ташаббуси билан қонунчиликка асосан амалга оширилиши мумкин.

Савдоларни ўтказишида қатнашиш учун буюртмачилар ва етказиб берувчилар савдоларнинг қатнашчилари сифатида аккредитациядан ўтишлари, маҳсус ахборот порталида савдоларни ўтказиш тўғрисидаги эълонларини жойлаштиришлари, савдоларда қатнашишини таъминлаб берадиган аванс тўловларини тўлашлари ва, шу билан бирга, биржа буюртмачиларининг буюртманомалари (лотлари)ни шакллантириб бериши лозим бўлади.

Бюджетдан маблағ олувчилар бўлган буюртмачиларни аккредитация қилиш биржа томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг

Ғазначилиги ва биржада маълумотлар базаларининг ўзаро электрон алоқаси йўли билан автоматик режимда марказлаштирилган тартибда амалга оширилади.

Бюджетдан маблағ оловчи ҳисобланган аккредитация қилинган буюртмачилар савдоларда биринчи марта қатнашаётганда (мустақил ёки агентлар орқали) биржага (кейинчалик биржага бериш учун буюртмачи рўйхатдан ўтказилган жой бўйича биржанинг минтақавий бўлинмаларига) буюртмачининг раҳбари ва бош бухгалтерининг нотариал ёки юқори ташкилот томонидан тасдиқланган имзолари намуналари қўйилган карточкаларни тақдим этадилар.

Буюртмачилар ва етказиб берувчиларни аккредитациядан ўтказиш бепул амалга оширилади ва муддатсиз хусусиятга эга. Ташкилий-ҳуқуқий шакли, номи, манзили, банк реквизитлари ўзгарганда ёхуд аккредитациянинг ҳолатига ёки амал қилишининг давом этишига таъсир кўрсатадиган бошқа ўзгаришлар бўлган ҳолларда буюртмачилар ва етказиб берувчилар беш кун муддатда биржага (кейинчалик биржага бериш учун буюртмачининг рўйхатдан ўтказилган жойи бўйича биржанинг минтақавий бўлинмасига) тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда ушбу ўзгаришлар тўғрисида ёзма ахборот тақдим этишлари шарт. Аккредитация натижалари бўйича биржа:

- буюртмачига ва етказиб берувчига берилган фойдаланувчининг якка тартибдаги рақамига мувофиқ алоҳида шахсий ҳисобрақамлари очади. Буюртмачилар ва етказиб берувчиларнинг аванс тўловлари Ҳисобкитоб-клиринг палатасининг талаб қилиб олингунгача иккиламчи депозит ҳисобрақами доирасида ушбу шахсий ҳисобрақамларида ҳисобга олинади;
- буюртмачилар ва етказиб берувчиларга персонал кабинет ташкил этади, унга ўтказиладиган савдолар тўғрисидаги маълумотларни ва бошқа зарур маълумотларни юборади.

Буюртмачи савдоларда қатнашиш учун мустақил равища ёки агент орқали маҳсус ахборот порталига эълон жойлаштиради. Зарурат бўлганда,

буортмачи ёки унинг агенти эълонни (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш учун савдолар ўтказилишида) савдолар предмети бўйича лойиҳа смета хужжатлари ва бошқа хужжатлар билан тўлдириши ҳам мумкин.

Махсус ахборот порталида жойлаштирилган эълон, Ҳисоб-китоб-клиринг палатасининг иккиламчи депозит ҳисобрақами доирасида буортмачининг ҳисобрақамида унинг аванс тўлови мавжуд бўлган тақдирда, автоматик тарзда буортмачининг буортманомасига айланади.

Савдолар буортмачининг буортманомасида баён қилинган талабларни ҳисобга олган ҳолда ўтказилади. Агар буортмачининг буортманомасида алоҳида бошқача талаб кўрсатилмаган бўлса, етказиб берувчи янги товар етказиб бериши шарт. Бунда буортмачининг эълони ва буортманомаси матнига савдолар предметига тааллуқли бўлмаган ва етказиб берувчилар ўртасида рақобатни чекловчи талабларни киритиш тақиқланади.

Имконияти юқори етказиб берувчиларга нисбатан чеклашлар белгилаш зарур бўлганда буортмачи эълонга тегишли талабларни фақат Ҳукумат комиссиясининг рухсати билан киритиши мумкин.

Буортмачилар ва етказиб берувчиларнинг ўз агентлари билан ўзаро муносабатлари, шу жумладан, агентни тақдирлаш суммаси улар ўртасида тузилган топшириқ шартномаси асосида белгиланади. Бунда товарларнинг давлат харидлари бўйича агентни тақдирлаш суммаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан келишган ҳолда биржа томонидан белгиланадиган чекланган миқдордан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Савдоларда қатнашиш учун аккредитациядан ўтган буортмачилар эълон жойлаштиргунга қадар Ҳисоб-китоб-клиринг палатасининг иккиламчи депозит ҳисобрақами доирасида ўз шахсий ҳисобрақамларига олдиндан аванс тўловларини ўтказишлари шарт. Аванс тўловларисиз буортмачиларнинг буортманомалари жойлаштирилмаган ҳисобланади ва активлаштирилмайди.

Буюртмачи томонидан тўланган аванс тўловлари электрон тизим томонидан савдолар ғолиби аниқлангунга қадар блокировка қилинади.

Аkkредитациядан ўтган етказиб берувчилар савдоларда қатнашиш учун Ҳисоб-китоб-клиринг палатасининг иккиламчи депозит ҳисобрақами доирасида ўз шахсий ҳисобрақамларига аванс тўловларини ўтказишлари шарт ва етказиб берувчи томонидан киритилган аванс тўлови бошқа етказиб берувчи томонидан кам нарх кўрсатилган таклиф берилгунга қадар блокировка қилинади.

Савдолар ғолибининг молиявий закалати у контрактни имзолагунга қадар блокировка қилинади. Савдоларни ўтказиш тўғрисидаги эълон савдоларнинг ғолибини етказиб берувчини аниқлаш санасидан камида 30 кун олдин жойлаштирилиши шарт. Рўйхати Ҳукумат комиссияси томонидан аниқланадиган товарлар(ишлар, хизматлар)нинг давлат хариди бўйича савдолар ўтказиш тўғрисида илгари жойлаштирилган эълонлар бўйича автоматик шакллантирилган буюртманомаларда буюртмачи томонидан зарурат бўлганда, савдолар тугаши санасидан камида 10 кун олдин савдолар предметининг бошланғич нархи, бозор конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда аниқлаштирилиши мумкин.

Агент томонидан маҳсус ахборот порталида савдоларни ўтказиш тўғрисидаги эълон жойлаштирилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иктиносидиёт вазирлиги билан келишган ҳолда биржা томонидан аниқланадиган, чекланган миқдордан ортиқ бўлмаган миқдорда тўлов ундирилади. Савдолар ўтказиш тўғрисидаги эълонда қўйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

- буюртмачининг номи ва манзили;
- савдолар предметини молиялаштириш манбалари;
- савдоларнинг биринчи ва охирги куни (savдолар муддати);
- савдолар предметининг бошланғич нархи;
- савдолар предметининг тавсифи (savдолар предметининг спецификацияси);

- савдолар предметини лотлар бўйича бўлиш ва ҳар бир лотнинг миқдори;
- товарларни етказиб бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш муддатлари ва шартлари;
- товарларни етказиб бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш жойи (манзили).

Агар қонун ҳужжатларига мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар) айrim турларининг давлат харидлари фақат ёки устун даражада кичик бизнес субъектларидан амалга оширилиши керак бўлса, савдолар ўтказиш тўғрисидаги эълонда ушбу шарт мажбурий тартибда кўрсатилади.

Савдолар электрон тизимида, бошланғич нарх босқичма-босқич пасайтирилган ҳолда ўтказилади. Босқичнинг ўлчами биржа томонидан белгиланади. Савдоларни ўтказиш, тўланган аванс тўлови суммасига мувофиқ ҳар бир лот бўйича савдоларга қўйиш, савдолар ғолибларини аниқлаш, битимларни рўйхатга олиш ва контрактни шакллантириш электрон тизим орқали амалга оширилади.

Биржа электрон тизимнинг оператори сифатида қуидагиларни таъминлаб бериши шарт:

- электрон тизимнинг узлуксиз ишлашини;
- савдоларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ўтказилишини;
- ушбу лот бўйича савдоларга қўйилган барча етказиб берувчиларнинг жойлашиш жойидан қатъи назар, барчасига савдоларда бир вақтнинг ўзида қатнашиш имконияти берилишини;
- савдоларни ўтказишда ва уларнинг натижаларини чиқаришда ошкоралик ва аниқ-равшанликни;
- аккредитациядан ўтган барча савдолар қатнашчиларининг ҳукуқлари тенглигини;

- нархи бўйича энг яхши буюртманомаларни аниқлаш жараёнини автоматлаштириш йўли билан савдолар ғолибларини аниқлашнинг холисоналигини;
- етказиб берувчиларни улар томонидан белгиланган миқдорда аванс тўловини тўлаганларидан кейин савдоларга қўйиш йўли билан уларнинг буюртманомаларини.

Савдолар давомида электрон тизим етказиб берувчиларнинг берилган буюртманомаларидан энг кам нархли буюртманомани автоматик тарзда танлайди, у электрон тизимда акс эттирилади ҳамда савдоларнинг барча қатнашчиларига - ушбу пайтдаги буюртмачилар ва етказиб берувчиларга маълум бўлади. Савдоларда камида икки нафар етказиб берувчи қатнашса, савдолар бўлиб ўтган деб ҳисобланади.

Агар савдоларда икки нафардан кам етказиб берувчи қатнашса, савдолар бўлиб ўтмаган деб ҳисобланади, савдолар ғолиби аниқланмайди ва савдолар 10 кунга узайтирилади. Савдоларни узайтириш, буюртмачи томонидан янги буюртманома бериш йўли билан, зарурат бўлганда, бошланғич баҳони аниқлаштирган ҳолда амалга оширилади.

Айнан бир турдаги товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича узайтирилган савдолар бўлиб ўтмаган деб эълон қилинган ҳолларда бюджетдан маблағ олувчилар товар(иш,хизмат)ларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда энг яхши таклифларни танлаш асосида, охирги буюртманомада эълон қилинган товарлар(ишлар, хизматлар)ни сотиб олиш шартларини ўзгартирмасдан камида учта хўжалик юритувчи субъектга товарлар(ишлар, хизматлар)ни сотиб олиш учун таклифлар юбориш йўли билан харид қилишлари мумкин.

Энг яхши таклифлар танловига ноҳалол етказиб берувчилар реестрида мавжуд хўжалик юритувчи субъектлар қўйилмайди.

Бунда буюртмачилар энг яхши таклифлар танлови ғолибини аниқлаш вақтида товарлар(ишлар, хизматлар)ни сотиб олиш юзасидан таклиф юборилган хўжалик юритувчи субъектнинг маҳсус ахборот

порталида жойлаштирилган ноҳалол етказиб берувчилар реестрида йўқлигини текшириши ва унга ишонч ҳосил қилиши шарт.

Буюртмачининг раҳбарлари етказиб берувчини танлашни ўтказиш тартибига риоя қилиниши юзасидан шахсан жавобгардирлар. Электрон тизимда амалга оширилган битимлар натижалари бўйича ёзма шаклда контракт расмийлаштирилади.

Контракт шакли Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилиги билан келишган ҳолда биржа томонидан тасдиқланади. Биржа (биржанинг минтақавий бўлинмаси) ва савдоларда ғолиб чиқкан етказиб берувчи ёки унинг агенти савдолар ғолиби аниқланган вақтдан бошлаб беш иш куни мобайнида контрактни имзолаши, айни бир вақтда уни биржа (биржанинг минтақавий бўлинмаси) томонидан рўйхатдан ўтказиши шарт. Буюртмачи ва етказиб берувчининг контракт бўйича хуқуқ ва мажбуриятлари биржа (биржанинг минтақавий бўлинмаси) ва етказиб берувчи ёки унинг агенти томонидан имзолангандан вақтдан бошлаб юзага келади.

Юридик шахс ҳисобланадиган бюджетдан маблағ олувчилар-буюртмачилар ўзлари персонал кабинетлар орқали электрон тарзда биржа томонидан юборилган контрактлар нусхаларини мустақил равишда кўчириб оладилар, уларни ташкилотнинг раҳбари имзоси ва муҳри билан тасдиқлайдилар ва ўзларига хизмат кўрсатадиган фазначилик органларига рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этадилар.

Бюджетдан маблағ олувчи ҳисобланмайдиган буюртмачилар ўзларига персонал кабинет орқали электрон тарзда биржа томонидан юборилган контрактлар нусхаларини мустақил равишда кўчириб оладилар ва зарурат бўлганда, ўзи жойлашган ҳудуддаги биржада (биржанинг минтақавий бўлинмасида) тасдиқлайдилар.

Буюртмачи контракт тузишни рад этган ёки бошқача тарзда бош тортган тақдирда етказиб берувчи контракт тузишдан бош тортиш туфайли етказилган заарларни қоплаш талаби билан судга мурожаат қилишга

хақлидир. Товарларнинг давлат харидлари бўйича контракт тузишни буюртмачининг рад этиши ёки бошқача тарзда бош тортиши тўғрисидаги ахборот давлат харидлари тўғрисидаги қонун хужжатларини бузувчи буюртмачининг мансабдор шахсларига нисбатан чора кўриш учун Ҳукумат комиссиясига юборилади.

Савдоларда ғолиб чиқсан етказиб берувчи контракт тузишни рад этганда ёки уни тузишдан бошқача тарзда бош тортганда унинг молиявий закалати, биржанинг воситачилик йифимларидан ташқари, ғолиб аниқланган санадан бошлаб бир ҳафта муддатда етказилган зарар учун компенсация сифатида буюртмачининг тегишли ҳисобрақамига (агар буюртмачи ғазначилик ижроси билан қамраб олинган бўлса - бюджет маблағлари ёки бюджетдан ташқари маблағлар бўйича тегишли шахсий ғазна ҳисобварагини кўрсатган ҳолда ягона ғазна ҳисобварагига, агар буюртмачи ғазначилик ижроси билан қамраб олинмаган бўлса - унинг банкдаги талаб қилиб олингунгача депозит ҳисобрақамига) ўтказилади.

Ноҳалол етказиб берувчилар реестрига киритилган етказиб берувчилар олти ой мобайнида савдоларда қатнашишга қўйилмайдилар. Етказиб берувчини ноҳалол етказиб берувчилар реестрига киритиш тўғрисидаги ахборот маҳсус ахборот порталига жойлаштирилади.

Савдоларда ғолиб чиқсан етказиб берувчи контракт тузишни рад этган ёки бошқача тарзда бош тортган тақдирда буюртмачи учун навбатдаги энг яхши нархни таклиф этган етказиб берувчи, ушбу етказиб берувчи уни савдолар ғолиби деб эътироф этишга ва контракт тузишга рози бўлган тақдирда, савдолар ғолиби деб эътироф этилади. Савдоларнинг иккинчи ғолиби билан контракт давлат харидлари масалалари бўйича баҳслар ва келишмовчиликларни кўриб чиқиш бўйича маҳсус комиссия протоколи асосида тузилади, у савдолар ғолиби аниқланган вақтдан бошлаб ўн иш кунидан кечикмай буюртмачига ва етказиб берувчига юборилади. Иккинчи етказиб берувчи билан намунавий контракт савдоларда иккинчи етказиб берувчи таклиф қилган нархни

хисобга олган ҳолда биржа томонидан шакллантирилади ҳамда биржа (буортмачи рўйхатдан ўтказилган жойдаги биржанинг минтақавий бўлинмаси) ва буортмачи учун навбатдаги энг яхши нархни таклиф қилган етказиб берувчи ёки унинг агенти томонидан имзоланади, буортмачи учун навбатдаги энг яхши нархни таклиф қилган етказиб берувчини савдолар ғолиби деб эътироф этиш тўғрисида Давлат харидлари масалалари бўйича баҳслар ва келишмовчиликларни кўриб чиқиш бўйича маҳсус комиссия қарори қабул қилинган вақтдан бошлаб беш иш қунидан кечикмай имзоланади.

Битим ҳолати бўйича Ҳисоб-китоб-клиринг палатаси буортмачилар ва етказиб берувчиларнинг аванс тўловлари суммасидан ҳар қайси томондан битимнинг амалдаги суммасидан биржанинг воситачилик йиғимини ундиради. Контрактни рўйхатга олиш уни тузилган контрактлар реестрига киритиш йўли билан амалга оширилади.

Тузилган контрактлар реестири Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Фазначилиги ва биржа маълумотлар базасининг электрон алоқаси йўли билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига юборилади. Ҳисоб-китоб клиринг палатаси буортмачи ва савдоларда ғолиб чиқсан етказиб берувчининг аванс тўловининг блокировкадан чиқарилган қолдиқларини бир иш куни мобайнида уларнинг талаб қилиб олингунгача депозит ҳисобракамларига (шахсий ғазна ҳисобварагига) ўтказади ёки уларнинг ёзма билдиришномасига кўра бошқа савдоларда қатнашиш учун аванс тўловлари ҳисобига қабул қиласи. Савдоларнинг ғолиби деб эътироф этилмаган етказиб берувчининг аванс тўловини қайтариш у блокировкадан чиқарилган қундан бошлаб кейинги бир иш куни мобайнида амалга оширилади.

Савдоларда қатнашувчи буортмачининг жавобгарлиги қўйидагicha белгиланади:

- савдоларни ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги ва қонун ҳужжатларига мувофиқлиги;

- савдолар ғолиби бўлган етказиб берувчи билан контракт тузиш ёки савдолар ғолиби бўлган етказиб берувчи билан контракт тузишни рад этиш муддатига риоя этилиши (ажратилган бюджет маблағлари камайиши ҳолатлари бундан мустасно);
- буюртмачи томонидан товарларнинг давлат харидларини амалга оширишда Хукумат комиссиясининг ишчи органига юқоридаги Низом томонидан белгиланган тартибларнинг бажарилиши мониторинги олиб борилиши учун ишончли ахборот тақдим этилиши;
- томонлар ўртасидаги контракт мажбуриятларини бажариш тугаллангандан кейин беш йил мобайнида савдолар предмети бўйича эълонлар ва техник хужжатларнинг асл нусхалари сақланиши учун жавоб беради.

### **Таянч сўз ва иборалар**

Хўжалик шартномаси, шартномавий муносабатларнинг принциплари, оферта, акцепт, оммавий шартнома, мажбурият, юридик мажбурият, молиявий мажбурият, тўловлар жадвали, тижорат таклифи, юрист хulosаси, шартномани рўйхатга олиш, аванс тўлови, нарх мониторинги, электрон аукцион савдолар, давлат харидлари, буюртмачилар, етказиб берувчилар, савдолар қатнашчилари, маҳсус ахборот портали, аванс тўлови, лот, персонал кабинет, агент, буюртманома, топшириқ шартномаси, савдолар ғолиби, молиявий закалат, ноҳалол етказиб берувчилар реестри, тузилган контрактлар реестри.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Хўжалик шартномалари нима ва уларнинг хусусиятлари нималардан иборат?
2. Газначиликда юридик ва молиявий мажбурият тушунчаси нимани англаради?

3. Ғазначилиқда юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш тартиби қандай?

4. Нима учун юридик мажбуриятларни Ғазначилиқда мажбурий тарзда рўйхатга олиш тартиби жорий этилган?

5. Ғазначилиқда нарх мониторингини амалга ошириш механизмлари ҳақида нима биласиз?

6. Тендерлар ҳақида нима биласиз, уларнинг мақсад ва вазифалари, зарурлиги ва аҳамияти нимада?

7. Давлат харидлари бўйича электрон аукцион савдоларни ташкил этишдан қандай мақсад кўзланган?

8. Давлат харидлари бўйича электрон аукцион савдоларни ташкил этиш тартиби қандай? Давлат харидларини ташкил этиш қайси ҳукумат қарорлари ва меъёрий хужжатлар билан тартибга солинади?

### **Мустақил ўрганиш учун топшириқлар**

1. Ғазначилиқда юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш ва нарх мониторингини ташкил этиш бўйича тақдимот тайёрланг.

2. Электрон аукцион савдоларни ташкил этиш тартибини кўрсатувчи слайдлар тайёрланг ва изохлаб беринг. Ушбу савдоларнинг нархларни бошқариш ва назорат қилиш, шартномаларни тузиш ва рўйхатдан ўтказиш жараёнларидағи аҳамияти ҳақида ессе ёзинг.

### **Тест саволлари**

**1. Бюджетдан маблағ олувчилар билан етказиб берувчилар ўртасида тузиладиган шартномалар тегишли молия органларида мажбурий рўйхатдан ўтказилганда ...**

- A. етказиб берувчиларга қайтарилади
- B. рўйхатдан ўтказиш санаси кўрсатилиши керак
- C. уларга тегишли рақамлар берилиши ва рўйхатдан ўтказиш санаси кўрсатилиши керак

D. уларга тегишли рақамлар берилиши керак

**2. “Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чоратадбирлари түғрисида”ги қарор қачон қабул қилингандай?**

- A. 2000 йил 21 ноябр
- B. 2001 йил 23 декабр
- C. 2002 йил 22 октябр
- D. 2004 йил 20 сентябр

**3. Қандай ҳолатларда товарлар (ишлар, хизматлар) харид қилишда тендерлар ўтказилмайды?**

- A. Ҳукумат кафолати остидаги хорижий кредитлар ва хорижий грантлар бериш шартларида товарларни харид қилишнинг бошқача тартиби белгиланган бўлса, шунингдек харидлар Ўзбекистон Республикаси Молия Вазири қарорларига мувофиқ амалга оширилаётганда
- B. Ҳукумат кафолати остидаги хорижий кредитлар ва хорижий грантлар бериш шартларида товарларни харид қилишнинг бошқача тартиби белгиланган бўлса, шунингдек харидлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ амалга оширилаётганда
- C. Ҳукумат кафолати остидаги хорижий кредитлар ва хорижий грантлар бериш шартларида товарларни харид қилишнинг бошқача тартиби белгиланган бўлса, шунингдек харидлар Ғазначилик қарорларига мувофиқ амалга оширилаётганда
- D. Ҳукумат кафолати остидаги хорижий кредитлар ва хорижий грантлар бериш шартларида товарларни харид қилишнинг бошқача тартиби белгиланган бўлса, Молия бўлими буйруғига мувофиқ амалга оширилаётганда

**4. Бюджетдан маблағ олувчилик шартномаларни ғазначиликка рўйхатга олиш учун улар тузилгандан сўнг қандай муддатда тақдим этади?**

- A. 3 иш куни
- B. 27 иш куни

C. 25 иш куни

D. 20 иш куни

**5. Маҳсулот нархи, сони, шартноманинг амал қилиш муддати, шартномага мослиги неча кун текширилади?**

A. тўрт кун ичида

B. беш кун ичида

C. ўн кун ичида

D. уч кун ичида

**6. Рўйхатга олингандан сўнг, шартноманинг қайси нусхаси бюджетдан маблағ олувчига қайтарилади?**

A. тўрт асл нусхаси

B. уч асл нусхаси

C. бир асл нусхаси

D. икки асл нусхаси

**7. Бюджет ташкилотлари шартномаларини ғазначиликда рўйхатдан ўtkазиш учун қандай муддатда тегишли Газначилик органига тақдим этади?**

A. 20 декабридан кечиктиrmай;

B. 25 декабридан кечиктиrmай;

C. 1 январгача;

D. 31 декабргача.

**8. Биржанинг буюртмачиларнинг электрон аукцион савдолар ўтказиш тўғрисидаги эълонлари ва харид жараёни қатнашчилари учун зарур бўлган бошқа ахборот жойлаштирилиши ва кўздан кечирилишини таъминлайдиган маҳсус сайт қандай номланади?**

A. маҳсус ахборот портали

B. электрон тизим

C. биржанинг электрон почтаси

D. электрон почта

## **7-БОБ. ГАЗНАЧИЛИКДА МОЛИЯВИЙ МАЖБУРИЯТЛАР ВА ТҮЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ**



### **7.1. Молиявий мажбуриятлар, уларни қабул қилишнинг умумий қоидалари**

Юқоридаги бобда кўриб ўтилганидек, юридик мажбурият бюджет ташкилоти билан контрагент ўртасида маълум бир муддатдан сўнг маълум бир товарни етказиб бериш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) тўғрисида шартнома имзоланганидан ва бу шартнома тегишли тартибда Газначиликда рўйхатдан ўтказилганидан кейин вужудга келар экан.

Молиявий мажбурият эса ана шу шартномага мувофиқ товарлар етказиб берилганидан (ишлар бажарилганидан, хизматлар кўрсатилганидан) кейин вужудга келади. Бюджет Кодексида белгилаб қўйилишича, “молиявий мажбуриятлар – бюджет ташкилотларида ва бюджет маблағлари оловчиларда уларга пул маблағларини ўтказиш мажбуриятини юкловчи ҳужжатлар, шу жумладан ижро ҳужжатлари асосида юзага келадиган мажбуриятлар”<sup>1</sup> ҳисобланади.

Молиявий мажбуриятларни *Газначиликда рўйхатга олишдан кўзланган асосий мақсад* - қабул қилинган юридик мажбуриятлар, тасдиқланган бюджет ва харажатлар сметаси кўрсаткичлари доирасида харажатларни амалга оширишни таъминлаш ҳамда бюджет ташкилотларининг кредитор қарзликларини назорат қилиш.

Молиявий мажбуриятнинг юзага келиши тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланишини талаб этади. Масалан, товарлар етказиб берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлган *счет-фактуралар*, ишлар бажарилганлиги ёки

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси. З-модда. ЎРҚ-360-сон.

хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқловчи қабул қилиб олиши-топшириши далолатномалари, иши ҳақи қайдномалари (ведомостлар) ва бошқа шу каби ҳужжатлар. Мазкур ҳужжатлар тегишли ваколатга эга бўлган масъул шахслар томонидан имзоланиши ва ташкилот мухри билан тасдиқланиши шарт. Амалдаги қонунчилик талабларига кўра, бюджет ташкилотлари олдиндан камида 15 фоиз тўловни амалга оширишлари талаб қилинади, бундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган ҳоллар мустасно. Айрим ҳолларда Вазирлар Маҳкамаси томонидан бюджетдан маблағ олувчиларнинг харид қилишда 15 фоиздан ортиқ миқдорда аванс тўлаши лозим бўлган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг турлари рўйхати тасдиқланади. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 августдаги 241-сон қарорига мувофиқ, электр энергияси, мазут, кўмир, бензин, дизел ёқилғиси, минерал ўғитлар, шунингдек, авиа ва темир йўл чипталари, санаторийлар, дам олиш зоналари ва болалар соғломлаштириш оромгоҳларига йўлланмалар, барча турдаги шаҳар йўловчи транспорти йўл карточкалари кабиларни харид қилишда 15 фоиздан ортиқ миқдорда (30 фоиздан 100 фоизгача) олдиндан тўлов жорий этилган<sup>1</sup>.

2007-сонли “Давлат бюджети ғазна ижроси қоидалари”га мувофиқ, бюджетдан маблағ олувчиларнинг иккинчи томон олдидаги молиявий мажбуриятлари уларга товар (иш, хизмат)лар етказиб берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, шу жумладан иши ҳақи ва унга тенглаштирилган харажатларни ҳисоблаш ведомостлари асосида қабул қилинади<sup>2</sup>.

Молиявий мажбуриятлар, иши ҳақи ва унга тенглаштирилган харажатлар, шунингдек суд қарорлари бўйича тўловлар, йифимлар, бадаллар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан ташқари, олдин

<sup>1</sup> Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджетдан маблағ олувчиларнинг харид қилишда 15 фоиздан ортиқ миқдорда аванс тўлаши мумкин бўлган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2011 йил 24 августдаги 241-сон [карорига](#) илова.

<sup>2</sup> Адлия вазирлигига 2007-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Давлат бюджетининг ғазна ижроси Қоидалари”, VII-бўлим, 1-§

тузилган шартномалар ва юридик мажбуриятлар қабул қилинганигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар доирасида қабул қилинади.

I ва II гурух харажатлари бўйича молиявий мажбуриятлар иш ҳақи ва унга тенглаштирилган харажатлар тўлови учун нақд пул маблағларини олишга сўровнома, шунингдек ушбу гурухлар харажатлари бўйича тўлов топшириқномалари асосида рўйхатга олинади.

Ғазначилик бўлинмалари ғазна ҳисобваракларидан тўлов топшириқномалар асосида ташкилот ва муассасаларни сақлаш, марказлаштирилган тадбирларни ўтказиш, капитал қўйилмалар ва бошқа мақсадлар учун тўловларнинг тасдиқланган харажатлар сметаси ва капитал қўйилмалар лимитлари доирасида амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”<sup>1</sup>ги қарорига мувофик, бюджетдан маблағ олувчиларни давлат бюджетидан харажатларнинг тўрт гурухи бўйича молиялаштириш тартиби белгиланган:

- I. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар;
- II. Иш ҳақига қўшимчалар;
- III. Капитал қўйилмалар (Давлат инвестиция дастурида назарда тутилган манзилли рўйхатларга мувофик);
- IV. Бошқа харажатлар (озик-овқат, дори-дармон, коммунал хизматлар ва бошқа харажатлар).

Бюджетдан маблағ олувчиларнинг I ва II гурух бўйича харажатлар тўлови биринчи навбатда амалга оширилади. Бунда, I гурух харажатларини II гурух харажатлари тўловисиз амалга ошириш тақиқланади.

Тегишли бюджет бўйича I ва II гурух харажатлари тўлови учун ғазна ҳисобваракларида зарур маблағларни қоплайдиган қолдиқлар мавжуд бўлганда, I ва II гурух харажатларини тўлик амалга оширган ташкилотлар бўйича IV гурух харажатларини амалга оширишга рухсат этилади.

---

1 Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат карорлари тўплами, 1999 й. № 9, 51-модда

IV гурух “Бошқа харажатлар” бўйича маблағларнинг сарфланиши ўрнатилган лимитлар доирасида қўйидаги навбатга риоя қилган ҳолда амалга оширилади:

- овқатлантириш;
- дори-дармонлар;
- коммунал хизматлар;
- бошқа харажатлар.

Шахсий ҳисобрақамларда овқатлантириш харажатлари бўйича тўланмаган маблағлардан ортиқча маблағлар мавжуд бўлган ҳолларда, ушбу ошган маблағлар доирасида дори-дармонлар бўйича (тўртинчи гуруҳнинг бошқа харажат турлари бўйича ҳам) харажатларни амалга оширишга рухсат этилади.

Бюджет ташкилотларининг ишчиларига ижтимоий тўловлар бўйича харажатлари иш ҳақи ва унга tenglashтирилган тўловлар бўйича харажатлар билан бир вақтда амалга оширилади.

Бюджет ташкилотларининг шахсий ҳисобваракларида чорак (йил) охирида қолган, иқтисод қилинган бюджет маблағлари (капитал қўйилмаларнинг тўлови учун назарда тутилган ажратилган маблағлар бундан мустасно) Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармасига ўtkазилади ва қонунчиликда белгиланган тартибда сарфланади.

Иқтисод қилинган маблағларнинг ўтказилиши бюджет ташкилотлари томонидан юридик ва молиявий мажбуриятлар билан банд қилинмаган ажратилган бюджет маблағлари доирасида ҳисбот чорагининг кейинги ойи давомида амалга оширилади. Бюджет маблағларининг иқтисоди тегишли ўтган давр учун аниқланган бюджет маблағлари лимитлари ва қабул қилинган юридик мажбуриятлар ўртасидаги фарқ доирасида аниқланади. Қабул қилинган молиявий мажбуриятлар юридик мажбуриятлардан ортиқ бўлган ҳолларда, бюджет маблағларининг иқтисоди тегишли ўтган давр учун аниқланган бюджет маблағлари

лимитлари ва қабул қилинган молиявий мажбуриятлар ўртасидаги фарқ доирасида аниқланади.

Агар шартномага унинг амал қилиш муддатини узайтириш бўйича қўшимча келишув тузилмаган бўлса, шартноманинг муддати тугаши билан маҳсулот етказиб берувчи (пудратчи) томонидан товар (иш, хизмат)лар етказиб бериш бўйича мажбуриятнинг бажарилиши тугатилади. Бунда, амал қилиш муддати жорий йилнинг 31 декабригача бўлган шартномалар муддатини узайтириш бўйича қўшимча келишув тузишга йўл қўйилмайди (капитал қўйилмалар бўйича шартномалардан ташқари). Амал қилиш муддати тугаган шартномалар бўйича маҳсулот етказиб берувчиларнинг етказиб берган товар (иш, хизмат)лари учун кредиторлик қарzlари ўрнатилган тартибда ҳисобварак-фактуралар ва ўзаро қарздорликнинг солиштирма далолатномаси асосида тўлаб берилади. Маҳсулот етказиб берувчилардаги мавжуд дебиторлик қарzlари буюртмачига – бюджетдан маблағ олувчининг тегишли ғазна ҳисобварагига қайтарилади.

Агар маҳсулот етказиб берувчи томонидан ўтган молия йилининг дебиторлик қарzlари кейинги йилда (кейинги йилларда) қайтариlsa, у ҳолда ғазна ҳисобварагига тушган дебиторлик қарzlари суммаси тегишли бюджет даромадларига тикланади.

Амалдаги шартномалар бўйича молиявий мажбуриятлар микдори рўйхатга олинган юридик мажбуриятлар суммасига нисбатан кам қабул қилиниши натижасида бюджет маблағларининг иқтисоди юзага келганда, бюджет ташкилотлари тегишли ҳисбот даври учун шартномалар суммасини қабул қилинган молиявий мажбуриятлар суммасига мувофиқлаштириш учун, уларни камайтириш бўйича қўшимча келишув тузишлари лозим.

Амал қилиш муддати тугаган шартномалар бўйича молиявий мажбуриятлар микдори рўйхатга олинган юридик мажбуриятлар суммасига нисбатан кам қабул қилиниши натижасида бюджет маблағларининг иқтисоди юзага келган холларда, юридик мажбуриятлар

суммаси қабул қилинган молиявий мажбуриятлар суммасига буюртмачи ҳамда маҳсулот етказиб берувчи (пудратчи) ўртасидаги солиштирма далолатнома асосида мувофиқлаштирилади.

Бюджетдан маблағ оловчилар томонидан олдин тузилган шартномаларга қўшимча келишувлар тузишда молия йили якунигача шартномалар суммаси - юридик мажбуриятлар (мисол учун, куз-қиши мавсумининг келиши билан боғлик ҳолда электр энергияси, табиий газ ва иссиқлик энергияси учун харажатларнинг ўсиши ва бошқалар) камайтирилаётган харажатлар моддалари бўйича эҳтиёж бўлиши мумкинлиги эътиборга олиниши лозим.

Ҳисобот йилининг охирида шахсий ғазна ҳисобваракларида қолган иқтисод қилинган бюджет маблағларининг Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармасига ўtkазилиши бир хил тартибда қўшимча давр мобайнида амалга оширилади.

Ғазна ижросига ўтган бюджетдан маблағ оловчилар бўйича ўтган йил учун тўлов топшириқномалари молия йилига қўшимча даврнинг тугашигача 5 иш кунидан кечикмаган муддатда ғазначилик бўлинмаларига тақдим этилиши лозим.

Тиббиёт муассасаларида тегишли моддада назарда тутилган бюджетдан режали ажратилган маблағлар Тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасига тақдим қилинган тўлов ҳужжатлари асосида шартномалар тузилмасдан белгиланган муддатда ўтказилади.

Шартнома тузилмасдан қўйидаги ўтказмалар амалга оширилиши мумкин:

– бюджет ташкилотларининг иқтисод қилинган маблағлари уларнинг Ривожлантириш жамғармаларига, шунингдек тиббиёт муассасалари томонидан – сметада назарда тутилган мақсадли ажратилган маблағлар Тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаларига;

– капитал қўйилмалар бўйича буюртмачиларнинг бошқарув аппарати хизматини сақлаш учун маблағлар ушбу мақсадлар учун назарда тутилган, ўрнатилган тартибда манзилли ва титул рўйхатларда келишилган ва ҳар бир объект бўйича шахсий ҳисобвараглардаги суммалар доирасида.

Ғазначилик бўлинмалари томонидан ссудалар, дотациялар ва субвенцияларнинг ўtkазилиши тайинлаш сертификатлари, уларга илова қилинган ҳисоб-китоблар, шунингдек тегишли молия органлари томонидан тақдим этилган тўлов хужжатлари асосида амалга оширилади.

Конкурс савдолари ўtkазилгунга қадар бюджетдан маблағ олувчиларнинг ер участкасини ажратиш, қурилиш обьекти ҳудудида яшовчи шахсларни кўчириш, дастлабки - рухсат берувчи ҳужжатларни тайёрлаш, лойиха олди ишларни ташкил қилиш, лойиха ва конкурс ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш, экспертиза қилиш ва тасдиқлаш, қурилиш обьектларини давлат архитектура қурилиш назорати инспекциясида рўйхатга қўйиш, тасдиқланган қурилишларнинг манзилли рўйхати (loyиха-тадқиқот ишлари манзилли рўйхати)да назарда тутилган буюртмачини сақлаш каби харажатлар тўланиши мумкин.

## **7.2. Ғазначиликда бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар тўловини амалга ошириш тартиби**

Бюджет ташкилоти тасарруфида бўлган, бюджетдан ажратилиши кўзда тутилган пул маблағлари миқдори унинг тегишли молия органи томонидан рўйхатга олинган харажатлар сметаси билан чекланган. Бюджет ташкилотининг юридик мажбуриятлари ҳам сметада кўрсатилган харажат моддалари доирасидан четга чиқмаслиги белгилаб қўйилган. Бюджет ташкилотларининг молиявий мажбуриятлари лимити уларнинг тасарруфида бўлган пул маблағлари билан белгиланади.

Бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчилар томонидан тўловлар қуидаги талабларга асосланган тўлов топшириқномалари асосида амалга оширилади:

- молия органларида рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметалари асосида ва бюджет маблағлари бўйича бюджетдан маблағ олувчиларнинг банк ҳисобрақамларида мавжуд бўлган, харажатларнинг тегишли гурухлари бўйича бюджет маблағлари қолдиқларининг суммалари доирасида;
- агар тўлов топшириқномасида кўрсатилган сумма молия органида рўйхатдан ўтказилган шартномага кўра тўланадиган пул маблағлари суммасидан ошмаса;
- товар (ишлар, хизматлар) етказиб берилишини ва бюджетдан маблағ олувчининг етказиб берувчидан қарзи мавжудлигини тасдиқлайдиган ҳисобварақ-фактуралар ёки бошқа ҳужжатлар, шунингдек бюджетдан маблағ олувчи зиммасига етказиб берувчига бўнак тўловини ўтказиш мажбуриятини юклайдиган ҳужжатлар бўлганида;
- етказиб берувчининг тўлов топшириқномасида кўрсатилган номи ва реквизитлари етказиб берувчининг шартномада кўрсатилган номи ва реквизитларига мувофиқ бўлса;
- тўлов топшириқномасида бюджет таснифининг тегишли кодлари тўғри кўрсатилган бўлса.

Бюджетдан маблағ олувчи иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, шунингдек хизмат сафари харажатларини тўлаш учун нақд пул маблағлари олишга ғазначилик бўлинмасига бюджетдан маблағ олувчининг раҳбари ва бош ҳисобчиси имзоси билан, икки нусхада иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, шунингдек хизмат сафари харажатларини тўлаш учун нақд пул маблағлари олишга сўровнома ва унга тўлдирилган чек илова қилинган ҳолда такдим қиласи.

Бюджетдан маблағ олувчилар нақд пул олиш учун моддий жавобгар шахс (кассир)га берилган ишончномани ғазначилик бўлинмаларига тақдим қиласидилар.

Нақд пул берилганидан сўнг реестрнинг иккинчи нусхаси (касса чиқим журнали) чек ижро этилганлиги тўғрисидаги белги қўйилган ҳолда банк кўчирмаси билан бирга тегишли Ғазначилик бўлинмасига қайтарилади. Ғазначилик бўлинмаси банк кўчирмаси, реестр ва чек милкига асосан тегишли шахсий ҳисобварақда белги қўяди ва бюджет ташкилотига унинг шахсий ҳисобварағидан кўчирма беради, шу билан бирга бюджет ташкилоти бухгалтериясида кейинги ҳисобларни юритиш учун иш ҳаки ва унга тенглаштирилган тўловлар, хизмат сафари харажатларини тўлаш учун берилган сўровноманинг иккинчи нусхасига “Тўланди” белгисини қўйиб бюджетдан маблағ олувчига қайтаради. Бюджетдан маблағ олувчи пул маблағларини харажатлар сметасида назарда тутилган суммадан ошмаган, умумий суммага ёзилган бир нечта чек билан олиш ҳукуқига эга. Бунинг учун улар томонидан хизмат кўрсатувчи ғазначилик бўлинмасига тегишли суммага сўровномалар тақдим этилади.

Бюджетдан маблағ олувчилар нақд пул маблағларини олиш учун чекларни уларнинг сўровномаларида кўрсатилган қатъий суммаларга ва умумий суммаси харажатлар сметасининг тегишли лимитидан ошмаган суммаларга ёзиб берадилар.

Бюджетдан маблағ олувчининг ишончли шахси томонидан чек маркаси йўқотилган ҳолларда, чек маркаси йўқотилганлиги аниқланган куни тегишли Ғазначилик бўлинмасига бюджетдан маблағ олувчи раҳбари ва бош ҳисобчиси томонидан имзоланган билдиришнома-хат тақдим этилади. Ғазначилик бўлинмаси ушбу билдиришнома-хат асосида тегишли банкка тўланмаган чекни чақириб олиш тўғрисида хат билан мурожаат қиласиди. Чеклар реестри чақириб олинган чек суммасини айирган ҳолда ижро қилинади.

Чекларнинг йўқотилиши ва ўғирланиши, шунингдек чекни ҳамда назорат маркаларини олиш учун ваколатли шахслар томонидан ўз мансабини суистеъмол қилиш натижасида етказилган заарлар бўйича жавобгарлик бюджетдан маблағ оловчиларнинг мансабдор ва моддий жавобгар шахсларига юкланди.

Олинган чек дафтарчалари бюджетдан маблағ оловчиларда сақланади ва чекларни қонунчиликда белгиланган тартибда сақлаш ва ишлатиш бўйича жавобгарлик бюджетдан маблағ оловчиларнинг раҳбарлари ва бош ҳисобчиларига юкланди.

Ғазначилик бўлинмаларининг молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва тўловларни амалга ошириш бўлими (гурухи) масъул ходимлари тўлов учун сўровнома ва бошқа ҳужжатларни қабул қилишда ушбу ҳужжатларнинг иккинчи нусхасига ҳужжатларни қабул қилганлиги тўғрисида ўз имзоларини кўяди ва уларни қабул қилинган санани кўрсатган ҳолда бюджетдан маблағ оловчининг тегишли ходимига қайтаради.

Бюджетдан маблағ оловчиларнинг шахсий ҳисобваракларидан операциялар амалга оширилиши бўйича Ғазначилик бўлинмаларининг молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва тўловларни амалга ошириш бўлими (гурухи) масъул ходимлари бюджетдан маблағ оловчиларга уларнинг шахсий ҳисобваракларидан кўчирмаларни берадилар ҳамда уларни тасдиқланган шакл бўйича Бюджетдан маблағ оловчиларнинг шахсий ҳисобвараклардан берилган кўчирмаларни рўйхатга олиш журналида рўйхатга олади. Бюджетдан маблағ оловчининг масъул ходими кўчирмаларни олишда журналга уларни олганлиги тўғрисида белги қўяди.

Ғазначилик бўлинмаларининг молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва тўловларни амалга ошириш бўлими (гурухи) масъул ходимлари Берилган ва ишлатилган чекларни ҳисобга олиш журналида берилган ва ишлатилган чекларнинг рўйхатини юритади.

III гурух харажатлари бўйича молиявий мажбуриятларнинг қабул қилиниши пудратчиларнинг иш бажарилганлигини тасдиқловчи ҳисобварақ-фактуралар асосида амалга оширилади.

Газначилик бўлинмалари томонидан пул маблағларини ўтказиш қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- тўлов топшириқномасида бюджет таснифининг тегишли кодлари, шартнома, ҳисобварақ-фактура, аванс миқдори ва бошқа керакли реквизитлар тўғри кўрсатилганда;
- қурилишларнинг тасдиқланган манзилли ва титул рўйхатлари асосида ва тегишли обьектлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақларидаги мавжуд ажратилган бюджет маблағлари суммалари доирасида бўлганда;
- агар тўлов топшириқномасида кўрсатилган сумма Газначилик бўлинмасида рўйхатга олинган шартномага асосан, олдин ўтказилган маблағларни ҳисобга олган ҳолда, тўланиши лозим бўлган пул маблағларидан ошмаганда;
- буюртмачининг пудратчи олдидаги кредиторлик қарзининг мавжудлигини тасдиқловчи ҳисобварақ-фактура ва хужжатлар ёки буюртмачининг пудратчига аванс тўловларини ўтказиши лозимлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда;
- тўлов топшириқномасида кўрсатилган пудратчининг номи ва реквизитлари шартномада кўрсатилган пудратчининг номи ва реквизитларига мувофиқ бўлганда.

Бажарилган ишлар учун харажатлар тўлови, жумладан аванс тўловларининг тўланиши ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ва буюртмачилар томонидан ғазначилик бўлинмаларига тақдим қилинган тўлов топшириқномалари асосида амалга оширилади, бунда тўлов топшириқномасининг “Тўловчининг номи” устунида ғазначилик бўлинмасининг номи, “Тўловчининг ҳисобрақами” устунида - ғазна ҳисобварағи, “Тўлов мақсади” устунида - бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисобварақ рақами, бюджет таснифининг тегишли коди, тўловни

ўтказишга асос бўладиган хужжатлар, шунингдек тўлов мақсади кўрсатилади.

Буюртмачи томонидан тақдим қилинган хужжатлар юқоридаги талабларга мувофиқ бўлганда Газначилик бўлинмасининг ваколатли ходими “Текширилди” белгисини, тўлов топшириқномасининг биринчи нусхасининг орқа томонига тўлов топшириқномасининг қабул қилинган санаси ва ўзининг имзосини кўяди. Тўлов топшириқномасининг иккинчи нусхасининг ғазначилик бўлинмаси бошлиги ва масъул шахсининг имзолари ва ғазначилик бўлинмасининг муҳр изи билан расмийлаштириш текширувлар тугаганидан сўнг амалга оширилади.

Газначилик бўлинмасига ундаги мавжуд имзо ва муҳр изи намуналарини бюджетдан маблағ олувчилар томонидан тақдим қилинган, ғазна ҳисобварақларидан маблағларни ҳисобдан чиқариш учун банкка тақдим қилинадиган хужжатлардагилар билан солишириш мажбурияти юклатилади.

Тўлов топшириқномалари бўйича ғазна ҳисобварагидан тўловларни амалга ошириш учун Газначилик бўлинмаси банкка тўлов топшириқномаларининг иккинчи ва учинчи (Газначилик бўлинмаси ва пудратчига битта банк филиалида хизмат кўрсатилган ҳолда - тўртинчи) нусхаларини тақдим қиласи.

Хизмат кўрсатувчи банк томонидан тўлов ўтказилгандан сўнг, тўлов топшириқномасининг иккинчи (газначилик бўлинмаси ва пудратчига битта банк филиалида хизмат кўрсатилган ҳолда - учинчи) нусхаси банкда қолади, учинчи (газначилик бўлинмаси ва пудратчига битта банк филиалида хизмат кўрсатилган ҳолда - тўртинчи) нусхаси банкнинг штампи ва масъул ходимининг имзоси ҳамда ғазна ҳисобварагидан кўчирма билан Газначилик бўлинмасига берилади.

Газначилик бўлинмасининг тегишли ходими бюджетдан маблағ олувчиларнинг тегишли шахсий ҳисобварақларида белги қўйгандан сўнг, бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисобварагидан кўчирма ва тўлов

топшириқномасининг тўртинчи (ғазначилик бўлинмаси ва пурратчига битта банк филиалида хизмат кўрсатилган ҳолда - бешинчи) нусхасини Ғазначилик бўлинмаси масъул ходимининг белгиси билан бюджетдан маблағ олувчига (буортмачига) қайтарилади.

Ҳисобварақ-фактуралар ёки буортмачининг пурратчи олдидаги қарзининг мавжудлигини ва ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи бошқа хужжатлар Ғазначилик бўлинмаларига қўшимча давр тугашига 5 иш куни қолгунига қадар тақдим қилиниши лозим. Бошқарув аппаратини саклаш учун буортмачининг банк ҳисобварағига маблағлар ўтказилиши шартномалар тузилмасдан манзилли ва титул рўйхатларда ва ҳар бир объект бўйича шахсий ҳисобварақларда ушбу мақсадлар учун назарда тутилган суммалар доирасида, ўрнатилган тартибда тақдим қилинган тўлов топшириқномалари асосида амалга оширилади. Бунда, буортмачининг бошқарув аппаратини саклаш учун ўтказиладиган сумма молия органида ўрнатилган тартибда рўйхатга олинган харажатлар сметасида уни саклаш учун назарда тутилган суммадан ошмаслиги лозим.

IV гуруҳ харажатлари бўйича молиявий мажбуриятлар маҳсулот етказиб берувчиларнинг ҳисобварақ-фактуралари ёки товарлар етказиб берилганлигини (ишлар бажарилганлигини, хизматлар кўрсатилганлигини) тасдиқловчи бошқа хужжатлар ёки бюджетдан маблағ олувчиларнинг маҳсулот етказиб берувчига бюджет (бюджетдан ташқари) маблағларини (шу жумладан, аванс тўловларини) ўтказиши лозимлигини тасдиқловчи бошқа хужжатлар асосида қабул қилинади.

Ғазначилик бўлинмаси бюджетдан маблағ олувчиларнинг тўлов топшириқномалари асосида ғазна ҳисобварақларидан IV гуруҳ харажатлари бўйича харажатларни бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар сметаларининг тегишли моддаларида назарда тутилган ажратилган бюджет маблағлари лимитлари доирасида амалга оширади.

Бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлари тўлови тўлов топшириқномалари билан қўйидаги талабларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилади:

- бюджетдан маблағ олувчиларнинг IV гурӯҳ харажатларининг тегишли моддалари бўйича бюджет маблағлари қолдиқлари суммалари доирасида;
- агар тўлов топшириқномасида кўрсатилган сумма Ғазначилик бўлинмасида рўйхатга олинган шартномага мувофиқ тўланиши лозим бўлган пул маблағлари суммасидан ошмаса;
- ҳисобварақ-фактура ёки товар(иш, хизмат)лар етказиб берилганини тасдиқловчи бошқа хужжатлар мавжуд бўлганда ва бюджетдан маблағ олувчининг маҳсулот етказиб берувчи олдидаги қарздорлигини, шунингдек бюджетдан маблағ олувчини маҳсулот етказиб берувчига бюджет (бюджетдан ташқари) маблағларини (шу жумладан, аванс тўловларини) ўтказиши лозимлигини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлганида;
- тўлов топшириқномасида кўрсатилган маҳсулот етказиб берувчининг, шунингдек бюджетдан маблағ олувчиларнинг номи ва реквизитлари шартнома ва ҳисобварақ-фактурада ёки товар (иш, хизмат)лар етказиб беришни тасдиқловчи бошқа хужжатларда маҳсулот етказиб берувчининг, шунингдек бюджетдан маблағ олувчиларнинг номи ва реквизитларига мувофиқ бўлганида.

Етказиб берилган товар (иш, хизмат)лар учун харажатлар тўлови, шунингдек аванс тўловларини амалга ошириш учун бюджетдан маблағ олувчилар ғазначилик бўлинмасига ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган тўлов топшириқномаларини ўрнатилган тартибда тақдим қиласидилар (ушбу дарсликнинг 4-боб, 4.4-параграфига қаранг). Бунда, тўлов топшириқномасининг “Тўловчининг номи” устунида Ғазначилик бўлинмасининг номи, “Тўловчининг ҳисобрақами” устунида - ғазна ҳисобварағи, “Тўлов мақсади” устунида - бюджетдан маблағ

олувчининг шахсий ҳисобварап рақами ва бюджетдан маблағ олувчининг номи, бюджет таснифининг тегишли коди, тўловни ўтказишга асос бўладиган ҳужжатлар, шунингдек тўлов мақсади кўрсатилади.

Бюджетдан маблағ олувчилик томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар талабларга мувофиқ бўлганда, Ғазначилик бўлинмасининг ваколатли ходими “Текширилди” белгисини, тўлов топшириқномасининг биринчи нусхасининг орқа томонига тўлов топшириқномаси қабул қилинган санани ва ўзининг имзосини қўяди. Тўлов топшириқномасининг иккинчи нусхасини ғазначилик бўлинмаси бошлиғи ва масъул шахсининг имзолари ва Ғазначилик бўлинмасининг муҳр изи билан расмийлаштириш текширувлар тугаганидан сўнг амалга оширилади.

Тўлов топшириқномалари бўйича ғазна ҳисобварагидан тўловлар амалга ошириш учун Ғазначилик бўлинмаси банкка тўлов топшириқномаларининг иккинчи ва учинчи (Ғазначилик бўлинмаси ва маҳсулот етказиб берувчига битта банк филиалида хизмат кўрсатилган ҳолларда - тўртинчи) нусхаларини (“Банк-мижоз” дастури ишлатилгандан ташқари ҳолатларда) тақдим қиласди.

Хизмат кўрсатувчи банк томонидан тўлов ўтказилгандан сўнг, тўлов топшириқномасининг иккинчи (Ғазначилик бўлинмаси ва маҳсулот етказиб берувчига битта банк филиалида хизмат кўрсатилган ҳолларда - учинчи) нусхаси банкда қолади, учинчи (ғазначилик бўлинмаси ва маҳсулот етказиб берувчига битта банк филиалида хизмат кўрсатилган ҳолларда - тўртинчи) нусхаси банкнинг штампи ва масъул ходимининг имзоси билан ва ғазна ҳисобварагидан кўчирма Ғазначилик бўлинмасига берилади.

Ғазначилик бўлинмасининг тегишли ходими бюджетдан маблағ олувчиларнинг тегишли шахсий ҳисобварапларига белги қўйгандан сўнг, бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисобварагидан кўчирма ва тўлов топшириқномасининг тўртинчи (ғазначилик бўлинмаси ва маҳсулот етказиб берувчига битта банк филиалида хизмат кўрсатилган ҳолларда -

бешинчи) нусхаси ғазначилик бўлинмаси масъул ходимининг белгиси билан бюджетдан маблағ олувчига қайтарилади.

### **7.3. Молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва тўловларни амалга ошириш орқали бюджет ижросини назорат қилиш**

Ғазначилик органларида пул маблағларини самарали бошқариш, молиявий мажбуриятларнинг лимитини баҳолаш мақсадида *харажатларни амалга ошириши рухсати* (ХАОР) жорий этилган. Бунда ҳар ҳафтада пул маблағларини бошқариш бўлинмаси касса режасини янгилайди ва ХАОР ҳажмини белгилайди. Сўнгра бюджет таснифига мувофиқ бюджет ташкилотларига ХАОР берилади. ХАОРлар муайян муддатга ёзилади ва шу муддат ўтгандан сўнг улар ўз кучини йўқотади.

Йил давомида муайян бюджет (масалан, туман бюджети)нинг бюджет ташкилотлари учун сметалар асосида харажатларни амалга ошириш рухсат(ХАОР)лари ёзиб берилади. Бироқ бюджет, прогнозлаштирилганга нисбатан камроқ даромад тўпласа, харажатларни тўлиқ ҳажмда амалга оширишга рухсат берилмайди. Шунинг учун йиллик ажратмалар ва сметалар аниқлаштирилмагунча, харажатларни амалга ошириш рухсатларини олиш учун режадан ташқари бюджетлараро ссудалар тақдим этилиши мумкин.

Ғазначилик органлари ХАОРлар чиқарилиши ва тўланиши, юридик мажбуриятларнинг рўйхатга олиниши, ҳисобварак-фактураларнинг ва тўловга аризаларнинг ёзилиши, аризаларнинг тасдиқланиши ва тўлов амалга оширилиши учун масъул бўлиб ҳисобланади.


Ғазначилик бўлинмалари ғазна ҳисобваракларидан тўлов топширикномалар асосида ташкилот ва муассасаларни саклаш, марказлаштирилган тадбирларни ўtkазиш, капитал қўйилмалар ва бошқа мақсадлар учун тўловларни тасдиқланган харажатлар сметаси, шунингдек, капитал қўйилмалар лимитлари доирасида амалга оширади.

Бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлари учун тўловлар, Давлат бюджетининг ғазна ижроси Қоидаларида (2007-сонли) кўзда тутилган тартиб асосида қуийдаги ҳолларда амалга оширилади:

- тўлов топшириқномасида бюджет таснифининг тегишли кодлари, шартнома, ҳисобварак-фактура, аванс миқдори ва бошқа керакли реквизитлар тўғри кўрсатилганда;
- қуилишларнинг тасдиқланган манзилли ва титул рўйхатлари асосида ва тегишли обьектлар бўйича шахсий ғазна ҳисобваракларидаги мавжуд ажратилган бюджет маблағлари суммалари доирасида бўлганда;
- агар тўлов топшириқномасида кўрсатилган сумма ғазначилик бўлинмасида рўйхатга олинган шартномага асосан, олдин ўтказилган маблағларни ҳисобга олган ҳолда, тўланиши лозим бўлган пул маблағларидан ошмаганда;
- буюртмачининг пудратчи олдидаги кредиторлик қарзининг мавжудлигини тасдиқловчи ҳисобварак-фактура ва хужжатлар, ёки буюртмачининг пудратчига аванс тўловларини ўтказиши лозимлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда;
- тўлов топшириқномасида кўрсатилган пудратчининг номи ва реквизитлари шартномада кўрсатилган пудратчининг номи ҳамда реквизитларига мувофиқ бўлганда.

Бажарилган ишлар учун харажатлар тўлови, жумладан, аванс тўловларининг тўланиши ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ва буюртмачилар томонидан ғазначилик бўлинмаларига тақдим қилинган тўлов топшириқномалари асосида амалга оширилади, бунда тўлов топшириқномасининг “Тўловчининг номи” устунида ғазначилик бўлинмасининг номи, “Тўловчининг ҳисобрақами” устунида - ғазна ҳисобварағи, “Тўлов мақсади” устунида - бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисобварақ рақами, бюджет таснифининг тегишли коди, тўловни ўтказишга асос бўладиган хужжатлар, шунингдек, тўлов мақсади кўрсатилади.

Молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш чоғида Ғазначилик томонидан амалга ошириладиган назорат қўйидагиларни ўз ичига олади (7.1-расмга қаранг):



**7.1-расм. Молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш чоғида  
Ғазначилик томонидан амалга ошириладиган назорат**

Ғазначилик томонидан амалга ошириладиган назоратнинг мақсади бюджет ташкилотларининг кундалик фаолиятига аралashiш, уларнинг маблағларидан фойдаланиш жараёнларини мураккаблаштириш эмас, балки давлат пул маблағларининг самарали бошқарилишини таъминлаш, бюджет маблағларининг ҳаракатида оперативликни ошириш, маблағларнинг мақсадли ва аниқ йўналишларда ишлатилишига эришиш ва шу асосда бюджетнинг самарали ижросини таъминлашдан иборатdir.

## **Таянч сўз ва иборалар**

Молиявий мажбурият, счет-фактура, қабул қилиб олиш-топшириш далолатномаси, иш ҳақи қайдномалари, нақд пул маблағлари, сўровнома, тўлов топшириқномаси, капитал қўйилмалар, лимитлар, иқтисод қилинган бюджет маблағлари, ўзаро қарздорликнинг солиштирма далолатномаси, дебитор қарздорлик, тайинлаш сертификати, .

## **Такрорлаш учун саволлар**

1. Ғазначиликда молиявий мажбурият тушунчаси нимани англатади?
2. Ғазначиликда молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш тартиби қандай?
3. Нима учун молиявий мажбуриятларни Ғазначиликда мажбурий тарзда рўйхатга олиш тартиби жорий этилган?
4. Ғазначиликда тўловларни амалга ошириш тартибини айтиб беринг.
5. Ғазначиликда бюджетдан маблағ олувчиларнинг нақд пулларни олиш тартиб-қоидалари қандай, улар иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ўрнатилган тартиблардан қандай фарқ қиласди?
6. Тўловларни амалга ошириш учун тўлов топшириқномалари қандай ҳолларда неча нусхада тақдим этилади?

## **Мустақил ўрганиш учун топшириқлар**

1. Ғазначиликда молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва тўловларни амалга ошириш бўйича тақдимот тайёрланг.
2. Ғазначиликда юридик ва молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва тўловларни амалга ошириш бўйича амалий иш ўйини сценарийсини ишлаб чиқинг ва амалий машғулот давомида уни амалга оширинг.

## **Тест саволлари**

**1. Қандай ҳолларда бюджетдан маблағ олувчиilar ИВ гурухда назарда тутилган мақсадларга маблағлари нақд пул кўринишида олиш мумкин?**

A. Хизмат сафари харажатлари, етим болаларни сақлаш харажатлари ва бошқалар

B. Жорий ремонт харажатлари

C. Фавқулодда вазиятларда ишчиларга моддий ёрдам бериш

D. Тўсатдан юз берган ҳодисаларни молиялаштириш

**2. Ҳакамлик, спорт ва бошқа шунга ўхшаш тадбирларнинг харажатлар сметасида назарда тутилган хизматлар учун тўловлар, ҳакамлар ва бошқа жисмоний шахсларга қандай кўринишида тўлаб берилади?**

A. Накд пул кўринишида

B. Банк ҳисобрақамларига тегишли пул маблағларини ўтказиш йўли билан, фақат нақдсиз шаклда

C. Пластик карталарига ўтказиб бериш кўринишида

D. Ойлик иш ҳақидан шу сумма микдорида чугирма қилиш

**3. ИВ гурух “Бошқа харажатлар” бўйича маблағларнинг сарфланиши ўрнатилган лимитлар доирасида қандай навбатга риоя қилган ҳолда амалга оширилади?**

A. Коммунал хизматлар, озиқ-овқат, дори-дармон, бошқа харажатлар

B. Дори-дармон, коммунал хизматлар, бошқа харажатлар, жорий ремонт, озиқ-овқат;

C. Дори-дармон, коммунал хизматлар, бошқа харажатлар

D. Озиқ-овқат, дори-дармон, коммунал хизматлар, бошқа харажатлар

**4. Қандай ҳолда тўлов топшириқномалари 5 нусхада тузилади?**

A. Ғазначилик бўлинмаси ва пудратчига битта банк филиалида хизмат кўрсатилса

- В. Ғазначилик бўлинмаси ҳамда унга хизмат кўрсатувчи банк орасида “Банк-мижоз” дастурй мажмуи йўлга қўйилган бўлса
- С. Ғазначилик бўлинмаси ва пудратчига ҳар хил банк филиалларида хизмат кўрсатилса
- Д. Ғазначилик бўлинмаси ва пудратчига ҳар хил банк филиалларида ва ҳар хил вилоятларда хизмат кўрсатилса

**5. Қандай ҳолда тўлов топшириқномалари 3 нусхада тузилади?**

- А. Ғазначилик бўлинмаси ва пудратчига битта банк филиалида хизмат кўрсатилса
- В. Ғазначилик бўлинмаси ҳамда унга хизмат кўрсатувчи банк орасида “Банк-мижоз” дастурй мажмуи йўлга қўйилган бўлса
- С. Ғазначилик бўлинмаси ва пудратчига ҳар хил банк филиалларида хизмат кўрсатилса
- Д. Ғазначилик бўлинмаси ва пудратчига ҳар хил банк филиалларида ва ҳар хил вилоятларда хизмат кўрсатилса

**6. Қандай ҳолда тўлов топшириқномалари 4 нусхада тузилади?**

- А. Ғазначилик бўлинмаси ва пудратчига ҳар хил банк филиалларида хизмат кўрсатилса
- В. Ғазначилик бўлинмаси ҳамда унга хизмат кўрсатувчи банк орасида “Банк-мижоз” дастурй мажмуи йўлга қўйилган бўлса
- С. Ғазначилик бўлинмаси ва пудратчига битта банк филиалида хизмат кўрсатилса
- Д. Ғазначилик бўлинмаси ва пудратчига ҳар хил банк филиалларида ва ҳар хил вилоятларда хизмат кўрсатилса

**7. Бюджетдан маблағ олувчиilar томонидан пул маблағлари ўтказилиши қандай ҳужжат асосида амалга оширилади?**

- А. Талабларга асосланган тўлов топшириқномалари билан амалга оширилади
- В. Талабларга асосланган тўлов талабномаси билан амалга оширилади
- С. Талабларга асосланган тўлов жадвали билан амалга оширилади

D. Талабларга асосланган тўлов талабномаси ва жадвали билан амалга оширилади

**8. Ғазначилик бўлинмалари ғазна ҳисобварақларидан тўлов топшириқномалар асосида ташкилот ва муассасаларни сақлаш, марказлаштирилган тадбирларни ўтказиш, капитал қўйилмалар ва бошқа мақсадлар учун тўловларни нима асосида амалга оширади?**

- A. тасдиқланган харажатлар сметаси асосида ва капитал қўйилмалар лимитлари доирасида
- B. юқори турувчи ташкилотнинг кўрсатмалари асосида
- C. капитал қўйилмалар лимитлари доирасида
- D. харажатлар сметаси асосида

**9. Харажатларни амалга ошириш рухсати (ХАОР) қандай мақсадда жорий этилган?**

- A. пул маблағларини самарали бошқариш, молиявий мажбуриятларнинг лимитини баҳолаш
- B. харажатлар сметасини ўз вақтида рўйхатдан ўтказиш
- C. молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш учун рухсат бериш
- D. тўғри жавоб йўқ

**10. Бажарилган ишлар учун харажатлар тўлови буюртмачилар томонидан ғазначилик бўлинмаларига тақдим қилинган тўлов топшириқномалари асосида амалга оширилади, бунда тўлов топшириқномасининг “Тўловчининг номи” устунида нима кўрсатилади?**

- A. ғазначилик бўлинмасининг номи
- B. ғазна ҳисобварағи
- C. бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисобварақ рақами
- D. бюджет таснифининг тегишли коди, тўлов мақсади

## **8-БОБ. БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ҒАЗНА ИЖРОСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ**



### **8.1. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳақида тушунча, уларнинг гурухланиши**

Бюджет ташкилотлари бюджет маблағлари доирасида фаолият юритиш билар бир қаторда, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш хуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси билан белгилаб қўйилишича, *бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари* қонун хужжатларида назарда тутилган манбалардан бюджет ташкилоти тасарруфига келиб тушадиган маблағлар ҳисобидан шакллантирилади<sup>1</sup>.

Бюджет Кодексининг 60-моддасига мувофиқ, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари қўшимча даромадлари “Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси” деб номланган жамғармада жамланади. Бу жамғармани шакллантириш қўйидаги манбалар ҳисобидан амалга оширилади (8.1-расм):

- ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида харажатлар сметаси бўйича тежалган маблағлар, бундан капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун назарда тутилган маблағлар мустасно;
- фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадлар;
- бюджет ташкилоти балансида турган мол-мулкни ижарага беришдан олинган маблағларнинг бир қисми;
- белгиланган тартибда бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдириладиган маблағлар;
- ҳомийликдан олинган маблағлар.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси, 3-модда.



### **8.1-чизма. Бюджет ташкилотларини ривожлантириши жамғармаси маблағларининг шаклланиш манбалари<sup>1</sup>**

Шунингдек, давлат тиббиёт муассасаларида ҳам бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан *Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириши ва ривожлантириши жамғармаси* шакллантирилди. Ушбу жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ҳамда ишлатиш йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги “Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 276-сонли қарорига мувофиқ белгилаб берилган. Бюджет Кодексининг 61- ва 81-моддаларида ҳам Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасининг шаклланиш манбалари ва ишлатиш йўналишлари аниқлаштирилган (8.1-жадвал).

#### **8.1-жадвал**

#### **Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасини шакллантириш ва унинг маблағларини сарфлаш<sup>2</sup>**

Тиббиёт муассасал	Жамғарманинг шаклланиш манбалари	Жамғарма маблағларини сарфлаш йўналишлари
----------------------	-------------------------------------	--

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 11-боб, 60-моддаси асосида тайёрланди.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги “Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 276-сонли қарори иловасига кўра

ари гурухлари		моддий рафбатлантириш	моддий-техника базани мустаҳкамлаш
I гурух	– тиббиёт ташкилотига ажратиладиган бюджет маблағлари умумий ҳажмининг 5 фоизигача бўлган миқдорда бюджетдан ажратиладиган маблағлар;	25 %	75 %
II гурух	– фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадлар;	35 %	65 %
III гурух	– ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида харажатлар сметаси бўйича тежалган маблағлар;	40 %	60 %
IV гурух	– тиббиёт ташкилоти балансида турган мол-мулкни ижарага беришдан олинган маблағларнинг бир қисми; – белгиланган тартибда бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдириладиган маблағлар; – ҳомийликдан олинган маблағлар	50 %	50 %

Тиббиёт муассасаларини моддий рафбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси қуйидаги манбалар ҳисобига шакллантирилади:

- тиббиёт ташкилотига ажратиладиган бюджет маблағлари умумий ҳажмининг 5 фоизигача бўлган миқдорда бюджетдан ажратиладиган маблағлар;
- фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадлар;
- ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида харажатлар сметаси бўйича тежалган маблағлар, бундан капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун назарда тутилган маблағлар мустасно;
- тиббиёт ташкилоти балансида турган мол-мулкни ижарага беришдан олинган маблағларнинг бир қисми;
- белгиланган тартибда бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдириладиган маблағлар;
- ҳомийликдан олинган маблағлар.

Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Тиббиёт муассасаларини моддий рафбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари фақат:

- аввало вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақаларни ва мавжуд кредиторлик қарзларни тўлашга;

– бюджет ташкилотининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирларига;

– ижтимоий ривожлантириш ва бюджет ташкилотларининг ходимларини моддий рағбатлантириш тадбирларига сарфланади.

Бюджет ташкилотида вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича тўланмаган нафақалар, муддати ўтказиб юборилган кредиторлик қарз мавжуд бўлса, Ривожлантириш жамғармаси маблағлари тежаб қолинган бюджет маблағлари доирасида ушбу қарзларни тўлашга (ишлар, хизматлар товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича жами харажатлар ўрни қоплангандан сўнг) сарфланади.

Агар кредиторлик қарзи бюджет ташкилотининг харажатлари вақтинча етарли микдорда маблағ билан таъминланмаганлиги муносабати билан пайдо бўлган тақдирда, кредиторлик қарзнинг Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси ҳисобига тўланган микдори жорий молия йилига белгиланган харажатлар лимити доирасида бюджетдан қопланади.

Агар кредиторлик қарзи бюджет ташкилотларининг харажатлар сметасига иловада назарда тутилган тегишли харажатлар тўланмаганлиги ва (ёки) харажатларнинг ҳар қайси гурухи бўйича белгиланган лимитларнинг ошиб кетганлиги муносабати билан пайдо бўлган бўлса, тўлиқ ҳажмда бюджетдан маблағ билан таъминланган тақдирда, Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари (ишлар, хизматлар, товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича жами харажатлар ўрни тўлдирилгандан сўнг) аввало харажатларнинг тўланмаган қисми ва белгиланган лимитларнинг ортиб кетган микдори доирасида кредиторлик қарзларни узишга йўналтирилади.


Бюджет ташкилотида вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича тўланмаган нафақалар ва кредиторлик қарз мавжуд бўлмаса ёхуд ушбу қарзлар белгиланган доирада ва шартларда тўланган тақдирда Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасининг қолган маблағлари (ҳомийлик ёрдами, беғараз ёрдам микдори бундан мустасно):

– тушган барча маблағларнинг камида 75 фоизи товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича жами харажатларнинг ўринини тўлдиришга ва моддий-техника базани мустаҳкамлашга;

– тушган барча маблағларнинг кўпи билан 25 фоизи бюджет ташкилотлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш тадбирларига сарфланади.

Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари 8.1-жадвалда кўрсатилган нисбатларда қуйидаги йўналишларда сарфланади:

- ходимларни моддий рағбатлантиришга;
- моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, муассасани модернизация қилиш ва таъмирлаш, шунингдек кредиторлик қарзларни тўлашга.



## ***8.2-чизма. Бюджет ташкилотларини ривожлантириши жамғармаси маблағларидан фойдаланиши йўналишлари***

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотига кўрсатилган ҳомийлик (беғараз) ёрдамидан олинган маблағларнинг барча суммаси, агар ҳомий билан маҳсус ўзгача ҳол келишилмаган бўлса, тўлиғича моддий-техника базани мустаҳкамлашга сарфланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бюджет ташкилотларини бюджетдан ташқари маблағ топишга ундаш ва яхши иш натижаларини рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 12 декабр 1245-сон Қарорига мувофиқ, барча бюджет ташкилотлари 2015 йил 1 январгача барча даромадлари (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябр 414-сон Қарори билан белгиланган) юзасидан барча солиқлар ва йиғимлардан, шунингдек, давлат мақсадли фонdlарига мажбурий тўловларни тўлашдан озод этилади.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси билан шунингдек вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари даромадларини шакллантириш манбалари белгилаб қўйилган бўлиб, улар белгиланган тартибда давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлар, маъмурий жарималар ҳамда молиявий санкциялардан ажратмалар ҳисобидан шакллантирилади. Жамғарма маблағларидан моддий-техника базани мустаҳкамлаш, ходимларни моддий рағбатлантириш, бошқа харажатларни қоплаш учун фойдаланилади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан алоҳида тартибда белгиланади.

Бундан ташқари, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари расман ўрнатилган *ундириладиган тўловлар* ҳисобидан ҳам шаклланади. Уларнинг таркиби Бюджет Кодексининг 63-моддаси билан белгилаб қўйилган. Унга кўра, бюджет ташкилотлари томонидан бюджетдан ташқари маблағлари қўйидагилар ҳисобидан шакллантирилади:

- ўқувчилар ва тарбияланувчилар давлат мактабгача таълим муассасаларида, умумтаълим мактабларининг куни узайтирилган гурухларида, мактаб-интернатларда, олимпия захиралари коллежлари ва бошқа таълим муассасаларида сақлаб турилганлиги учун;
- ўқувчилар болалар мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда мактабдан ташқари таълим муассасаларида таълим олганлиги учун;
- олий ва ўрта маҳсус касб-хунар таълими муассасаларида таълим олганлик учун;
- стационар даволаш-профилактика муассасаларида даволанаётганлар таркиби овқатланиши учун;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа турдаги ундириладиган тўловлар.

Ундириладиган тўловларнинг микдорлари, уларни киритиш ва улардан фойдаланиш тартиби, шунингдек ундириладиган тўловлар бўйича имтиёзлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

## **8.2. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича ғазна ижросини ташкил этиш амалиёти**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1275-сонли Қарорининг 25-бандига мувофиқ, 2010 йилдан бошлаб вазирлик ва идораларнинг, бюджет ташкилотларининг барча бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларини давлат бюджетининг ғазна ижроси механизми билан қамраб олиш амалга оширилмоқда. Бунда, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича банк ҳисобварақлари ёпилиб, Ғазначиликда тегишли шахсий ҳисобварақлар очилди.

Бюджет ташкилотларининг давлат бюджетининг ғазна ижроси билан қамраб олинган бюджетдан ташқари маблағлари қўйидагилардан иборат:

- Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси;
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ижтимоий нафақаларни тўлаш учун маблағлари;
- Тиббиёт муассасаларини моддий рафбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси;
- ўтган йиллар дебиторлик қарзларининг тушган суммаси;
- мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун отаоналардан тушумлар;

- мактабдан ташқари муассасаларда (мусиқа ва санъат мактаблари) болалар таъминоти учун ота-оналардан тушумлар;
- ходимлардан, улар ишлаётган жойида овқатланганлиги бўйича ҳисоб-китоблардан тушадиган тушумлар;
- мактаб-интернатлар ва лицейларда болаларнинг таъминоти учун ота-оналардан тушумлар;
- таълим муассасаларида ўқищдан тушадиган маблағлар;
- вазирлик ва идораларнинг ажратмалар ҳисобига шаклланадиган бюджетдан ташқари жамғармалари;
- умумтаълим муассасаларида дарсликлар ижараси тўловидан тушган бюджетдан ташқари маблағлар;
- капитал қўйилма маблағлари бўйича депозитлар;
- турғун даволаш-профилактика муассасаларида даволанаётган bemорлардан овқатланиш учун ундириладиган тўловлар;
- тақсимланиши назарда тутилган тушумлар;
- бошқа таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўлови;
- бошқа маблағлар бўйича депозитлар;
- бюджет ташкилотларининг бошқа бюджетдан ташқари маблағлари.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2009 йил 4 августдаги 69-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2009 йил 16 сентябрда 2007-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Давлат бюджетининг ғазна ижроси Қоидалари”нинг “Бюджетдан маблағ олувчиликарнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига харажатларни амалга ошириш” деб номланган VIII-бўлимида “*Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича юридик ва молиявий мажбуриятларнинг қабул қилинishi, шунингдек бюджетдан ташқари маблағларнинг касса харажатлари келиб тушган бюджетдан ташқари маблағлар доирасида амалга оширилади ва бюджет маблағлари каби бир хил тартибда расмийлаштирилади*”, деб белгилаб қўйилган. Юқорида таркиби келтирилган бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар ғазна ижросини Ғазначиликда ташкил қилишнинг ўзига хос жаҳатларини батафсил қўриб чиқамиз.

**Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси.** Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисоби тегишли молия органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг Маблағлар манбаси ва бюджетлар даражаси таснифига (Адлия вазирлигига 2010 йил 11 октябрда 2146-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқноманинг 1-иловасига) мувофиқ очиладиган 4001 - маблағ манбали шахсий ғазна ҳисобваракларида юритилади.

Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси маблағларининг шаклланиш манбалари ҳамда ишлатиш йўналишлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 414-сонли қарорига мувофиқ белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2010 йил 19 ноябрда 2157-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом”га мувофиқ, бюджет ташкилотлари Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича даромад ва харажатлар сметаларини тузадилар.

Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан юридик мажбуриятларни қабул қилиш чекланмайди, молиявий мажбуриятларни қабул қилиш эса илгари қабул қилинган юридик мажбуриятлар суммалари доирасида амалга оширилади.

Ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан харажатлар қабул қилинган юридик ва молиявий мажбуриятлар ҳамда тегишли шахсий ғазна ҳисобварағидаги маблағлар қолдиқлари доирасида амалга оширилади.

Бюджет ташкилоти томонидан фаолияти турига мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш “Бюджет ташкилотлари томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш тартиби”га (Рўйхат рақами №880, 2000 йил 25 январ) мувофиқ амалга оширилади. Бунда, пулли асосда товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш асосан бюджет ташкилотининг штатдаги ходимлари томонидан иш жадвали ва ҳажмлари, меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва ҳажмлари ва бошқа зарур шартларни кўрсатган ҳолда меҳнат шартномасига қўшимча кўринишда тегишли расмийлаштириш билан амалга оширилади, шунингдек муддатли меҳнат шартномалари асосида қўшимча ходимларни жалб этишга руҳсат берилади.

Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича юридик ва молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва тўловларни амалга ошириш “Давлат бюджетининг ғазна ижроси қоидалари”га мувофиқ амалга оширилади. Бунда, бюджет ташкилотларининг товар (иш, хизмат) етказиб берувчилар билан ўрнатилган тартибда тузилган шартномалари, ғазначилик бўлинмасининг масъул ходими томонидан шартноманинг биринчи ва иккинчи асл нусхалари ва кўчирма нусхасининг барча варакаларига “Шартнома бўйича тўловлар шахсий ғазна ҳисобварағидаги қолдиқ доирасида амалга оширилади” деган изоҳ билан унга бириктирилган “Ҳисобга олинди” штампини қўйиш, имзолаш ва “Ғазначилик” дастурий мажмуасига киритиш ва ҳисобга олинган рақам ва санаси кўрсатилиб, уларни ғазначилик бўлинмасининг ваколатли шахси имзоси билан тасдиқлаш орқали ҳисобга олинади.

Етказиб берилган товар(иш, хизмат)лар учун тўловлар маҳсулот етказиб берилганини тасдиқловчи ҳужжатлар (ҳисобварак-фактура) асосида, рўйхатга олинган юридик мажбуриятлар ва мазкур шахсий ғазна ҳисобварағидаги мавжуд қолдиқлар доирасида амалга оширилади.

Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси бўйича товар (иш, хизмат) етказиб берувчилар билан тузилган шартномаларни (унга қўшимча ва ўзгартиришлар билан) тўғри расмийлаштириш, шартнома билан бирга Ғазначилик бўлинмасига тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги ва улардаги маълумотларнинг тўғрилиги бўйича жавобгарлик бюджетдан маблағ олувчилар (яъни бюджет ташкилотлари) зиммасига юклатилади.

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ижтимоий нафақаларни тўлаш учун маблағлари.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрдаги “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ти Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ижтимоий нафақаларни тўлаш учун маблағлари ҳисоби тегишли молия органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг Маблағлар манбаси ва бюджетлар даражаси таснифига (Адлия вазирлигига 2010 йил 11 октябрда 2146-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқноманинг 1-иловасига) мувофиқ очиладиган 4002-маблағ манбали шахсий ғазна ҳисобваракларида юритилади. Бунда, бюджет ташкилотларида ишловчи ходимларга пенсия тўловларини тўлаш учун маблағлар бюджет ташкилотлари учун очилган шахсий ғазна ҳисобваракларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан унинг ҳудудий бўлинмалари орқали молиялаштирилади.

Ушбу шахсий ғазна ҳисобварагидан бюджет ташкилотида ишловчи ходимларнинг пенсия тўловлари бўйича харажатлар, бюджетдан маблағ олувчиларнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар учун нақд пул олишга сўровномаси, пенсия тўловларини нақд пулда олиш учун маблағларни Ғазначиликнинг банкдаги 23212, 23214 баланс рақамли ҳисобваракларига ўтказиш тўғрисидаги тўлов топшириқномалари, ушбу ҳисоб рақамга ўтказилган маблағлар доирасида ёзилган чеклар ёки ишловчи пенсионерларнинг розилиги асосида уларнинг пенсияларини пластик карточкаларга ўтказиш бўйича тўлов топшириқномалари асосида, шахсий ғазна ҳисобварагида мавжуд қолдиқлар доирасида амалга оширилади. Бунда, ушбу шахсий ғазна ҳисобваракдан харажатларни амалга ошириш харажатлар сметаларисиз ушбу шахсий ғазна ҳисобварагига келиб тушган маблағлар доирасида амалга оширилади.

Ушбу шахсий ғазна ҳисобварагига келиб тушган маблағлардан мақсадли фойдаланиш бўйича жавобгарлик бюджетдан маблағ олувчиларнинг раҳбарлари ва бош ҳисобчиларига юклатилади.

**Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси.** Тиббиёт муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисоби тегишли молия органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг Маблағлар манбаси ва бюджетлар даражаси таснифига (Адлия вазирлигига 2010 йил 11 октябрда 2146-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқноманинг 1-иловасига) мувофиқ очиладиган 4003-маблағ манбали шахсий ғазна ҳисобваракларда юритилади. Бунда, ходимларни моддий рағбатлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирлари учун алоҳида шахсий ғазна ҳисобварак очилади.

Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳам юридик мажбуриятларни қабул қилиш чекланмайди, молиявий мажбуриятларни қабул қилиш эса илгари қабул қилинган юридик мажбуриятлар суммалари доирасида амалга оширилади.

Ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан харажатлар қабул қилинган юридик ва молиявий мажбуриятлар ҳамда тегишли шахсий ғазна ҳисобварагидаги маблағлар қолдиқлари доирасида амалга оширилади. Пулли даволаш ва хизмат кўрсатиш ҳисобига тушадиган маблағлар эса Бюджет таснифининг маблағлар манбаси ва бюджетлар даражаси таснифи бўйича 4014 - “Тақсимланиши кўзда тутилган тушумлар” коди билан очиладиган шахсий ғазна ҳисобваракларига кирим қилинади.

Мазкур шахсий ҳисобваракдан белгиланган тартибда даволаш ва хизматлар кўрсатишнинг таннахи қоплангандан сўнг маблағларнинг қолган қисми мос равища ходимларни моддий рағбатлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича очилган шахсий ғазна ҳисобваракларига алоҳида ўрнатилган фоизлар бўйича йўналтирилади. Бунда, тиббиёт муассасаси учун ажратиладиган умумий бюджет маблағларининг 5 фоизигача қисми ҳамда пулли даволаш ва хизматлар кўрсатишдан тушган тушумнинг даволаш ва хизматлар кўрсатишнинг таннахи қоплангандан сўнг қолган қисмини моддий рағбатлаштириш ва моддий-техника базани мустаҳкамлаш жамғармасига ўтказиш, тиббиёт муассасаларининг ғазначилик бўлинмаларига тақдим қилган юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш учун сўровнома ва ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ғазна мемориал ордерлари асосида Ғазначилик бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича юридик ва молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва тўловлар “Давлат бюджетининг ғазна ижроси қоидалари”га мувофиқ амалга оширилади. Бунда, бюджет ташкилотларининг товар (иш, хизмат) етказиб берувчилар билан ўрнатилган тартибда тузилган шартномалари, Ғазначилик бўлинмасининг

масъул ходими томонидан шартноманинг биринчи ва иккинчи асл нусхалари ва кўчирма нусхасининг барча ва рақларига “Шартнома бўйича тўловлар шахсий ғазна ҳисобварагидаги қолдиқ доирасида амалга оширилади” деган изоҳ билан унга бириктирилган “Ҳисобга олинди” штампини қўйиш, имзолаш ва “Ғазначилик” дастурий мажмууга киритиш ва ҳисобга олинган рақам ва санаси кўрсатилиб, уларни Ғазначилик бўлинмасининг ваколатли шахси имзоси билан тасдиқлаш орқали ҳисобга олинади. Етказиб берилган товар(иш, хизмат)лар учун тўловлар маҳсулот етказиб берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (ҳисобварак-фактура) асосида, рўйхатга олинган юридик мажбуриятлар ва мазкур шахсий ғазна ҳисобварагидаги мавжуд қолдиқлар доирасида амалга оширилади.

Тиббиёт муассасасининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси бўйича товар (иш, хизмат) етказиб берувчилар билан тузилган шартномаларини (унга қўшимча ва ўзгартиришлар билан) тўғри расмийлаштириш, шартнома билан бирга Ғазначилик бўлинмасига тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги ва улардаги маълумотларнинг тўғрилиги бўйича жавобгарлик бюджетдан маблағ олувчилар зиммасига юклатилади.

**Ўтган йиллар дебиторлик қарзларининг тушган суммаси.** Бюджетдан маблағ олувчиларнинг ўтган йиллардаги дебиторлик қарзларнинг қайтарилиган суммаларидан тушумлар бўйича шахсий ғазна ҳисобвараклари ҳисоби тегишли молия органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг Маблағлар манбаси ва бюджетлар даражаси таснифига мувофиқ очиладиган 4004—маблағ манбали шахсий ғазна ҳисобваракларда юритилади. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобидан пайдо бўлган ўтган йиллардаги дебиторлик қарзларнинг қайтарилиган суммалари 4004—маблағ манбали шахсий ғазна ҳисобваракларга кирим қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли қарорига мувофиқ, тегишли бюджетлар даромадларига ўтказилади. Бунда, маблағларнинг тегишли бюджетларга ўтказилиши ғазначилик томонидан бюджетдан маблағ олувчиларнинг ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган тўлов ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Ўтган йиллардаги дебиторлик қарзларнинг қайтарилиган суммаларининг тегишли бюджетларга ўтказилиши тартибига ва муддатларга амал қилиниши бўйича жавобгарлик бюджет ташкилотлари раҳбарлари ва бош ҳисобчиларига юклатилади.

**Мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналардан тушумлар.** Бюджетдан маблағ олувчиларнинг мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналардан тушумлар бўйича шахсий ғазна ҳисобвараклари ҳисоби тегишли молия органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг Маблағлар манбаси ва бюджетлар даражаси таснифига (Адлия вазирлигига 2010 йил 11 октябрда 2146-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқноманинг 1-иловасига) мувофиқ

очиладиган 4005-маблағ манбали шахсий ғазна ҳисобвақларда юритилади.

Мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналардан тушумлар шахсий ғазна ҳисобвақларидан маблағларнинг сарфланиши Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2008 йил 13 февралда 1768-сон билан рўйхатга олинган “Мактабгача тарбия болалар муассасалари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминотига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида” Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Бюджет ташкилотларида болалар (тарбияланувчилар) таъминоти учун тўловлар қонун ҳужжатларида белгиланадиган микдорларда ундирилади.

Бюджет ташкилотларида болалар таъминоти учун тўловлар уларнинг ота-оналари ёки она-оналарнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан нақд пул орқали ёки пул кўчириш орқали ўзларининг иш ҳақлари ҳисобидан ёки банк пластик карточкалари орқали амалга оширишлари мумкин. Бунда, тўлов ҳужжатларининг тўлов мақсадида мактабгача таълим муассасаси ва мактаб-интернатнинг тегишли 4005 – маблағ манбали шахсий ғазна ҳисобвағи, ташкилот номи, тўлов қайси ой учун ва ким учун амалга оширилаётганлиги кўрсатилиши шарт. Болалар таъминоти учун нотўғри ёки ортиқча келиб тушган маблағларни Ғазначилик бўлинмалари томонидан қайтариш бюджет ташкилотларининг ёзма мурожаатларига ва ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган тўлов ҳужжатларига асосан амалга оширилади.

Бюджет ташкилотларида болалар ва тарбияланувчилар таъминоти учун тўланадиган маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметаси тузилади ва “Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом” (рўйхат рақами № 2157, 2010 йил 19 ноябр) талаблари асосида тегишли молия органларида харажатлар сметаси учун белгиланган муддатларда ва тартибда рўйхатдан ўтказилади.

Мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналардан тушумлар шахсий ғазна ҳисобвақларидан юридик ва молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва тўловларни амалга ошириш “Давлат бюджетининг ғазна ижроси қоидалари”га мувофиқ амалга оширилади. Бунда, бюджет ташкилотларининг озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш бўйича етказиб берувчилар билан ўрнатилган тартибда тузилган шартномалари, молия органларида рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметаси доирасида Ғазначилик бўлинмаларида рўйхатга олинади.

Етказиб берилган озиқ-овқат маҳсулотлари учун тўловлар маҳсулот етказиб берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (ҳисобвақ-фактура) асосида харажатлар сметасидаги маблағлар, рўйхатга олинган юридик мажбуриятлар ва тегишли 4005-маблағ манбали шахсий ғазна

хисобварағидаги мавжуд маблағлар қолдиқлари доирасида амалга оширилади.

Мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналардан тушумлар шахсий ғазна хисобварақларидан товар (иш, хизмат) етказиб берувчилар билан тузилган шартномалари (унга қўшимча ва ўзгартиришлар билан) тўғри расмийлаштирилиши, шартнома билан бирга Фазначилик бўлинмасига тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳаққонийлиги ва улардаги маълумотларнинг тўғрилиги бўйича жавобгарлик бюджетдан маблағ оловчиликар зиммасига юклатилади.

**Мактабдан ташқари муассасаларда (мусиқа ва санъат мактаблари) болалар таъминоти учун ота-оналардан тушумлар.** Бюджетдан маблағ оловчиликарнинг мактабдан ташқари муассасаларда болалар таъминоти учун ота-оналардан тушумлар (мусиқа ва санъат мактаблари) бўйича шахсий ғазна хисобварақлари ҳисоби тегишли молия органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг Маблағлар манбаси ва бюджетлар даражаси таснифига (Адлия вазирлигига 2010 йил 11 октябрда 2146-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқноманинг 1-иловасига) мувофиқ очиладиган 4006-маблағ манбали шахсий ғазна хисобварақларда юритилади.

Мактабдан ташқари муассасаларда болалар таъминоти учун ота-оналардан тушумлар (мусиқа ва санъат мактаблари) бўйича шахсий ғазна хисобварақларидан маблағлар харажати Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2009 йил 5 февралда 1898-сон билан рўйхатга олинган “Ота-оналар томонидан болаларнинг мусиқа ва санъат мактабларида ўқиши учун ҳақ тўлаш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом”га мувофиқ амалга оширилади. Жумладан, маблағларнинг:

– 50 фоизи - мактабнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга;

– 40 фоизи - мактаб педагог ходимларининг умумий сони кўрсаткичининг 50 фоизидан ошмаган ўқитувчи ва концертмейстерларга ҳар ойлик базавий тариф ставкасининг 40 фоизигача моддий рағбатлантиришга;

– 10 фоизи - халқаро ва республика, вилоят, туман (шаҳар) кўриктанловлари, фестиваллар, кўргазмалардаги ютуқлари учун рағбатлантиришга, шунингдек ўқувчиларнинг театр, концерт, музейларга ташрифи ҳамда маданий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишга йўналтирилади.

Мусиқа ва санъат мактабларида ўқиш учун тўланадиган тўловлар қонун ҳужжатларида белгиланадиган миқдорларда ундирилади.

Мусиқа ва санъат мактабларида болаларнинг таълим олишлари учун тўловлар ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ва мактаб маъмурияти томонидан тузилган шартнома асосида амалга оширилади. Бунда, тўлов ҳужжатларининг тўлов мақсадида мактабдан ташқари мусиқа

ва саънат мактабининг тегишли 4006 - шахсий ҳисобварафи, ташкилотноми, тўлов қайси ой учун ва ким учун амалга оширилаётганлиги кўрсатилиши шарт.

Мактабдан ташқари муассасаларда (мусиқа ва санъат мактаблари) болалар таъминоти учун ота-оналардан нотўғри ёки ортиқча келиб тушган маблағларни Ғазначилик бўлинмалари томонидан қайтариш бюджет ташкилотларининг ёзма мурожаатларига ва ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган тўлов ҳужжатларига асосан амалга оширилади.

Мактабдан ташқари муассасаларда болалар таъминоти учун ота-оналардан тўланадиган маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметаси тузилади ва “Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўtkазиш тартиби тўғрисида Низом” (рўйхат рақами № 2157, 2010 йил 19 ноябр) талаблари асосида тегишли молия органларида харажатлар сметаси учун белгиланган муддатларда ва тартибда рўйхатдан ўtkазилади.

Мактабдан ташқари муассасаларда болалар таъминоти учун ота-оналардан тўланадиган маблағлар шахсий ғазна ҳисобваракларидан юридик ва молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва тўловларни амалга ошириш “Давлат бюджетининг ғазна ижроси қоидалари”га мувофиқ амалга оширилади. Бунда, бюджет ташкилотларининг озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш бўйича етказиб берувчилар билан ўрнатилган тартибда тузилган шартномалари, молия органларида рўйхатдан ўtkazilgan харажатлар сметаси доирасида Ғазначилик бўлинмаларида рўйхатга олинади.

Етказиб берилган озиқ-овқат маҳсулотлари учун тўловлар маҳсулот етказиб берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (ҳисобварак-фактура) асосида харажатлар сметасидаги маблағлар, рўйхатга олинган юридик мажбуриятлар ва тегишли 4006-маблағ манбали шахсий ғазна ҳисобварағидаги мавжуд маблағлар қолдиқлари доирасида амалга оширилади.

Мактабдан ташқари муассасаларда болалар таъминоти учун ота-оналардан тушумлар ҳисобидан товар (иш, хизмат) етказиб берувчилар билан тузилган шартномалар (унга қўшимча ва ўзгартиришлар билан) тўғри расмийлаштирилиши, шартнома билан бирга ғазначилик бўлинмасига тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги ва улардаги маълумотларнинг тўғрилиги бўйича жавобгарлик бюджетдан маблағ олувчилар зиммасига юклатилади.

**Ходимлардан, улар ишлаётган жойида овқатланганлиги бўйича ҳисоб-китоблардан тушадиган тушумлар** бўйича шахсий ғазна ҳисобвараклари ҳисоби тегишли молия органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг Маблағлар манбаси ва бюджетлар даражаси таснифига (2146-сон йўриқноманинг 1-иловасига) мувофиқ очиладиган 4007 – маблағ манбали шахсий ғазна ҳисобваракларда

юритилади. Ушбу бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметаси тузилмайди.

Ходимларнинг овқатланганлиги учун тўловлар ходимларнинг иш хақидан ундирилган ҳолда маблағларни бир шахсий ғазна ҳисобварагидан иккинчи шахсий ғазна ҳисобварагига ўтказиш билан ёки ходимларнинг ўзлари томонидан банк муассасалари орқали нақд пулда ёки пластик карточкалари орқали амалга оширилиши мумкин.

Ходимларнинг овқатланганлиги учун нотўғри ёки ортиқча келиб тушган маблағларни Ғазначилик бўлинмалари томонидан қайтариш бюджет ташкилотларининг ёзма мурожаатларига ва ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган тўлов ҳужжатларига асосан амалга оширилади. Ходимлардан, улар ишлаётган жойида овқатланганлиги бўйича ҳисоб-китоблардан тушадиган тушумлар бюджетдан маблағ олувчилар томонидан мақсадли равишда ходимларни овқатлантириш учун йўналтирилади.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича юридик ва молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва тўловларни амалга ошириш “Давлат бюджетининг ғазна ижроси қоидалари”га мувофиқ амалга оширилади. Бунда, бюджет ташкилотларининг озиқ-овқат маҳсулотларини ҳарид қилиш бўйича етказиб берувчилар билан ўрнатилган тартибда тузилган шартномалари, Ғазначилик бўлинмасиинг масъул ходими томонидан шартноманинг биринчи ва иккинчи асл нусхалари ва кўчирма нусхасининг барча варакларига “Шартнома бўйича тўловлар шахсий ғазна ҳисобварагидаги қолдиқ доирасида амалга оширилади” деган изоҳ билан унга бириклирилган “Ҳисобга олинди” штампини қўйиш, имзолаш ва “Ғазначилик” дастурий мажмуига киритиш ва ҳисобга олинган рақам ва санаси кўрсатилиб, уларни ғазначилик бўлинмасиининг ваколатли шахси имзоси билан тасдиқлаш орқали ҳисобга олинади. Етказиб берилган озиқ-овқат маҳсулотлари учун тўловлар маҳсулот етказиб берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (ҳисобварак-фактура) асосида, рўйхатга олинган юридик мажбуриятлар ва тегишли 4007 – маблағ манбали шахсий ғазна ҳисобварагидаги мавжуд қолдиқлар доирасида амалга оширилади.

Бюджет ташкилотларининг ходимлардан, улар ишлаётган жойида овқатланганлиги бўйича ҳисоб-китоблардан тушадиган тушумлар шахсий ғазна ҳисобвараги ҳисобидан товар (иш, хизмат) етказиб берувчилар билан тузилган шартномалар (унга қўшимча ва ўзгартиришлар билан) тўғри расмийлаштирилиши, шартнома билан бирга ғазначилик бўлинмасига тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги ва улардаги маълумотларнинг тўғрилиги бўйича жавобгарлик бюджетдан маблағ олувчилар зиммасига юклатилади.

**Мактаб-интернатлар ва лицейларда болаларнинг таъминоти учун ота-оналардан тушумлар бўйича шахсий ғазна ҳисобвараклари ҳисоби тегишли молия органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси**

Давлат бюджетининг Маблағлар манбаси ва бюджетлар даражаси таснифига (2146-сон билан рўйхатга олинган йўриқноманинг 1-иловасига) мувофиқ очиладиган 4008 – маблағ манбали шахсий ғазна ҳисобварақларда юритилади.

Мактаб-интернатлар ва лицейларда болаларнинг таъминоти учун ота-оналардан тўловлар қонун хужжатларида белгиланадиган микдорларда ундирилади. Мактаб-интернатлар ва лицейларда болаларнинг таъминоти учун ота-оналардан тўловлар уларнинг ота-оналари ёки она-оналарнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан нақд пул орқали ёки пул кўчириш орқали ўзларининг иш ҳақлари ҳисобидан ёки банк пластик карточкалари орқали амалга оширилиши мумкин. Бунда, тўлов хужжатларининг тўлов мақсадида бюджет ташкилотининг тегишли 4008 - шахсий ғазна ҳисобварағи, ташкилот номи, тўлов қайси ой учун ва ким учун амалга оширилаётганлиги кўрсатилиши шарт. Мактаб-интернатлар ва лицейларда болаларнинг таъминоти учун ота-оналардан нотўғри ёки ортиқча келиб тушган маблағларни Ғазначилик бўлинмалари томонидан қайтариш бюджет ташкилотларининг ёзма мурожаатларига ва ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган тўлов хужжатларига асосан амалга оширилади.

Бюджет ташкилотларида ота-оналар тўловларидан тушган маблағлар бюджетда назарда тутилган маблағлар билан бирга мақсадли равишда харажатларни қисман қоплаган ҳолда, бепул (имтиёзли) озиқ-овқат билан таъминлаш учун йўналтирилади. Бюджет ташкилотларида ота-оналар тўловидан тушадиган маблағлар бўйича Даромадар ва харажатлар сметаси тузилади ва 2157 - “Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом” талаблари асосида тегишли молия органларида харажатлар сметаси учун белгиланган муддатларда ва тартибда рўйхатдан ўтказилади. Мактаб-интернатлар ва лицейларда болаларнинг таъминоти учун ота-оналардан тўланадиган маблағлар шахсий ғазна ҳисобварақларидан юридик ва молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва тўловларни амалга ошириш “Давлат бюджетининг ғазна ижроси қоидалари”га мувофиқ амалга оширилади. Бунда, бюджет ташкилотларининг озиқ-овқат маҳсулотларини ҳарид қилиш бўйича етказиб берувчилар билан ўрнатилган тартибда тузилган шартномалари, молия органларида рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметаси доирасида Ғазначилик бўлинмаларида рўйхатга олинади. Етказиб берилган озиқ-овқат маҳсулотлари учун тўловлар маҳсулот етказиб берилганлигини тасдиқловчи хужжатлар (ҳисобварақ-фактура) асосида харажатлар сметасидаги маблағлар, рўйхатга олинган юридик мажбуриятлар ва тегишли 4008-маблағ манбали шахсий ғазна ҳисобварағидаги мавжуд маблағлар қолдиқлари доирасида амалга оширилади. Бюджет ташкилотларининг Мактаб-интернатлар ва лицейларда болаларнинг таъминоти учун ота-оналардан тушумлар шахсий ғазна ҳисобварағидан товар (иш, хизмат) етказиб берувчилар билан

тузилган шартномалар (унга қўшимча ва ўзгартиришлар билан) тўғри расмийлаштирилиши, шартнома билан бирга Ғазначилик бўлинмасига тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги ва улардаги маълумотларнинг тўғрилиги бўйича жавобгарлик бюджетдан маблағ олувчилар зиммасига юклатилади.

**Таълим муассасаларида ўқишдан тушадиган маблағлар** ҳисоби тегишли молия органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг Маблағлар манбаси ва бюджетлар даражаси таснифига (2146-сон йўриқноманинг 1-иловасига) мувофиқ очиладиган 4009 – маблағ манбали шахсий ғазна ҳисобваракларда юритилади. Ушбу шахсий ғазна ҳисобваракларидан маблағларни сарфлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2013 йил 26 февралда 2431-сон билан рўйхатга олинган “Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги Низом”га мувофиқ амалга оширилади. Ўқитишнинг тўлов-контракт шакли бўйича тўловлар қонунчиликда белгиланган миқдор ва муддатларда ундирилади. Ўқитишнинг тўлов-контракт шакли бўйича тўловлар уларнинг ота-оналари ёки ота-оналарнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан нақд пул орқали ёки пул кўчириш орқали ўзларининг иш ҳаqlари ҳисобидан ёки банк пластик карточкалари орқали ва тўловни амалга оширувчи учинчи (юридик) шахслар томонидан пул кўчириш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Ўқитишнинг тўлов-контракт шакли бўйича нотўғри ёки ортиқча келиб тушган маблағларни ғазначилик бўлинмалари томонидан қайтариш бюджет ташкилотларининг ёзма мурожаатларига ва ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган тўлов ҳужжатларига асосан амалга оширилади. Ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушадиган маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметаси тузилади ва 2157 - “Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиши, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом” талаблари асосида тегишли молия органларида харажатлар сметаси учун белгиланган муддатларда ва тартибда рўйхатдан ўтказилади.

Ўқитишнинг контракт шаклидан тушган маблағлар олий таълим муассасаси даромадига киритилади ҳамда белгиланган тартибда тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметаси асосида қуйидагиларга сарфланади:

- олий таълим муассасаларининг ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда контракт асосида таълим олаётган талabalariiga (хорижий талabalardan ташқари) стипендиylar тўлашга;
- олий таълим муассасалари ходимларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари, шунингдек ягона ижтимоий тўловлар бўйича харажатларни тўлашга;
- олий таълим муассасаларида бино ва иншоотларни сақлаш ҳамда коммунал хизматлар бўйича харажатларни тўлашга;

- мавжуд кредитор қарзларни узишга;
- ўқув-лаборатория бинолари, талабалар тураг жойлари ҳамда бошқа бино ва иншоотларни, асбоб-ускуналарни жорий ва капитал таъмирлашга, олий таълим муассасасининг худудини ва атрофини ободонлаштиришга, шунингдек қурилиш-тиклаш ишларига;
- ўқув, илмий-тадқиқот ва лаборатория жиҳозлари, юмшоқ ва қаттиқ инвентарлар, мебеллар, ўқитишнинг техник воситалари, компьютер техникаси ва уларнинг еҳтиёт ҳамда бутловчи қисмларини, керакли материалларни ва бошқаларни сотиб олиш ҳамда таъмирлашга;
- олий таълим муассасаси Ахборот-ресурс маркази (кутубхона) фондини тўлдиришга;
- “Маънавият ва маърифат” тадбирлари, “Универсиада” ва “Баркамол авлод” спорт тадбирлари, “Ниҳол” ижодий фестивалларини ўтказишига;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истевъод” жамғармаси йўналиши бўйича хорижий олий ўқув юртларида истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш ва стажировка ўташларига;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Хукумати қарорлари асосида вазирлик ва идораларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ташқари жамғармаларига ажратмаларни амалга оширишга;
- олий таълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришга (устама, мукофот) ва уларга моддий ёрдам кўрсатишга;
- олий таълим муассасалари талабаларини ижтимоий муҳофаза қилиш доирасида бир йилда бир талабага энг кам иш ҳақининг олти баробаридан ортиқ бўлмаган миқдорда бирйўла моддий ёрдам кўрсатишга;
- олий таълим муассасаси фаолиятини амалга оширишни таъминлаш учун зарур бўлган бошқа харажатларни қоплашга.

Ўқитишнинг тўлов-контракт шакли бўйича тўловлар шахсий ғазна ҳисобваракларидан юридик ва молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва тўловларни амалга ошириш “Давлат бюджетининг ғазна ижроси қоидалари”га мувофиқ амалга оширилади. Бунда, бюджет ташкилотларининг етказиб берувчилар билан ўрнатилган тартибда тузилган шартномалари, молия органларида рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметаси доирасида ғазначилик бўлинмаларида рўйхатга олинади.

Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларнинг бўш қисмини Ўзбекистон Республикасининг молиявий барқарор ва тўлов қобилияти юқори бўлган банкларининг депозит ҳисобваракларига танлов асосида жойлаштиришлари мумкин. Бунда пул маблағларини банк депозитларига жойлаштириш бўйича шартномалар қуйидаги тартибда тақдим этилади:

- тўловлар жадвали;

- тарафларнинг камидаги бирининг юридик хизмати ёки жалб қилинган адвокатлари томонидан имзоланган шартноманинг икки асл ва бир кўчирма нусхаси, агар шартнома суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баравари миқдоридан ошмаса, у ҳолда шартномаларнинг икки асл нусхаси томонлардан бирининг юридик хизмати ёки жалб қилинган адвокат томонидан имзоланган бўлиши лозим, агар шартнома суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баравари миқдоридан ошса, у ҳолда юрист ёки жалб қилинган адвокат томонидан имзоланган шартномага қўшимча равишда томонлардан бирининг юридик хизмати ёки жалб қилинган адвокат хулосаси илова қилиниши лозим;
- молиявий барқарор ва тўлов қобилияти юқори бўлган банкларни танлаш бўйича ўтказилган танлов савдолари баённомаси нусхаси.

Олинган фоиз даромадлари олий таълим муассасасининг ўқитишининг контракт шаклидан тушган маблағлари даромадлар ва харажатлар сметасига киритилади ҳамда ўқитишининг контракт шаклидан тушган маблағлар сарфи йўналишлари бўйича сарфланади.

Етказиб берувчилар билан тузилган шартномалар (унга қўшимча ва ўзгартиришлар билан) тўғри расмийлаштирилиши, шартнома билан бирга Газначилик бўлинмасига тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги ва улардаги маълумотларнинг тўғрилиги бўйича жавобгарлик бюджетдан маблағ олувчилар зиммасига юклатилади.

**Ажратмалар ҳисобига шаклланадиган вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига** тушаётган маблағлар ҳисоби тегишли молия органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг Маблағлар манбаси ва бюджетлар даражаси таснифига (2146-сон йўриқноманинг 1-иловасига) мувофиқ очиладиган 4010 – маблағ манбали шахсий ғазна ҳисобварақларда юритилади.

Ушбу жамғарма маблағлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 ноябрдаги 520-сонли “Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратиш ва улардан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 апрелдаги 62-сонли “Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан юридик ва жисмоний шахслар томонидан тўланадиган давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлардан, маъмурий ва молиявий жазолардан ажратмалар банклар томонидан 23411 баланс ҳисобварағига кирим қилинади ва ўрнатилган тартибда Давлат бюджети ҳамда тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари ўртасида тақсимланади.

Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари даромадлари ва

харажатлари сметаларини рўйхатдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан, бюджет маблағлари учун белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

Вазирлик ва идораларда ажратмалар ҳисобига шаклланадиган бюджетдан ташқари жамғармаларига келиб тушаётган маблағлар:

- моддий-техник базани янада мустаҳкамлашга;
- ижтимоий ривожлантириш тадбирларига ва ходимларни моддий рағбатлантиришга;
- коммунал-фойдаланиш харажатларини қоплашга йўналтирилади.

Бюджет ташкилотларининг ажратмалар ҳисобига шаклланган маблағлари бўйича юридик ва молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва тўловларни амалга ошириш “Давлат бюджетининг ғазна ижроси қоидалари”га мувофиқ амалга оширилади. Бунда, етказиб берувчилар билан ўрнатилган тартибда тузилган шартномалар, молия органларида рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметаси доирасида ғазначилик бўлинмаларида рўйхатга олинади.

Тўловлар тасдиқдовчи ҳужжатлар асосида, харажатлар сметасидаги маблағлар, рўйхатга олинган юридик мажбуриятлар ҳамда 4010 - сон шахсий ғазна ҳисобварағидаги қолдик доирасида амалга оширилади.

Ажратмалар ҳисобига шаклланадиган вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ҳисобидан товар (иш, хизмат) етказиб берувчилар билан тузилган шартномалар (унга қўшимча ва ўзгартиришлар билан) тўғри расмийлаштирилиши, шартнома билан бирга Ғазначилик бўлинмасига тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги ва улардаги маълумотларнинг тўғрилиги бўйича жавобгарлик бюджетдан маблағ олувчилар зиммасига юклатилади.

**Умумтаълим муассасаларида дарсликлар ижараси тўловидан тушган бюджетдан ташқари маблағлар** ҳисоби тегишли молия органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг Маблағлар манбаси ва бюджетлар даражаси таснифига (2146-сон билан рўйхатга олинган йўриқноманинг 1-иловасига) мувофиқ очиладиган 4011 – маблағ манбали шахсий ғазна ҳисобварақларда юритилади.

Мазкур шахсий ғазна ҳисобварағида умумтаълим муассасаларида дарсликлар ижараси бўйича ота-оналар томонидан тўланган маблағлар акс эттирилади. Ушбу шахсий ғазна ҳисобварағига маблағларни ўтказишида тўлов ҳужжатларининг тўлов мақсадида бюджет ташкилотининг тегишли 4011 - шахсий ғазна ҳисобварағи, ташкилот номи, тўлов қайси ой учун ва ким учун амалга оширилаётганлиги кўрсатилиши шарт. Ушбу шахсий ғазна ҳисобварағидан маблағлар ҳар беш иш куни ичida Ғазначилик бўлинмалари томонидан Республика мақсадли китоб жамғармасининг бюджет шахсий ғазна ҳисобварағига ушбу шахсий ғазна ҳисобварақлари қолдиқлари доирасида ўтказилади.

**Капитал қўйилма маблағлари бўйича депозитлар маблағлари** ҳисоби тегишли молия органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси

Давлат бюджетининг Маблағлар манбаси ва бюджетлар даражаси таснифига (2146-сон билан рўйхатга олинган йўриқноманинг 1-иловасига) мувофиқ очиладиган 4012 – маблағ манбали шахсий ғазна ҳисобваракларда юритилади. Ушбу шахсий ғазна ҳисобваракларига маблағлар Давлат бюджети ҳисобидан капитал қўйилмаларга ажратилган маблағларнинг жорий йилда фойдаланилмаган қисмига ҳар бир қурилиш обьекти бўйича алоҳида 4012 – маблағ манбаси билан очилган шахсий ғазна ҳисобвараклардан маблағларни кейинги молия йилида қатъий белгиланган мақсадларга харажат қилиш учун ўтказилади.

Капитал қўйилма маблағлари бўйича депозитлар бўйича харажатлар сметаси тузилади ва 2157 - “Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, қўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиши тартиби тўғрисида Низом” талаблари асосида тегишли молия органларида харажатлар сметаси учун белгиланган муддатларда ва тартибда рўйхатдан ўтказилади.

Ғазначилик бўлинмалари томонидан ушбу ҳисобвараклар бўйича юридик мажбуриятларнинг қабул қилиниши ажратилган лимитлар (харажатлар сметалари) доирасида олдинги йил учун тузилган шартномалар реквизитларини ва ушбу шартноманинг тегишли шартларини кўрсатган ҳолда кейинги молия йили учун тузилган янги шартномалар (агар шартнома амал қилиш муддати тугамаган бўлса, ушбу шартномага қўшимча келишув) асосида қабул қилинади. Мазкур шартнома (қўшимча келишув)лар бўйича тўловлар ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳисобварак-фактуралар, шунингдек Молия вазирлиги ва унинг ҳудудий молия бошқармаларининг ҳар бир бажарилган иш учун алоҳида тўловга рухсат бериш ҳақидаги хulosалари асосида ушбу ҳисобваракдаги маблағлар қолдиғи доирасида ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

Капитал қўйилма маблағлари бўйича депозитлар шахсий ғазна ҳисобваракларидан товар (иш, хизмат) етказиб берувчилар билан тузилган шартномалар (унга қўшимча ва ўзgartиришлар билан) тўғри расмийлаштирилиши, шартнома билан бирга Ғазначилик бўлинмасига тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги ва улардаги маълумотларнинг тўғрилиги бўйича жавобгарлик бюджетдан маблағ олувчилар (ягона буюртмачи хизмати) зиммасига юклатилади.

**Турғун даволаш-профилактика муассасаларида даволанаётган беморлардан овқатланиш учун ундириладиган тўловлар ҳисоби тегишли молия органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг Маблағлар манбаси ва бюджетлар даражаси таснифига**

(2146-сон йўриқноманинг 1-иловасига) мувофиқ очиладиган 4013 – маблағ манбали шахсий ғазна ҳисобварақларда юритилади.

Мазкур шахсий ғазна ҳисобварақларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 декабрдаги 532-сон “Даволаш-профилактика муассасаларини маблағ билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ турғун даволаш-профилактика муассасаларida даволанаётган беморлардан овқатланиш учун ундирилган тўловлар бўйича маблағлар тушуми ва уларнинг харажати ҳисоби юритилади.

Овқатланиш тўлови (нонушталардан ташқари) фуқароларнинг шахсий маблағлари, шунингдек, корхоналар, ташкилотлар, жамғармалар ва бошқа ҳомийлар маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Тўловлар касалхона муассасалари ёки даволаш-профилактика муассасалари буюртманомаларига кўра хизматлар кўрсатувчи бошқа корхоналар томонидан факат таом тайёрлаш учун сарфланган озиқ-овқат маҳсулотлари қиймати учун тўланади.

Таом тайёрлаш учун асбоб-ускуналар сотиб олиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа ҳаражатлар, озиқ-овқат блоклари биноларини сақлаш, таом тайёрлаш билан банд бўлган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ҳаражатлари ва бошқалар давлат бюджети маблағлари ҳисобига қопланади. Ушбу бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва ҳаражатлар сметаси тузилмайди.

Беморлардан овқатланганлик учун тўловлар банк муассасалари орқали нақд пулда ёки пластик карточкалари орқали амалга оширилиши мумкин. Ушбу шахсий ғазна ҳисобварақларидан юридик ва молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва тўловларни амалга ошириш “Давлат бюджетининг ғазна ижроси қоидалари”га мувофиқ амалга оширилади. Жумладан: бюджет ташкилотларининг озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш бўйича етказиб берувчилар билан ўрнатилган тартибда тузилган шартномалари, Ғазначилик бўлинмасининг масъул ходими томонидан

шартноманинг биринчи ва иккинчи асл нусхалари ва кўчирма нусхасининг барча варагларига “Шартнома бўйича тўловлар шахсий ғазна ҳисобварағидаги қолдиқ доирасида амалга оширилади” деган изоҳ билан унга бириклирлган “Ҳисобга олинди” штампини қўйиш, имзолаш ва “Ғазначилик” дастурий мажмуига киритиш ва ҳисобга олинган рақам ва санаси кўрсатилиб, уларни ғазначилик бўлинмасининг ваколатли шахси имзоси билан тасдиқлаш орқали ҳисобга олинади.

Етказиб берилган озиқ-овқат маҳсулотлари учун тўловлар маҳсулот етказиб берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (ҳисобварақ-фактура) асосида, рўйхатга олинган юридик мажбуриятлар ва тегишли мазкур шахсий ғазна ҳисобварағидаги мавжуд қолдиқлар доирасида амалга оширилади.

Турғун даволаш-профилактика муассасаларида даволанаётган bemорлардан овқатланиш учун ундирилган тўловлар ҳисобидан товар (иш, хизмат) етказиб берувчилар билан тузилган шартномалар (унга қўшимча ва ўзгартиришлар билан) тўғри расмийлаштирилиши, шартнома билан бирга ғазначилик бўлинмасига тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги ва улардаги маълумотларнинг тўғрилиги бўйича жавобгарлик бюджетдан маблағ олувчилар зиммасига юклатилади.

Ушбу параграфда баён қилинган фикрлар ва маълумотлар қўйидаги жадвалда умумлаштирилган (8.2-жадвал):

### **8.2-жадвал**

#### **Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича ғазна ижросини ташкил қилиш**

<b>№</b>	<b>Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ва жамғармалари номи</b>	<b>Ҳисоби юритиладиган шахсий ғазна ҳисобварақ</b>	<b>Сметаларнинг тузилиши ва тури</b>
<b>1.</b>	Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси	4001	даромад ва харажатлар сметаси тузилади
<b>2.</b>	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия	4002	смета тузилмайди

	жамғармасининг ижтимоий нафақаларни тўлаш учун маблағлари		
3.	Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси	4003	даромад ва харажатлар сметаси тузилади
4.	Ўтган йиллар дебиторлик карзларининг тушган суммаси	4004	смета тузилмайди
5.	Мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналардан тушумлар	4005	даромад ва харажатлар сметаси тузилади
6.	Мактабдан ташқари муассасаларда (мусиқа ва санъат мактаблари) болалар таъминоти учун ота-оналардан тушумлар	4006	даромад ва харажатлар сметаси тузилади
7.	Ходимлардан, улар ишлаётган жойида овқатланганлиги бўйича ҳисоб-китоблардан тушадиган тушумлар	4007	смета тузилмайди
8.	Мактаб-интернатлар ва лицейларда болаларнинг таъминоти учун ота-оналардан тушумлар	4008	даромад ва харажатлар сметаси тузилади
9.	Таълим муассасаларида ўқишдан тушадиган маблағлар	4009	даромад ва харажатлар сметаси тузилади
10.	Ажратмалар ҳисобига шаклланадиган вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари	4010	даромад ва харажатлар сметаси тузилади
11.	Умумтаълим муассасаларида дарсликлар ижараси тўловидан тушган бюджетдан ташқари маблағлар	4011	смета тузилмайди
12.	Капитал қўйилма маблағлари бўйича депозитлар маблағлари	4012	харажатлар сметаси тузилади
13.	Турғун даволаш-профилактика муассасаларида даволанаётган bemорлардан овқатланиш учун ундириладиган тўловлар	4013	смета тузилмайди

Хулоса қилиб айтганда, бюджет ташкилотларининг қонунчилик билан белгилаб қўйилган расмий манбалардан оладиган даромадлари ва тушумлари ҳамда улар бўйича харажатларни амалга ошириш давлат бюджети ғазна ижроси механизмлари билан қамраб олинган бўлиб, бюджет ташкилотига тегишли маблағларнинг (бюджет ва нобюджет) самарали, мақсадга мувофиқ ва оқилона ишлатилишини таъминлаш учун

хизмат қиласи, бу маблағларнинг шаклланиши ва ишлатилишининг дастлабки ва жорий назоратини амалга ошириш имконини беради.

### **Таянч сўз ва иборалар**

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари, бюджет ташкилотини Ривожлантириш жамғармаси, фаолият тури, бино ва иншоотлар ижараси, ҳомийлик ва ҳайрия ёрдами, моддий раҳбатлантириш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, ижтимоий ривожлантириш, кредитор қарздорлик, шахсий ҳисобварак, болалар таъминоти учун отаоналардан тушумлар, таълим муассасаларида ўқишдан тушаётган маблағлар; вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари, дарсликлар ижарасидан тушган маблағлар, капитал қўйилмалар бўйича депозитлар, даромад ва харажатлар сметаси.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари манбалари ва уларни ишлатиш йўналишлари нималардан иборат?
2. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича жамғармалар қандай гурухланади?
3. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ғазна ижросини ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатларини айтиб беринг.
4. Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари қандай манбалардан шаклланади ва қандай мақсадларга ишлатилади?

### **Мустақил ўрганиш учун топшириқлар**

1. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари манбалари ва уларни ишлатиш йўналишлари қайси умумий ва маҳсус қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинишини акс эттирувчи чизма тайёрланг.

2. Меъёрий хужжатларни ўрганиш асосида бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари маблағларининг гурухланиши, улар бўйича шахсий ҳисобрақамларнинг юритилиши, юридик ва молиявий мажбуриятларни бажариш бўйича жавобгарлик кабиларни акс эттирувчи умумлашма жадвал тайёрланг, жадвал юқоридаги 8.2-параграфда баён қилинган маълумотларни ўзида мужассамлаштирган ҳолда бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари маблағларининг ғазна ижросини ташкил этиш бўйича яхлит тасаввур ҳосил қилишга хизмат қилсин.

### **Тест саволлари**

- 1. Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси ҳисоби қандай рақамли ҳисобваракларда юритилади?**
  - A. 4001 - маблағ манбали
  - B. 4002 - маблағ манбали
  - C. 4004 - маблағ манбали
  - D. 4006 - маблағ манбали
- 2. Бюджет ташкилотлари Ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича қандай смета тузадилар?**
  - A. харажатлар сметаси
  - B. даромад ва харажатлар сметаси
  - C. марказлашган тадбирлар учун смета
  - D. смета тузмайдилар
- 3. Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси ҳисоби қандай рақамли ҳисобваракларда юритилади?**
  - A. 4001 - маблағ манбали
  - B. 4002 - маблағ манбали
  - C. 4003 - маблағ манбали
  - D. 4006 - маблағ манбали

**4. 4004-маблағ манбали шахсий ғазна ҳисобварақларга қайси маблағлар кирим қилинади?**

- A. Тиббиёт муассасининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси
- B. Мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун отоналардан тушумлар
- C. Мактабдан ташқари муассасаларида болалар таъминоти учун отоналардан тушумлар
- D. Ўтган йиллар дебиторлик қарзларининг тушган суммаси

**5. Бюджет ташкилотларида болалар ва тарбияланувчилар таъминоти учун тўланадиган маблағлар бўйича қандай смета тузилади?**

- A. харажатлар сметаси
- B. даромад ва харажатлар сметаси
- C. марказлашган тадбирлар учун смета
- D. смета тузилмайди

**6. Мактабдан ташқари муассасаларда болалар таъминоти учун отоналардан тушумлар (мусиқа ва санъат мактаблари) бўйича шахсий ғазна ҳисобварақлари ҳисоби қандай рақамли ҳисобварақларда юритилади?**

- A. 4002 - маблағ манбали
- B. 4004 - маблағ манбали
- C. 4006 - маблағ манбали
- D. 4008 - маблағ манбали

**7. Мактабдан ташқари муассасаларда болалар таъминоти учун отоналардан тушумлар (мусиқа ва санъат мактаблари) бўйича шахсий ғазна ҳисобварақларидан маблағлар харажати қандай мақсадларга ва қандай нисбатларда амалга оширилади?**

- A. 50 фоизи - моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, 40 фоизи - моддий рағбатлантиришга, 10 фоизи – белгиланган бошқа мақсадларга

- B. 50 фоизи - моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, 50 фоизи - моддий рағбатлантиришга
- C. 75 фоизи - моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, 25 фоизи - моддий рағбатлантиришга
- D. 30 фоизи - моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, 50 фоизи - моддий рағбатлантиришга, 20 фоизи – белгиланган бошқа мақсадларга

**8. Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича юридик ва молиявий мажбуриятларнинг қабул қилиниши қандай амалга оширилади?**

- A. Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича Қоидаларда белгиланган алоҳида тартибда
- B. Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича юридик ва молиявий мажбуриятларнинг қабул қилинишига йўл қўйилмайди
- C. Бюджетдан ташқари маблағларни ташкилотлар мустақил равишда депозит ҳисобрақамлари орқали ишлатадилар
- D. бюджет маблағлари каби бир хил тартибда

## **9-БОБ. ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ ҒАЗНА ИЖРОСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ**



### **9.1. Давлат мақсадли жамғармалари ҳақида тушунча, уларнинг гурӯхланиши, мақсад ва вазифалари**

**Давлат мақсадли жамғармалари ҳақида умумий тушунча.** Маълумки, давлатнинг марказлашган пул фонди бўлмиш давлат бюджетига турли манбалардан ва турли воситалар (солиқлар, йиғимлар, божлар, мажбурий тўловлар) билан маблағ тўпланади, ўз навбатида, бу маблағлар турли мақсадларда ва йўналишларда сарфланади (масалан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, иқтисодиёт, давлат бошқаруви ва ш.к.). Бунда аниқ бир даромад тури маълум бир харажат турини қоплаш учун бириктирилмайди. Шу жиҳатдан давлат бюджети универсал пул фонди ҳисобланади. Лекин амалдаги бюджет қонунчилиги маблағларнинг аниқ йўналишлар, харажат гурӯхлари ва моддалари бўйича сарф этилишини талаб этади. Бундай шароитда алоҳида ижтимоий-иктисодий эҳтиёжларни аниқ манбалар ҳисобидан маблағ билан барқарор таъминлаб бориш зарурати туғилади, чунки иқтисодиётдаги кескинлик, нобарқарорлик ва уларнинг натижаси ўлароқ, бюджетдаги этишмовчиликлар даврида айнан ушбу мақсадлар учун мўлжалланган харажатларни камайтириш хавфи юзага келади. Шунинг учун ҳам жамиятдаги ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг энг муҳим йўналишларини аниқлаб олиш ва маблағларнинг мақсадли ишлатилишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу ҳолатлар бир қатор умумдавлат вазифаларини молиялаштириш учун тегишли бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларни ташкил этиш учун жиддий асос бўлиб хизмат қилди.

Бюджетдан ташқари жамғармаларни қўйидаги усуллар билан шакллантириш мумкин:

– маълум мақсадга мўлжалланган пул фонди тузиш учун маблағларни давлат бюджети(ёки тегишли ҳудудий бюджетлар)дан ажратиш йўли билан;

– ҳукумат қарорлари билан аниқ мақсадли бюджетдан ташқари фонdlарни ташкил этиш ва уларга мажбурий ва ихтиёрий тўловларни жорий қилиш йўли билан.

Иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида ҳар иккала усулдан ҳам фойдаланилмоқда. Давлат молия тизимида амал қилиб турган мавжуд

мақсадли фонdlар бюджет қонунчилиги билан белгилаб қўйилган ўз даромад манбалари билан бир қаторда, давлат бюджетидан ажратмалар (айрим солиқларнинг бир қисмини ўтказиб бериш, бюджетдан дотациялар ажратиш шаклидаги) ҳисобидан ҳам шаклланади.

*Бюджетдан ташқари фонdlарни ташкил этишидан мақсад* - жамият учун муҳим бўлган ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларни мустақил манбалар ҳисобидан маблағ билан таъминлаш.

Мақсадли фонdlар дастлаб махсус фонdlар шаклида ёки ҳукуматнинг махсус ҳисобрақамларидаги маблағлари шаклида пайдо бўлган. Ҳукуматлар ўз фаолиятининг кенгайиб бориши билан уни амалга ошириш учун зарур бўлган янги-янги харажатларга эҳтиёж сезарди. Бу маблағлар махсус мақсадлар учун мўлжалланган алоҳида фонdlарда йиғилар эди. Бу фонdlар одатда вақтинчалик амал қилиб, давлатнинг режалаштирилган тадбирлари амалга ошириб бўлинганидан кейин ўз фаолиятини тўхтатар эди. Шу билан боғлиқ равишда турли мақсадларга мўлжалланган фонdlарнинг сони ҳам доимо ўзгариб турар эди.

Марказлашган давлатнинг мустаҳкамланиши билан унинг функцияларини тўлақонли бажарилишининг моддий асоси бўлган давлат бюджети ҳам мустаҳкамланди. Лекин жамият эҳтиёжлари кенгайиб бораётган бугунги кунда давлат бюджети билан бир қаторда, бюджетдан ташқари мақсадли фонdlарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги ўрни ва аҳамияти ортиб бормоқда.


Шу ўринда “*нобюджет фонdlар*”, “*мақсадли фонdlар*”, “*давлат мақсадли жамғармалари*” каби таянч ибораларнинг мазмун-моҳиятига ойдинлик киритиш мақсадга мувофиқ.

Дастлаб айрим ижтимоий-иқтисодий вазифаларни аниқ манбалар билан таъминлаш мақсадида давлат бюджети таркибидан маълум мақсадларга мўлжалланган бюджетдан ташқари мақсадли фонdlар шаклланган. Масалан, давлат бюджети таркибига кирувчи “ижтимоий суғурта фонди” негизида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тузилган. Бу ва шу каби бошқа фонdlар давлат бюджетидан ажралиб чиққани боис адабиётларда “нобюджет фонdlар” ёки “бюджетдан ташқари фонdlар” деб юритилган. Шунингдек, янги Бюджет кодексининг қабул қилиниши ва амалга киритилишигача бўлган охирги ўн йилликлар давомида “Бюджет тизими тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддаси билан бир қатор жамғармаларнинг давлат бюджетида консолидацияланиши (жамланиши) белгилаб берилди ва улар бюджет назарияси ва амалиётида “давлат мақсадли жамғармалари” деган умумий ном олди. Лекин жамланма бюджет таркибига кирмаган, шаклланиш манбалари ва ишлатиш йўналишлари ҳукуматнинг тегишли қарорлари билан белгилаб қўйилган, вазирликлар ва бошқа давлат идоралари тасаруфидаги фонdlар ҳам бугунги кунда давлатнинг айрим ижтимоий-иқтисодий вазифаларини қўшимча маблағ билан таъминлаш учун хизмат қилиб келмоқда ва уларга нисбатан адабиётларда “мақсадли фонdlар” ибораси қўлланилмоқда. Ушбу ҳолатларни инобатга олиб, дарслик муаллифлари тегишли мавзуларнинг мазмунини ёритишда “фонд” терминидан “жамғарма” сўзининг синоними сифатида фойдаланганлар.

Шундай қилиб, давлат молия тизимининг муҳим бўғини бўлган бюджетдан ташқари фонdlар миллий даромадни аҳолининг маълум ижтимоий грухлари фойдасига қайта тақсимлашнинг бир усулидир (9.1-расм).

Бюджетдан ташқари фонdlар қуидаги *асосий вазифаларни* бажаради:

- иқтисодиётнинг устувор тармоқларини қўшимча маблағлар билан таъминлаш;
- аҳоли учун ижтимоий хизматларни кенгайтириш ва уларни молиялаштириш.



### ***9.1.-расм. Бюджетдан ташқари фонdlарнинг таърифланиши***

Бюджетдан ташқари фонdlар давлат молияси тизимининг таркибий бўғини бўлиш билан бирга, бир неча ўзига хос хусусиятларга эга:

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан режалаштирилади ҳамда қатъий мақсадли йўналтирилган бўлади;
- фонdlар маблағларидан бюджетга киритилмаган давлат харажатларини молиялаштириш учун фойдаланилади;
- асосан юридик ва жисмоний шахсларнинг мажбурий ва ихтиёрий ажратмалари асосида шакллантирилади;
- фонdlарга сугурта бадалларини тўлаш ва бу борадаги ўзаро муносабатлар солиқ характеристига эга, яъни бадалларнинг миқдори ва сугурта тарифлари давлат томонидан белгилаб қўйилади ҳамда барча тўловчилар учун мажбурий ҳисобланади;

– фондларнинг пул маблағлариға давлат әгалик қиласы, улар қонун хужжатларыда кўзда тутилмаган мақсадларга ишлатилмайди;

– фондлар маблағларидан махсус кўрсатмаларга мувофиқ давлат томонидан белгиланган мақсадларда фойдаланилади.

Юқоридаги расмда (9.1-расм) кўрсатилганидек, *бюджетдан ташқари фондлар* – давлат томонидан баъзи жамоат эҳтиёжларини қўшимча молиялаштириш учун мустақил тезкорлик асосида молиявий ресурслардан қатъий мақсадли фойдаланиш шаклидир.

Мустақилликка эришган дастлабки йилларда давлат молия тизимида ҳам қатор ўзгаришлар амалга оширилди. 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси давлат молия тизимида бир неча давлат бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалари ташкил этилди ва фаолият юрита бошлади, Бандликка кўмаклашувчи жамғарма, Минерал-хомашё ресурсларини тиклаш фонди, Республика йўл фонди, Ижтимоий суғурта фонди, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши фонди кабилар шулар жумласидандир. Уларнинг ҳар бири маълум вазифаларни бажариш учун ташкил этилган. Бандликка кўмаклашувчи жамғарма ишсизлик масалаларини ҳал этса, Минерал-хомашё ресурсларини тиклаш фонди - минерал-хомашё базаларини ривожлантириш учун маблағларни жалб этар эди. Йўл фонди Ўзбекистон ҳудудида автотранспорт коммуникацияларини ривожлантириш ва уларни қўллаб-қувватлаш муаммоларини ҳал этса, Ижтимоий суғурта фонди ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурта учун йўналтирилар, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши фонди меҳнаткашлар ҳукуқларини таъминлаш вазифасини бажариш учун тузилган эди.

1995 йилдан бошлаб маблағлардан фойдаланишнинг мақсадли йўналтирилганлигини сақлаган ҳолда, давлат бюджети таркибида давлат мақсадли бюджетдан ташқари фондлари жамланди. Ушбу чора давлатнинг барча маблағларини давлатнинг фискал органлари назорати остида жамлаш имконини берди.

2014 йилдан амалга киритилган Бюджет Кодексининг 46-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети таркибиға қуйидагилар киради:

- Давлат бюджети;
- давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари;
- Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари.

Ҳозирги вақтда жамланма бюджет таркибидаги давлат мақсадли жамғармалари қаторига Бюджет Кодексининг 36-моддасида назарда тутилган қуйидаги жамғармалар киради:

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси;
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси;

– Давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармаси;


– Ўзбекистон Республикасининг Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси;

– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-хунар колледжлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмираш ва жиҳозлаш жамғармаси;

– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси;

– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси.

**Бюджетдан ташқари фондларнинг гурухланиши.** Бюджетдан ташқари фондлар ҳақида гап кетганда шуни таъкидлаш лозимки, бу фондлар ҳар доим ҳам давлатга тегишли бўлмайди, жамият тараққиёти, ижтимоий-иктисодий ва маънавий эҳтиёжларнинг кенгайиши жамият аъзоларининг кенгайиб бораётган турли хил эҳтиёжларини қондиришга қаратилган нодавлат мақсадли фондларининг шаклланиши ва ривожланишига турткি бўлди. Мақсадли жамғармаларни қўйидаги хусусиятлар бўйича таснифлаш мумкин (9.2-чизма):



## **9.2-расм. Бюджетдан ташқари фонdlарнинг таснифланиши<sup>1</sup>.**

*Бюджетдан ташқари фонdlарнинг дастлабки тузилишига кўра:*

- мақсадли фонdlарни ташкил қилиш учун давлат бюджетидан махсус ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан;
- фонdlарнинг ўз маблағлари ҳисобидан (масалан, фуқароларнинг бадаллари, корхоналарнинг тўловлари, тадбиркорлик фаолиятидан даромадлари).

*Шакллантириши усулига кўра:*

- махсус ўрнатилган солиқлар ва мажбурий ажратмалар ҳисобига;
- давлат бюджетидан ажратмалар ҳисобига;
- махсус ёки ихтиёрий заёмлар чиқариш йўли билан;
- қимматли қоғозларни емиссия қилиш ва жойлаштириш орқали.

*Амал қилиши муддатига кўра:*

- доимий ва узоқ муддат амал қилувчи фонdlар (масалан, пенсия фонdlари, ижтимоий суғурта фонdlари, бу фонdlар бажарадиган вазифалар нисбатан доимий характерга эга бўлади);
- вақтинчалик (маълум бир муддатга) ташкил этилган фонdlар, улар жамият ривожланишининг маълум босқичида ижтимоий-иктисодий, сиёсий ёки экологик вазифаларни бажариш учун ташкил этилади.

*Эгалик қилиши ҳуқуқи ва мулкий жиҳатдан тегишилигига кўра:*

- давлатга тегишли фонdlар;
- турли мақсадларда тузилган давлатлараро фонdlар;
- халқаро фонdlар.

*Мақсад ва вазифаларига кўра:*

- ижтимоий мақсадлардаги фонdlар (пенсия фонdlари, бандлик фонdlари, ногиронларни қўллаб-қувватлаш фонdlари);
- суғурта фонdlари (ижтимоий суғурта фонди каби);
- иктисодий мақсадлардаги фонdlар (масалан, Йўл фонди, Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фонди, Тикланиш ва тараққиёт фонди кабилар);
- кредит фонdlари (фуқаролар ва хўжалик субъектларига у ёки бу мақсадда кредит ресурсларини бериш учун махсус ташкил этилиши мумкин);
- илмий-тадқиқот фонdlари (маълум бир илмий-тадқиқот фаолиятини олиб бориш ва аниқ илмий натижаларга эришиш мақсадида тузилган фонdlар);
- инвестицион фонdlар;
- экологик мақсадлардаги миллий, халқаро ёки ҳудудий даражада ташкил этилган фонdlар (масалан, “Экосан”, “Орол” каби фонdlар);

---

<sup>1</sup> Нурмухамедова Б., Кабирова Н. “Молия”, Ўкув кўлланма. Т.; “VNESHINVESTPROM”, 2013. 140-бет.

– сиёсий фондлар (у ёки бу сиёсий кучларнинг манфаатини кўзлаб ташкил этилиши мумкин) ва бошқалар.

*Марказлашии даражасига кўра:*

– марказлашган фондлар (бундай фондлар одатда бутун мамлакат миқёсида маҳсус ҳукumat қарорлари билан тузилади ва умумжамият мақсадларида марказлашган тартибда ишлатилади);

– марказлашмаган фондлар (худудий ёки маҳаллий даражада, ёхуд бирон тармоқ миқёсида тузилади ва чекланган манфаатларни кўзлайди, масалан, илмий-тадқиқот фондлари, инвестицион фондлар).

Демак, маблағларнинг мақсадли йўналтирилишига кўра бюджетдан ташқари фондлар ижтимоий, иқтисодий, экологик ва бошқа фондларга ажратилади. Ижтимоий аҳамиятдаги фондлар ҳукumatга фаол ижтимоий сиёсатни амалга оширишга имкон беради. Ушбу фондлар маблағларининг шаклланишида асосан суғурталанувчи шахсларнинг ва тадбиркорларнинг суғурта бадаллари, давлат субсидиялари ва фоизсиз ссудаларидан фойдаланилади. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий мақсадлардаги фондларга Пенсия жамғармасини, Бандликка кўмаклашувчи давлат жамғармасини ва бошқа нодавлат фондларни (“Нуроний”, “Мехр нури”, “Сен ёлғиз эмассан” фондлари) киритиш мумкин.

Давлатнинг ижтимоий фондлари фуқароларнинг пенсия ва нафақалар олиш, касаллиги, ногиронлиги, бокувчисини йўқотганлиги ҳолатларида ижтимоий таъминланиш, соғлиғини муҳофаза қилиш, тиббий хизматлардан фойдаланиш, ишсизликдан ҳимояланиш кабилар билан боғлиқ конституцион ҳуқуқларини таъминлашга йўналтирилган. Иқтисодий фондлар жамият хўжалик ва ижтимоий ҳаётининг ривожланишига давлат томонидан таъсир кўрсатиш имкониятларини кенгайтиради. Ўзбекистон Республикасида иқтисодий мақсадлардаги фондларга Республика Йўл фонди, Тикланиш ва тараққиёт фонди кабилар киради.

Олтмишинчи йилларнинг бошларидан ривожланган давлатларда илмий-техник фондларни ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу фондларнинг даромад қисмини шакллантиришда бюджет маблағлари билан бир қаторда, йирик компанияларнинг маблағлари, университетларнинг бадаллари ва бошқа манбалардан фойдаланилади. Ушбу фондларнинг маблағлари фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, илмий марказлар қуриш, кадрлар тайёрлаш соҳасидаги дастурларни молиялаштиришга йўналтирилади.

Турли мамлакатларда уларда танланган молия сиёсатига мос равишда турли йўналишдаги фондлар ташкил этилади. Бир мамлакатда амалда бўлган фонднинг мавжудлиги, ҳатто у умуминсоний ва умумбашарий мақсадларни кўзласа-да, бошқа бир мамлакатда ҳам ҳудди шундай фонднинг мавжуд бўлишига асос бўлмайди. Масалан, Россия Федерациясида Ижтимоий суғурта фонди мавжуд, Ўзбекистон

Республикасида эса ижтимоий сугурта функцияларини Пенсия жамғармаси бажаради.

Даврийлик хусусиятига кўра бюджетдан ташқари фондларни *доимий ва вақтинчалик* фондларга ажратиш мумкин, дедик. Вақтинчалик фондлар маълум бир даврга тузилиб, ўзининг пировард мақсадини амалга оширганидан сўнг тугатилади. Масалан, Ўзбекистон Республикасида вақтинчалик фондлар жумласига Мактаб таълими фондини мисол қилиш мумкин. Ушбу фонднинг ташкил этилиши ва фойдаланилиши 2004-2009 йилларга мўлжалланган Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий Дастурини амалга ошириш билан боғлиқдир.

**Давлат мақсадли жамғармаларининг шаклланиш манбалари ва маблағларидан фойдаланиш йўналишлари.** Бюджетдан ташқари фондлар мақсадли фойдаланиш учун йўналтирилган. Одатда, фонднинг номида унинг мақсади ва харажатларнинг мақсадли йўналтирилиши акс этади.

*Бюджетдан ташқари фондларни шакллантириши манбалари* уларнинг олдида турган вазифаларнинг характеристири ва кўламига қараб белгиланади. Манбаларнинг турли-туманлиги ва ҳажмига ривожланишнинг у ёки бу босқичидаги мамлакатнинг иқтисодий ва молиявий ҳолати бевосита таъсир кўрсатади.

Бюджетдан ташқари фондларнинг шаклланиш манбалари нисбатан ҳам доимий, ҳам вақтинчалик бўлиши, шунингдек, мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий тузилмалари бўйича ҳам турлича бўлиши мумкин.

*Бюджетдан ташқари фондларнинг маблағларидан фойдаланиш йўналишлари* фондларнинг мақсади, аниқ иқтисодий шароитлар ҳамда ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган дастурлардан келиб чиқиб белгиланади. Маблағларнинг маълум бир қисми таъсисчилик фаолиятига, шунингдек, қимматли қоғозларга қўйилади. Бюджетдан ташқари фондлар инвестор ҳамда молия бозори субъекти сифатида иштирок этиши мумкин, чунки кўп ҳолларда фондлар маблағларининг шаклланиш вақти билан ишлатиш вақти мос келмайди ва натижада фондлар ихтиёрида вақтинча бўш маблағлар пайдо бўлади, уларни молия бозорида фойдали жойлаштиришга имкон туғилади, иккинчидан, маблағларни инвестициялашдан олинган даромадлар тегишли фондга қўшимча даромад келтиради.

## **9.2. Фазначиликда давлат мақсадли жамғармалари ижросини ташкил этиш**

Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексида Консолидациялашган бюджет тизимида жамланадиган давлат мақсадли жамғармалари таркиби келтирилган. Консолидациялашган бюджет Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан молия йили якунлари бўйича таҳлилий мақсадлар учун ҳамда бюджет тизими бюджетларининг барча тушумлари

ва харажатларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларини, улар ўртасидаги трансферларни ҳисобга олмаган ҳолда ҳисобга олиб бориш учун тузилади.

Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети таркибиға қуйидагилар киради (9.3-расм):

- Давлат бюджети;
- давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари;
- Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари.



**9.3-расм. Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджети тузилмаси<sup>1</sup>**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти, ижтимоий нафақалар тўлаш, компенсация тўловлари ва бошқа тўловлар бўйича харажатларни молиялаштиришга йўналтириладиган мажбурий тўловлар, бадаллар, шунингдек бошқа манбалардан тушадиган маблағларни жамлайди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 46-моддаси асосида

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамгармаси умумий фойдаланишдаги автомобил йўллари тармоғини ривожлантириш ва такомиллаштириш дастурларини (лойиҳаларини) ҳамда уларнинг лозим даражадаги техник ҳолати ва ўтказиш қобилиятига эришишга қаратилган тадбирларни молиялаштириш учун фойдаланиладиган мажбурий тўловлардан ва бошқа манбалардан тушадиган маблағларни жамлайди.*

*Давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамгармаси давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушадиган, белгиланган тартибда тақсимланадиган маблағларни жамлайди.*

*Ўзбекистон Республикасининг Бандликка кўмаклашиши давлат жамгармаси бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги харажатлар молиялаштирилишини таъминлаш учун ягона ижтимоий тўловдан ажратмалар ва бошқа манбалардан тушадиган маблағларни жамлайди.*

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, қасб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиши, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамгармаси таълим муассасалари ҳамда тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш, жиҳозлашга (тўлиқ жиҳозлашга) йўналтириладиган, мажбурий тўловлар ва бошқа манбалардан тушадиган маблағларни жамлайди.*

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамгармаси суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга доир дастурларни (лойиҳаларни) ҳамда мелиоратив объектларнинг лозим даражадаги техник ҳолатини таъминлаш бўйича тадбирларни молиялаштиришга, шунингдек мелиоратив техника олишга йўналтириладиган мақсадли молиявий ресурсларни жамлайди.*

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини ривожлантириши жамгармаси олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини яхшилаш бўйича тадбирларни молиялаштиришга йўналтириладиган мақсадли молиявий ресурсларни жамлайди.*

2007 йилдан бошлаб давлат бюджети параметрларида алоҳида сатр билан *Тикланиши ва тараққиёт фондининг* даромадлари ва харажатлари кўзда тутила бошланди. Мазкур жамғарма иқтисодиётнинг етакчи, энг аввало, базавий тармоқларини модернизациялаш ва техник қайта қуроллантириш лойиҳаларининг амалга оширилишини таъминлаш, мамлакатни барқарор ва мутаносиб равишда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришга эришиш, шунингдек, самарали таркибий ва инвестицион сиёсатни амалга ошириш мақсадида тузилган.

### **9.3. Давлат мақсадли жамғармалари даромадларини ягона ғазна хисобрақамида шакллантириш ва ЯФХ орқали улар харажатлари тўловини амалга ошириш**

Давлатнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, иқтисодиётни модернизациялаш ва янгилаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, қонун устуворлигини таъминлаш каби вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши давлат ихтиёридаги маблағлар ҳажми ва қўламига чамбарчас боғлиқ. Давлат тасарруфидаги маблағларнинг миқдори унинг сиёсатига бевосита таъсир кўрсатади. Бошқача сўз билан айтганда, давлат олдига қўйилган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, давлат бошқаруви билан боғлиқ вазифаларни амалга ошириш учун кўплаб маблағлар зарур бўлади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида давлат бюджети билан бир қаторда, давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги аҳамияти янада ортиб бормоқда. Бюджетдан ташқари фонdlар миллий даромадни тақсимлаш маҳсулини аҳоли қатламларига етказишининг ишончли воситасига айланиб бормоқда. Ушбу параграфда мақсадли фонdlарнинг шаклланиш манбалари ва мақсадли ишлатиш йўналишлари ёритиган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари *Пенсия жамғармасининг* даромадлари:

- ягона ижтимоий тўловнинг белгиланган миқдордаги тушумлари;
- фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари;
- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар;
- бошқа даромадлар ҳисобидан шакллантирилади.

Бошқа даромадларга меҳнатда майиб бўлганлик ёки касб касаллигига чалинганлик туфайли тайинланган ногиронлик пенсияларини тўлаш харажатларини ўрнини қоплаш учун тақдим этиладиган регресс талаблар (даъволар) бўйича иш берувчилар ва фуқаролар томонидан ўрни

қопланадиган маблағларнинг бир қисми, Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг муддатидан олдин тайинланган ёшга доир пенсияларни тўлаш харажатларини қоплаш ҳисобидан киритиладиган маблағлари, юридик шахсларнинг имтиёзли пенсияларни тўлаш харажатларини қоплаш ҳисобидан киритиладиган маблағлари, фуқароларнинг ихтиёрий тартибда тўланадиган сұғурта бадаллари, мажбурий тўловлар, бадаллар ўз вақтида тўланмаганлиги учун ҳисобланган жарималар ва пенялар суммасининг бир қисми, меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлик ҳолда майиб бўлган, касб касаллигига чалинган ёхуд соғлигига бошқача шикаст етказилган ходимга юридик шахс тугатилганда, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), фермер ва дехқон хўжалиги қайта ташкил этилганда ёки тугатилганда заарнинг ўрнини қоплаш учун тўланадиган маблағлар, вақтинчалик бўш турган маблағларни жойлаштиришдан олинган даромадлар ва қонун хужжатларига мувофиқ бошқа манбалар киради.

Пенсия жамғармасининг маблағларидан қуидаги мақсадлар учун фойдаланилади:

- ишлаётган пенсионерларга давлат пенсияларини тўлаш;
- ишламайдиган пенсионерларга давлат пенсияларини тўлаш;
- давлат пенсия таъминоти ҳуқуқига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга қобилиятсиз фуқароларга нафақалар;
- дафн этиш маросими учун нафақалар;
- белгиланган тартибда аниқланадиган бошқа харажатлар.

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасининг даромадлари:*

- Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар;
- Республика йўл жамғармасига йиғимлар;
- вақтинчалик бўш турган маблағларни жойлаштиришдан олинган даромадлар;

– қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа манбалар хисобидан шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасининг маблағларидан:

– умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларини лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, сақлаш, шу жумладан жиҳозлаш (технологик асбоб-ускуналар, техника, машина-механизмлар олиш);

– умумий фойдаланишдаги автомобил йўллари соҳасидаги маҳсус ваколатли орган, унинг ҳудудий йўл-эксплуатация ташкилотлари ва Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси бошқарув аппарати ходимларининг ҳамда муҳандис-техник ходимларининг малакасини ошириш;

– Жамғарманинг ижро этувчи дирекциясини, умумий фойдаланишдаги автомобил йўллари соҳасидаги маҳсус ваколатли органнинг ижро этувчи девонини ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий йўл-эксплуатация ташкилотларини сақлаб туриш;

– белгиланган тартибда аниқланадиган бошқа харажатлар учун фойдаланилади.

*Давлат мулкини хусусийлаштиришидан тушган маблағлар жамғармасининг даромадлари:*

– давлат мулки бўлган корхоналарни, хўжалик жамиятларининг устав жамғармаларидағи акцияларни (улушларни), ер участкалари ва бошқа мол-мulkни реализация қилиш;

– устав жамғармасида давлат улуши бўлган хўжалик жамиятларини тугатишдан тушган тушумлар;

– қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа манбалар хисобидан шакллантирилади.

Давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармасининг маблағларидан:

- хусусийлаштиришдан тушган умумий маблағлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра бир йўла тўланадиган тўловлар;
- давлат активларини олиш бўйича белгиланган тартибда бекор қилинган шартномаларга доир маблағларни қайтариш;
- давлат активларини реализация қилиш билан боғлиқ харажатлар;
- давлат корхоналарини хусусийлаштиришда акцияларни чиқариш, сақлаш ва реализация қилиш билан боғлиқ харажатлар;
- баҳолаш, илмий-тадқиқот, аудиторлик, молиявий, консалтинг ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар, мустақил эксперталарнинг амалий тадқиқотларни бажариш, тегишли экспертизани ўтказиш, норматив-услубий хужжатларни ишлаб чиқиш, давлат активларини сотишдан олдинги тайёргарликни ўтказиш хизматлари ҳақини тўлаш харажатлари;
- юридик шахсларнинг акциялари, улушлари, пайларини, шунингдек бошқа активларни давлат манфаатларини кўзлаб олиш билан боғлиқ харажатлар;
- давлат активларини бошқариш бўйича хизматлар ҳақини тўлаш харажатлари;
- белгиланган тартибда аниқланадиган бошқа мақсаддаги харажатлар учун фойдаланилади.

Давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармасининг маблағлари қуидагида тақсимланади ва йўналтирилади:

1) хусусийлаштиришдан, давлат активларининг тузилган ҳамда бекор қилинган олди-сотди шартномалари бўйича жарималар ва пенялар суммаларидан, берилган кредитлар ва қарзлардан тушган маблағларга тааллуқли қисми:

- Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига;

– ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш лойиҳаларини молиялаштириш, бозор инфратузилмаси институтларини шакллантириш учун Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига;

– уларни мақсадли равишда фақат бозор инфратузилмасини ривожлантириш ва тадбиркорларни хуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга йўналтириш учун Ўзбекистон Савдо-саноат палатасига;

– тақсимлаш ва бошқариш вазифаларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун давлат активларини бошқарувчи ваколатли органнинг ҳисобваракларига, шу жумладан Хусусийлаштириш бўйича давлат дастурини амалга ошириш, давлат активларини хусусийлаштириш жараёнини ахборот жиҳатидан таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш харажатларига;

2) резидентлар томонидан ер участкаларини хусусийлаштиришдан тушган маблағларга тааллуқли қисми:

– Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига;

– Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига инфратузилмани ривожлантириш ҳамда ҳудудларни ободонлаштириш учун мақсадли равишда фойдаланишга.

2-қисмида кўрсатилган йўналишлар бўйича тақсимланадиган маблағлар улуши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан белгиланади.

*Ўзбекистон Республикаси Бандликка қўмаклашиши давлат жамғармасининг даромадлари:*

– белгиланган миқдордаги ягона ижтимоий тўлов тушумлари;

– вақтинча бўш турган маблағларни жойлаштиришдан олинган даромадлар;

– қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг маблағларидан:

– ишсиз деб топилган шахсларни касбий тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш харажатлари;

– ишсизлик бўйича нафақалар, бандликка кўмаклашиш ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари таклифига биноан ишлаш учун бошқа жойга ихтиёрий равишда қўчиб ўтиш муносабати билан компенсациялар тўлаш ҳамда ишсизларга моддий ёрдам бериш;

– ишсиз деб топилган шахсларга муддатидан илгари пенсия тайинланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси харажатларининг ўрнини қоплаш;

– қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамоат ишларига ҳақ тўлаш;

– ногиронлар, фуқароларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ бўлган бошқа тоифалари меҳнатидан фойдаланиш учун ихтисослаштирилган иш ўринларини ва ишлаб чиқаришларни ташкил этишга доир тадбирларни қисман молиялаштириш;

– қонун ҳужжатларига мувофиқ бандликка кўмаклашиш ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларининг алоҳида бўлинмаларини сақлаб туриш, шунингдек уларни моддий-техник жиҳатдан таъминлаш;

– республика миқёсида ва ҳудудий миқёсда социологик кузатувларни ташкил этиш ва ўтказиш, бандлик масалалари бўйича ахолининг айрим групҳлари ўртасида анкета сўровлари ўтказиш;

- меҳнат бозорининг худудий ва республика ахборот тизимларини яратиш ва уларнинг дастурий таъминотини ишлаб чиқиши, шу жумладан техника воситалари олиши;
- иш билан банд бўлмаган аҳолига ёрдам кўрсатиш, шу жумладан ишга жойлаштиришга қўмаклашиш ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар;
- аҳоли бандлиги билан боғлиқ масалалар бўйича халқаро ҳамкорликни ҳамда халқаро лойиҳалар ва шартномаларни амалга оширишни молиялаштириш;
- чет элга ишга юборилган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ишга жойлаштирилишини ташкил этиш ва уларнинг ижтимоий муҳофаза қилинишини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар;
- белгиланган тартибда аниқланадиган бошқа мақсадлар учун фойдаланилади.

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиши, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасининг даромадлари:*

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиши, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар;
- вақтинча бўш турган маблағларни жойлаштиришдан олинган даромадлар;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа манбалар хисобидан шакллантирилади.

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик*

лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасининг маблағларидан:

- умумий ўрта таълим ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларини реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш, ўқув-лаборатория ва ишлаб чиқариш ускуналари, компьютер техникаси ҳамда ахборот-коммуникация технологияларининг таълимга кўмаклашувчи бошқа элементлари, ўқув мебели ва анжомлари билан тизимли равишда қайта жиҳозлаш ишларини молиялаштириш;
- соғлиқни сақлаш муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш ишларини молиялаштириш;
- соғлиқни сақлаш муассасаларини энг янги лаборатория, ташхис қўйиш ва даволаш асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ҳамда бошқа тиббий аппаратлар, маҳсус мебел ва анжомлар билан жиҳозлаш ҳамда тизимли равишда қайта жиҳозлашни молиялаштириш;
- белгиланган тартибда аниқланадиган бошқа мақсадлар учун фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси даромадлари:

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасининг ҳар йили тасдиқланадиган асосий параметрлари доирасида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан тўланадиган ягона ер солиғи бўйича тушумларга мувофиқ бюджетдан ажратиладиган маблағлар;
- бюджетдан ажратиладиган мақсадли маблағлар;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасининг маблағларидан:

- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурлари доирасида магистрал (вилоятлараро), туманлараро, хўжаликлараро очик коллекторларни ва улардаги иншоотларни, ёпиқ горизонтал дренаж тармоқларини, вертикал дренаж кудукларни, мелиоратив насос станцияларини ҳамда кузатиш тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмиrlаш ва тозалаш;
- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурларига киритиладиган лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ лойиҳа-қидирув хужжатларини ихтисослаштирилган лойиҳалаш ташкилотлари томонидан ишлаб чиқиш;
- ихтисослаштирилган қурилиш ва фойдаланиш ташкилотлари, сувдан фойдаланувчилар уюшмаларининг мелиоратив техника паркини маблағларни қайтариш асосида янгилашни, шу жумладан узоқ муддатли имтиёзли лизинг шартлари асосида янгилашни молиялаштириш тадбирлари;
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаментини ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияларининг мелиорацияга тааллуқли қисмини сақлаб туриш;
- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурларида назарда тутилган бошқа ишлар учун фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини ривоҷлантириши жамғармаси даромадлари:

- Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари;

– вақтинча бўш турган маблағларни жойлаштиришдан олинган даромадлар;

– қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа манбалар хисобидан шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағларидан:

– олий ўқув юртларининг ўқув-лаборатория корпусларини, спорт залларини ва талабалар яшаб турган жойларни ҳамда бошқа инфратузилма объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмиглаш ишларини молиялаштириш;

– олий ўқув юртларининг ўқув-лаборатория корпусларини, спорт залларини ва талабалар яшаб турган жойларни ҳамда биргаликда фойдаланиладиган олий ўқув юртлариаро илмий-лаборатория комплексларини мебел, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари ва илмий асбоб-ускуналар, ахборот-коммуникация техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозлашни молиялаштириш;

– белгиланган тартибда аниқланадиган бошқа мақсадлар учун фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 2008 йил 29 декабр ПҚ-1024-сон қарорининг 23-бандига мувофиқ, 2009 йилдан бошлаб давлат мақсадли ва бюджетдан ташқари жамғармалар даромадлари ва харажатларининг ғазна ижроси механизмлари тадбиқ этила бошланди.

Бугунги кунга келиб, Консолидациялашган бюджет таркибида кирувчи аксарият давлат мақсадли жамғармаларининг даромад ва харажатлари ижроси давлат бюджети ғазна ижроси механизмлари билан қамраб олинган бўлиб, бу жамғармалар маблағлари бўйича юридик ва молиявий мажбуриятларни қабул қилиш, уларни рўйхатга олиш ва улар

бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби худди бюджет маблағлари каби ғазначиликнинг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Жамғармаларга келиб тушадиган маблағлар улар учун Газначиликда очилган шахсий ҳисобрақамларига кирим қилинади ва давлат бюджетининг Ягона газна ҳисобрақамида акс эттирилади. Жамғармалар маблағлари ҳисобидан тўловлар уларнинг шахсий ҳисобрақамларидаги маблағлар қолдиқлари доирасида амалга оширилади.

### **Таянч сўз ва иборалар**

Давлат мақсадли жамғармалари, консолидациялашган бюджет, Пенсия жамғармаси, Бандлик жамғармаси, Республика йўл жамғармаси, иқтисодий мақсадлардаги жамғармалар, ижтимоий масадлардаги жамғармалар, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, давлат мақсадли жамғармалари ғазна ижроси, давлат мақсадли жамғармалари шахсий ҳисобрақамлари, мажбурий тўловлар, мажбурий ажратмалар, ихтиёрий бадаллар.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Давлат мақсадли жамғармаларига таъриф беринг. Уларни шакллантириш зарурати нимада? Улар қандай вазифаларни бажаради?
2. Бюджетдан ташқари фондларнинг шаклланиш усулларини айтиб беринг.
3. Давлат молия тизимида давлат бюджетдан ташқари фондларининг ўрни ва аҳамияти нималардан иборат?
4. Ўзбекистон Республикаси жамланма бюджетидаги давлат мақсадли жамғармаларининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
5. Давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг шаклланиш манбалари ва ишлатилиш йўналишларини айтиб беринг.

6. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт фондининг мақсад ва вазифалари, шаклланиш манбалари ва ишлатилиш йўналишларини айтиб беринг.

7. Давлат мақсадли жамғармалари ғазна ижросини ташкил этиш тартиби ва ўзига хос хусусиятлари қандай?

### **Мустақил ўрганиш учун топшириқлар**

1. “Мамлакатнинг иқтисодий тараққиётида иқтисодий мақсадлардаги фондларнинг ўрни ва аҳамияти”, “Хорижий давлатларда мақсадли фондлардан фойдаланиш амалиёти”, “Иқтисодиётни модернизациялашда Тикланиш ва тараққиёт фондининг ўрни ва аҳамияти”, “Давлат мақсадли жамғармаларининг ғазна ижросини ташкил қилиш” мавзуларидан бири бўйича мустақил таълим мажмуасини тайёрланг.

2. Бирор бюджетдан ташқари фондни танлаб олинг ва унинг асосий вазифалари, маблағларининг шаклланиш манбалари ва ишлатиш йўналишлари, унинг даромадлари ва харажатлари ғазна ижросини ташкил этиш амалиёти тўғрисида тақдимот тайёрланг, тақдимотни тайёрлашда фонднинг фаолиятини, унинг ғазна ижросини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий базадан фойдаланинг.

### **Тест саволлари**

**1. Бюджетдан ташқари фондлар таърифи қайси жавобда тўғри кўрсатилган?**

- A. маълум бир ижтимоий гурӯхлар ва аҳоли табақалари манфаатлари учун миллий даромадни қайта тақсимлашнинг бир усули
- B. давлат томонидан бюджетга киритилмаган баъзи жамоат эҳтиёжларини молиялаштириш учун мустақил тезкорлик (оперативлик) асосида молиявий ресурслардан қатъий мақсадли фойдаланиш шакли

- C. умумдавлат ёки ҳудудий аҳамиятидаги аниқ ижтимоий-иктисодий эҳтиёжларни молиялаштириш учун мамлакат молиявий ресурсларини қайта тақсимлаш ва фойдаланишнинг маҳсус шакли
- D. ҳамма жавоблар тўғри.

**2. Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети таркиби:**

- A. Давлат бюджети; давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари
- B. Давлат бюджети; давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари
- C. Республика бюджети; маҳаллий бюджетлар
- D. Давлат бюджети; давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари; Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси

**3. Жамланма бюджет таркибидаги давлат мақсадли жамғармалари таркибига кирмайдиган жамғарма:**

- A. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси
- B. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси
- C. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Олий ўкув юртларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси
- D. Республика Китоб жамғармаси

**4. Иқтисодиётнинг етакчи, энг аввало, базавий тармоқларини модернизациялаш ва техник қайта қуроллантириш лойиҳаларининг амалга оширилишини таъминлаш, мамлакатни барқарор ва мутаносиб равишда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришга эришиш, шунингдек, самарали таркибий ва инвестицион сиёsatни амалга ошириш мақсадида тузилган жамғарма?**

A. Олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси

B. Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси

C. Тикланиш ва тараққиёт фонди

D. Давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармаси

**5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг даромадларини ташкил қилувчи ягона ижтимоий тўловнинг 2014 йил учун белгиланган миқдори:**

A. 25 фоиз

B. 24,8 фоиз

C. 24 фоиз

D. 6 фоиз

**6. Пенсия жамғармасининг маблағларидан қандай мақсадлар учун фойдаланилмайди?**

A. ишлаётган ва ишламайдиган пенсионерларга давлат пенсияларини тўлаш

B. давлат пенсия таъминоти ҳуқуқига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга қобилиятсиз фуқароларга нафақалар

C. дафн этиш маросими учун нафақалар

D. 2 ёшгача болали оналарга нафақалар

**7. Давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармасининг даромадлари – нотўғри жавобни кўрсатинг:**

A. Жамғармага давлат корхоналарининг мажбурий ажратмалари

B. давлат мулки бўлган корхоналарни, хўжалик жамиятларининг устав жамғармаларидағи акцияларни (улушларни) реализация қилиш

C. давлат мулки бўлган ер участкалари ва бошқа мол-мулкни реализация қилиш

D. устав жамғармасида давлат улуши бўлган хўжалик жамиятларини тутатишдан тушган тушумлар

**8. Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг даромадлари бўлган ягона ижтимоий тўлов миқдори 2014 йил учун қанча белгиланган?**

- A. 25 фоиз
- B. 24,8 фоиз
- C. 24 фоиз
- D. 0,1 фоиз

**9. Давлат мақсадли жамғармалари ғазна ижроси қачондан бошлаб ва қайси хужжат асосида тадбиқ этилди?**

- A. 2009 йилдан бошлаб 2008 йил 29 декабр ПҚ-1024-сон қарори асосида
- B. 2010 йилдан бошлаб 2009 йил 22 декабр ПҚ-1245-сон қарори асосида
- C. 2011 йилдан бошлаб 2010 йил 24 декабр ПҚ-1449-сон қарори асосида
- D. 2012 йилдан бошлаб 2011 йил 30 декабр ПҚ-1675-сон қарори асосида

## **10-БОБ. ҒАЗНАЧИЛИКДА ДАВЛАТ ХАРИДИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**



### **10.1. Давлат хариди тўғрисида тушунча. Унинг объектлари ва субъектлари**

Маълумки, давлат секторининг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашдаги роли катта аҳамиятга эга. Унинг узлуксиз ва самарали фаолияти учун тегишли товарлар, хизматлар ва ишлар билан ўз вактида таъминлаб туриш зарур бўлади. Давлат харидлари эса айни шу мақсадда муҳим омил бўлиб хизмат қиласди.

*Давлат харидлари* – бу давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган товарлар, бажариладиган ишлар ва хизматларга айтилади, яъни давлат хариди давлат эҳтиёжлари учун товарлар ва хизматларни қисман ёки тўлиқ давлат маблағлари евазига сотиб олинишидир. Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексида “*давлат харидлари* – бюджет тизими бюджетларининг маблағлари ҳисобидан товарларни (ишларни, хизматларни) харид қилиш” деб таъриф берилган.

Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган товарлар, бажариладиган ишлар ва хизматларга қўйидагилар киради:

*товарларга* – хом-ашё, материаллар, ускуналар, қаттиқ, суюқ ва газ ҳолатидаги предметлар, электр энергияси, шунингдек, товарларни етказиб бериш бўйича хизматлар қиймати (агар у товарнинг баҳосидан юқори бўлмаса) киритилади;

*ишларга* – қурилиш, таъмирлаш, бино, иншоот ва объектларни қуриш ёки таъмирлаш билан боғлиқ фаолият турлари, шунингдек, грунтларни қазиш, янгидан қуриш, жихозлаш, қурилиш-монтаж ишлари учун қурилиш майдонларини тайёрлаш ва бошқа қурилиш ишлари (масалан, геодезия,

бурғулаш бўйича ишлар, аеро ва сунъий йўлдош орқали суръатга олиш, сейсмик тадқиқотлар ўтказиш (агар ушбу хизматлар баҳоси асосий ишлар баҳосидан юқори бўлмаса)) киради;

*хизматларга* – товар ва ишларга тааллуқли бўлмаган барча харид предмети киритилади.

Давлат харида давлат инфратузилмасини моддий ва молиявий жиҳатдан таъминлаш мақсадида амалга оширилади. Давлат инфратузилмасини умумий тарзда иккита йирик таркибий қисмга ажратиш мумкин<sup>1</sup>:

- иқтисодий инфратузилма (транспорт, алоқа, коммунал хизматлар, кундалик иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун бирламчи бўлган инфратузилмалар);
- ижтимоий инфратузилма (мактаблар, касалхоналар, кутубхоналар ёки бошқача айтганда, жамият аъзоларининг кундалик ҳаёти, ижтимоий эҳтиёжи учун зарур бўлган бирламчи инфратузилмалар). Ижтимоий соҳалар учун давлат харидини амалга ошириш зарурати умумжамият манфаатларидан келиб чиқади ва у мавжуд қонуний-меъёрий актлар орқали тартибга солинади.

Ўзбекистонда давлат харидининг ҳажми ЯИМнинг 11 фоизини ташкил этгани ҳолда, уни иқтисодий ўсишга таъсир этувчи муҳим омил эканлигини кўрсатади<sup>2</sup>. Давлат харида ЯИМнинг шаклланишига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Шуни инобатга олиб, давлат харидини амалга ошириш соҳасида олиб борилган оқилона сиёsat макроиқтисодий сиёsatга жиддий таъсир этувчи инструмент сифатида юзага чиқади.

Давлат харидини иқтисодиётнинг маълум соҳаларида амалга ошириш орқали, ўша соҳалар ривожига ва аҳоли бандлиги ҳамда даромадлари даражасига ижобий таъсир этилади. Жумладан:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларни сотиб олишда танлов жараёнларини

<sup>1</sup> Бурхонов У. Давлат харида. Т.: “нфоСОМ.УЗ”. 2010. 10-бет.

<sup>2</sup> О проблемах управления государственными закупками в Республике Узбекистан и направлениях совершенствования. Аналитическая записка. UNDP. Ташкент-2008. 3-стр.

жорий этиш орқали, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга таъсир этиши мумкин;

- сотиб олинаётган товарларнинг сифат талабини халқаро андоза талаблариға тенглаштириш орқали миллий ишлаб чиқарувчи корхоналар маҳсулот сифатини оширишга таъсир этиши мумкин;
- очиқ тендерларни эълон қилиш орқали рақобатни ривожлантиришга таъсир этиш мумкин бўлади.

Юқорида санаб ўтилган ҳолатларда фақатгина мамлакат даражасида давлат хиридини бошқаришнинг самарали механизмлари мавжуд бўлган шароитда, яъни харидни оқилона режалаштириш ва унинг иқтисодиётга таъсирини тўғри баҳолаш орқали эришиш мумкин.

Ўзбекистон ҳукумати давлат хариди инструментларидан турли кўринишларда фойдаланиб келмоқда. Масалан, ўрта маҳсус таълим тизимидағи ислоҳотлар нафақат ўқув бинолари сонининг ортишига олиб келди, балки республикада капитал қурилиш соҳасининг ривожига катта туртки берди. 2000 йиллар бошида қурилиш компаниялари ночор аҳволда бўлган бўлсалар, ҳозир улар қурилиш-монтаж ишлари ва лойиҳаларнинг турли-туманлиги ва сифати бўйича хорижий компаниялар билан рақобат қила оладилар. Шунинг билан бир вақтда, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган қурилиш материалларининг турлари ҳам кенгайди. Капитал қурилиш соҳасига давлат буюртмаси аҳоли бандлигини оширишда ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Худди шундай мисолларни саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тармоқлари бўйича кўплаб келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида *давлат харидининг субъектлари* бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Давлат буюртмачилари – бюджетдан маблағ олувчилар ва бюджет ҳамда давлат мақсадли жамғармалари маблағларини тақсимловчилар:

- бюджетдан маблағ олувчи ташкилотлар;
- давлат мақсадли жамғармалари нинг ижроия дирекциялари;
- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар ҳо-

кимликлари ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошидаги ягона буюртмачи хизмати;

- ҳукумат кафолати остида халқаро грант ёки қарз кредитлар олган ҳамда ушбу маблағлар ҳисобидан давлат харидини амалга ошираётган ташкилотлар;
- давлат мулки иштирокида фаолият юритаётган хўжалик субъектлари.

2. Ташқи назорат органлари – Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси;

3. Ҳукумат – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

4. Давлат ва хўжалик бошқарув органлари – назоратни ташкил этувчи органлар:

- Молия вазирлиги;
- Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги;
- Давархитекқурилиш ташкилоти.

5. Товарлар ва хизматлар етказиб берувчилар – товарлар (хизматлар, ишлар) етказиб берувчи хўжалик субъектлари.

6. Харидни амалга ошириш жараёнига кўмаклашувчи ташкилотлар:

- хизмат кўрсатувчи банклар;
- биржалар;
- транспорт-экспедиторлик компаниялари;
- маслаҳат, экспертиза ва бошқа ташкилотлар;
- амалдаги қонунчилик асосида эксперт баҳолаш хизматини амалга оширувчи бошқа ташкилотлар.

## **10.2. Ўзбекистон Республикасида давлат хариди тизимини ислоҳ қилиш. Давлат харидларини амалга оширишда Ғазначиликнинг ўрни**

Дунёдаги кўплаб мамлакатлар сингари, Ўзбекистон Республикасида давлат хариди тизимини ислоҳ этишга катта эътибор қаратилмоқда.

Хукумат томонидан харид жараёнларини очик-ойдинлигини таъминлашга қаратилган, жумладан, харидни амалга оширишда тендер жараёнларидан кенгроқ фойдаланиш йўналишлари бўйича қатор ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Мухтарам Президентимиз И.А.Каримов ўз маърузаларида “...кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кредитлар, хом-ашё ресурслари, шунингдек, давлат харидлари тизимидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш зарур. 2011 йилда Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигига маҳсус квоталар ажратиш орқали кичик бизнеснинг давлат харидлари тизимидан фойдаланишини кенгайтириш борасида алоҳида механизмни ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш, кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни харид қилиш, кўрсатилаётган иш ва хизматларга доир давлат буюртмаларини жойлаштириш бўйича очик электрон тизимни босқичма-босқич жорий этиш вазифалари топширилади”<sup>1</sup>- дея таъкидлаганлар.

Бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган мақсад, нафақат давлат маблағларидан фойдаланишнинг самарали ҳисоб ва назоратини ташкил этиш, балки давлат буюртмачиларининг шартномавий-ҳукуқий тартибга риоя этиш даражасини ошириш ҳам кўзда тутилган.

Давлат харидини ташкил этиш бўйича мутлақо янги тамойилларга асосланган тизим шакллантирилмоқда ва табиий равища, бу соҳада ўз ечимини кутаётган қатор муаммоларни кўрсатиш мумкин, жумладан:

- давлат харидини амалга оширишнинг мавжуд тизими Республика миқёсида давлат эҳтиёжлари учун товарлар ва хизматларни сотиб олиш учун қилинадиган харажатларни оптималлаштириш имконини бермайди;
- меъёрий-ҳукуқий базанинг етарли даражада ривожланмаганлиги,

---

<sup>1</sup> Президент И.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган енг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси., Халқ сўзи., 2011 йил 22 январ, №16 (5183)., 3-бет, 5-устун, 8-хат боши.

хусусан, Ўзбекистон Республикасида давлат харидлари тўғрисида қонун қабул қилинмаганлиги;

- давлат харидини амалга оширувчи ва унинг назоратини таъминловчи малакали кадрларнинг этишмаслиги;
- харид тизимининг ҳамда унинг механизмларининг очик-ойдин эмаслиги ва бошқалар.

Давлат харидларини амалга оширишда ғазначилик тизимидан фойдаланишни кенгайтириш борасида алоҳида механизм ишлаб чиқилиши ва амалда қўлланилиши, кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни харид қилиш, кўрсатилаётган иш ва хизматларга доир давлат буортмаларини жойлаштириш бўйича очик электрон тизимнинг босқичма-босқич жорий этилиши натижасида давлат бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишга эришилади.

Давлат хариди тизимини ислоҳ этиш комплекс ёндашувни талаб этади. Ислоҳотлар фақатгина маҳсус қарорлар қабул қилиш ва давлат хариди бўйича ваколатли агентликни ташкил этиш билан чегараланиб қолмасдан, балки турли давлат органларининг ҳамкорлиқдаги ҳаракатини йўлга қўйиш, улар ўртасида ваколатларни тўғри тақсимлаш, тизимда кучлар нисбати тенглигини таъминловчи ўз-ўзини бошқариш механизмларини шакллантиришни талаб этади.

Давлат эҳтиёжлари учун харидни амалга ошириш механизмининг самарали бўлиши, кўп жиҳатдан, давлат хариди борасида қарор қабул қилаётган давлат хизматчиларининг малака даражаси, профессионал тайёргарлиги ва ҳаққонийлигига боғлиқ. Кўпгина давлатларда давлат хариди билан шуғулланадиган ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш бевосита хукumatнинг зиммасига юклатилган вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси томонидан юқорида кўрсатилган йўналишлардаги камчиликларни бартараф этишга катта эътибор қаратилмоқда ва давлат харидини амалга оширишда қатнашувчи бошқа субъектлар иштирокида давлат хариди жараёнининг механизмларини ҳамда

унинг хуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича фаол иш олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида давлат бюджетининг ғазна ижроси шароитида давлат харидларини амалга ошириш жараёни механизмларини амалиётга жорий этиш бугунги қунда бюджет ислоҳотларининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сонли “Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб қилишни кенгайтириш тўғрисида”ги қарорида кўрсатилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат харидлари бўйича хукумат комиссияси ташкил қилинди ва унинг ишчи органи этиб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги деб белгиланди.

*Қарорга кўра, Давлат харидлари бўйича ҳукумат комиссиясининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари қўйидагилардан иборат:*

– товарлар(ишлар, хизматлар)нинг давлат харидларини амалга оширишга йўналтирилган давлат бюджети ва бошқа марказлаштирилган манбалар маблағларининг мақсадли ва рационал ишлатилиши, шунингдек давлат харидлари соҳасида қонун ҳужжатларига риоя қилиш устидан тизимли назоратни амалга ошириш;

– давлат харидлари самарадорлиги устидан доимий мониторингни амалга ошириш, уларни такомиллаштириш бўйича зарур чораларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

– давлат харидлари жараёнига кичик бизнес субъектларини фаол ва кенг қўламда жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш;

– тендер (конкурс) ва биржа савдоларида иштирок этувчи барча субъектлар вакилларининг малакасини оширишга имкон яратиш, умумқабул қилинган халқаро норма ва стандартларни жорий қилиш.

Давлат харидлари бўйича хукумат комиссиясининг ишчи органи этиб тайинланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги *Газначилигининг асосий вазифалари* қўйидагилардан иборат<sup>1</sup>:

- давлат харидлари бўйича ахборот базасини яратиш ва доимий равишида янгилаб бориш, давлат харидларини амалга оширишида нархларни шакллантириш жараёнини назорат қилиш;
- Давлат харидлари бўйича Хукумат комиссиясининг қонун ҳужжатлари билан унинг ваколатига киритилган масалалар бўйича материалларини ва қарорлари лойиҳаларини тайёрлаш;
- давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат харидлари жараёнида иштирок этувчи бошқа ташкилотлар ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан Хукумат комиссияси қарорлари бажарилишини назорат қилиш;
- давлат харидлари соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда катнашиш.

### **10.3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг давлат харидлари тизимидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш**

2010 йилда давлатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши якунлари ва 2011 йилга устувор йўналишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов белгилаб ўтдики: “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит олиш, хом-ашё ресурсларига, шунингдек давлат харидлари тизимига кенг йўл очиб беришли зарур”<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Давлат харидлари бўйича Хукумат комиссиясининг ишчи органи тўғрисида Низом. ЎзР ВМнинг “Давлат харидларини ташкил етишга доир норматив-хуқуқий базани такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. 2011 йил 1 апрел, 100-сон. 1-илова

<sup>2</sup> И.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласи. Т.: Ўзбекистон. 2011 й.

Кўйилган вазифаларни бажариш учун қонунчилик асосларини яратиш мақсадида 2011 йилнинг 7 февралида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1475-сонли “Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб қилишни кенгайтириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ушбу меъёрий ҳужжат билан, маҳсус квоталар ажратиш ҳисобига давлат харидларини олишга қатнашиш учун кичик бизнесга йўл очишни амалда таъминлаш имконини берувчи аниқ механизм пайдо бўлди. Бундан ташқари, у маҳсулот, иш ва хизматларга давлат буюртмаларини иқтисодиётнинг мазкур сектори корхоналари ўртасида жойлаштиришнинг ошкора электрон тизимини босқичма-босқич йўлга қўйишни кўзда тутади. Шунингдек, Қарорнинг жорий қилиниши республика бюджети ҳамда маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланиш ва товар бозорларида соф рақобатни ривожланишга имкон яратади.

Таъкидлаш лозимки, қарор нафақат кичик бизнес субъектларини давлат харидларига йўл очишни, балки уларга устуворликни ҳам белгилайди. Бунда, Қарор талаби бўйича давлат харидлари бўйича тендерлар ўtkazilganда кичик бизнес субъектларига, шароитлар teng бўлган бошқа ҳолларда, устунлик берилади ҳамда учта иштирокчидан кам бўлган ҳолда, конкурс таклифлари танловини ўtkaziш тақиқланади, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

2011 йил 1 апрелдан ушбу тартиб амалиётга тадбиқ қилинди ва давлат харидлари бўйича тендерлар ўtkazilganда, шароитлар teng бўлган бошқа ҳолларда, устунлик тадбиркорлик субъектларининг ушбу тоифасига берилади. Бундан ташқари, давлат бюджети ва бошқа марказлаштирилган манбалар маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган, қиймати 500 млн. сўмгача бўлган обьектлар бўйича қурилиш ва реконструкция ишларини бажариш учун пурдатчи ташкилотлар танлови фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

Давлат харидларини амалга оширишга йўналтирилган давлат бюджети ва бошқа марказлаштирилган манбалар маблағларининг мақсадли ва оқилона ишлатилиши устидан назоратни амалга ошириш, ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларига риоя қилишдан ташқари, ҳукумат Комиссиясига, жуда муҳим, давлат харидлари жараёнига кичик бизнес субъектларини фаол ва кенг миқёсда жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш вазифаси ҳам юклатилган.

Қарор нафақат кичик бизнес субъектларини давлат харидларига йўл очишини, балки уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини кенгроқ қўллаб-кувватлашни ҳам қўзда тутади, бунинг учун Ўзбекистон товар хом-ашё биржаси қошида маҳсус Маҳсулотни сотишни ривожлантириш марказини ташкил қилиш режалаштирилди.

Яна аҳамиятга эга бўлган жиҳат, бунда кичик бизнес субъектлари ўтказилаётган тендерлар бўйича тўлиқ маълумотларни олишлари мумкин. Яъни юқоридаги қарорга асосан, марказлаштирилган маблағлар ҳисобига давлат харидларини амалга оширувчи барча ташкилотлар кўзланаётган харидлар бўйича эълонларни, зарур товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчини аниқлаш кунидан 30 кун олдин, маҳсус ахборот порталида жойлаштиришлари лозим. Мазкур портал Маҳсулотни сотишга кўмаклашишни ривожлантириш марказида ташкил қилинади.

Давлат харидларининг ўзи Ўзбекистон республика товар хом-ашё биржасида ташкил қилинадиган электрон савдолар орқали амалга оширилади. Уларга барча манфаатдор томонларнинг қатнашишига йўл очишини таъминлаш учун ҳар бир туман бўйича кичик бизнес субъектлари ҳамда бюджетдан маблағ олувчилар учун энг қулай жойларда савдо майдончалари ва брокерлик конторалари тизими ташкил қилинади.

Шунингдек, конкурс савдоларини ўтказишнинг ўзи мунтазам равища назорат қилинади. Бунинг учун Молия вазирлиги Назорат-тафтиш Бош бошқармаси таркибида Тендер (танлов) савдолари ўтказилиши бўйича маҳсус назорат бўлими ташкил қилинади. Тендер (танлов) қатнашчилари

ўртасида коррупцион алоқалар, тил биритиришлар, сохталаштиришлар мавжудлиги ҳамда сохта тендер (танлов) савдолари ўтказилганлик аломатлари аниқланган ҳолларда, мазкур Бўлим ўрнатилган тартибда ушбу савдоларни бекор қилиш бўйича тегишли чораларни кўради.

Бунда, қарорга асосан, ўзининг қуи ташкилотлари учун марказлаштирилган харидларни амалга оширувчи давлат ва хўжалик бошқарув органлари раҳбарларига давлат харидларини ташкил қилиш ва амалга ошириш самарадорлиги ҳамда юқорида номи келтирилган Қарор талаблари ижросини таъминланиши учун шахсан жавобгарлик юклатилади.

Қарорга мувофиқ жорий этилган янги нормалар нафақат кичик бизнес субъектларини Давлат харидлари тизимиға кенг жалб қилинишини, балки республикамизда янада такомиллашган ҳамда умумэътироф этилган халқаро меъёрларга ҳам тўлиқ жавоб берадиган тизимнинг яратилишини таъминлайди.

Газначилик учун давлат харидларини амалга оширишни ҳамда жорий ва дастлабки назорат самарадорлигини такомиллаштириш ва халқаро тажрибалардан самарали фойдаланишга эътибор қаратиш, ғазначилик операцияларининг назоратини такомиллаштириш муҳим вазифа этиб белгиланган.

Давлат бюджети ижроси, шу жумладан давлат харидларини амалга ошириш жараёни устидан назоратни такомиллаштириш мақсадида Газначиликнинг ҳаракатлари биринчи навбатда бюджет ташкилотларининг бюджет ва шартномавий интизом даражасини оширишга йўналтирилиши, бюджет ташкилотларининг таъминотчи ташкилотлар билан шартномаларини Газначилик томонидан рўйхатга олиниши бу бюджет ташкилотларининг тўлашга қодирлиги давлат томонидан тасдиқланади ва таъминотчи ташкилот учун бюджет ташкилоти томонидан шартнома шартлари бажарилмагандა, давлат томонидан тўлов кафолати берилади.

## **10.4. Ўзбекистон Республикасида давлат харидини амалга ошириш механизмлари ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириши.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сонли “Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузурида Давлат харидлари бўйича ҳукумат комиссияси ташкил қилинди. Ҳукумат комиссиясига Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси томонидан ташкил этиладиган электрон савдоларда амалга ошириладиган давлат харидлари бўйича товарлар рўйхатини аниқлаш ҳамда кичик бизнес субъектлари томонидан амалга ошириладиган харидлар бўйича товарлар (иш, хизмат) гурӯҳига ўрнатилган минимал улушлар (квота) миқдорини белгилаб бориш ва бошқа вазифалар топширилган.

Бюджетдан маблағ оловчилар Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси томонидан ташкил этиладиган электрон савдоларда амалга ошириладиган давлат харидлари бўйича товарлар рўйхати, кичик бизнес субъектлари томонидан амалга ошириладиган харидлар бўйича товарлар (иш, хизмат) гурӯҳи ва уларга ўрнатилган минимал улушлар (квота) миқдори тўғрисида маҳсус тасдиқланган жамланма жадвалга мувофиқ харажатларни амалга оширишлари талаб қилинади. Бюджетдан маблағ оловчилар 2011 йилнинг 1 апрелидан бошлаб юқоридаги қарор билан тасдиқланган марказлашган маблағлар ҳисобига давлат эҳтиёжлари учун тўлиқ (100 фоиз миқдорда) кичик бизнес субъектлари томонидан амалга ошириладиган харидлар бўйича товарлар (иш, хизмат) гурӯҳига (ПҚ-1475-сонли қарорнинг 3-иловаси) мувофиқ фақатгина кичик бизнес субъектлари билан шартномалар имзолашлари мумкин.

Шунингдек, бюджетдан маблағ оловчилар 2011 йилнинг 1 апрелидан бошлаб Ҳукумат комиссиясининг 2011 йил 15 февралдаги 1-сонли

ийғилиш баённомасининг<sup>1</sup> 2- иловасига мувофиқ кичик бизнес субъектлари томонидан амалга ошириладиган товар(иш, хизмат)лар бўйича давлат харидларини уларга ўрнатилган энг кам улушлар (квота) миқдорларидан кам бўлмаган тарзда кичик бизнес субъектлари орқали амалга оширишлари лозим.

Бюджетдан маблағ олувчи ташкилотлар тўлиқ (100 фоиз миқдорда) кичик бизнес субъектлари томонидан амалга ошириладиган харидлар бўйича маҳсус ахборот порталига савдо ўтказиш ёки электрон савдо ўтказиш тўғрисида эълонларни жойлаштиришда, эълон шартида фақатгина кичик бизнес субъекти қатнашиши мумкинлигини кўрсатиб ўтишлари лозим. Бунда, порталнинг ахборот базасида тегишли маълумотлар бўлмаган ҳолларда, товар (иш, хизмат) етказиб берувчилар бюджетдан маблағ олувчиларга ушбу эълонлар бўйича савдода қатнашиш учун тегишли статистика ёки солиқ органлари томонидан тасдиқланган товар (иш, хизмат) етказиб берувчининг кичик бизнес субъектига кириши тўғрисидаги маълумотни тақдим қилишлари лозим. Ўзбекистон республика товар хом-ашё биржаси ва унинг худудий бўлинмалари тўлиқ (100 фоиз миқдорда) кичик бизнес субъектлари томонидан амалга ошириладиган харидлар бўйича маҳсус ахборот порталига жойлаштирилган талабномалар бўйича электрон савдоларда фақат кичик бизнес субъектлари иштирок этишларини таъминлайди.

Ғазначилик органларининг юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказиш ва нархлар мониторинги бўлими ходимлари бюджетдан маблағ олувчилар тақдим қилган фақат тўлиқ (100 фоиз миқдорда) кичик бизнес субъектлари томонидан амалга ошириладиган харидлар бўйича тузилган шартномаларни “Ғазначилик” дастурий мажмуида рўйхатга олишда товар (иш, хизмат) етказиб берувчини кичик бизнес субъектига кириш ёки кирмаслигини назорат қиласи. Бунда, ғазначилик органларининг юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказиш ва нархлар мониторинги бўлими

---

<sup>1</sup> электрон кўринишда Ғазначиликнинг сайтида жойлаштирилган ([www.treasury.uz](http://www.treasury.uz))

ходими бюджетдан маблағ олувчиларнинг юқоридаги шартномаларини “Газначилик” дастурй мажмуига киритишда, товар (иш, хизмат) етказиб берувчини киритишда, унинг кичик бизнес субъектига киришини ушбу дастурий мажмууда кўргандан сўнг охиригача расмийлаштирадилар. Акс ҳолда, ушбу шартномаларни газначилик бўлинмалари томонидан бюджетдан маблағ олувчига рўйхатдан ўтказилмасдан қайтарилади. Шунингдек, бюджетдан маблағ олувчилар кичик бизнес субъектлари томонидан амалга ошириладиган товарларга (иш, хизмат) ўрнатилган энг кам улушларга (квота) мувофиқ харажатларни амалга оширишларини мониторинг қилиб боради.

*Бюджетдан маблағ олувчиларнинг электрон савдоларда иштирок этиши тартиби.* Молия вазирлиги Фазначилиги ва Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасининг маълумотлар базасини электрон боғлаш йўли орқали бюджетдан маблағ олувчилар биржа томонидан марказлашган тартибда автоматик тарзда буюртмачи сифатида рўйхатдан (аккредитациядан) ўтказилади.

Бюджетдан маблағ олувчилар Ўзбекистон республика товар хом-ашё биржасида ташкил этилган электрон савдоларга мустақил равища ёки агентлар (брокерлар) орқали қатнашади.

Бюджетдан маблағ олувчилар ва агентлар ўртасидаги муносабатлар улар ўртасида тузилган топшириқ шартномасига асосан белгиланади. Топшириқ шартномасида қуйидаги шартлар кўзда тутилиши лозим:

- 1) Агентларга хизмати учун тўловлар (Ўзбекистон республика товар хом-ашё биржаси ҳамда Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги томонидан белгиланган миқдорда);
- 2) Биржанинг воситачилик хизмати (электрон савдоларда тузилган битим суммасининг 0,05 фоизи миқдорида);
- 3) Савдо ўтказиш тўғрисидаги эълонлар маҳсус ахборот порталига жойлаштирганлиги учун тўловлар (эълонлар агентлар орқали маҳсус ахборот порталига жойлаштирилган ҳолларда – Ўзбекистон республика

товар хом-ашё биржаси ҳамда Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги томонидан белгиланган миқдорда).

Шунингдек, топшириқ шартномасида шартнома мақсади, ҳисобкитоб қилиш тартиби, буюртмачи ва агентнинг мажбуриятлари, томонларнинг жавобгарлиги, шартноманинг амал қилиш муддати ва бошқа шартлар кўрсатилади. Топшириқ шартномасида сумма белгиланмайди. Бюджетдан маблағ оловчи ва агент ўртасида тузилган топшириқ шартномалари асосий шартнома вазифасини ўтайди ва улар Молия вазирлиги Газначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларида рўйхатга олинмайди, яъни фақатгина уларнинг ҳисоби юритилади. Бюджетдан маблағ оловчилар агентлар билан топшириқ шартномасини тузатганда уларга раҳбар ва бош ҳисобчининг имзо намуналари карточкаларини кейинчалик биржанинг ҳудудий бўлинмаларига етказиш учун тақдим қиласидилар.

Биржа ва агентлар хизматларига аванс тўловлари бюджетдан маблағ оловчи томонидан Молия вазирлиги Газначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларига тақдим қилинган талабномалар асосида аниқланади (биржа ва агентлар хизмати бўйича харажатлар, товар (иш, хизмат) олинаётган модда бўйича, тегишли талабномаларнинг жамламалари асосида акс эттирилади).

Аванс тўловини амалга ошириш учун бюджетдан маблағ оловчилар “Давлат бюджети ғазна ижроси Қоидалари”нинг 6-иловасидан фойдаланишлари лозим. Бюджетдан маблағ оловчилар давлат харидлари тўғрисида ўз вақтида эълон қилиш учун улар томонидан харидлар амалга оширилиши режалаштирилган ойдан илгарироқ харидлар режасини тузишлари керак.

Ҳукумат комиссияси белгилаган, алоҳида товарлар (иш, хизмат) бўйича Ўзбекистон республика товар хом-ашё биржасида ташкил этилган электрон савдолар орқали амалга оширилувчи, давлат харидлари бўйича харидлар режаси алоҳида бўлиши лозим. Бюджетдан маблағ оловчилар

электрон савдоларда қатнашиш тўғрисида давлат харидларини амалга ошириш учун талабномаларни махсус ахборот порталига жойлаштиришдан аввал харажатлар сметасида етарли маблағ мавжудлигини ҳамда ғазначилик бўлинмалари томонидан харажатларни амалга оширишга рухсат (ХАОР) берилганлигини инобатга олишлари лозим. Бюджетдан маблағ оловчиларнинг бош ҳисобчилари ғазначилик бўлинмалари томонидан берилган ХАОРни ҳар бир давлат харидлари бўйича эълонлар ва талабномаларга тўғри тақсимланиши ва ишлатилишига жавобгардирлар, шу билан бирга, тайёрланган харидлар режасига мувофиқ Ўзбекистон республика товар хом-ашё биржаси махсус ахборот порталига эълонларни ўzlари мустақил ёки агентлар орқали киритади.

*Махсус ахборот порталига эълон жойлаштириши тартиби.*  
Бюджетдан маблағ оловчилар махсус ахборот порталида (Давлатхарид.уз, Харид.уз, Госзакупки.уз) бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилаётган ҳар бир харид тўғрисидаги эълонни товар (иш, хизмат) етказиб берувчиларни аниқлашдан камида 30 кун аввал жойлаштиришлари лозим, озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш учун қайта эълон бериш бундан мустасно. Бунда, бюджетдан маблағ оловчилар жорий йилнинг тегишли чоракларида (ғазначилик бўлинмалари томонидан харажатларни амалга оширишга рухсат (ХАОР) берилганлигини инобатга олинган ҳолда) амалга оширилиши режалаштирилган харажатлар бўйича эълонлар бериши мумкин. Етказиб берувчилардан таклиф бўлмаслиги (ёки савдоларда фақат бир нафар етказиб берувчи қатнашиши) сабабли, шунингдек етказиб берувчилар томонидан бошлангич нархдан ортиқ бўлган нархлар таклиф қилинганда, бюджетдан маблағ оловчи ҳисобланган буюртмачи учун озиқ-овқат маҳсулотларининг давлат хариди бўйича савдолар бўлиб ўтмаган деб эътироф этилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ёки унинг ҳудудий бўлинмалари билан келишилган ҳолда такрорий савдолар ўтказмасдан буюртма беришга йўл қўйилади.

Такрорий савдолар ўтказмасдан озиқ-овқат маҳсулотларининг давлат хариди бўйича буюртма бериш тўғрисидаги қарорни келишиш учун бюджет маблағларини олувчи ҳисобланган буюртмачи ғазначиликнинг тегишли органларига кўрсатиб ўтилган давлат хариди билан боғлиқ ҳужжатларнинг (шу жумладан савдо баённомаси (тиket) ксеронусхаси) нусхаларини илова қилган ва савдоларни бўлиб ўтмаган деб эътироф этган ҳолда ёзма мурожаатни юборади. Такрорий савдолар ўтказмасдан буюртма бериш тўғрисидаги қарорни келишиш муддати ғазначилик органларига келишиш тўғрисидаги мурожаат тушган кундан бошлаб уч иш кунидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Такрорий савдолар ўтказмасдан етказиб берувчи билан контракт фақат илгари маҳсус электрон порталда жойлаштирилган эълонда назарда тутилган шартларда ушбу буюртма бўйича тузилиши мумкин. Бунда, тузилган контрактнинг нархи:

- савдоларда бошланғич нархдан паст нархни таклиф қилган фақат битта етказиб берувчи қатнашган ҳолларда ягона етказиб берувчи – савдолар қатнашчиси нархидан;
- ўтказилган савдоларда етказиб берувчилардан таклифлар бўлмаган ёки етказиб берувчилар томонидан таклиф этилган нархлар бошланғич нархлардан юқори бўлган ҳолларда эълон қилинган бошланғич нархнинг 10 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Савдо ўтказиш тўғрисидаги эълонда қуидаги маълумотлар қўзда тутилиши керак:

- бюджетдан маблағ олувчининг номи ва манзили;
- маблағ билан таъминланиш манбаи;
- товарни етказиб бериш шартлари ва мўлжалланган етказиб беришни бажариш муддатлари;
- сотиб олинадиган товарни энг юқори нархи (электрон савдолардан ташқари ҳолларда - ихтиёрий тарзда);

- савдо таклифларини қабул қилишнинг охирги муддати;
- савдо предметининг характеристикаси (спецификацияси);
- товарларни етказиб бериш жойи (манзили).

Бюджетдан маблағ олувчи савдо ўтказиш түғрисидаги эълон матнини ҳамда савдо (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш савдоларини ўтказишида) мақсади бўйича ҳужжатларни (лойиҳа-смета ҳужжатлари ва бошқалар) махсус ахборот порталига мустақил равишида жойлаштириш ҳуқуқига эга. Бюджетдан маблағ олувчилар савдо ўтказиш түғрисидаги эълон матнини махсус ахборот порталига мустақил жойлаштириш учун Ўзбекистон республика товар хом-ашё биржаси ва унинг худудий бўлимларидан (брокерлардан) ўрнатилган тартибда логин ва паролларни олишлари лозим.

Ўзбекистон республика товар хом-ашё биржаси томонидан бюджетдан маблағ олувчиларга логин ва пароллар берилиши ҳамда бюджетдан маблағ олувчилар томонидан савдо ўтказиш түғрисидаги эълонлар матни махсус ахборот порталига жойлаштирилиши бепул амалга оширилади.

Бюджетдан маблағ олувчилар савдо ўтказиш түғрисидаги эълонларда айрим турдаги товарлар бўйича битта эълон предметида бир нечта товарлар (иш, хизмат) рўйхатини кўрсатиши мумкин. Бунда, қуйидаги бир нечта товарлар бўйича умумлаштирилган ҳолда эълон берилиши мумкин:

- канцелярия маҳсулотлари;
- озиқ-овқат маҳсулотлари;
- дори-дармон воситалари (савдо ўтказиш түғрисида эълон берилган ҳолларда);
- таъмирлаш ишлари;
- бошқа бир типдаги товар(иш, хизмат)лар (Хукумат комиссиясининг ишчи органи билан келишилган ҳолда).

Бунда, бюджетдан маблағ олувчи бир нечта товарлар (иш, хизмат) рўйхатини эълон иловасида алоҳида кўрсатади.

Бюджетдан маблағ олувчи савдо ўтказиш тўғрисидаги эълон матнини маҳсус ахборот порталига агент орқали жойлаштириши мумкин. Бунда, бюджетдан маблағ олувчининг савдо ўтказиш тўғрисидаги эълон матни агент томонидан маҳсус ахборот порталига 1 кун ичида жойлаштирилиши лозим.

Бюджетдан маблағ олувчининг савдо ўтказиш тўғрисидаги ахборот порталига жойлаштирган эълони бўйича 30 кун давомида таклиф тушмаса, лекин бюджетдан маблағ олувчининг ўзи савдо ўтказиш тўғрисидаги эълонларни оммавий ахборот воситаларида (ихтисослашган журналлар, газеталар) жойлаштириши ёки товар (иш, хизмат) етказиб берувчиларни почта, телефакс ва бошқача шаклда хабардор қилиш натижасида З та ва ундан ортиқ тижорат таклифлари тушган бўлса, у ҳолда бюджетдан маблағ олувчи ахборот порталида қайта эълон бермасдан, ўзи танлов ўтказиши мумкин. Электрон савдоларда қатнашадиган эълон (талабномалар) бундан мустасно. Бюджетдан маблағ олувчилар ғазначилик бўлинмаларига шартномаларни рўйхатдан ўтказиш учун тақдим қилишда (қонунчиликда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно) ахборот порталига жойлаштирилган, савдо ўтказиш тўғрисидаги эълон ксеронусхасини илова қилган ҳолда тақдим қиласи.

*Электрон савдода қатнашиш тўғрисида эълон ва талабнома.*  
Бюджетдан маблағ олувчилар давлат харидлари бўйича Хукумат комиссияси белгилаган алоҳида маҳсулотлар (иш, хизмат) рўйхати бўйича бир шартнома суммаси 300 АҚШ долларидан 100 минг АҚШ долларигача тенг миқдордаги суммани ташкил этган харидлар бўйича товарларни (иш, хизмат) Ўзбекистон республика товар хом-ашё биржасининг электрон савдолари орқали сотиб оладилар.

Электрон савдо ўтказиш тўғрисидаги эълон маҳсус ахборот порталига фақатгина буюртмачининг агенти орқали жойлаштирилади ва

ушбу эълон ўз навбатида электрон тизимда талабнома кўринишида шаклланади. Электрон савдолар ўтказиш тўғрисидаги эълонда қўйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

- буюртмачининг номи ва манзили;
- савдолар мақсадини молиялаштириш манбаси;
- биринчи ва охирги савдо куни (савдо муддати);
- савдолар мақсадининг бошланғич нархи;
- савдолар мақсадининг характеристикиси (савдо мақсадининг спецификацияси);
- лотнинг миқдори;
- товарларни етказиб бериш муддати ва шарти;
- товарларни етказиб бериш жойи (манзили).

Бюджетдан маблағ оловчи бошланғич нархни интернет, маҳсус газета ва журналлар ва матбуотда чоп этилган бошқа товар (иш, хизмат) нархларидан ҳамда республика ички бозорларида (корхона ва фирмалар) нархлардан фойдаланган ҳолда мустақил белгилайдилар ва электрон савдоларда қатнашиш учун маҳсус ахборот порталида эълон берган кундан бошлаб 25 кун ичida Ўзбекистон республика товар хом-ашё биржасининг ҳисоб-китоб-клиринг палатасида иккинчи депозит ҳисобварақ тарзида очилган шахсий ҳисобварағига бошланғич нархнинг 0,05 фоизи миқдорида биржанинг воситачилик йигими сифатида аванс тўловини амалга оширади.

Бюджетдан маблағ оловчи тўлов топшириқномасининг “Тўловчининг номи” устунида ғазначилик бўлинмасининг номи, “Тўловчининг ҳисобрақами” устунида – тегишли ғазна ҳисобварағи, “Тўлов мақсади” устунида – бюджетдан маблағ оловчининг шахсий ҳисобварақ рақами ва бюджетдан маблағ оловчининг номи, бюджет таснифининг тегишли коди, тўловни ўтказишга асос бўладиган ҳужжатлар, тўлов мақсади, шунингдек давлат харидлари бўйича савдоларда қатнашиш учун гаров (залог) суммаси ўтказиладиган *ID* (шахсий ҳисобварақ) рақами (гаров (залог) суммаси

ўтказиш учун “ЎзРТХАБ” ОАЖ ҳисоб-китоб-клиринг палатасидан олинган ID ракам) кўрсатилади.

Агарда бюджетдан маблағ олувчининг Ўзбекистон республика товар хом-ашё биржасининг Ҳисоб-китоб-клиринг палатасида иккинчи депозит ҳисобварақ тарзида очилган шахсий ҳисобвараги биржа хизматини (бошланғич баҳо ҳисоб-китобидан) тўлаш учун етарли маблағ бўлмаса, бюджетдан маблағ олувчи томонидан маҳсус ахборот порталига эълон жойлаштирилган қундан бошлаб 25 кун ўтиши билан талабнома автомат тарзда ўчирилади.

Қоғоз форматдаги савдолар баённомаси биржа ёки биржанинг минтақавий савдо майдони ва етказиб берувчи (унинг агенти) томонидан икки нусхада имзоланиши керак, улардан бири буюртмачига (унинг агентига) берилади.

Буюртмачи ва савдоларда ғолиб чиқкан етказиб берувчи савдолар баённомаси асосида савдолар ғолиби аниқланган пайтдан бошлаб беш иш куни мобайнида ҳар бир лот бўйича алоҳида контракт тузиши шарт.

Бюджетдан маблағ олувчи томонидан маҳсус ахборот порталига (электрон савдо тизимиға) жойлаштирилган эълон (талабнома) бўйича товар (иш, хизмат) етказиб берувчилар битта ёки умуман таклиф тушмаган ҳолларда, савдо ўтказилмаган деб ҳисобланади ва бу тўғрисида савдо баённомаси (тиcket) нусхасини Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси ёки унинг ҳудудий бўлимлари 1 кун ичida тегишли бюджетдан маблағ олувчиларга ёки уларнинг агентларига тақдим қиласи.

Хулоса қилиб айтганда, давлат харидлари тизимини самарали ташкил этиш давлат харидларига кичик бизнес субъектларини янада кўпроқ жалб қилиш, давлат эҳтиёжлари учун товар ва хизматларни сотиб олишда мақбул нархларни қўллаш, пировардида бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, давлат маблағларининг мақсадсиз ишлатилишининг олдини олиш, бюджет харажатларининг самарали ижросини таъминлашга қаратилган.

## **Таянч сўз ва иборалар**

Биржа савдолари, тендер, очиқ тендер, ёпик тендер, товар-хом ашё биржаси, электрон аукцион савдолар, давлат хариди, буюртмачилар, етказиб берувчилар, махсус ахборот портали, лотлар, буюртмачиларни аккредитация қилиш, Ҳисоб-китоб-клиринг палатаси, Ҳукумат комиссияси, биржа электрон тизими.

## **Такрорлаш учун саволлар**

1. Давлат харидининг мазмуни, иқтисодиёт тараққиёти учун аҳамияти нималардан иборат?
2. Молия вазирлиги Ғазначилиги Давлат харидлари бўйича Ҳукумат Комиссиясининг ишчи органи этиб белгиланиш сабабларини тушунтиринг.
3. Давлат харидларига кичик бизнес субъектларини устувор даражада жалб қилиш механизми қандай?
4. Электрон аукцион савдоларни уюштириш тартиблари, унда бюджетдан маблағ олувчиларнинг иштирок этиш қоидалари тўғрисида нималар биласиз?

## **Мустақил ўрганиш учун топшириқлар**

1. Давлат харидлари тизимини тартибга солувчи меъёрий-хукукий базани акс эттирувчи тақдимот тайёрланг ва мазмунини ёритиб беринг.
2. Электрон аукцион савдоларда қатнашиш тартибини акс эттирувчи чизма тайёрланг ва изоҳлаб беринг.
3. Ҳорижий давлатларда давлат харидларини ташкил этиш амалиётини ўрганинг ва бу ҳақда мустақил таълим мажмуини яратинг.

## **Тест саволлари**

- 1. Электрон савдолар асосида харид қилишда бюджет ташкилоти кимга мурожат қиласди?**
  - A. брокерга
  - B. ғазначиликка
  - C. сотувчига
  - D. таъминотчига
- 2. Ғазначиликда ахборот-таҳлил бўлими нималарни амалга оширади?**
  - A. давлат харидининг ахборот базасини яратиш ва доимий янгилаш
  - B. Юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш
  - C. Шартномаларни рўйхатга олиш
  - D. давлат харидининг ахборот базасини яратиш
- 3. Биржада аккредитация тартиб-қоидасидан ўтган ҳамда буюртмачилар ва етказиб берувчиларга топшириқ шартномаси асосида уларнинг электрон аукцион савдоларда қатнашишини таъминлашга доир профессионал хизматлар кўрсатадиган юридик шахс:**
  - A. агент
  - B. буюртмачи
  - C. етказиб берувчи
  - D. ҳисоб-китоб-клиринг палатаси
- 4. Электрон аукцион савдоларда товар (ишлар, хизматлар)ни харид қилувчи юридик ёки жисмоний шахс:**
  - A. буюртмачи
  - B. агент
  - C. етказиб берувчи
  - D. ҳисоб-китоб-клиринг палатаси
- 5. Таклиф этилган шартларда ўзининг электрон аукцион савдоларда қатнашиш ва савдоларда ғолиб чиққан тақдирда товар (ишлар, хизматлар)ни етказиб бериш ниятини билдирган хўжалик юритувчи**

**субъект (шу жумладан юридик шахс ташкил етмаган якка тартибдаги тадбиркор):**

- A. етказиб берувчи
- B. агент
- C. буюртмачи
- D. ҳисоб-китоб-клиринг палатаси

**6. Биржанинг буюртмачилар ва етказиб берувчиларнинг аванс тўловларини депонентга қўйиш ва ҳисобга олиш йўли билан контрактлар бўйича мажбуриятларни бажаришга қодир бўлган буюртмачилар ва етказиб берувчиларни электрон аукцион савдоларга қўйиши таъминлайдиган таркибий бўлинма:**

- A. ҳисоб-китоб-клиринг палатаси
- B. агент
- C. буюртмачи
- D. етказиб берувчи

**7. Махсус ахборот порталидаги индивидуал саҳифа, унинг воситасида савдоларда қатнашиш учун зарур ахборотдан фойдаланиш таъминланади:**

- A. персонал кабинет
- B. тузилган контрактлар реестри
- C. контракт
- D. электрон тизим

**8. Буюртмачи электрон савдоларда қатнашиш учун махсус ахборот порталига қандай тартибда эълон жойлаштиради?**

- A. мустақил равища ёки агент орқали
- B. мустақил равища
- C. агент орқали
- D. мунтазам равища ойма-ой

**9. Электрон савдоларни ўтказиш тўғрисидаги эълон савдоларнинг ғолибини - етказиб берувчини аниқлаш санасидан камида неча кун олдин жойлаштирилиши шарт?**

- A. 30 кун
- B. 28 кун
- C. 25 кун
- D. 40 кун

**10. Электрон савдоларда қанча етказиб берувчи қатнашса, савдолар бўлиб ўтган деб хисобланади?**

- A. камида икки нафар
- B. камида уч нафар
- C. камида бир нафар
- D. камида беш нафар

**11. Агар электрон савдоларда икки нафардан кам етказиб берувчи қатнашса, савдолар ғолиби аниқланмайди ва савдолар неча кунга узайтирилади:**

- A. 10 кунга
- B. 15 кунга
- C. 20 кунга
- D. 25 кунга

**12. Давлат харидлари бўйича Ҳукумат комиссиясининг ишчи органи:**

- A. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги
- B. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
- C. Ҳисоб-китоб-клиринг палатаси
- D. Биржа

## **11-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ҒАЗНАЧИЛИК ТИЗИМИ ТАРАҚҚИЁТИ ИСТИҚБОЛЛАРИ**



### **11.1. Ғазначилик ягона ахборот тизимининг шаклланиши ва такомиллашуви**

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бюджет тизими ва бюджет жараёнини бошқаришнинг автоматлаштирилган ахборот тизимларини жорий этиш ва ривожлантириш ушбу мамлакатларда иқтисодий барқарорликни таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлиб келмоқда. Бюджет тизими катта ҳажмдаги ахборот оқимлари кесишуvinинг маркази ҳисобланади. Бюджет жараёниning ахборот оқимлари оқилона бошқарув қарорларини қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилгани ҳолда, уларни соддалаштирилган тарзда қайта ишлаш ва автоматлаштириш учун бир тизимга солиш ва тартибга келтириш талаб этилади. Шу сабабли мамлакатимиз ҳуқумати томонидан бу муаммонинг муҳим ижтимоий-иктисодий аҳамиятга эга эканлигини инобатга олиб, давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизимини шакллантириш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинган ва маҳсус дастурлар ишлаб чиқилган.

*Автоматлаштирилган ахборот тизими* бу ахборотларни тезлик билан қайта ишлаш учун мўлжалланган иқтисодий-математик методлар, моделлар, дастурлар ва технологик воситалар йиғиндисидир.

Бюджет жараёнини бошқаришнинг автоматлаштирилган ахборот тизимлари реал вақт режимида бюджет жараёни (шу жумладан, бюджет ижроси) ахборот оқимларининг комплекс ҳисобини олиб бориш ва иқтисодий таҳлилини амалга ошириш имконини берали, маълумотларнинг

хаққонийлиги ва тезкорлигини оширади ва оператив тарзда тегишли оқилона бошқарув қарорларини қабул қилишга имкон яратади.

Табиийки, мамлакатимизда бюджет жараёнини бошқаришнинг автоматлаштирилган ахборот тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш босқичма-босқич амалга оширилаётган бўлиб, бюджет жараёнини бошқаришни тўлиқ автоматлаштириш, яъни реал вақт (он-лине) режимида бюджет жараёни ахборот маконини яратиш мақсад қилиб қўйилган.

Бюджет жараёнини бошқаришни автоматлаштиришнинг дастлабки босқичида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларида “Глобал интеграциялашган ахборот тизими” (ГИАТ) ва “Ахборотни қайта ишлаш корпоратив ахборот тизими” дастурлари қўлланиб келинган. Бу дастурларнинг асосий мақсади қўл меҳнатини камайтириш билан бир қаторда, ишончсиз маълумотлар билан боғлиқ бўлган хатолар сонини камайтиришга қаратилган. Бу дастурлар молия органларининг тор доирадаги вазифаларини қамраб олганлиги, бюджет ташкилотларининг харажатлар сметалари ва бошқа молиявий режалар ва ҳужжатлар кўрсаткичларини компьютерда жамлашга мўлжалланганлиги, дастурлар мажмуалари уйғунлаштирилмаганлиги, маънавий ескирган содда технологияларга асосланганлиги, бюджет жараёнининг барча босқичларини қамраб олиш имкониятининг йўқлиги билан хусусиятланади.

Мамлакатимизда Давлат молиясини бошқариш(ДМБ)ни ислоҳ этиш стратегиясининг асосий йўналишларидан бири – давлат бюджети ғазна ижросининг автоматлаштирилган ахборот тизимини яратиш ва такомиллаштириш ҳисобланади. Бу стратегик вазифани бажариш мақсадида “Давлат бюджетининг ғазна ижроси” дастурий мажмуаси яратилди ва бугунги кунда у давлат бошқарувининг барча погоналарида бюджет ижросини бошқаришнинг самарали ва истиқболли автоматлаштирилган ахборот тизимига айланиб бормоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Осиё тараққиёт банки иштирокида “Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2007 йил 1 ноябрдаги ПҚ-721-сонли Қарорига мувофиқ равишда мамлакатимиз ҳудудларида “Давлат молиясини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш” лойиҳаси муваффақиятли амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳа негизида амалдаги давлат молия тизимининг фаолиятини қамраб олувчи информацион тизимни такомиллаштириш кўзда тутилган.

2009-2012 йиллар мобайнида номи юқорида зикр этилган қарорга мувофиқ (ПҚ-721-сонли) мамлакатимизда “Давлат молия тизимини бошқаришнинг информацион тизими” деб номланган замонавийлаштирилган амалий дастур билан таъминлаш режалаштирилди. Мазкур дастурнинг амалга тадбиқ этилиши орқали бутун республикамиз ҳудудида давлат бюджетининг ғазна ижросини таъминлаш билан боғлиқ барча жараёнларни қамраб олиш имконияти яратилмоқда.

Айни вақтда бюджет тизими бюджетларининг барчаси учун бирдек очик бўлган транзит тарзида харакатланиши мумкин бўлган даромад (тушум)лар кирим қилинадиган маҳсус ҳисобрақамлар ёпилиб, уларнинг ўрнига “Давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизими” (ДМБАТ) мажмуавий дастури бўйича давлат бюджетининг даромадлар қисмига келиб тушадиган тушумлар учун алоҳида шахсий ҳисобрақамларнинг очилиши жорий этилди.

Молия вазирлиги Ғазначилиги ҳамда унинг жойлардаги ҳудудий бўлинмаларининг функционал фаолиятини амалий ва норматив-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш учун тегишлича шарт-шароитлар яратилмоқда. Молия вазирлиги Ғазначилиги ўз зиммасига юклатилган функционал фаолиятни амалга оширишида жорий қонунчилик талабларига, шунингдек, айни турдаги фаолиятга тааллуқли жаҳон стандартлари (МСБГУС, РСГФ-2001)га мувофиқ иш юритилиши таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг ташкилий тузилмалари “Давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизими” (ДМБАТ) мажмуавий дастурининг амалиётга бевосита тадбиқ этилиш вақтига келиб маълум даражада оптималлаштирилди. Шу мақсадда мавжуд тизим негизида моддий-техник, информацион ва кадрлар билан таъминланиш жиҳатидан муайян янгиланишлар қилинди.

“Давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизими” (ДМБАТ) мажмуавий дастурининг турли модуллари орасида тегишли информациялар билан алмашинув жараёнлари модуллараро механизмлар ёрдамида амалга оширилади. Ушбу механизмлар пакетнинг ўзак қисмида ҳамда модуль тизимининг алоҳида созлаш тизимларида жойлаштирилган. Модул пакетининг ўзак қисми норматив-справочник типидаги информатив блокка ҳам эга. Ушбу информатив блок негизида бажариладиган операциялар классификатори, Ғазначилик ҳамда банк бўлинмалари ҳақидаги справочникларда сақлаб қўйилади.

“Даромадларни бошқариш” модули ёрдамида давлат бюджетига келиб тушадиган солик тўловлари ва бошқа хил мажбурий тўловларнинг турлари ва уларнинг қайси бюджет бўғинига туширилиши лозимлигига қараб рўйхатга олиб бориш, белгилаб қўйилган нормативларга мувофиқ турли даражали бюджетларга тушириладиган маблағларнинг кундалик тақсимланиши ҳақида маълумотлар олиш, ягона ғазна ҳисобрақами (ЯФҲР)га тушаётган маблағлар ҳақидаги кундалик маълумотларни жамлаш, бюджетга кундалик келиб тушган солик тўловлари ва уларнинг тақсимоти ҳақида маълумотлар билан танишиб бориш мумкин бўлади.

Давлат бюджетининг даромадлар қисмига тушадиган маблағлар жумласига амалдаги қонунчилик меъёрларига мувофиқ жорий этилган солик тўловлари ҳамда бошқа хилдаги мажбурий тўловлар (улар ҳақидаги тўлиқ маълумот ДМБАТ дастурий мажмуанинг справочникларида сақланади) киритилади. Солик тўловчи субъектлар бюджетга тўланадиган тўловларни барча банк бўлинмаларида амалга оширишлари мумкин, ўз

навбатида мазкур банк бўлинмалари қабул қилинган маблағларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳридаги Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб касса маркази (ҲКМ) да очилган ЯFXРга тегишли маҳсус ҳисобрақамига ўтказиб беради. Бюджетга тўланадиган тўловлар нақд пул кўринишида ёки пул ўтказиш йўллари билан амалга оширилиши мумкин. Тўлов операциялари пул ўтказиш йўли билан бажарилганида зиммасидаги мажбуриятларини бажарувчи субъектнинг зарур реквизитлари (даромадлар кирим қилинадиган шахсий ҳисобрақамининг коди, солиқ тўловчининг идентификацион рақами (ИНН), кирим операцияларининг администратори (ДСИ, Божхона органи)нинг коди, тўловлар қачон амалга оширилганлиги ҳақидаги маълумот, ЯFXРнинг ҳисоб-китоб рақами очилган агент-банкнинг коди) акс эттирилиши шарт.

Молия вазирлиги Ғазначилигининг бўлинмалари “Даромадларни бошқариш” модулининг созворчи механизмларига, қандай иш тартибига созланганига қараб, агент-банк берадиган маълумотларни автоматик тарзда ёки механик тарзда бажариладиган операциялар ёрдамида қабул қилиб олиб, сўнгра олинган маълумотлар тегишли тартибда ишланганидан кейин турли даражали бюджетлар бўйича тақсимлаб берадилар. Тушган даромадларни турли даражали бюджетлар ўртасида тақсимлаб бериш операцияси амалдаги қонунчиллик меъёрларига мувофиқ даромадларни бюджетлар ўртасида тақсимлаш нормативларига асосланиб тайёрланган маҳсус справочникларга таянган ҳолда автоматик тарзда бажарилади.

Давлат бюджетининг кирим қисмига тушириладиган маблағларни турли даражали бюджетлар ўртасида тақсимлаб бериш жараёнлари амалдаги нормативларга мос равишда бажарилиши, шунингдек, “ДМБАТ” мажмуавий дастурининг тегишли справочниклари бўйича тўланиши лозим бўладиган солиқ суммаларини тўғри белгилаб берилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш учун Ғазначиликнинг бўлинмаларида масъул ходимлар

тайинланиб, улар норматив-справочник материаллариға тааллуқли ўзгаришларни мунтазам равишида кузатиб бориши лозим.

Давлат бюджетининг кирим қисмига тушадиган маблағлар Газначиликнинг ЯFХРга келиб тушгани ҳақида маълумот олинганидан кейин тўпланган барча даромадлар суммаси ҳақидаги маълумотлар генерацияланиб (бир ерга жамланиб), таҳлил қилинади ва шундан кейин жамланган маблағлар даражасига қараб тегишли бюджетлар ўртасида тақсимланадиган бюджет маблағлари миқдори аниқланади, бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича муайян операциялар бажарилади, автоматик тарзда Газначиликнинг ЯFХРга келиб тушган абсолют суммалар ҳамда ҳар хил бюджетларга ажратилган маблағлар ҳақидаги маълумотлар шакллантирилиб сақлаб қўйилади.

Ушбу модуль Газначиликнинг ЯFХРга келиб тушган маблағларни қайд қилиш ва улар билан боғлиқ турли хил касса операцияларини бажариш бўйича қуидаги вазифаларни бажаришга имкон беради:

- Газначиликнинг ЯFХРга келиб тушган киримлар ҳисобини юритиш (жумладан, кундалик тартибда ЯFХга келиб тушган суммалар ҳамда турли хил бюджетларга қаердан ва кимнинг номидан келгани аниқланмаган маблағлар ҳақидаги тегишли маълумотларни таҳлил қилиш ва ишлаш);
- белгиланган меъёрдан ортиқ миқдорларда илгарироқ бюджетга ўтказилган маблағларни қайтариб бериш ҳамда турли хил бюджетларга қаердан ва кимнинг номидан келгани аниқланмай қолган маблағларни эгасини аниқлаб қайтариб бериш;
- солиқнинг бирон бир тури бўйича белгиланган меъёрдан ортиқ миқдорларда бюджетга ўтказилган маблағларни бошқа турдаги солиқ тўловлари бўйича мавжуд қарздорлик ҳисобига ўтказиб тафовут ўрнини қоплаш (амалда бўлган турли хил солиқ тўловлари бўйича баланс ҳосил қилишга хизмат қиласди), шунингдек, таснифланиб улгурилмаган киримларни турли хил даражадаги бюджетларга ажратиб бериш.

- мамлакат миқёсида йигиладиган солиқ ва бошқа хилдаги мажбурий түловларни турли даражадаги бюджетларга ўтказиб бериш имконини беради; энг муҳими, тўпланадиган маблағларни бир хилда қуи даражали бюджетдан юқоридагисига ва аксинча, юқори даражадаги бюджетдан қуи даражадаги бюджетларга ўтказиб бера олади;
- ўзаро ҳисоб-китобларни қайд этиш асосида барча касса операциялари ҳақидаги маълумотларни жамлаш учун қулайлик туғдиради, бундай имкониятнинг яратилиши оқибат натижада аниқ мақсадга йўналтирилган лойиҳалар бўйича харажатларни амалга ошириш вақтида томонларнинг ўзаро ҳисоб-китобларини қайд этиш имконини беради;
- дастур иш жараёнида йўл қўйилган хато ва камчиликларни аниқлаб тузатиш имконини ҳам беради;
- бюджетга келаётган киримларни ҳамда уларни қайтариб бериш билан боғлиқ касса операциялари бўйича турлича ҳисоботлар тайёрланади, шуни ҳисобга олиб, турли хил ҳисоботларни тайёрлаш мумкин бўлади;
- модуль тизими негизида норматив-справочник маълумотларини ўрнатиш ва созлаш имконини беради (ушбу модуль асосидаги функционал вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши учун юқорида айтиб ўтилган справочниклар тизимга киритиб қўйилиши керак);
- модуль тизими негизида мемориал ордерлар ҳақидаги (жумладан, аналитик бухгалтерия ҳисобларига оид ёзувлар қайд этиладиган жамланган (йигилган, терма) мемориал ордерларнинг тузилган вақти, қайд қилиш рақами ҳақидаги тегишли маълумотларни) справочник ўрнатилиши мумкин бўлади;
- бухгалтерия ҳисоблар режасининг тузилиши билан боғлиқ жараёнлар (хусусан, бюджетнинг кирим қисми бўйича ҳисобга олинадиган барча касса операцияларини бажаришга доир турли хилдаги аналитик материалларнинг рўйхати)га оид расмий ёзишма материаллари бўйича справочник ўрнатишга имкон беради.

Тизим бўйича турли хил маълумотларни қабул қилиб олиш ҳамда масофага узатиш учун маҳсус “*Маълумотларни қабул қилиб улар билан ишилаш, узатиш*” деб номланган модуль ҳам яратилган. Ғазначиликнинг турли бўлинмалари ҳамда агентлик вазифасини бажарувчи банк тизими ўртасида оператив тарзда керакли маълумотлар билан алмашинув жараёнини йўлга қўйиш учун маҳсус коммуникация тизимлари ёрдамида ёхуд курерлар воситасида таъминланадиган алоқа тизими ўрнатилиши керак. Бундай алоқа тизимидан фойдаланиш вақтида агентлик вазифасини бажарувчи банк томонидан ёзиб бериладиган расмий ҳужжатларнинг кўчирма нусхаси Ғазначиликка электрон вариантда юборилади. Айни вақтнинг ўзида агентлик вазифасини бажарувчи банк томонидан ёзиб бериладиган расмий ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини жамлаб қўйиладиган, ҳаракати назорат қилинадиган ва ўзаро алоқадорлик муносабатларида бўлган ҳар икки томондан юбориладиган расмий ҳужжатлар жумласига автоматик тарзда киритилади. Юқорида айтиб ўтилган операцияларнинг автоматик тарзда бажарилишини “*Маълумотларни қабул қилиб улар билан ишлаш, узатиш*” деб номланган модуль таъминлаб беради.

Давлат бюджетининг даромад ва харажатлари моддалар бўйича амалга оширилган касса операцияларига асосланиб “*Бош китоб*” деб номланган модуль томонидан Ғазначиликда юритиладиган Бош китобда қайд этилиши учун алоҳида маълумот тайёрланади. Бу хилдаги маълумотлар ҳар куни кун давомида мунтазам равишда Ғазначиликка юбориб турилади. Ғазначилик таркибига кирувчи барча бўлинмалардан керакли маълумотларни йиғиб олганидан кейин ҳар кун давомида бир маротабадан жамланган маълумотлар Бош китобда қайд этилади ва бажарилган ишлар асосида жойларга тасдиқланган маълумотлар юборилади. Яратилган модуль коммуникация тизимидағи алоқалар нисбатан ёмон ишлаганида, Ғазначиликнинг ҳудудий бўлинмаларидан

юбориладиган маълумотларнинг келиши нисбатан суст кечганида ҳам бир маромда ишлаб туришга қодир.

Ғазначиликнинг ҳар бир ҳудудий бўлинмасидан келадиган, у ерда амалга оширилган касса операциялари ҳақидаги маълумотларга асосланиб ҳисботларни генерацияловчи алоҳида модуль ёрдамида ҳар хил ҳисботлар (бюджетнинг даромад қисмига келиб тушган тушумлар, даромадларнинг турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимланиши, бюджетнинг харажат қисми бўйича амалга оширилган операциялар, бюджетдан харажатлари амалга оширилган лойиҳалар, шунингдек, ҳар қандай йифма ва консолидацияланган ҳисботлар) тайёрлаш имконияти бўлади. Тадбиқ этилаётган информацион тизим юкорида айтиб ўтилган асосий функциялардан ташқари, бюджетдан харажатлари амалга ошириладиган ташкилотларга бюджетдан ташқари манбалардан ажратиб бериладиган маблағларнинг қабул қилиниши ва сарфланиши ҳақидаги тўлиқ маълумотларни автоматик тарзда ҳисобга олиб кейинчалик назорат қилиб боришга имконият яратиб беради.

## **11.2. Ғазначилик шароитида бюджет таснифининг такомиллашуви**

Маълумки, бюджет қурилиши мамлакатнинг давлат бюджети ва бюджет тизимини, унинг бўғинлари ўртасидаги бюджетлараро муносабатларни ташкил қилиш шаклларини, бюджет таснифини, бюджет тизимиға кирадиган барча даражадаги бюджетлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини, бюджет маблағларини шакллантириш ва сарфлашдаги тартиб-қоидалар ва бошқаларни белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 7-моддасида қайд этилган *бюджет тизимининг ягоналиги* тамойилига мувофиқ, барча даражадаги бюджетларни шакллантириш ва ижро этишда ягона бюджет таснифи қўлланилади. Барча даражадаги бюджетларнинг даромадлари ва

харажатлари таснифлаш объектларига тегишли рақам(код)лар бериш билан гурухланади ҳамда тасниф кўрсаткичлари доирасида шакллантирилади ва ижро этилади.

Бюджет таснифи давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари ҳамда улардан маблағ оловчи ташкилотларга қўлланилади ҳамда давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро қилиш, шунингдек давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлаш мақсадида фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 11 октябрда 2146-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқнома”га мувофиқ, янги бюджет таснифи 2011 йил 1 январдан амалга киритилди.

Ушбу йўриқномага кўра, *бюджет таснифи* Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари тузилмасига кирувчи бюджетлар даромадлари ва харажатларини, шунингдек унинг тақчиллигини молиялаштириш манбаларининг гурухланиши бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- давлат бюджети даромадларининг таснифи;
- давлат бюджети харажатларининг вазифа жиҳатидан, ташкилий ва иқтисодий таснифи;
- давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбалари таснифи.

Бюджет таснифи давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ҳамда ижро этиш мақсадида бюджет маълумотларини тизимга солиш учун фойдаланилади ва бюджет маълумотларининг халқаро тасниф тизимларининг айнан шундай маълумотлари билан қиёсланишини таъминлайди.

Бюджет таснифини тузишнинг *асосий тамоийлари* қуйидагилар ҳисобланади (11.1-расм):

- бюджет таснифи бюджет жараёнининг барча иштирокчиларини қамраб олиши шарт

**тўлиқлилик**



- бюджет таснифи бюджет жараёнининг барча иштирокчилари учун ягона бўлиши шарт

**ягоналик**



- бюджет таснифининг кодлари бир вақтнинг ўзида бюджет жараёнининг ҳар хил операцияларини акс эттириш учун кўлланилмаслиги керак, бюджет таснифининг ҳар бир коди ўзига хос бўлиши шарт

**ўзаро  
мувофиқлик**



### ***11.1-расм. Бюджет таснифини тузишнинг асосий тамойиллари<sup>1</sup>***

- *тўлиқлилик* – бюджет таснифи бюджет жараёнининг барча иштирокчиларини қамраб олиши шарт;
- *ягоналик* – бюджет таснифи бюджет жараёнининг барча иштирокчилари учун ягона бўлиши шарт;
- *ўзаро мувофиқлик* – бюджет таснифининг кодлари бир вақтнинг ўзида бюджет жараёнининг ҳар хил операцияларини акс эттириш учун кўлланилмаслиги керак, яъни бюджет таснифининг ҳар бир коди ўзига хос бўлиши шарт.

*Давлат бюджети даромадларининг таснифи* барча даражадаги бюджетлар даромадлари, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари даромадларининг гурухланишидан иборат.

21 коддан иборат бўлган даромадлар таснифи тузилмаси тўрт қисмли кўринишга эга:

- маблағлар манбаси ва бюджетлар даражаси таснифи;
- даромадлар тури;
- худудий тасниф.

Даромадлар таснифи тузилмаси қуйидаги кўринишга эга:

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексига кўра

Маблағлар манбаси ва бюджетлар даражаси таснифи				Даромадлар тури			Ташкилий тасниф		Худудий тасниф	
x	xxx	x	x	x	xxx	xxx	xxx	xx	xxx	

Давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизими (ДМБАТ) татбиқ этилгунига қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тузишда фақатгина “Даромадлар тури” коди қўлланилади.

*Маблағлар манбаси ва бюджетлар даражаси таснифи* (1–6 кодлар) бюджетга тушаётган даромадларни тегишли маблағлар манбаси ва бюджетлар даражаларига (тегишли бюджет даражасига, давлат мақсадли жамғармаси турига ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари даромадлари турига) мансублигини аниқлаш мақсадида қўлланилади.

7 та рақамли даромадлар тури (7–13 кодлар) қуйидагилардан иборат:

- бўлим;
- параграф;
- даромад тури.

Бўлим даромадларни уларнинг олиш манбалари бўйича гурухланишини билдиради, масалан:

- 3 100 000 “Соликлар”;
- 3 200 000 “Ижтимоий эҳтиёжларга ажратмалар/бадаллар”;
- 3 300 000 “Грантлар”;
- 3 400 000 “Бошқа даромадлар”;
- 3 500 000 “Актив ва мажбуриятларга транзакциялар бўйича тушумлар”.

Параграф солиқ ёки бошқа турдаги даромадларни солиққа тортиш базаси бўйича даромадларнинг гурухланишини билдиради.

1. “Соликлар” (3 100 000) қуйидаги параграфларни ўз ичига олади:

- 3 110 000 “Даромад, фойда ва капитал ўсишига солиқлар”;
- 3 130 000 “Мол-мулкка солинадиган солиқ”;
- 3 140 000 “Товарлар ва хизматларга солиқлар”;
- 3 150 000 “Халқаро савдо ва операцияларга солиқлар”;
- 3 160 000 “Бошқа солиқлар”;

2. “Ижтимоий әхтиёжларга ажратмалар/бадаллар” (3 200 000)

3 210 000 “Ижтимоий таъминотга ажратмалар/бадаллар” параграфини ўз ичига олади.

3. “Грантлар” (3 300 000) қуидаги параграфларни ўз ичига олади:

- 3 310 000 “Хорижий давлатлар ҳукуматларидан”;
- 3 320 000 “Халқаро ташкилотлардан”;
- 3 330 000 “Давлат бошқаруви секторининг бошқа бирликларидан”.

4. “Бошқа даромадлар” (3 400 000) қуидаги параграфларни ўз ичига олади:

- 3 410 000 “Мол-мулқдан даромадлар”;
- 3 420 000 “Товарлар ва хизматлар сотилиши”;
- 3 430 000 “Жарималар, пенялар ва неустойкалар”;
- 3 440 000 “Ихтиёрий трансферлар, грантлар бундан мустасно”;
- 3 450 000 “Аниқлаб бўлмайдиган ва бошқа даромадлар”.

5. “Актив ва мажбуриятларга транзакциялар бўйича тушумлар” (3 500 000) қуидаги параграфларни ўз ичига олади:

- 3 510 000 “Транзакциялардан активларга тушадиган тушумлар”;
- 3 520 000 “Мажбуриятларга транзакциялар бўйича тушумлар”.

Тегишли бўлим ва параграфнинг янада деталлаштирилиши ва тавсифи 2146-сонли “Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифини кўллаш бўйича йўриқнома”нинг 2-иловасига мувофиқ даромадлар тури бўйича амалга оширилади.

Тегишли бюджетнинг даромадлар ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар даромадлар таснифининг мумкин бўлган барча элементларини қўллаган ҳолда шакллантирилади.

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари ўртасидаги бюджет даражалари бўйича тушумларнинг тақсимланиши қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

*Ташкилий тасниф* (14–16 кодлар) бюджетга тушаётган даромадларни уларни бошқарувчи тегишли ташкилотларга (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва ш.к.) тегишли эканлигини аниқлаш мақсадида қўлланилади ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича юқори (қуий) бюджетнинг қуий (юқори) бюджет олдидағи мажбуриятининг қайтарилиши ҳисобига қуий бюджетларга дотация, субвенция, бюджет ссудалари ва маблағлари келиб тушганда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига бириктирилган коддан фойдаланилади.

*Худудий тасниф* (17–21 кодлар) тушаётган даромадларни мазкур даромадларни тўлаётган тегишли худудларга мансуб эканлигини аниқлаш мақсадида қўлланилади.

*Харажатлар таснифи.* Давлат бюджети, давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар харажатлари таснифи барча бюджет даражалари харажатлари гурухланишини ўзида ифодалайди ҳамда давлат бошқаруви ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш сектори бирликлари асосий функцияларини бажаришга, ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал қилишга бюджет маблағларининг йўналтирилишини акс эттиради.

Харажатлар таснифи қуидагилардан иборат:

- маблағлар манбаси ва бюджетлар даражаси таснифи;
- худудий тасниф;

- харажатларнинг вазифа жиҳатидан таснифи;
- харажатларнинг иқтисодий таснифи;
- харажатларнинг иқтисодий таснифи (харажатлар гурӯҳи бўйича);
- ташкилий тасниф;



### **11.2-расм. Харажатлар таснифининг гурӯҳланиши**

Харажатлар таснифи тузилмаси қўйидаги кўринишга эга:

Маблағлар манбаси ва бюджетлар даражаси таснифи				Харажатларнинг вазифа жиҳатдан таснифи			Ташкилий тасниф		Харажатларнинг иқтисодий таснифи			Ҳудудий тасниф	
x	xxx	x	x	x	xxx	xxx	xxx		xx	xx	xxx	xx	xxx

ДМБАТ тўлиқ татбиқ этилгунига қадар харажатлар сметасини ва харажатлар сметаси ижроси тўғрисидаги ҳисоботни (давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботни қўшган ҳолда) тузишда “Харажатларнинг вазифа жиҳатдан таснифи”, “Ташкилий тасниф” ва “Харажатларнинг иқтисодий таснифи” кодлари қўлланилади.

Маблағлар манбаси ва бюджетлар даражаси таснифи (1–6 кодлар) амалга оширилаётган харажатларнинг қайси маблағлар манбаси ва

бюджетлар даражасига (тегишли бюджет даражасига, давлат мақсадли жамғармаси турига ва ш.к.) мансублигини аниқлаш мақсадида кўулланилади.

Харажатларнинг вазифа жиҳатдан таснифи (7–13 кодлар) барча бюджет даражалари харажатлари гурухланишини ўзида ифодалайди ҳамда давлат бошқаруви ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш сектори бирликлари асосий функцияларини бажаришига, ижтимоий-иктисодий вазифаларни ҳал қилишига бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни йўналтирилишини акс эттиради.

Харажатларнинг вазифа жиҳатдан таснифи икки даражадан иборат:

Вазифа жиҳатдан таснифнинг биринчи даражаси (бўлимлар) давлатнинг асосий вазифасини бажариш учун молиявий ресурсларнинг йўналишини акс эттиради. Кичик бўлимлар вазифа жиҳатдан таснифнинг иккинчи даражаси ҳисобланиб, давлат вазифаларининг бажарилишида бюджет маблағларининг бўлимлар доирасидаги йўналишини аниқлаштиради.

Вазифа жиҳатдан таснифнинг кичик бўлимларининг тузилиши давлатнинг асосий вазифаларини аниқлаштириш тамойилига асосан қурилган.

Вазифа жиҳатдан таснифнинг коди 7 та рақамдан иборат бўлиб, шундан 4 та рақам – бўлим, 3 та рақам эса – кичик бўлимдир.

Вазифа жиҳатдан таснифнинг бўлимлари ва кичик бўлимлари ягона бўлиб, бюджет жараёнининг барча иштирокчилари томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетини тузишда, тасдиқлашда ва ижро қилишда фойдаланилади.

Иктисодий харажатлар таснифи Ўзбекистон Республикаси барча даражадаги бюджетлари харажатларини хўжалик белгиларига, ишлаб чиқариш элементларига кўра фарқлашни назарда тутади, давлат бошқарувида амалга оширилаётган харажатларнинг иктисодий мазмунидан келиб чиқиб бюджет харажатлари йўналишларини белгилаб

беради. Давлат бюджетининг иқтисодий харажатлар таснифининг тузилмаси қўйидаги кўринишда бўлади:

Тоифа	Модда ва кичик модда	Элемент
xx	xx	xxx

Иқтисодий харажатлар таснифи тоифалар, моддалар ва кичик моддалар кодларини ўз ичига олган 7 рақамдан иборат.

- тоифа – 2 та рақам;
- модда – 1 та рақам;
- кичик модда – 1 та рақам;
- элемент – 3 та рақам.

*Мисол учун:* 41 00 000 “Ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш” тоифаси меҳнат қонунчилигига мувофик бюджет ташкилотлари ишчиларига бажарган (бажарилаётган) ишига пул ёки натура кўринишда тақдирлаш лозим бўлган харажатларни акс эттиради. Мазкур тоифага ижтимоий сугурта дастурига ишчилар номидан иш берувчиларнинг амалга оширадиган “Иш ҳақи” (41 10 000) ва “Ижтимоий эҳтиёжларга ажратмалар/бадаллар” (41 20 000) моддалари киради.

41 10 000 “Иш ҳақи” моддаси иш берувчи томонидан давлат хизматчиларига бериладиган барча тўловларни ўз ичига олади ва унга 41 11 000 “Пул шаклидаги иш ҳақи” кичик моддаси ҳам киради.

41 11 000 “Пул шаклидаги иш ҳақи” кичик моддаси қўйидаги элементлардан иборат: 41 11 100 “Асосий иш ҳақи”, 41 11 200 “Иш ҳақига устама ва қўшимча тўловлар”, 41 11 210 “Умумтаълим, ўрта маҳсус, касбхунар таълими муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг Директор жамғармаси маблағлари”, 41 11 220 “Тиббиёт ташкилотлари ходимларига устама ва қўшимчалар”.

*Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштиришманбалари таснифи.* Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбалари

таснифи уларни молиялаштиришнинг *ички ва ташқи манбалари* бўйича гурухланишидан иборат.

Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбалари таснифи куйидагилардан ташкил топади:

- бўлим;
- параграф.

Бўлим – давлат бюджети тақчиллигини уни молиялаштириш манбалари бўйича гурухланишидан иборат.

Параграф – давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш турлари бўйича гурухлашдан иборат.

Хулоса қилиб айтганда, бюджет амалиётида амалга оширилаётган тадбирлар амалдаги бюджет таснифини ҳам такомиллаштиришни тақозо этади. Ғазначилик тизими самарали фаолият қилиши учун бюджет даромадлари ва харажатларининг мукаммал ишлаб чиқилган функционал ва иқтисодий таснифи бўлиши лозим. Давлат маблағлари билан амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерия ҳисобини банк тизимидан Ғазначиликка ўtkазилиши билан барча операциялар ягона Ғазначилик тизимининг Бош китобида акс эттирилади. Бунда консолидациялашган бюджетни ижро этишда, давлат молияси билан амалга ошириладиган барча жараёнларни ўз вақтида ва аник ҳисобини юритишда Ғазначиликнинг ҳисоб-китоб счёtlари бюджет даромадлари ва харажатларининг таснифлаш тизимига мос келиши керак бўлади. Бундан ташқари, Ғазначиликнинг маълумотлар базасида барча маълумотлар бюджет таснифига асосан гурухланади.

### **11.3. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритишининг “ЎзАСБО” автоматлаштирилган тизими хусусиятлари**

Давлат бюджетини ижро этиш жараёнида бўладиган бюджет операциялари ҳисоби, юклатилган вазифалардан келиб чиқсан ҳолда, бухгалтерия ҳисобининг қуидаги турларига бўлинади:

- бюджет (давлат бюджети (республика ва маҳаллий бюджетлар), давлат мақсадли жамғармалари) ижроси операциялари ҳисоби;
- бюджет ташкилотлари харажатлар сметасини ижро этиш операциялари ҳисоби.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 24-боб, 161-моддасига кўра, *бюджет ҳисоби* бюджет тизими бюджетларини ижро этишда ҳисобга олинадиган, пулда ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг, шунингдек мазкур активлар ва мажбуриятларни ўзгартирувчи операцияларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни тўплаш, рўйхатдан ўтказиш ва умумлаштиришнинг тартибга солинган тизимиdir.

*Бюджет ҳисоботи* бюджет ҳисоби маълумотлари асосида белгиланган шакллар бўйича тузиладиган активлар ва мажбуриятларнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотларнинг умумлаштирилган тизимиdir.

Бюджет ҳисоби ва бюджет ҳисботининг ягона методологияси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Бюджет Кодекси, Бюджет ҳисобининг стандартлари, шунингдек бошқа қонун хужжатларига мувофиқ белгиланади. Бюджет ҳисобининг стандартлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Бюджет тизими бюджетлари ижросининг бюджет ҳисоби:

- молия органлари;
- ғазначилик бўлинмалари;
- давлат солик хизмати органлари ва божхона органлари;
- бюджет ташкилотлари;

– давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан юритилади.

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси бўйича бюджет ҳисоби касса усули бўйича юритилади.

Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш стратегияси қатор йўналишлар билан биргаликда, янги бюджет таснифи ва бухгалтерия ҳисобининг янги ҳисоблар режасига асосланган ягона бюджет ва ҳисоб тизимини йўлга қўйишни назарда тутади. Бу стратегик вазифани бажариш доирасида бюджет ҳисобининг ва бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг янги, такомиллашган ва компьютерлашган тизими босқичма-босқич татбиқ этилмоқда. Бу вазифаларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2013 йил 30 апрелдаги 63-сонли “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тизимида ҳамда бюджет ташкилотларида замонавий ахборот коммуникация технологияларини янада такомиллаштириш ва жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги буйруғига мувофик, Молия вазирлигининг тегишли тузилмаларига қўйидаги вазифалар юклатилди:

- 2013 йил 1 июлгача муддатда “ЎзАСБО” Компьютер дастури (КД) ни пухта ишлаб чиқиши;
- 2013 йил 1 октябргача бўлган муддатда штат, тармоқ кўрсаткичлари, бинолар, иншоотлар ва қуввати кўрсаткичлари ва бюджет ташкилотларининг бошқа зарур параметрларини шакллантиришни назарда тутувчи “Паспортизация” модулинни ишлаб чиқиш ва киритиш, доимийлик асосда “ЎзАСБО” КД модулларини такомиллаштириб бориш ва амалдаги қонунчилик хужжатларига киритиладиган ўзгартиришларга мувофиқлаштириш бўйича методологик қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш;
- 2013 йил 1 июлгача бўлган муддатда “ЎзАСБО” КДни зарур ҳолларда, амалдаги меъёрий-хуқуқий хужжатларга тегишли

ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ёки янгиларини қабул қилиш натижалари бўйича пухта ишлаб чиқишни ҳисобга олиб, уни қўллаш бўйича Кўлланма ишлаб чиқиш;

– 2013 йил 1 июлгача бўлган муддатда Тошкент шаҳрининг Юнусобод ва Сергели туманларида “ЎзАСБО”ни тест синовидан ўтказиш учун ушбу туманларнинг маҳаллий бюджетларидан маблағ олувчиликнинг ҳаммасини “ЎзАСБО” КДга улаш.

**“ЎзАСБО” Компьютер дастури (КД) давлат бюджетидан бюджет маблағлари олувчиликнинг, шу жумладан республиканинг барча минтақаларида жойлашган бюджет ташкилотларининг молиявий-ҳисоб бўлими ходимлари томонидан бухгалтерия ҳисоби бўйича операцияларни юритишни автоматлаштириш жараёни учун мўлжалланган дастур бўлиб, бюджет ташкилотларидағи бухгалтерия ҳисобини комплекс автоматлаштиришни таъминлайди.**

“ЎзАСБО” Компьютер дастури бюджет ташкилотларига бепуллик асосида амалга оширилади.

“ЎзАСБО” КД:

– бюджет ташкилотларидағи бухгалтерия ҳисобининг тўлиқ циклини ўз ичига олган бухгалтерия ҳисоби бўйича операцияларни автоматлаштиради;

– “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби бўйича Йўриқнома”нинг ва бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи бўйича бошқа меъёрий-хукуқий ҳужжатларнинг талабларига тўлиқ мувофиқликни таъминлайди;

– Молия вазирлигининг маълумотлар марказида бюджет ташкилотлари маълумотларининг марказлаштирилган тарзда сақланиши ва юқори ишончлилигини таъминлайди;

- “Ғазначилик-4” Компьютер дастури ва бошқа мавжуд компьютер дастурлари билан интеграциялашув учун кенг имкониятлар беради;
- Молия вазирлиги ва молия органлари билан ўзаро таъсирлашув асосида бюджет ташкилотлари маблағларини жиддий тежайди;
- бюджет ташкилотлари ходимларига дастурдан фойдаланиш ҳукуқини беради, улар Молия вазирлигининг Ахборот-хисоблаш марказидан олинган “ЎзАСБО” КДга кириш учун логинлар ва паролларга мувофиқ Молия вазирлигининг дастурий майдончасидан (<http://www.mdm.uz>) фойдаланишлари мумкин.

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ўзига хос ҳусусиятларга эга бўлиб, улар бюджет қонунчилиги, Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби бўйича йўрикнома, шунингдек, бюджет ташкилотларидаги бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўйича бошқа меъёрий ҳужжатлар, уларнинг тармоқ спецификаси билан белгиланади. Бу ҳусусиятларга қўйидагилар киради:

- бюджет таснифи моддалари кесимида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш;
- харажатлар сметасининг ижро этилишини назорат қилиш;
- бюджетларни ижро этишнинг ғазначилик тизимига ўтиш;
- ҳисобда касса харажатлари ва ҳақиқий харажатларни ажратиш;
- бюджет соҳаси (соғлиқни сақлаш, таълим, илм-фан ва х.к.) муассасаларида ҳисобнинг тармоқ ҳусусиятларини инобатга олиш.

“ЎзАСБО” КДни жорий этиш бўйича ишлар натижасида қўйидаги мақсадларга эришилади:

- барча бюджет ташкилотлари учун ягона “ЎзАСБО” КД версияси яратилган ва қўлланилади, бу унга ўзгаришларни марказлаштирилган тарзда киритиш, шунингдек маълумотларни ишончли сақлаш ва резервлашни таъминлайди;

- барча минтақаларда жойлашган бюджет ташкилотларининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи бўйича маълумотлар базаси тузилмаси яратилади;
- бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботининг ягона методология бўйича юритилишини таъминлайдиган марказлаштирилган маълумотлар базаси яратилади;
- тарихий хронологияни кузатиб бориш, ҳисоб даврлари, шу жумладан бюджет ташкилотларининг аввалги йиллардаги фаолияти даврлари бўйича ҳисоб юритиш имкони берилади;
- тегишли меъёрий-хуқуқий хужжатларда назарда тутилган аналитик ва синтетик ҳисоб юритиш бўйича регистрларни (ведомостлар, Бош китоб ва ҳ.к.), турли жорий ва даврий ҳисботларни (1-, 2-сон шакллар, баланс ва унга иловалар ва ҳ.к.) юритиш ва уларни қоғозга тушириш имконини беради.

“ЎзАСБО” КД қуидаги компонентлар (ҳисоб обьектлари) бўйича бухгалтерия ҳисобини юритиш имконини беради:

- товар-моддий захиралар;
- дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар;
- асосий воситалар (номолиявий активлар) ва номоддий активлар;
- пул маблағлари, касса харажатлари ва ҳақиқий харажатлар;
- молиявий натижаларни ҳисобга олиш бўйича счёtlар, ҳисботни шакллантириш ва тузиш;
- ходимлар ва стипендиатлар билан ҳисоб-китоблар;
- “Газначилик-4” компьютер дастури билан ўзаро таъсирлашув.

Дастур умумий марказлаштирилган серверга, маълумотларни сақлаш ва ишлаш бўйича ягона тизимга эга бўлган ягона интеграцияланган аппарат - дастурий комплексдир.

Фойдаланувчилар дастурдан фойдаланиш учун ВЕБ-технологияларни кўллаган ҳолда Молия вазирлигининг дастурий майдонига кирадилар (<http://www.mdm.uz>).

“ЎзАСБО” КД таркибий тузилмаси функционалликни бошқарув даражалари бўйича тақсимлашни, бошқа турдош ахборот тизимлари билан информацион ўзаро таъсирлашувни ўз ичига олади.

“ЎзАСБО” КД амалий дастурий таъминотнинг бошқа тизимлар билан ўзаро ахборот таъсирлашуви “Ғазначилик” КД, шунингдек дастурий комплекслар ўртасидаги ҳимояланган алоқа каналлари орқали молиявий ахборотнинг ягона маълумотлар базаси билан ахборот таъсирлашувидан иборат, “ЎзАСБО” КД билан ахборот таъсирлашуви жараёнида қуйидаги маълумотлар билан алмашинув амалга ошади:

- “ЎзАСБО” КДдан “Ғазначилик” КДга;
- рўйхатга олинган харажатлар сметалари ва бюджет ташкилотлари даромадлари ва харажатлари бўйича маълумотлар синхронизацияси;
- бюджет ташкилотлари харажатлар сметасига ўзгартиришлар.

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини юритиш билан боғлиқ бошқа ахборот “Ғазначилик” КД дан “ЎзАСБО” КДга қуйидаги маълумотлар билан алмашинилади:

- бюджет ташкилотларининг “Ғазначилик” КД да очилган тегишли шахсий ҳисобварақларида маблағларнинг ҳаракати ҳақида ахборотни бериш;
- бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилари билан рўйхатга олинган (қайтарилган) шартномалари ҳақида ахборот бериш;
- бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини юритиш билан боғлиқ бошқа ахборотларни бериш.

Дастур бир вақтнинг ўзида 30000 тагача фойдаланувчининг қулай ишлашини таъминлай олади. Бунда ходимларнинг, дастур билан бевосита ишлайдиган ходимнинг ахборот технологиялари соҳасидаги малакаси

давлат секторидаги офис ходимининг ахборот технологиялари бўйича билимларига қўйиладиган талаблар билан чекланиши мумкин.

Бюджет маблағларини олувчи ташкилотларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини юритиш билан шуғулланувчи “ЎзАСБО” КД билан ишлаш ҳуқуқига эга ходимларнинг *вазифалари* қўйидагилардан иборат:

- бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобвақларида бухгалтерия ҳисоби бўйича операцияларни автоматлаштирилган тарзда юритиш билан боғлиқ зарур маълумотларни киритиш;
- бухгалтерия ҳисоби бўйича бирламчи ҳужжатларни тайёрлаш ва шакллантириш;
- бухгалтерия ҳисобининг бирламчи регистрларини, бюджетдан маблағ олувчининг жорий ва даврий ҳисботларини шакллантириш;
- турдош дастурий маҳсулотлар (“Ғазначилик” КД) билан автоматлаштирилган маълумот алмашинуви;
- молиявий ахборотнинг ягона маълумотлар базаси билан автоматлаштирилган маълумот алмашинуви;
- қонунчиликда назарда тутилган бошқа операциялар.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича барча операциялар меъёрий-хукукий ҳужжатлар талабларидан келиб чиқилган ҳолда автоматлаштирилган.

Юқори турувчи ташкилот томонидан бухгалтерия ҳисобининг юритилиши қўйидаги ҳажмда олиб борилади:

- бухгалтерия ҳисоби бўйича операцияларни бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисобрақамида автоматлаштирилган тарзда юритиш билан боғлиқ зарур маълумотларни киритиш;
- бухгалтерия ҳисоби бўйича бирламчи ҳужжатларни тайёрлаш ва шакллантириш;

- бюджет маблағларини тасарруф этувчининг йиғма харажатлар сметаси бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича ҳужжатлар айланмасини шакллантириш бўйича операцияларни бажариш;
- харажатлар сметаларини тақсимлаш ва уларнинг идоравий мансубдаги бюджет ташкилотлари томонидан ижро этилиши ҳужжатларини шакллантириш бўйича операцияларни бажариш;
- Молия вазирлиги билан биргаликда электрон кўринишдаги автоматлаштирилган ҳужжатлар айланмаси бўйича операцияларни бажариш;
- бухгалтерия ҳисоби бирламчи регистрларини, бюджет маблағларини олувчининг жорий ва даврий ҳисботларини шакллантириш;
- турдош дастурий маҳсулотлар (“Фазначилик” КД) билан автоматлаштирилган маълумотлар алмашинуви;
- молиявий ахборотнинг ягона маълумотлар базаси билан автоматлаштирилган маълумотлар базаси;
- қонунчиликда назарда тутилган бошқа операциялар.

Бюджет маблағларини олувчиларнинг ФЭС ходимлари томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ҳисоби бўйича ҳисботларни чиқариш билан боғлиқ операцияларнинг, шунингдек маълумотлар базасининг маъмурланиши Молия вазирлиги ахборот-ҳисоблаш маркази ходими – бош администратор томонидан назорат қилинади, бу ходим фойдаланувчилар ролларини белгилайди, уларга логин ва бошланғич паролни беради, барча зарур маълумотномаларни (Молия вазирлигининг давлат бюджети бош бошқармаси билан келишган ҳолда), шу жумладан бухгалтерия ҳисоби регистрлари ва тегишли ҳисботлар регистрларини бошқаради.

## **11.4. Ўзбекистон Республикасида Ғазначилик тизими тараққиёти истиқболлари**

Мамлакатимизда бюджет сиёсатини такомиллаштиришга қаратилган фаол ишлар олиб борилмоқда, бу ишлар ажратилаётган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳисобига бюджет ташкилотларини молиялаштиришни қисқартиришга ёрдам беради. Мазкур вазифа долзарб аҳамиятга эга. Илгари республикамиз ҳудудида амалда бўлган бюджет ташкилотларини молиялаштириш тизими алоҳида ҳолларда бюджет маблағларининг ортиқча сарфланишига олиб келарди. Давлат бюджетининг ғазна ижроси жорий этилиши муносабати билан ҳамда бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида “Бюджет ташкилотларининг паспортизацияси” дастурй мажмуасини ишлаб чиқиш лойихасининг амалга оширилиши бошланди. Ушбу лойиха бюджет ташкилотлари паспортларининг марказлаштирилган тарзда сақланишини таъминлайди, шунингдек бюджет ташкилотларининг ҳақиқий аҳволини қиёслаш ва мониторинг қилиш имконини беради. *Бюджет ташкилоти паспорти* расмий ҳужжат бўлиб, унда ташкилот бўйича умумий маълумотлар, унинг энергетик объектлари, ёнилги-энергетик ресурслар ва сув истеъмоли ҳажмлари, ресурслардан фойдаланиш кўрсаткичлари, шунингдек ташкилот балансида турган бинолар бўйича маълумотлар мавжуд.

Бюджет ташкилотининг паспорти – бу бюджет муассасасининг ҳисобот шакли бўлиб, унинг ҳисобот бериш пайтидаги ҳолатини ва унга сифатли бюджет хизматларини кўрсатиш имконияларини акс эттиради.

Бюджет ташкилотлари паспортизациясининг мақсади қуйидагилар:

– муассасалар ва ташкилотларга ажратилган бюджет маблағларидан самарали ва оқилона фойдаланиш;

- муассасалар, ташкилотларнинг улар асосий функцияларини бажариш учун зарур асосий фонdlар билан таъминланганлик даражасини аниқлаш;
- энергетик хўжаликларнинг объектив эҳтиёжларидан ва бюджетдан молиялаштириш имкониятларидан келиб чиқиб ташкилотлар учун ёнилғи-энергетик ресурслар ва сув истеъмоли лимитларини ҳисоблаб чиқиш.

Бюджет ташкилотлари раҳбарлари 3 ойда камида 1 марта молия органларига паспортларни тузиш учун маълумотларни тақдим этишлари керак. Ўз навбатида, бюджет ташкилотлари томонидан тақдим этиладиган маълумотлар белгиланган маҳсус шаклда “ЎзАСБО” КДга илова қилинадиган “Бюджет ташкилотлари паспортизацияси” дастурий комплексига киритилади. Тақдим этилган маълумотларни текширишни молия органлари амалга оширади.

Паспортизация мақсадларидан биттаси ташкилотлар учун ёнилғи-энергетика ресурслари ва сувдан фойдаланганлик учун тўловлар лимитларини ҳисоблаб чиқишидир. Лимитлар ташкилот объектлари томонидан ресурсларнинг истеъмол қилинишининг солиштирма кўрсаткичларидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Масалан, бирор и обьекти учун ресурс истеъмол қилинишининг солиштирма кўрсаткичи қўйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$r_i = W_i / (F_i * t_i),$$

бу ерда,  $W_i$  — кузатилаётган ти даврида обьект томонидан истеъмол қилинган ресурс ҳажми ;  $F_i$  — обьект томонидан ресурс истеъмолини меъёрлашда кўлланиладиган базавий эксплуатацион кўрсаткич.

Ресурсни истеъмол қилишнинг солиштирма кўрсаткичи ташкилот обьектининг энергетик сифимини характерлайди. Бу кўрсаткичининг пасайиши обьектнинг энергетик сифими пасайиб, унинг энергетик самарадорлиги ошаётганидан далолат беради. Енергетик паспорт солиштирма кўрсаткичларининг барча қийматларини ҳисобланган,

ҳақиқий ва базавий кўрсаткичларга ажратиш мумкин. Солиширима кўрсаткичларнинг ҳисобланган қийматлари техник лойиҳалар, давлат бошқарув идоралари қарорлари, энергия таъминоти, сув таъминоти ва сув чиқариш ҳақида шартномалар шартлари асосида аниқланади. Тижорат ҳисоби ва энергетик текширувлар кўрсаткичлари асосида олинган солиширима кўрсаткичлар қийматлари ҳақиқий қийматлардир. Солиширима кўрсаткичларнинг базавий қийматлари ташкилотлар томонидан базавий истеъмол ҳажмларини ҳисоблаш учун қўлланилади. Бюджет ташкилотлари фақат айрим ҳисобланган ва ҳақиқий кўрсаткичлар ҳақида маълумотларни берадилар. Тақдим этиладиган маълумотлар асосида паспорт доирасида қолган ҳисобланган ва ҳақиқий кўрсаткичлар бўйича ҳисоб-китоблар амалга оширилади.

Ёнилғи-энергетика ресурслари ва сув истеъмолининг базавий қийматлари қуидаги қоидалардан келиб чиқиб аниқланади:

- 1) умумий ҳолда солиширима кўрсаткичнинг базавий қиймати ҳақиқий қийматга тенг деб қабул қилинади;
- 2) агар солиширима кўрсаткичнинг ҳақиқий қиймати обьект учун ҳисобланган қийматдан юқори бўлса, солиширима кўрсаткичнинг базавий қиймати ҳисобланган қийматга тенг деб қабул қилинади;
- 3) солиширима кўрсаткичнинг ҳақиқий қийматлари бўлмаганда, базавий қиймат сифатида ҳисобланган қиймат қабул қилинади.

Ташкилотнинг и обьектида ресурс истеъмоли ҳажмининг базавий қиймати ресурсни истеъмол қилишнинг солиширима кўрсаткичининг базавий қийматидан (риб) келиб чиқиб ҳисобланади:

$$W_{ib} = r_{ib} * F_i * t_{ib},$$

Бу ерда  $t_{ib}$  — ресурс истеъмолининг ҳисобланган вақт даври.

Ташкилот томонидан ресурс истеъмол қилиниши ҳажмининг жами базавий қиймати ташкилотга тегишли алоҳида обьектларда ресурс истемоли ҳажмларининг хусусий қийматларини жамлаш асосида аниқланади.

Ташкилотнинг ресурсни истеъмол қилганлик учун тўловлар бўйича лимитлари қўйидаги тарзда ҳисоблаб чиқилади:

$$Sl = T \cdot Wb \cdot k + S,$$

Бу ерда  $T$  — истеъмол қилинадиган ресурс учун амалдаги тариф;  $Wb$  — ресурс истеъмол қилинишининг базавий қиймати;  $k$  — ресурсни тежаш топшириғидан келиб чиқиб, ресурс тежалишини белгилаб берувчи коэффициент;  $S$  — энергия тежамкорлиги таркиби.

Паспорт бюджет муассасаси ва ташкилоти томонидан ҳар йили ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 январи ҳолатига тузилади.

Янги ташкил этиладиган бюджет муассасалари ва ташкилотлари паспортни давлат рўйхатидан ўтиши санасига тузади.

Паспорт бюджет ташкилоти ва муассасасининг қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши пайтигача амал қилади.

Бюджет маблағлари олувчилари белгиланган шаклда тўлдирилган Паспортни келишиб олиш учун молия органларига (Молия вазирлигига) тақдим этишлари шарт.

Молия органлари (Молия вазирлиги) кўриб чиқиш учун қабул қилинган Паспортларнинг тўлиқлиги ва ундаги маълумотларнинг ишончлилигини, шунингдек белгиланган шаклларнинг ўрнатилган талабларга мувофиқлигини текширади, бюджет муассасалари ва ташкилотлари паспортларини тасдиқлайди, бюджет муассасалари ва ташкилотлари паспортлари реестрини шакллантиради.

Юқорида баён этилган барча ўзгаришлар, янгиликлар ва механизмлар бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишини таъминлашга, бюджет маблағларининг уларнинг сўнгги истеъмолчиларига етиб бориш йўлларини осонлаштиришга, бу йўлда бюджет маблағларининг йўқолиб кэтишига йўл қўймасликка, бюджет ташкилотларининг уларга мол етказиб берувчи контрагентлар билан муносабатларининг очик-оидин, шаффоф бўлишини таъминлашга, барча бюджет ташкилотларининг

электрон аукцион савдолар тизимида тенг ҳуқуқли ҳамкор сифатида иштирок этишини енгиллаштиришга хизмат қилиши шубхасиз.

### **Таянч сўз ва иборалар**

Ғазначилик компьютер дастури, ғазначиликнинг ягона ахборот тизими, ахборот алмашинуви, бюджет ташкилотлари бухгалтерия хисобини юритиш компьютер дастури, бюджет таснифи, даромадлар таснифи, харажатлар таснифи, тақчилликни молиялаштириш манбалари таснифи, бюджет бухгалтерия хисобининг ягона хисоблар тизими, бюджет ташкилотлари паспортизацияси.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Ғазначилик ягона ахборот тизимининг мазмуни, афзалликлари ва ишлаш принципларини тушунтириб беринг.
2. Бюджет ташкилотларида ягона бухгалтерия хисобини юритишнинг компьютер дастурини тадбиқ этишнинг ижобий томонлари нимада?
3. Бюджет таснифи нима, унинг давлат бюджети ғазна ижросини самарали ташкил қилишдаги аҳамияти нималарда намоён бўлади?
4. Бюджет таснифининг турлари, уларнинг таркибий қисмларини тегишли меъёрий хужжатлар асосида баён қилиб беринг.
5. Бюджет ташкилотларини паспортизация қилишнинг моҳияти, зарурлиги ва аҳамияти нималарда намоён бўлади?
6. Ўзбекистон Республикасида Ғазначилик фаолиятини яна қайси йўналишларда такомиллаштириш зарур, деб хисоблайсиз?

### **Мустақил ўрганиш учун топшириқлар**

1. Интернет ресурс манбалардан фойдаланган ҳолда мамлакатимизда бюджет жараёнини бошқаришнинг автоматлаштирилган ахборот тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш босқичларини акс

эттирадиган жадвал, блок-схема ёки чизма тайёрланг ва қисқача изоҳ ёзинг. Унда ҳар босқичда қабул қилинган меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар ва амалга оширилган тадбирлар шарҳини келтиринг.

2. “Глобал интеграциялашган ахборот тизими” (ГИАТ) ва “Давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизими”нинг уйғунлашувини акс эттирувчи тақдимот тайёрланг ва ҳимоя қилинг.

3. Хорижий давлатларнинг биронтаси мисолида бюджет таснифи таркибини ўрганинг ва Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифи билан солиштирма таҳлилини кўргазмали мисолларда тақдимот кўринишида амалга оширинг.

4. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг “ЎзАСБО” автоматлаштирилган тизими хусусиятлари, афзалликлари, имкониятларини акс эттирадиган маълумотли жадвал тайёрланг.

### **Тест саволлари**

#### **1. Бюджет таснифи нима?**

- А. Бюджет тизимига киравчи бюджетларни уларнинг бўйсунувига кўра гурухлаш
- В. Давлат бюджети даромадлари ва харажатларини уларнинг турлари ва манбаларига кўра гурухлаш
- С. Давлат бюджети тузилмасига киравчи бюджетлар даромадлари, харажатларини ва тақчилликни молиялаштириш манбаларини гурухлаш
- Д. Қуий бюджетларга бериладиган молиявий ёрдам турларини гурухлаш

#### **2. Давлат бюджети харажатлари таснифини кўрсатинг.**

- А. Маблағларнинг манбай ва бюджет даражаси, худудий, вазифа жиҳатдан, иқтисодий, ташкилий
- В. Коммунал харажатлар, ишлаб чиқариш харажатлари
- С. Ишлаб чиқариш, ноишлаб чиқариш
- Д. Вазифа жиҳатдан, иқтисодий, ташкилий

**3. Янги бюджет таснифи билан қўшимча равишда қандай бюджет таснифи тури киритилди?**

- A. Вазифа жиҳатидан тасниф, ташкилий тасниф
- B. Ташкилий тасниф, ҳудудий тасниф
- C. Иқтисодий тасниф, вазифа жиҳатидан тасниф
- D. \*Ҳудудий тасниф, бюджет даражаси ва манбаларнинг манбаи бўйича тасниф

**4. Бюджет ташкилотлари харажатларининг иқтисодий тасниф бўйича гурухланиши қайси жавобда тўғри кўрсатилган?**

- A. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, иш ҳақига ҳисобланган ажратмалар, капитал қўйилмалар, бошқа харажатлар
- B. Иш ҳақи, иш ҳақига устамалар, канселярия ва хўжалик харажатлари, озиқ-овқат ва дори-дармон харажатлари (жами 18 та модда бўйича)
- C. Жорий харажатлар; капитал харажатлар
- D. Иқтисодиёт харажатлари йўналишлари

**5. Бюджет тақчиллигини молиялаштириш манбалари тақчилликни молиялаштиришнинг қандай манбалари бўйича гурухлашдан иборат?**

- A. Инфляцион ва ноинфляцион манбалари
- B. Марказлашган ва марказмашмаган манбалари
- C. Ички ва ташқи манбалари
- D. Давлат ва нодавлат манбалар

**6. 2011 йил 1 январдан амалга киритилган янги бюджет таснифи бўйича иш ҳақи харажатлари коди тўғри кўрсатилган жавобни топинг.**

- A. 01 100
- B. 41 10 000
- C. 41 11 200
- D. 01 1 20

**7. Бюджет ҳисоби ва бюджет ҳисботининг ягона методологияси ким томонидан белгиланади?**

- A. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қонун хужжатларига мувофиқ
- B. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги томонидан Бюджет Кодекси, Бюджет ҳисобининг стандартлари, бошқа қонун хужжатлариға мувофиқ
- C. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Бюджет Кодекси, Бюджет ҳисобининг стандартлари, бошқа қонун хужжатлариға мувофиқ
- D. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерлар уюшмаси томонидан бюджет ҳисобига тааллуқли қонун хужжатлариға мувофиқ

**8. Бюджет тизими бюджетлари ижросининг бюджет ҳисоби ким томонидан юритилади?**

- A. молия органлари, ғазначилик бўлинмалари
- B. давлат солиқ хизмати органлари ва божхона органлари;
- C. бюджет ташкилотлари, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар
- D. барча жавоблар тўғри

**9. Давлат бюджетидан бюджет маблағлари олувчиликнинг, шу жумладан республиканинг барча минтақаларида жойлашган бюджет ташкилотларининг молиявий-ҳисоб бўлими ходимлари томонидан бухгалтерия ҳисоби бўйича операцияларни юритишни автоматлаштириш жараёни учун мўлжалланган дастур:**

- A. “Ғазначилик” компьютер дастури
- B. “ДМБАТ” компьютер дастури
- C. “ГИАТ” дастурий мажмуаси
- D. “ЎзАСБО” компьютер дастури

**10. Бюджет ташкилотининг паспорти нима?**

- A. бюджет муассасасининг ҳисбот шакли бўлиб, унинг ҳисбот бериш пайтидаги ҳолатини ва унга сифатли бюджет хизматларини кўрсатиш имконияларини акс эттирадиган хужжат

- B. бюджет ташкилотларининг асосий реквизитлари: манзили, бюджет даражаси, раҳбарларининг номи ва бошқалар кўрсатиладиган хужжат
- C. бюджет ташкилотининг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини умумлаштирган расмий хужжат
- D. бюджет ташкилотлари учун ёнилғи-энергетика ресурслари ва сувдан фойдаланганлик учун тўловлар лимитлари кўрсатиладиган хужжат

## **ГЛОССАРИЙ**

**Агент** – биржада аккредитация тартиб-коидасидан ўтган ҳамда буюртмачилар ва етказиб берувчиларга топшириқ шартномаси асосида уларнинг электрон аукцион савдоларда қатнашишини таъминлашга доир профессионал хизматлар кўрсатадиган юридик шахс;

**аванс тўлови** – биржа томонидан ҳар қайси томон учун 0,05 фоиздан кўп бўлмаган микдорда белгиланадиган биржанинг воситачилик йиғимини, шунингдек биржа томонидан белгиланадиган савдолар предмети бошланғич нархининг уч фоизидан ошмайдиган микдорда етказиб берувчининг молиявий закалатларини ўз ичига оладиган, буюртмачилар ва етказиб берувчилар томонидан киритиладиган молиявий маблағлар суммаси;

**айланма касса маблағи** – молия йилида Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг шахсий ғазна ҳисобварақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам микдори;

**биржанинг минтақавий бўлинмаси** – биржанинг минтақавий филиали ёки савдо майдончаси;

**бўлиб ўтмаган битимлар реестри** – лотлар рўйхати, улар бўйича бўлиб ўтмаган деб эътироф этилган савдолар натижалари;

**бюджет жараёни** – бюджет тизими бюджетларини шакллантириш, тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ва ижро этиш, уларнинг ижроси устидан назорат қилиш, бюджет тизими бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисботларни тайёрлаш ва тасдиқлаш, шунингдек улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёни;

**бюджет жараёни иштирокчилари** – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, давлат молиявий назорат органлари, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар;

**бюджет маблағлари олувчи** – давлат бюджетидан ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларидан маблағлар оладиган юридик ёки жисмоний шахс, бюджет маблағлари олувчи бюджет ташкилоти мақомига эга бўла олмайди;

**бюджет маблағларини тақсимловчи** – ўз тасарруфидан Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан маблағ оладиган ташкилотларга эга бўлган юридик шахс, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчи;

**бюджет сўрови** – келгуси давр учун бюджетдан ажратиладиган маблағларни олишга бўлган эҳтиёжни асослашни назарда тутувчи хужжат;

**бюджет соҳасидаги ваколатлар** – бюджет жараёни иштирокчиларининг бюджет муносабатлари соҳасидаги ваколатлари;

**бюджет ссудаси** – қайтариш шарти билан юқори турувчи бюджетдан қуий турувчи бюджетга, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларига, резидент–юридик шахсга ажратиладиган пул маблағлари;

**бюджет ташкилоти** – давлат функцияларини амалга ошириш учун белгиланган тартибда давлат ҳокимияти органларининг қарорига кўра ташкил этилган, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан сақлаб туриладиган нотижорат ташкилот;

**бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари** – қонун ҳужжатларида назарда тутилган манбалар ҳисобидан бюджет ташкилоти тасарруфига келиб тушадиган маблағлар;

**бюджет тизими бюджетлари** – Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари;

**бюджетдан ажратиладиган маблағлар** – Давлат бюджетидан ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларидан бюджет ташкилотлари ҳамда бюджет маблағлари олувчилар учун назарда тутиладиган пул маблағлари;

**бюджетдан ташқари маблағлар бўйича смета** – ташкилотлар томонидан жорий молия йили учун тузиладиган ва тасдиқланадиган, унда ташкил бўлиш манбалари ва ушбу маблағларнинг қонунчиликка мувофиқ фойдаланиш йўналишлари кўрсатилган ҳолда бюджетдан ташқари даромадлар тушумларининг прогноз ҳажмлари акс эттириладиган ҳужжат;

**бюджетлараро трансфертлар** – Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига, давлат мақсадли жамғармаларига ҳамда бунинг аксича ўtkазиладиган, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ҳамда бунинг аксича ўtkазиладиган маблағлар;

**буюртмачи** – электрон аукцион савдоларда товар (ишлар, хизматлар)ни харид қилувчи юридик ёки жисмоний шахс;

**буюртмачининг буюртманомаси** – буюртмачининг электрон тизимда жойлаштириладиган очиқ офертаси;

**даромадлар ва харажатлар сметаси** – бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари жамғармаларининг тегишли чорак ёки молия йили учун кутилаётган тушумлари ва харажатлари акс эттириладиган ҳужжат;

**давлат бюджети** – давлатнинг давлат вазифалари ва функцияларини молиявий жиҳатдан таъминлаш учун мўлжалланган марказлаштирилган пул жамғармаси;

**давлат бюджети профицити** – муайян даврда Давлат бюджети даромадларининг унинг харажатларидан ошиб кэтиши;

**давлат бюджети тақчиллиги** – муайян даврда Давлат бюджети харажатларининг унинг даромадларидан ошиб кэтиши;

**давлат бюджетининг ғазна ижроси** – давлат бюджетининг барча даромадларини ягона ғазна ҳисобрақамига киритишдан, шунингдек, давлат бюджетининг харажатларини шу ҳисобрақамдан тўлашдан иборат бўлган жараён;

**давлат молиявий назорати** – бюджет тўғрисидаги қонун хужжатларининг ижроси устидан назоратни амалга ошириш мақсадида молиявий назорат объектларининг бухгалтерия, молия, статистика, банк хужжатлари ва бошқа хужжатларини ўрганиш ҳамда таққослаш;

**давлат қарзи** – Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи маблағларни жалб қилиш натижасида вужудга келган мажбуриятлари;

**давлат томонидан маблағ жалб қилиш** – активларни жалб этиш ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз оловчи сифатидаги ёки қарз оловчи–резидентларнинг кредитларини (қарзларини) тўлашга кафил сифатидаги мажбуриятларининг юзага келиши;

**давлат харидлари** – бюджет тизими бюджетларининг маблағлари ҳисобидан товарларни (ишларни, хизматларни) харид қилиш;

**Давлат харидлари масалалари бўйича баҳслар ва келишмовчиликларни кўриб чиқиш бўйича маҳсус комиссия** – савдоларни ўтказиш ва уларнинг натижаларини расмийлаштириш билан боғлиқ масалаларни судгача кўриб чиқиш учун биржа томонидан тузилган орган.

**донорлар** – Ўзбекистон Республикасига, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, фаолияти Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган юридик ва жисмоний шахсларга бегараз асосда маблағлар ажратадиган давлатлар, давлатларнинг ҳукуматлари, халқаро ва чет ел ҳукумат ташкилотлари, чет ел фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

томонидан белгиланадиган рўйхатга киритилган халқаро ва чет ел ноҳукумат ташкилотлари;

**дотация** – бюджет тизими бюджетларига уларнинг ўз даромадлари йэтишмаган тақдирда даромадлар билан харажатлар ўртасидаги фарқни қоплаш учун қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлари;

**эълон** – савдолар муддатлари ва талаблари тўғрисида буюртмачи томонидан маҳсус ахборот порталида жойлаштирилган маълумотлар хабари;

**электрон аукцион савдолар** –бошланғич нархни пасайтириш юзасидан очиқ аукцион шаклида ўтказиладиган, буюртмачилар томонидан белгиланган мезонлар ва шартлардан келиб чиқиб товар (ишлар, хизматлар) мақбул етказиб берувчисини танлаш усулини ўзида ифодалайдиган электрон савдолар;

**электрон аукцион савдолар предмети** – товарлар, ишлар ва хизматлар;

**электрон тизим** – барча манфаатдор шахслар қатнашиши мумкин бўлган савдолар ўтказилишини таъминлайдиган дастурий-техник комплексдан фойдаланиш воситасида етказиб берувчилар ўртасида товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилишга буюртмаларни жойлаштириш тизими.

**фойдаланувчининг якка тартибдаги рақами** – биржанинг ҳисоб-китоб-клиринг палатаси томонидан буюртмачилар ва етказиб берувчиларга уларнинг белгиланган тартибда биржанинг ҳисоб-китоб-клиринг палатасининг талаб қилиб олингунгача иккиласми депозит ҳисоб рақамига ўтказиладиган аванс тўловларини ҳисобга олиш учун бериладиган якка тартибдаги рақам;

**Ғазначилик** – Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги таркибидаги давлат ижроия органи.

**ғазначилик бўлинмалари** – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва

Тошкент шаҳри бўйича ғазначилик бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар бўйича ғазначилик бўлинмалари;

**Ғазначилик бош китоби** – бюджет операциялари бухгалтерия ҳисобини юритишнинг компьютерлаштирилган тизими бўлиб, унда давлат ташкилотлари ва муассасалари билан бўладиган барча молиявий операциялар ўз ифодасини топади;

**ғазначилик мемориал ордери** – маблағларни бир шахсий ғазна ҳисобварағидан бошқа шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказиш учун фойдаланиладиган тўлов ҳужжати;

**Ғазначиликнинг ахборот тизими** – бюджет операциялари бўйича кодлаштирилган ва таснифланган маълумотлар асосида ишловчи давлат маблагларини бошқаришнинг ягона автоматлаштирилган тизими;

**ҳисоб-китоб-клиринг палатаси** – биржанинг буюртмачилар ва етказиб берувчиларнинг аванс тўловларини депонентга қўйиш ва ҳисобга олиш йўли билан контрактлар бўйича мажбуриятларни бажаришга қодир бўлган буюртмачилар ва етказиб берувчиларни электрон аукцион савдоларга қўйишни таъминлайдиган таркибий бўлинма;

**худудий молия органлари** – Қорақалпоғистон Республикасининг Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимлари.

**Ҳукумат комиссияси** – давлат харидлари бўйича Ҳукумат комиссияси;

Ҳукумат комиссиясининг ишчи органи – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги;

**жамланма харажатлар сметаси** – юридик шахс мақомига эга бўлмаган ва тегишли давлат бошқарув органлари ҳузуридаги марказлаштирилган бухгалтериялар ва тегишли ҳокимиятларнинг бухгалтериялари томонидан хизмат кўрсатилаётган ташкилотлар бўйича тузиладиган молиявий ҳужжат;

**контракт** – савдолар натижалари тўғрисида электрон тизим томонидан шакллантирилган, шартнома кучига эга бўлган протокол;

контрактни рўйхатдан ўтказиш – томонлар имзолаган контрактни тузилган контрактлар реестрига биржа томонидан киритиш;

**марказлашган тадбирлар учун смета** – вазирликлар, идоралар ва ҳокимиётлар бошқармалари ва бўлимлари томонидан марказлаштирилган ҳолда амалга ошириладиган харажатлар бўйича тузиладиган ва ҳар бир марказлашган тадбир учун алоҳида ишлаб чиқиладиган режа – молиявий хужжат;

**махсус ахборот портали** – биржанинг буюртмачиларнинг электрон аукцион савдолар ўтказиш тўғрисидаги эълонлари ва харид жараёни қатнашчилари учун зарур бўлган бошқа ахборот жойлаштирилиши ва кўздан кечирилишини таъминлайдиган махсус сайти;

**молия йили** – биринчи январдан ўттиз биринчи декабр куни охиригacha бўлган вақтни ўз ичига оловчи давр;

**молиявий мажбурият** – бюджет ташкилотларида ва бюджетдан маблағ оловчиларда уларга пул маблағларини ўтказиб бериш мажбуриятини юковчи хужжатлар, шу жумладан ижро хужжатлари асосида юзага келадиган мажбуриятлар;

**молиявий назорат обьектлари** – Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, бюджет маблағларини тақсимловчилар, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари оловчилар, давлат мақсадли жамғармалари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари;

**ўтказиб бериладиган даромадлар** – тегишли маъмурий–худудий бирликда шаклланадиган ва юқори турувчи бюджетга ўтказиладиган, улар қаерда шаклланган бўлса, кейинчалик ўша маъмурий–худудий бирлик бюджетига ўтказиб бериладиган даромадлар;

**оммавий шартнома** – ташкилот томонидан тузилган ҳамда унинг бундай ташкилот ўз фаолияти хусусиятига кўра ўзига мурожаат қиласиган ҳар бир шахсга нисбатан амалга ошириши шарт бўлган товарлар сотиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш соҳасидаги вазифаларини (чакана савдо, умумий фойдаланишдаги транспортда йўловчи ташиш, алоқа хизмати, энергия билан таъминлаш, тиббий хизмат, меҳмонхона хизмати ва ш.к.) белгилаб қўядиган шартнома;

**персонал кабинет** – маҳсус ахборот порталидаги индивидуал саҳифа, унинг воситасида савдоларда қатнашиш учун зарур ахборотдан фойдаланиш таъминланади. Персонал кабинет буюртмачи ёки етказиб берувчи (уларнинг агентлари) учун тегишли индивидуал логинлар ва паролларни қўллаб фойдаланишади;

**шахсий ғазна ҳисобвараклари** – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ахборот тизимида очиладиган, бюджет тизими бюджетлари ижроси билан боғлиқ операцияларни акс эттириш учун мўлжалланган таҳлилий ҳисоб регистрлари;

**штат жадвали** – доимий ходимлар ва бўш ўринлар лавозимларининг номланишини уларнинг сони ва лавозим маошларининг миқдорлари кўрсатилган ҳолдаги рўйхатини ўз ичига оладиган, бюджет ташкилоти томонидан тузиладиган хужжат;

**субсидия** – товарлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш ва уларни реализация қилишни молиялаштириш ёки биргаликда молиялаштириш ёхуд мақсадли харажатларнинг ўрнини қисман қоплаш учун бюджет тизими бюджетлари ҳисобидан юридик ва жисмоний шахсларга бериладиган пул маблағлари;

**субвенсия** – муайян мақсадларга сарфлаш шарти билан юқори турувчи бюджетдан қуий турувчи бюджетга қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлари;

**тартибга солувчи даромадлар** – бюджет тизими бюджетлари ўртасида ажратмалар нормативлари белгиланадиган умумдавлат солиқлари

ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек солиқ бўлмаган тўловлар. Солиқ бўлмаган тўловларга бюджет тизими бюджетларига келиб тушадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўлмаган тўловлар киради;

**тузилган контрактлар реестри** – томонлар имзолаган ва биржа штампи билан тасдиқланган контрактлар рўйхати;

**вақтинчалик касса узилиши** – жорий молия йилининг муайян даврида бюджет тизими бюджетларининг харажатлари даромадларидан вақтинчалик ошиб кэтиши;

**вақтинчалик харажатлар сметаси** – бюджет ташкилотининг (ёки бюджет маблағлари олувчининг) харажатлар сметаси тасдиқлангунинг ва рўйхатдан ўтказилгунинг қадар амал қиласидиган, унда қонун ҳужжатларидағи ўзгартиришлар ҳисобга олинган ҳолда унинг учун назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳар ой учун акс эттириладиган ҳужжат;

**харажатлар моддаси** – бюджет тизими бюджетлари харажатларини иқтисодий йўналиши ва тўловларнинг аниқ турлари бўйича белгиловчи бюджет таснифининг бир қисми;

**харажатлар сметаси** – бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчи томонидан молия йили учун тузиладиган ва тасдиқланадиган, унинг учун назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағлар харажатлар моддалари бўйича акс эттириладиган ҳужжат;

**харажатларни молиялаштириш (тўлаш)** – бюджет ижроси жараёнида харажатлар рўйхати ва сметасига киритиладиган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда тегишли йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига ҳамда бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларига мувофиқ тузилган бюджет харажатларининг чораклар бўйича тақсимланган йиллик рўйхатига биноан амалга ошириш;

**хўжалик шартномаси** – тарафлардан бири шартлашилган муддатда тадбиркорлик фаолияти соҳасида товарлар етказиб бериш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш мажбуриятини оладиган, иккинчи тараф

товарларни, ишларни, хизматларни қабул қилиб олиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини оладиган келишув;

**ягона ғазна ҳисобрақами** – Ғазначилик томонидан бошқариладиган, давлат бюджети маблағлари ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари киритиладиган, давлат бюджетида маблағлари назарда тутилган юридик ва жисмоний шахсларнинг харажатлари тўланадиган, шунингдек, давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари амалга ошириладиган банк ҳисобрақами;

**ягона тариф сеткаси** – қонунан ўрнатилган энг кам иш ҳақи миқдорига асосланадиган ва бюджет ташкилотлари ходимлари лавозим окладларини аниқлаш учун қўлланиладиган, разрад рақамлари ва ҳар бир разрад учун ўрнатилган тегишли тариф коэффициентларидан иборат хужжат;

**етказиб берувчи** – таклиф этилган шартларда ўзининг электрон аукцион савдоларда қатнашиш ва савдоларда ғолиб чиққан тақдирда товар (ишлар, хизматлар)ни етказиб бериш ниятини билдирган хўжалик юритувчи субъект (шу жумладан юридик шахс ташкил етмаган якка тартибдаги тадбиркор);

**етказиб берувчининг буюртманомаси** – акцепт, электрон тизимда жойлаштириледиган офертанинг етказиб берувчи томонидан тўлиқ ва сўзсиз қабул қилиниши;

**юридик мажбурият** – бюджетдан маблаг олувчилар ва уларга мол (товарлар, ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасидаги шартнома тегишли тартибда мажбурий равишда Ғазначиликда рўйхатдан ўтказилганидан кейин вужудга келадиган, шунингдек, тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қарорлари асосида юзага келадиган мажбурият.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

**I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Махкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2001.-396.
2. “Бюджет тизими тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 14.12.2000й.
3. “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 26.08.2004.
4. “Бюджети тизими тўғрисида”ги ва “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни: 12.12.2007.
5. Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси. ЎРҚ-360-сон. 26.12.2013.
6. “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Қарори. ПҚ-594-сон, 28.02.2007.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат хариди тизимини оптималлаштириш ва унга кичик бизнес субъектларини жалб қилишни кенгайтириш тўғрисида”ги ПҚ-1475 – сонли Қарори, 07.02.2011 й.
8. “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметлари тўғрисида”ги Президент қарори. ПҚ-1449-сон 24.12.2010.

9. “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметлари тўғрисида”ги Президент қарори. ПҚ-1675-сон 30.12.2011.

10. “Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметлари тўғрисида”ги Президент қарори. ПҚ-1887-сон 25.12.2012.

11. “Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметлари тўғрисида”ги Президент қарори. ПҚ-2099-сон 25.12.2013.

12. “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябр 414-сон Қарори (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 16.06.07. 148-сон қарори билан тасдиқланган янги таҳрири).

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш лойиҳасини амалга оширишга тайёрланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 144-сон Қарори 26.04.2002 й.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Осиё тараққиёт банки иштирокида “Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-721-сон Қарори. 01.11.2007.

15. “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент И.Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 30.01.2010.

16. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик

палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъruzasi // Халқ сўзи, 28.01.2010.

17. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъruzasi // Халқ сўзи, 13.11.2010.

18. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом еттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир. – Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъruzasi // Халқ сўзи, 07.12.2010.

19. Президент И.Каримовнинг БМТ Саммити Мингийиллик Ривожланиш Мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи. Халқ сўзи // 21.09.2010

20. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

21. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласди. Тошкент.: “Ўзбекистон”. 2011 й.

22. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. -Т.: Ўзбекистон. 2012 й.

23. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом еттириш” – Т.: Ўзбекистон. 2013 й.

24. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом еттириш йили бўлади. – Т.: Ўзбекистон. 2014 й. 32 б.

25. Каримов И.А. “Буюк ва муқаддассан, Мустақил Ватан”. Илмий-оммабоп рисола. Т.: “Ўзбекистон” 2011 йил. 200 б.

## **II. Асосий ва қўшимча адабиётлар**

26. Вахабов А.В., Срожиддинова З.Х. Государственный бюджет: Учебник. Т. IQTISOD-MOLIYA, 2007

27. Маликов Т.С. Бюджет даромадлари ва харажатлари/ Т.С. Маликов, Н.Х. Хайдаров. - Ташкент: IQTISOD-MOLIYA, 2007. - 245 с

28. Маликов Т.С. Давлат бюджети/ Т.С. Маликов, Н.Х. Хайдаров. - Ташкент: IQTISOD-MOLIYA, 2007. - 84 с

29. Қосимова Г.А. Маҳаллий бюджетларни тузиш ва ижросини таъминлаш. Ўқув қўлланма. Т.: Фан ва технология. 2007.

30. Қосимова Г. Давлат молиясини бошқариш. Ўқув қўлланма. - Т.: IQTISOD-MOLIYA. 2008.

31. Қосимова Г.. Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими. Ўқув қўлланма. Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2008.

32. Ибрагимов А.К., Сугирбаев Б.Б. Бюджет назорати ва аудити: Ўқув қўлланма / Т.: infoCOM.UZ. 2009.

33. Ҳайдаров М. Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими. Ўқув қўлланма. Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2010.

34. З.Срожиддинова. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими. infoCOM.UZ. Тошкент-2010.

35. З.Срожиддинова. Бюджетлараро муносабатлар. infoCOM.UZ. Тошкент-2010.

36. У.Бурхонов. Давлат хариди. infoCOM.UZ. Тошкент-2010.

37. Қосимова Г., Шаакрамов К. Маҳаллий бюджетлар. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2012. 260 б.

38. Қосимова Г. Ғазначилик. Ўқув қўлланма. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2013. 448 б.

39. Эшназаров Т. Ўзбекистон Республикасида ғазначилик тизими асослари. Ўқув қўлланма. Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2012. 304 б.
40. И.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича Ўқув қўлланма. – Т.: Иктиносидёт. 2009.
41. Ваҳобов А.В., Абдуллаев Ё.А., Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2009.
42. Афанасьев М.П. Бюджет и бюджетная система (изд:2), Юрайт, 2011. 782 стр.
43. Селезнев А.З. Бюджетная система Российской Федерации. Магистр. 2011. 383 стр.
44. Нешитой А.С. Бюджетная система Российской Федерации (изд:10), Дашков и К. 2011. 336 стр.
45. Нурмухамедова Б., Кабирова Н. “Молия”, Ўқув қўлланма. Т.: VNESHINVESTPROM, 2013. 224 б.
46. Муминов Н., Пулатов Д., Сугирбаев Б, ” Давлат бюджетининг ғазна ижроси ҳозирги даврда ривожланиши, ўрта муддатдаги истиқболда такомиллаштириш йўналишлари”, Ўқув қўлланма. Т: Фан ва технология, 2010.
47. Пулатов Д., “Проблемы казначейского исполнения государственного бюджета: Теория, методология и практика” Монография. Т.: Молия. 2013.-220 с.

### **III.Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар**

48. “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ғазначилиги тўғрисида Низом”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 20 мартағи 53-сон қарорига Илова.

49. “Давлат бюджетининг ғазна ижроси Қоидалари”. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2009 йил 4 августдаги 69-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2009 йил 16 сентябрда 2007-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

50. “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом”. ЎзР Адлия вазирлигига 2157-рақам билан рўйхатга олинган. 19.11.2010.

51. “Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифини қўллаш бўйича Йўриқнома” ЎзР Молия вазирининг 2010 йил 20 августдаги 65-сон буйруғига илова. ЎзР Адлия вазирлигига 2146-рақам билан рўйхатга олинган. 19.11.2010.

52. “Бюджет ижросига ғазначилик тизимини жорий этишнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2011 й.

53. Хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказиш тўғрисида Низом (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.12.2009 й. ПҚ-1245-сон Қарори билан тасдиқланган янги тахрири)

54. Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасида бошланғич нархни пасайтириш юзасидан электрон аукцион савдоларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 сентябрдаги 260-сон қарорига илова.

## **МУНДАРИЖА:**

### **КИРИШ**

#### **1-БОБ. “ҒАЗНАЧИЛИК” ФАНИНИНГ МАЗМУНИ, ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

- 1.1. “Ғазначилик” фанининг шаклланиши ва ривожланиши
- 1.2. “Ғазначилик” фанининг предмети, мақсад ва вазифалари
- 1.3. “Ғазначилик” фанининг иқтисодий фанлар тизимида тутган ўрни ва аҳамияти  
Таянч сўз ва иборалар  
Такрорлаш учун саволлар  
Мустақил ўрганиш учун топшириқлар

#### **2-БОБ. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ҒАЗНА ИЖРОСИННИНГ МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ**

- 2.1. Давлат бюджети ижросини ташкил этиш
- 2.2. Ўзбекистон Республикасида давлат бюджетининг ғазна ижросига ўтиш шарт-шароитлари ва афзалликлари
- 2.3. Давлат бюджети ғазна ижросининг мөҳияти ва ўзига хос хусусиятлари
- 2.4. Газначилик фаолиятининг ташкилий элементлари  
Таянч сўз ва иборалар  
Такрорлаш учун саволлар  
Мустақил ўрганиш учун топшириқлар  
Тест саволлари

#### **3-БОБ. ҒАЗНАЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

- 3.1. Газначилик фаолиятининг қонуний-хуқуқий асослари
- 3.2. Давлат бюджети ғазна ижросини ташкил қилишда Ғазначиликнинг ўрни ва аҳамияти
- 3.3. Молия вазирлиги Ғазначилиги, унинг ташкилий тузилиши ва вазифалари  
Таянч сўз ва иборалар  
Такрорлаш учун саволлар  
Мустақил ўрганиш учун топшириқлар  
Тест саволлари

#### **4-БОБ. ҒАЗНАЧИЛИК ЯГОНА ҒАЗНА ҲИСОБРАҚАМИНИ ЮРИТИШ**

- 4.1. Газначиликнинг ягона ҳисобрақами тўғрисида тушунча
- 4.2. Республика ва худудий ғазначилик ҳисобрақамларининг юритилиши

4.3. Ягона ғазна ҳисобрақамида бюджет даромадлари ижросини ҳисобга олиш

4.4. Ғазначилик ҳисобрақамларидан бюджет харажатларини тўлаш

Таянч сўз ва иборалар

Такрорлаш учун саволлар

Мустақил ўрганиш учун топшириқлар

Тест саволлари

## **5-БОБ. ҒАЗНАЧИЛИКДА БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ ХАРАЖАТ СМЕТАЛАРИНИ ВА УЛАРГА КИРИТИЛАДИГАН ЎЗГАРИШЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ**

5.1. Бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаси тўғрисида умумий тушунча

5.2. Харажатлар сметаларини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби

5.3. Ғазначиликда харажатлар сметаларини ва уларга киритиладиган ўзгаришларни рўйхатга олиш

Таянч сўз ва иборалар

Такрорлаш учун саволлар

Мустақил ўрганиш учун топшириқлар

Тест саволлари

## **6-БОБ. ҒАЗНАЧИЛИКДА ЮРИДИК МАЖБУРИЯТЛАР ВА НАРХЛАР МОНИТОРИНГИ**

6.1. Хўжалик шартномалари ва уларнинг хусусиятлари

6.2. Ғазначиликда юридик мажбурият тушунчаси, унинг юзага келиши

6.3. Ғазначиликда юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш тартиби

6.4. Ғазначиликда нархлар мониторингини ташкил қилиш. Тендерларнинг аҳамияти, уларни ташкил этиш ва ўтказиш

6.5. Электрон аукцион савдоларни ташкил этиш ва ўтказиш

Таянч сўз ва иборалар

Такрорлаш учун саволлар

Мустақил ўрганиш учун топшириқлар

Тест саволлари

## **7-БОБ. ҒАЗНАЧИЛИКДА МОЛИЯВИЙ МАЖБУРИЯТЛАР ВА ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ**

7.1. Молиявий мажбуриятлар, уларни қабул қилишнинг умумий қоидалари

7.2. Ғазначиликда бюджетдан маблағ олувчилярнинг харажатлар тўловини амалга ошириш тартиби

7.3 Молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва тўловларни амалга ошириш орқали бюджет ижросини назорат қилиш

Таянч сўз ва иборалар

Такрорлаш учун саволлар

Мустақил ўрганиш учун топшириқлар

Тест саволлари

## **8-БОБ. БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ҒАЗНА ИЖРОСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ**

8.1. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳақида тушунча, уларнинг гурухланиши

8.2. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича ғазна ижросини ташкил этиш амалиёти

Таянч сўз ва иборалар

Такрорлаш учун саволлар

Мустақил ўрганиш учун топшириқлар

Тест саволлари

## **9-БОБ. ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ ГАЗНА ИЖРОСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ**

9.1. Давлат мақсадли жамғармалари ҳақида тушунча, уларнинг гурухланиши, мақсад ва вазифалари

9.2. Ғазначиликда давлат мақсадли жамғармалари ижросини ташкил этиш

9.3. Давлат мақсадли жамғармалари даромадларини ягона ғазна ҳисобрақамида шакллантириш ва ЯФХ орқали улар харажатлари тўловини амалга ошириш

Таянч сўз ва иборалар

Такрорлаш учун саволлар

Мустақил ўрганиш учун топшириқлар

Тест саволлари

## **10-БОБ. ҒАЗНАЧИЛИКДА ДАВЛАТ ХАРИДИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

10.1. Давлат хариди тўғрисида тушунча. Унинг обьектлари ва субъектлари.

10.2. Ўзбекистон Республикасида давлат хариди тизимини ислоҳ қилиш. Давлат харидларини амалга оширишда Ғазначиликнинг ўрни.

10.3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг давлат харидлари тизимидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш.

10.4. Ўзбекистон Республикасида давлат харидини амалга ошириш механизmlари ва унинг хуқуқий асосларини такомиллаштириш.

Таянч сўз ва иборалар

Такрорлаш учун саволлар

Мустақил ўрганиш учун топшириқлар

Тест саволлари

## **11-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ҒАЗНАЧИЛИК ТИЗИМИ ТАРАҚҚИЁТИ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

11.1. Ғазначилик ягона ахборот тизимининг шаклланиши ва такомиллашуви

11.2. Ғазначилик шароитида бюджет таснифининг такомиллашуви

11.3. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг  
“ЎзАСБО” автоматлаштирилган тизими хусусиятлари

11.4. Ўзбекистон Республикасида Газначилик тизими тараққиёти  
истиқболлари

Таянч сўз ва иборалар

Такрорлаш учун саволлар

Мустақил ўрганиш учун топшириқлар

Тест саволлари

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ИЛОВАЛАР**

## **ОГЛАВЛЕНИЕ**

### **ВВЕДЕНИЕ**

#### **1-ГЛАВА. СОДЕРЖАНИЕ, ПРЕДМЕТ И ЗАДАЧИ ДИСЦИПЛИНЫ “КАЗНАЧЕЙСТВО”**

1.1.Формирование и развитие учебной дисциплины “Казначейство”

1.2.Предмет, цели и задачи дисциплины “Казначейство”

1.3.Место и значение “Казначейства” в системе экономических наук

Ключевые слова

Контрольные вопросы

Задания для самостоятельного изучения

#### **2-ГЛАВА. СУЩНОСТЬ И ЗНАЧЕНИЕ КАЗНАЧЕЙСКОГО ИСПОЛНЕНИЯ ГОСУДАРСТВЕННОГО БЮДЖЕТА**

2.1. Организация исполнения государственного бюджета

2.2. Предпосылки и преимущества перехода на казначайскую систему исполнения государственного бюджета

2.3. Сущность и особенности казначайского исполнения государственного бюджета

2.4. Организационные элементы деятельности казначейства

Ключевые слова

Контрольные вопросы

Задания для самостоятельного изучения

Тестовые задачи

#### **3-ГЛАВА. ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ФУНКЦИОНИРОВАНИЯ КАЗНАЧЕЙСТВА**

3.1. Законодательно-правовые основы казначайской деятельности

3.2. Роль и значение Казначейства в организации казначайского исполнения государственного бюджета

3.3. Казначейство Министерства финансов, его организационная структура и задачи

Ключевые слова

Контрольные вопросы

Задания для самостоятельного изучения

Тестовые задачи

#### **4-ГЛАВА. ВЕДЕНИЕ ЕДИНОГО КАЗНАЧЕЙСКОГО СЧЁТА КАЗНАЧЕЙСТВА**

4.1. Понятие о едином казначайском счёте

4.2. Ведение республиканского и территориальных казначайских счетов

4.3. Учет исполнения доходов бюджета в едином казначайском счете

4.4. Осуществление бюджетных расходов с казначейских счетов

Ключевые слова

Контрольные вопросы

Задания для самостоятельного изучения

Тестовые задачи

## **5-ГЛАВА. РЕГИСТРАЦИЯ СМЕТ РАСХОДОВ БЮДЖЕТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ И ИЗМЕНЕНИЙ В НИХ ПРИ КАЗНАЧЕЙСТВЕ**

5.1. Общее понятие о сметах расходов бюджетных организаций

5.2. Порядок составления, рассмотрения, утверждения и регистрации смет расходов

5.3. Регистрация смет расходов и изменений в них в Казначействе

Ключевые слова

Контрольные вопросы

Задания для самостоятельного изучения

Тестовые задачи

## **6-ГЛАВА. ЮРИДИЧЕСКИЕ ОБЯЗАТЕЛЬСТВА И МОНИТОРИНГ ЦЕН ПРИ КАЗНАЧЕЙСТВЕ**

6.1. Хозяйственные договоры, особенности их составления и утверждения

6.2. Понятие и возникновение юридических обязательств при Казначействе

6.3. Порядок регистрации юридических обязательств в Казначействе

6.4. Организация мониторинга цен в Казначействе

6.5. Организация и проведение электронных аукционных торгов

Ключевые слова

Контрольные вопросы

Задания для самостоятельного изучения

Тестовые задачи

## **7-ГЛАВА. ФИНАНСОВЫЕ ОБЯЗАТЕЛЬСТВА И ОСУЩЕСТВЛЕНИЕ ПЛАТЕЖЕЙ ПРИ КАЗНАЧЕЙСТВЕ**

7.1. Финансовые обязательства, общие правила их принятия и регистрации

7.2. Порядок осуществления платежей бюджетополучателей при Казначействе

7.3. Организация контроля исполнения бюджета при регистрации финансовых обязательств и осуществлении платежей при Казначействе

Ключевые слова

Контрольные вопросы

Задания для самостоятельного изучения

Тестовые задачи

## **8-ГЛАВА. ОРГАНИЗАЦИЯ КАЗНАЧЕЙСКОГО ИСПОЛНЕНИЯ ВНЕБЮДЖЕТНЫХ СРЕДСТВ БЮДЖЕТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ**

8.1. Понятие и группировка внебюджетных средств бюджетных организаций

8.2. Практика организации казначейского исполнения по внебюджетным средствам бюджетных организаций

Ключевые слова

Контрольные вопросы

Задания для самостоятельного изучения

Тестовые задачи

## **9-ГЛАВА. ОРГАНИЗАЦИЯ КАЗНАЧЕЙСКОГО ИСПОЛНЕНИЯ ГОСУДАРСТВЕННЫХ ЦЕЛЕВЫХ ФОНДОВ**

9.1. Общее понятие о государственных целевых фондах, их классификация, цели и задачи

9.2. Организация исполнения государственных целевых фондов при Казначействе

9.3. Формирование в едином казначейском счете доходов государственных целевых фондов и осуществление их платежей с ЕКС

Ключевые слова

Контрольные вопросы

Задания для самостоятельного изучения

Тестовые задачи

## **10-ГЛАВА. ОРГАНИЗАЦИЯ ГОСУДАРСТВЕННЫХ ЗАКУПОК В УСЛОВИЯХ КАЗНАЧЕЙСТВА**

10.1. Общее понятие о государственных закупках, объекты и субъекты госзакупок.

10.2. Реформирование системы госзакупок в Республике Узбекистан. Роль и значение Казначейства в осуществлении государственных закупок

10.3. Расширение возможностей доступа субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства в систему государственных закупок

10.4. Механизмы осуществления государственных закупок в Республике Узбекистан и совершенствование их правовой базы

Ключевые слова

Контрольные вопросы

Задания для самостоятельного изучения

Тестовые задачи

## **11-ГЛАВА. ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ КАЗНАЧЕЙСКОГО ИСПОЛНЕНИЯ ГОСУДАРСТВЕННОГО БЮДЖЕТА В УЗБЕКИСТАНЕ**

11.1. Формирование и совершенствование единой информационной системы Казначейства

11.2. Совершенствование бюджетной классификации в условиях казначейского исполнения бюджета

11.3. Особенности автоматизированной системы ведения бухгалтерского учета в бюджетных организациях “УзАСБО”

11.5. Перспективы развития казначейской системы исполнения государственного бюджета в Республике Узбекистан

Ключевые слова

Контрольные вопросы

Задания для самостоятельного изучения

Тестовые задачи

## **ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА ПРИЛОЖЕНИЯ**

## ИЛОВАЛАР

**1-илова**

**20\_\_ й. " " даги \_\_\_\_\_ ва \_\_\_\_\_ ўртасида  
\_\_\_\_\_ умумий суммага тузилган \_\_\_\_\_ - сонли шартномага**

### ТҮЛОВЛАР ЖАДВАЛИ

(сўмда)

20__ й. ойлар номи	Харажатлар тури			Жами
	...(*)	...(*)	...(*)	
Январ				
Феврал				
Март				
Апрел				
Май				
Июн				
Июл				
Август				
Сентябр				
Октябр				
Ноябр				
Декабр				
<b>Жами ийл бўйича</b>				

Жами \_\_\_\_\_ сўм  
(\_\_\_\_\_)

сумма сўз билан

Юқоридаги қўрсатилган суммадан \_\_\_\_\_ сўм ёки шартноманинг умумий суммасидан \_\_\_\_\_ % 20 \_\_\_\_\_ ойида тўланиши лозим.

(\*\*) - Юқоридаги қўрсатилган суммадан ойига \_\_\_\_\_ % жорий ойнинг \_\_\_\_\_ санасигача ойлик равишда олдиндан тўланиши лозим.

Рахбар (имзо)  
М.Ў.  
Бош ҳисобчи (имзо)

Газначилик бўлинмаси  
ходими қабул қилди \_\_\_\_\_  
20\_\_ й. «\_\_\_»\_\_\_\_\_ (имзо)      Бюджетдан маблағ оловчи  
ходими қабул қилди \_\_\_\_\_  
20\_\_ й. «\_\_\_»\_\_\_\_\_ (имзо)

\*) – бўлим, боб, параграф ва харажатлар моддаси қўрсатилади;

\*\*) – ушбу сатр бюджетдан маблағ оловчилар томонидан қонун ҳужжатларда

белгиланган тартибда электр энергияси етказиб бериш, коммунал хизматлар қўрсатиш, алоқа хизмати ва бошқа шунга ўхшаш ҳар ой қўрсатиладиган хизматлар қўрсатиш учун шартномалар бўйича олдиндан тўлов амалга оширилган ҳолларда тўлдирилади.


**Бюджетдан маблағ олувчиларнинг  
маҳсулот етказиб берувчилик билан тузган шартномаларини рўйхатга олиш  
КИТОБИ**

№	Шартнома тузилган санаси, рақами ва шартнома суммаси	Номи ва реквизитлари		Шартноманинг Газначилик томонидан қабул қилинган санаси	Газначилик- нинг рўйхат рақами	Шартноманин г Газначиликда рўйхатга олинган санаси
		бюджетдан маблағ олувчининг	товар (иш, хизмат)лар етказиб берувчининг			
1						
2						
3						
..						




## Давлат харидлари тизимидағи үзгаришлар

### 1-слайд




### 2-слайд




## З-илованинг давоми

### 3-слайд



### 4-слайд



## З-илованинг давоми

### 5-слайд

